

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# **ПЕДАГОГИКА.ПСИХОЛОГИЯ**

**МАЪРУЗА МАТНИ**

**ГУЛИСТОН**

Мазкур ўқув қўлланмада ижтимоий психология фанининг мақсади, предмети ва вазифалари, ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши, ривожланиш тарихи, ижтимоий психологиянинг назарий манбалари, ижтимоий психологиянинг асосий мавзулари, табиқий ва амалий соҳалари, асосий методлари, ундаги шахс, гуруҳ, бошқарув, муомала муаммолариназарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада ўқитиш жараёнида таълим технологияларини қўллаш, ўқув фаолиятини самарали олиб боришда мустақил ишларни ташкил этиш масалалари атрофлича келтирилган.

Ушбу ўқув қўлланма ҳозирги кунда психологиянинг алоҳида соҳаси сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тўлиқ тушуниш ва унга адекват муносабат ўрната олишга ёрдам берар экан, таълим йўналишларидан академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларга, ва айниқса, педагогика ва психология факультети талаба, магистрантлари, аспирантлари, илмий изланувчилари, шунингдек, психология фани ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: Ф.Алимова

Масъул муҳаррир: психология фанлари номзоди Ш.Усмонова

Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими илмий методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2007 йил майдаги - сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

## К И Р И Ш

Бугун мустақил юртимиз фуқаролари психологиясида рўй бераётган ўзгаришлар, улардаги ҳаётда, унинг қадриятиларига, касб-кори, оиласи ва яқинларига бўлган муносабатларида тобора миллий истиқлол мафқурасининг асосий мазмун ва моҳиятлари мужассамлашмоқда. Шу маънода психология фанининг муҳим тармоғи бўлмиш ижтимоий психология олдида турган вазифалар кўлами ва салмоғи каттадир.

**Биз жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган барча ўзгаришларнинг ижтимоий психологик моҳиятини ижтимоий психологиянинг бугунги ҳолати ва истиқболи нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали бу фаннинг жамиятдаги ўрни ва имкониятларига баҳо беришни ният қилдик.**

**Ўқув қўлланмада кўтарилаётган масалалар ижтимоий ҳаёт сирларининг мухтасар баёни бўлса-да, маълум маънода ижтимоий психологиянинг илмий амалиёт ва илмий тадқиқот қуроли сифатидаги имкониятлари тўғрисида тасаввур беради.**

Ижтимоий психологиянинг вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу китобнинг асосий мақсади инсоннинг жамият билан бўладиган кўплаб мураккаб муносабатлари тизимининг ижтимоий психологик механизмларини ёритиб беришдир. Ушбу ўқув қўлланма ёшларга айнан психологик билимлар асосларини берса-да, умид қиламизки, уларни ўз атрофида рўй бераётган ислохотларга ҳолис баҳо бериш, ўзи ва ўзгалар руҳияти сир-асрорларини бефарқ бўлмаслик, ўз лаёқатларини ўстиришнинг элементар воситаларидан боҳабар бўлишга ёрдам беради.

Китоб ижтимоий психология асослари бўйича мухтасар билимларни беради, бунда албатта ижтимоий психологиядаги тадбиқий, амалий соҳаларга, бошқарув ва раҳбарлик масалаларига, мулоқот ва уни самарали таъсир этиш йўллариغا, мулоқотнинг шакллари, босқичлари, воситаларига, шахснинг ижтимоий муносабатлардаги турли тоифаларига эътиборни қаратади. Ҳар бир боб аввалида бобда кўриладиган масалалар, бобнинг қисқача мазмуни, боб якунида эса қисқача хулоса, назорат саволлари ҳамда мустақил ишлар учун мавзулар берилгандир.

Муаллиф ҳар бир ўқувчи китобни мутоала қилиш жараёнида унда кўтарилган муаммоларга бефарқ қолмайди, жаҳонда ва мустақил юртимизда рўй бераётган оламшумул воқеалар моҳиятини англашда ва уларга нисбатан фаол ҳаётий мавқенинг шаклланишида кўмакдош бўлади, деб умид қилади.

## ТЕМАТИК РЕЖА

№	Мавзулар номи	Ажра тилган хажм	Амалда бажарилиши		Укитув чи имзоси
		соатда	соат	сана	
1	Ижтимоий педагогиканинг предмет ива максади	Маъруза			
2	Ижтимоий педагогика мезонлари ва принциплари	Маъруза			
3	Ўзбекистон ва чет элда ижтимоий педагогика фанининг ривожланиш тарихи	Маъруза			
4	Халқ педагогикаси ва оммавий амалий тарбиянинг замонавий шароитлардаги холати	Маъруза			
5	Ота-оналари назоратсиз қолган болалар ва оилалар билан ижтимоий педагогик фаолият	Маъруза			
6	Ижтимоий педагогикада ахлоқ меъёрлари ва ундан чиқиш тушунчаси	Маъруза			
7	Ичкиликбозлик ва девиант хулқ намоён булишининг шакли сифатида	Маъруза			
8	Гиёҳвантлик. Жиноятчилик-болалар хулқи оғишининг шакли сифатида	Маъруза			
<b>ОН</b>					
9	Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари	Маъруза			
10	Ижтимоий психология фанининг шаклланиши	Маъруза			
11	Ижтимоий психология фанининг асосий методлари	Маъруза			
12	Ижтимоий психологияда муомала психологияси	Маъруза			
13	Муомаланинг коммуникатив, интерактив ва перцептив томонлари психологияси	Маъруза			
14	Ижтимоий психологияда гуруҳлар муаммоси	Маъруза			
15	Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар ва улардаги қонуниятлар муаммоси	Маъруза			
16	Ижтимоий психологияда шахс муаммоси	Маъруза			
17	Бошқарув психологияси асослари	Маъруза			
<b>Жами</b>					
<b>ОН</b>					
<b>ЯН</b>					

1	Ижтимоий педагогиканинг предмети	Амалий			
2	Ижтимоий педагогика мезонлари ва тамойиллари	Амалий			
3	Шарк уйғониш даврида комусий олимларнинг педагогик карашлари	Амалий			
4	Халк педагогикаси ва оммавий амалий тарбиянинг замонавий шароитлардаги ҳолати	Амалий			
5	Оила ва болалар, ота-онасиз қолган болалар билан ижтимоий педагогик фаолият	Амалий			
6	Девиант ҳуқуқли болалар билан ижтимоий педагогик фаолият	Амалий			
7	Спиртли ичимликка мойил усмирлар билан ижтимоий педагогик фаолият	Амалий			
8	Балогат ёшига етмаган ҳуқуқбузарлар билан ижтимоий педагогик фаолият	Амалий			
	<b>ОН</b>				
9	Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари	Амалий			
10	Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши	Амалий			
11	Ижтимоий психология фанининг асосий методлари	Амалий			
12	Ижтимоий психологияда муомала психологияси	Амалий			
13	Муомаланинг коммуникатив, интерактив ва перцептив томонлари психологияси	Амалий			
14	Ижтимоий психологияда гуруҳлар муаммоси	Амалий			
15	Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар ва улардаги қонуниятлар муаммоси	Амалий			
16	Ижтимоий психологияда шахс муаммоси	Амалий			
17	Психологияда бошқариш муаммоси	Амалий			
	<b>Жами</b>				
	<b>ОН</b>				
	<b>ЯН</b>				

## **1-мавзу: Ижтимоий педагогика фан сифатида. Боланинг социумда (ясин муҳитда) ўсиши**

### **Режа:**

1. Ижтимоий педагогиканинг предмети ва объекти.
2. Боланинг ўсиши ҳақида тушунча.
3. Боланинг ўсишида биологик ва ижтимоий асослар.
4. Бола камолотида муҳитнинг таъсири.

Асосий тушунчалар: ижтимоий педагогика, социализация (ижтимоийлашув), социум, ижтимоий роль, ижтимоий мақом.

### **1. Ижтимоий педагогика предмети ва объекти**

Ижтимоий педагогика фан сифатида педагогикадан ажралиб чиқди. Уни ўрганилиш жараёни ва кўриниши педагогика фани томонидан ўрганадиган, бироқ ўзига хослиги аниқ бир соҳани ўрганиш жиҳатдан тадқиқ қилинади. Педагогика фани бу янги тармоғининг ўзига хослиги “ижтимоий” сўзида намоён бўлади.

“Ижтимоий” тушунчаси (лотинча *socialis* – умумий, жамоатчилик) инсонларнинг биргаликдаги ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, уларнинг муомала ва бир-бирига таъсирининг турли хил шакллари бирлаштиради.

Педагогика – бу фан сифатида ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ва таълими ҳақидаги фан бўлса, ижтимоий педагогика эса тарбия ва таълимнинг болалар ҳаётининг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Бу жараён боланинг жамиятга “кириши”, уларнинг маълум бир ижтимоий тажрибага эга бўлиши (билим, бойлик, ўзини тутиш қоидалари, йўналтириш) социализация (ижтимоийлашув) деб юритилади.

Боланинг ижтимоийлашуви – жуда узоқ ва мураккаб жараён ҳисобланади. Ҳар қандай жамият шунга интиладики, ҳар бир бола маълум ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар тизимига, шу жамият меъёр ва қоидаларига эга бўлиши, шу жамиятда яшаш учун, тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга интилади.

Жамият ўзининг қурилишига кўра турли хилдаги ўзаро боғланган ва ўзаро таъсир этувчи ижтимоий институтларга эга. Ижтимоий институт – инсонлар жамиятдаги ҳаётининг тарихан мураккаб шаклда ташкил этилганлиги ва тартибга солинганлигини ўрганади. Худди ана шулар орқали бола жамият меъёрлари ва ахлоқ қоидаларини ўзлаштиради. Шундай ижтимоий институтларни ижтимоийлашган институт деб номлаш мумкин ва буларга оила, таълим, маданият ва дин кабилар киради.


Оила – ижтимоийлашишнинг етакчи институти, бу орқали бола асосий ижтимоий билимни эгаллайди, ахлоқий моҳирлик ва кўникмани олади, маълум баҳо ва энг юксак мақсад қилишни ўзлаштиради, ҳаётида нима керак бўлса шу жамиятдан олади.

Таълим – талим орқали бола бу жамиятга ҳукмронлик қилаётганларни баҳолай олади. Таълимда билим олиш жараёнида, у нафақат ривожланади, балки жамиятдаги ҳаётга мослашади.

Маданият – бу шундай ижтимоий институтки, инсоният ўзи учун яратилган моддий ва маънавий бойликларни танлайдиган маскан. Болага унинг шаклланиш жараёнида адабиёт, мусиқа, расм, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг таъсири тегади.

Дин – ижтимоий институт сифатида мураккаб ижтимоий кўринишга эга. Бир бутунча тизимда алоҳида тасаввур, сезги, ибодат ҳаракатлари, ташкилотлар ва сиқинувчиларнинг турли хил бирлашмалари мавжуд. Доимий ахлоқий қадриятлар, ислом, христиан (яқинларга севги ва ғамхўрлик, ҳалоллик, чидамлилик, яхшилик, меҳр-мурувватлилик ва б), диний байрам ва анъаналар, диний мусиқа ва бошқалар боланинг жамиятдаги ахлоқий меъёрлари таъсир этиши мумкин.

Боланинг жамиятга чиқиш чизмаси – социализация (ижтимоийлашуви)



Фан сифатида ижтимоий педагогика хусусиятларини тушуниш учун у нимани ўрганишини аниқ объекти ва мавзуи. Биз уларни бу янги илмий соҳа ажралиб чиққан педагогика билан солиштиришда аниқлаймиз. Ёдимиздаки, педагогикани ўрганиш объекти – бола, мавзуи эса бола тарбияси ва таълими қонуниятлари ҳисобланади. Унда ижтимоий педагогика объекти бўлиб ҳам бола, уни ўрганиш мавзуи эса бола ижтимоийлашуви (социализацияси) ҳисобланади.

Ижтимоий педагогиканинг педагогика ва социология билан ўзаро таъсири чизмаси



## **2. Бола ривожланиши ҳақида тушунча**

Инсон ривожланиши – жуда мураккаб жараён. У ташқи таъсирлар ҳамда ички кучлар таъсирида содир бўлади. Ташқи омилларга инсонни ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳит, шунингдек болаларда муайян хислатларни шакллантириш бўйича мақсадга йўналтирилган фаолият киради. Ички омилларга эса биологик, ирсий омиллар киради.

Ривожланиш жараёнида бола фаолиятнинг ҳар хил турларига жалб қилинади (ўйин, меҳнат, ўқув, спорт ва б) ва мулоқотга киради (ота-она, тенгдошлар, бегона кишилар ва б. билан). Бунда у ўзига хос бўлган фаолликни намоён этади. Бу муайян бир ижтимоий тажрибани эгаллашга ёрдам беради.

Бола ривожланишининг ҳар бир даври учун фаолият турларидан бири асосийси, етакчиси бўлади. Бир тур бошқаси билан алмаштирилади, бироқ ҳар бир фаолиятнинг янги тури олдингисининг ичида юзага келади.

Бола туғилишидан бошлаб нормал ривожланиши учун мулоқот муҳим аҳамиятга эга. Фақатгина мулоқот жараёнида бола инсон нутқини ўзлаштириб олиши мумкин. Бу ўз навбатида бола фаолиятида ва атроф-муҳитни билиш ва ўзлаштиришда етакчи вазифани бажаради.

Шахс ривожланиши ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиб бола эҳтиёжи ва уни қониқтириш имконияти ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлар ҳисобланади.

Инсондаги биологик ва ижтимоий омиллар – бу бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки параллел чизиклар эмас. Ҳар бир шахсда улар шундай чамбарчас қўшилиб кетадики, уларнинг фарқлари шундай турли-туманки, тадқиқотчилар бола ривожланиши асосида икки ўта муҳим бўлган омилни ирсият ва муҳитни ажратади. Улар (ирсият ва муҳит) инсон ривожланиши манбалари ва шартлари ҳисобланади.

## **3. Биологик ва ижтимоий омиллар**

биологик омиллар. Биологик ирсият инсонни инсон қиладиган умумийликни ҳамда инсонларни ташқи ва ички жиҳатдан турли қиладиган фарқланишни аниқлайди. Ирсият деганда болалар генетик дастурига киритилган муайян хислат ва хусусиятларнинг ота-онадан болага ўтилиши тушунилади.

Наслдан бола инсон организми, инсон асаб тизими, инсон мияси ва сезги аъзоларини олади.

Ота-оналардан болаларга тана тузилиши хусусиятлари, соч ранги, кўз, тери ранги каби бир инсонни бошқа инсондан фарқлайдиган ташқи омиллар ўтади. Наслдан асаб тизимининг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўтади. Булар асосида асаб фаолиятининг маълум бир тури ривожланади.

Инсон ривожланишида интеллектуал хислатларнинг ўтиши масаласи жуда муҳимдир. Филолог ва психологлар тадқиқотларига кўра қобилиятлар наслдан ўтмайди, фақат қобилиятларни ривожлантириш учун потенциал имкониятлар ҳисобланган қобилият нишонлари ўтади.

Бола ривожланишида ирсият аҳамияти ҳақида гапирганда ирсий табиатга эга бўлган бир қатор касаллик ва патологияларнинг мавжудлигини эътиборга олиш лозим. Масалан, психик бузилишлар (шизофрения), қон касаллиги (гемофилия),



эндокрин бузилишлар (паканалик). Ота-оналар алкоғолизм ива гиёҳвандлиги насл учун салбий таъсир кўрсатади. Ташқи омиллар бўлган атмосферанинг, сувнинг ифлосланиши, экологиянинг бузилиши ҳам бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Жисмоний камчиликли (кўрлар, карлар, таянч-ҳаракатлантирувчи аппаратнинг бузилиши ва б) болалар туғилиши кўпаймоқда.

Шундай болалар учун мулоқотда бўлиш жамиятга “кириш” анча мураккабдир. Булар билан махсус тайёрланган педагоглар шуқулланади.

#### Ижтимоий омиллар

Инсон бўлиб етишиш учун фақатгина биологик ирсиятнинг ўзи кифоя эмас. Инсон фақат социализация жараёнида, яъни мулоқотда, бошқа инсонлар билан ўзаро таъсирда шахс бўлиб етишади. Инсон жамиятидан ташқарида маънавий, ижтимоий, психик ривожланиши содир бўла олмайди. Бу фикрни барчага маълум ҳоллар, яъни инсон боласи ҳайвонлар орасида ўсгани янада мустаҳкамлайди.

#### Инсон бўлиб туғилди, лекин инсон бўла олмади.

Ўзирги кунда инсон цивилизацияси тарихида қайд этилган бир қанча далиллар бор. Рим асосчилари Ромул ва Рем бўри онаси билан эмизилган эди (шундай деб афсонада гап юритилади), маугли бўрилар тўдасида тарбияланган эди. Инсон болаларини бўрилар билан боқилганининг 15 ҳоли, айиқлар -5 ҳоли, маймунлар – 10 ҳоли, леопард – 1 ҳоли, қўй – 1 ҳоли маълум.

1920 йили Ҳиндистонда доктор Синг бўрилар уясида бўри болалари билан бирга иккита қизчани (бири 2 ёшда, иккинчиси 7-8 ёшларда) топган. Кичиги Амала, каттасини Камала деб номлашди.

Бошида улар ўзини ёввойи ҳайвонлардек тутди. Тунда эмаклаб юришарди ва югуришарди, кундузи ухлашарди, қўлдан фойдаланмай чапиллатиб овқатланишарди. Кичик қизча тезда ўлиб қолди, каттаси 10 йилга яқин яшади.

Шу йиллар ичида доктор Синг Камалани кузатиш кундалигини батафсид олиб борди. Жийинчилик билан ўқирди. 2 йил уни тик туришга ўргатишга тўғри келди. 6 йилдан сўнг юра бошлади, лекин илгаридек эмаклаб югурарди. Биринчи 4 йиллар ичида 6 та сўзни ўзлаштирди. 7 йилдан сўнг сўз бойлиги 45 та сўзга, 3 йилдан сўнг эса 100 гача етди. Шунини ўзида тил жараёни тўхтади. Бу вақтга келиб Камала инсон жамиятини яхши кўрди, ёруғликдан қўрқмай қолди, қўл билан овқатланишга ва станкандан ичишга ўрганди. 17 ёшга етгач Камала ривожланиши даражасига қараганда 4 ёшлик боладек эди.

Бу ҳол шунини кўрсатадики, одам охир-оқибатда инсонлар жамиятига тушиб қолганида ҳам одам даражасига етмаган. Нима ўзи одамни одам қилади?

Биологик индивидни ижтимоий субъектга айланиши одам социализация жараёнида, унинг жамиятга “киришида”, турли хил ижтимоий гуруҳ ва тузилмаларга кадриятлар, кўрсатмалар, ижтимоий ўзини тутиш меъёр ва намуналарини ўзлаштириш орқали “киришида” содир бўлади.

Социализация – узлуксиз ва кўп қиррали жараён. Бу жараён айниқса, болалик ва ўсмирликда жадал кечади. Агар бу жараённи образли қилиб уй қурилиши деб тасаввур қилса, унда айнан болаликда бутун бинога пойдевор қўйилади ва қурилади. Кейинчалик бутун умр давомида фақатгина пардозлаш ишлари олиб борилади.

Бола социализацияси жараёни, шахс сифатида унинг шаклланиши ва ривожланиши атроф-муҳит билан ўзаро таъсирда содир бўлади.


Шахс социализациясининг макро (грекча *macro* “катта”), мезо – (*mesos* “ўрта”) ва микро (*micro* “кичик”) омилларини фарқлайдилар.

Микроомиллар – инсон яшайдиган мамлакат, жамият, давлат ҳамда дунёвий планетар жараёнлар – экологик, демографик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ваб.

Мезоомиллар – этник кўрсатмаларни шакллантириш, шахснинг миллий ҳаёт ва этникаро муносабатларнинг у ёки бу ҳолларини қабул қилиши, инсонларнинг ўз эпоси (халқи) тарихи ва ҳозирги ҳаёти ҳақида қарашлари ва фикрлари; бола яшайдиган ва ривожланадиган минтақавий шарт-шароитларнинг таъсири; яшайдиган жой тури (шаҳар, туман маркази, қишлоқ); оммавий коммуникация воситалари ва б.

Микроомиллар -яқингина маконни ва ижтимоий муҳитни ташкил қиладиган оила, таълим муассасалари, тенгдошлар гуруҳи ва б. мана шу яқингина муҳитни, яъни бола ўсадиган муҳитни социум ёки микросоциум деб аташади.

Бола социализациясига омилларнинг таъсири чизмаси



Социум (яқин муҳит) – бола социализацияси учун муҳим аҳамиятга эга. Бу яқин ижтимоий муҳитни бола аста-секин ўзлаштиради. Бошида у (бола), асосан, оилада ривожланади, сўнг янги муҳитларни ўзлаштиради – мактабгача муассасалар, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар, ўртоқлар давраси, дискотекалар ва ҳ.к. Ёш ўтган сари бола томонидан ўзлаштирилган ижтимоий муҳит “ҳудуди” тобора кенгайиб боради.

#### **4. Бола ривожланишида муҳитнинг таъсири**

Ижтимоий педагогикада социум, ижтимоий муҳит яқин ижтимоий ижтимоий муҳит орқали боланинг умуман жамиятга кириб бориши жараёни нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Социумда инсон муносабатлари ва ҳаёти

ижтимоий шарт-шароитлари ўзаро таъсир хусусиятига эга. Муҳит – бу нафақат кўча, уй ва буюмлар. Муҳит – бу яна ўзига хос муносабат ва қоидалар ўзига хос муносабат ва қоидалар тизимига эга бўлган турли хил инсонлар бирлиги. Шунинг учун, бир томондан инсон унга (муҳитга) нимадир ўзиники олиб киради, маълум бир даражада унга таъсир қилади, уни ўзгартиради, лекин шу билан бирга муҳит ҳам инсонга таъсир кўрсатади, унга ўз талабларини қўяди.


Муҳитнинг инсонга бўлган муносабати шу билан аниқланадики, унинг ўзини тутиши қанчалик муҳит ишончига тўғри келади. Инсоннинг ўзини тутиши кўп ҳолда жамиятда у қандай ўринни эгаллаши билан аниқланади.

Инсон жамиятда бир вақтда бир қанча ўринларни эгаллаши мумкин. Масалан, аёл киши ўқитувчи, рафиқа, она, қиз бўлиши мумкин. Ҳар бир тутган ўрин инсонга муайян бир талабларни қўяди ва шу билан бирга унга қандайдир ҳуқуқларни беради. Жамиятда инсоннинг ўзини тутиши муайян бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан тавсифланади, социологияда бу ижтимоий мақом деб аталади.

Баъзи бир мақомлар бизга туғилишимиздан берилади. Инсон мақоми жинси, миллати, туғилган жойи, исм-шарифи ва бошқа омиллардан келиб чиқади. Бундай мақомлар туғма ёки берилган деб аталади. Бошқалари эса инсоннинг ўзи мустақил равишда жамиятда шахсий ҳаракатларига кўра эришгани билан аниқланади. Масалан, педагог, врач, муҳандис мақомини инсон керакли касбий таълим юртида ўқигани ва диплом олгани учун олади. Бу ҳолда эришилган ёки олинган мақом ҳақида гап юритилади.

Мақом инсоннинг жамиятда ўзини тутишини аниқлайди. Маълум бир вазиятларда шахс ўзини истаганича эмас, балки ўз мақомига кўра туттади. Атрофидаги инсонлар ундан бу вазиятларда муайян интизомни кутади, яъни инсон муайян бир ролни ўйнашга мажбур. Шунинг учун, инсон мақомидан келиб чиққан кутилаётган интизом ижтимоий рол деб аталади.

Жамиятда нафақат у (жамият) билан кутилаётган мақомлар, балки ижтимоий меъёр ва кадриятларга тўғри келмайдиган мақомлар ҳам мавжуд. Шунинг учун ривожланиш жараёнида бола позитив ижтимоий ролни ва шу билан бирга негатив ролни ҳам ўзлаштириши мумкин.



Позитив ролли: оила аъзоси (ота ва она, бува ва буви, ўғил ёки қиз, ака ва сингил, неvara ва б.), жамоа аъзоси (ўқувчи, ўртоқ, дўст, етакчи ва б.), истеъмолчи (инсонга овқат, кийим, оёқ кийим ва б.), фуқаро (Ватанни севади, у билан фахрланади, ватанпарвар бўлиш), мутахассис (ўқитувчи, врач, иқтисодчи, муҳандис ва б.).

Бола билан маълум ролда ўзини тутиш механизми унга ижтимоий муносабатларга муваффақиятли киришиб кетишни таъминлайди, ҳар бир у учун янги бўлган вазиятга мослашиб кетиш имкониятини беради.

Бу индивидуни ижтимоий муҳит шарт-шароитига мослашиб кетиши жараёни ижтимоий мослашув деб аталади.

Социализация жараёнида, хусусан боланинг ижтимоий мослашувида инсоннинг “ҳаммадек” бўлиши объектив эҳтиёжи намоён бўлади. Бироқ шу билан параллел равишда болада - бошқа эҳтиёж - ўзини ўз индивидуаллигини кўрсатиш эҳтиёжи шаклланади. Бола уни ифодалаш усул ва воситаларини қидира, намоён қила бошлайди, натижада унинг индивидуаллаштирилиши содир бўлади. Бола индивидуаллаштирилиши шунда ифодаланадики, у ёки бу ижтимоий аҳамиятга эга шахс хислат ва хусусиятлари айнан шу инсонга мансуб шаклда намоён этади. Ижтимоий ўзини тутиш эса бошқа инсонлар интизомига ташқи томондан ўхшашига қарамай нотакрор, индивидуаллик қирраларни эгаллайди.

Боланинг ижтимоий ривожланиши шундай қилиб икки йўналиш бўйича содир бўлади: социализация (ижтимоий маданий тажрибани эгаллаш) ва индивидуаллаштириш (мустақил бўлиш).

Агар болани социумга киритишда социализация ва интеграция жараёнлари орасида мувозанат белгиланса, яъни бола, бир томондан, мазкур жамиятда ўзлаштирилган меъёр ва қоидаларни ўзлаштиради, бошқа томондан унга ўз

аҳамиятли “умумий”ни индивидуаллигини кўшса, социумда боланинг интеграцияси содир бўлади.

Агар боланинг гуруҳга мослашиш жараёни содир бўлмаса, унда ўзига ишонмаслик, тортинчоқлик, ташаббуссизлик содир бўлиши мумкин, бу шахсни жиддий деформацияга олиб келиши мумкин.

Агар бола мослашув фазасидан ўта олса ва атрофдагиларга ўз индивидуал фарқларини кўрсатишни бошласа, атрофдагилар эса унинг индивидуализмини жамият меъёрларига тўқри келмайди деб ҳисобласа, унда болада негативлик, гумонсирашлик, агрессивлик, ўзига юқори баҳо бериш ривожланади.

Бола ривожланишига тарбия ҳам таъсир кўрсатади. Ҳозир педагогикада “социализация” ва “тарбия” тушунчалари кенг муҳокама қилинмоқда. Тарбия шахс социализацияси асосий омилларидан бири.

Агар бола ижтимоий меъёр ва қадриятларни ўзлаштирмаса (муҳит негатив таъсири натижасида), унда тарбиячилар ва мутахассислар ҳаракатлари ижтимоий мослашувга (ижтимоий муҳит шарт-шароитларига мослашиш) йўналтирилган бўлиши лозим.

Агар ижтимоий аҳамиятга эга хислатларнинг шаклланмаганлиги шунчалик юқори бўлса, болани ижтимоий муҳит шарт-шароитларига мослашишига ҳалақит берса, яъни унинг ижтимоий қарши мослашуви содир бўлса, бу ҳолда бола билан йўқотилган ижтимоий алоқа ва муносабатларни тиклашга йўналтирилган махсус чоралар тизимини тадбиқ этишни кўзда тутадиган ижтимоий тикланиш зарур.

Шундай қилиб, ривожланиш жараёнида бола социумда ижтимоий мослашувни ўз ичига оладиган унинг социализацияси амалга оширилиши керак. Агар бу содир бўлмаса, бошқа ҳол - қарши мослашув ҳоли кузатилади, унда болани ижтимоий қайта тиклаш зарурияти юзага келади.

## **2-мавзу. Ижтимоий педагогика мезонлари ва принциплари**

### **Режа:**

1. Педагогика ижтимоий педагогика мезонлари.
2. Ижтимоий педагогик фаолият.
3. Ижтимоий таълим (ўқитиш).
4. Ижтимоий тарбия.
5. Ижтимоий педагогика принциплари: а) тарбиянинг табиат билан уйғун бўлиш принципи; б) маданият билан уйғун бўлиш принципи; в) гуманизм принципи.

Асосий тушунчалар: мезон ва принциплар, ижтимоий педагогик фаолият, ижтимоий таълим ва тарбия, табиатлашув, маданиятлашув, гуманизм

### **1. Педагогика ва ижтимоий педагогика мезонлари**

Фаннинг билимлар тизими унинг тушунчалари ва мезонларида акс этади. Тушунчалар – мавжуд дунёни идрок этиш жараёнидаги акс этиши шаклларида бири. Ўар қандай фан ривожланиши жараёнида тушунчалар фан мезонига бирлашади, кенгайди ва қайта ҳосил қилинади. Мезонлар янада умумий,

фундаментал “аслий” деб аталмиш тушунчаларни билдиради. Бу тушунчалардан мазкур фанда ишлатиладиган қолган тушунчалар ҳосил бўлади.

Охирги йилларда педагогикада фарқланиш жараёни кучайди. Кўпгина янги илмий соҳалар юзага келди, булар сонига ижтимоий педагогика ҳам киради. Педагогиканинг ҳар бир янги илмий соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар унинг мезон ва тушунчалари тизимида ўз аксини топади.

Ижтимоий педагогика мезонларини кўриб чиқишда аввал биз педагогика мезонларини ажратамиз. У (педагогика) бошқа фанлардан нимани ўзлаштирганини, қайси мезонлар асл ўзиники эканлигини кўриб чиқамиз. Сўнг у бошқа фанлардан нимани ўзлаштирганини ва қайси тушунчалар ўзиникилигини билиш учун педагогика мезонларини ижтимоий педагогикага лойиҳалаштирамиз. Маълумки, педагогика бошқа фанлар тушунчаларини ўзлаштиради ва улардан кенг фойдаланади, масалан, “шахс”, “ривожланиш”, “фаолият”, “социализация (ижтимоийлашув)”, “жамият”. Унинг асл мезонлари “тарбия”, “таълим” ва “ўқитиш” ҳисобланади. Ўзирги кунда шунингдек, умумқабул қилинган “педагогик фаолият” мезони ҳам киради.

Ижтимоий педагогика мезонларига “ижтимоий педагогик фаолият”, “ижтимоий таълим” ва “ижтимоий тарбия” киради.

### Педагогика ва ижтимоий педагогика мезонларининг қиёсий жадвали

Педагогика		Ижтимоий педагогика	
ўзлаштирилган	асл	ўзлаштирилган	Асл
	Таълим ўқитиш тарбия	Таълим ўқитиш тарбия	ижтимоий ўқитиш ижтимоий тарбия
Болалар (бола) шахс ривожланиш, фаолият	Педагогик фаолият	Бола (болалар) шахс ривожланиш, фаолият	Ижтимоий педагогик фаолият
Ижтимоийлашув		Жамият социум ижтимоий институт ижтимоийлашув, ижтимоий мослашув, ижтимоий тикланиш	

## 2. Ижтимоий педагогик фаолият

Педагогик фаолият – таълим ва тарбия орқали ижтимоий маданий тажрибани беришга йўналтирилган касбий фаолият туридир. Бу фаолият таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлари билан белгиланади.

Ижтимоий педагогик фаолият болага ижтимоийлашуви жараёнида (боланинг жамиятга “кириши”) ёрдам кўрсатишга қаратилган касбий фаолият

туридир. Бола билан бўлиши мумкин турли хил таълим муассасалари, ташкилотлари, бирлашмалари ижтимоий педагоглар билан амалга оширилади.

Ижтимоий педагогик фаолият ҳар доим манзилли, яъни аниқ бир болага ва ижтимоийлашув, жамиятга интеграция жараёнида юзага келадиган муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

### **Педагогик ва ижтимоий педагогик фаолиятнинг қиёсий жадвали**

<b>Касбий фаолият тури</b>	<b>Фаолият мақсади</b>	<b>Фаолият хусусияти</b>	<b>Фаолият объекти</b>	<b>Фаолият амалга ошириладиган фаолият</b>
Педагогик фаолият	Ижтимоий маданий тажрибани олиш	Дастурли меъёрланган, узлуксиз	Барча болалар	Таълим муассасалари
Ижтимоий педагогик фаолият	Бола ижтимоийлашувида ёрдам	Манзилли, чегараланган, вақтда чекланган	Ижтимоийлашув муаммоларига эга бола	Таълим муассасалари, ижтимоий педагогик муассасалар, ижтимоий хизмат

### **3. Ижтимоий таълим (ўқитиш)**

Ижтимоийлашув жараёнида бола жамият, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий мақом ва ўринлар, ижтимоий ўзини тутиш меъёр ва қоидалари ҳақида кўпгина билимларни ўзлаштиради. У шунингдек, интеграцияси ва жамиятга киришга ёрдам берадиган турли хил малака ва кўникмаларни эгаллайди.

Агар нормал оилада нормал бола (жисмонан ва психик соғлом) туғилса, унда унинг жисмоний, психик ва ижтимоий шаклланиши маълум қонунларга кўра содир бўлади. Бола аввал жисмоний маконни ўзлаштиради, унда йўлини топишга ўрганади: эмаклаш, ўтириш, юриш, югуриш ва ҳ.к. Сўнг у кўчани ўзлаштиради. Бола яқин кишиларни ажратади (отани, онани, ака-укаларини), ўз исмига эгалигига ўрганади, унга жавоб беришни бошлайди, болада ижтимоий хуш кўришлар, ҳис-туйғулар, ижтимоий тажриба шаклланади. Бола ижтимоий ривожланишида нутқ катта аҳамиятга эга. Халқ руҳи хазинасидаги бор нарса тил ёрдамида бола дилига ўтади. Тилда халқ тарихи, характери, урф-одатлари, анъаналари сақланиб қолади. Тилни ўзлаштириб, бола халқ маданияти, ижтимоий тажриба ва ижтимоий анаъаналарни ҳам ўзлаштиради.

Энг муҳим бўлган бола ижтимоий ривожланиши ўйинларда содир бўлади. Ҳўйинлар ёрдамида болалар турли хил ижтимоий роллар билан танишади, “отанаоналар”ни ўйнайди.

Агар бола жисмоний ва психик камчиликлар билан туғилса, унда ижтимоий тажрибани ўзлаштириш анча мураккабдир. Агар бундай бола оддий оилада туғилса, унда боланинг ижтимоий тикланиши кўп ҳолда бунга тайёр бўлмаган ота-оналар зиммасига тушади. Бола ўзи учун зарур бўлган муҳитдан ташқарида, масалан, чақалоқ уйида, сўнгра болалар уйида тарбияланса бошқа гап. Бу ҳолда баъзи бир ижтимоий ролларни табиий йўл билан ўзлаштириш бўлмайди; ота, она, ака-ука, бошқа қариндошлар. Бундай ҳолларда болаларда муайян бир билим ва малакаларни шакллантиришга имкон берадиган, улар билан ижтимоий тажрибани ўзлаштирилишига ва жамиятда уларнинг интеграциясига ёрдам берадиган махсус методика ва технологиялар мавжуд бўлиши керак.

Мактабда ўқитиш жараёнида бола авваламбор академик билимларни олади. Бироқ шу билан бирга уни ижтимоий меъёрларни, кўрсатмаларни, қадриятларни, ролларни янада муваффақиятли ўзлаштирилишини таъминлайдиган маълум бир ижтимоий билим, малака ва кўникмаларни эгаллаши лозим.

Бола ижтимоийлашувига ёрдам берадиган ижтимоий билимларни бериш ва ижтимоий малака ва кўникмаларни шакллантириш мақсадга қаратилган жараёни ижтимоий ўқитиш деб аталади.

#### **4. Ижтимоий тарбия**

Педагогиканинг асосий мезони – тарбия. Тарбия – ижтимоий ҳаётнинг абадий вв умумий мезони. Педагогика болалар тарбиясини шахс ахлоқий хислатларини шакллантиришнинг мақсадга қаратилган жараёни сифатида кўриб чиқади.

Бироқ бу тарбия жараёни ҳар доим ҳам етарли даражада самарали бўлмайди. Юқорида ижтимоий таълим вазифасини кўриб чиқиб, кўрсатдики, болада муайян бир ижтимоий билим, малака ва кўникмалар шаклланиши керак. Уларнинг шаклланиши жараёни, масалан, отага, онага Қамхўр, эътиборли, меҳрибон, раҳмдил муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Агар қандайдир сабабга кўра болада ижтимоий билимлар шаклланмаган бўлса, демек, муносабатлар шаклланмаган, яъни унга зарур бўлган ижтимоийлашувда қандайдир шахс хислатлари ҳам шаклланмаган. Шунинг учун ижтимоий педагогик фаолият жараёнида боладаги шундай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хислатлар шаклланган бўлиши керак – шуни ўзи ижтимоий тарбиянинг вазифасидир.

Яъни, ижтимоий тарбия деганда муваффақиятли ижтимоийлашув учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятли бола шахси хислатларининг шаклланиши мақсадга қаратилган жараёни тушунилади.

#### **5. Ижтимоий педагогика принциплари**

“Принцип” сўзи латинча *principium* сўзидан ҳосил бўлган ва “асос”, “бошланиш”ни билдиради. Ўар қандай фан учун ишлатилиши, муайян қоидалардан келиб чиқадиган ўз принциплари мавжуд. Фанда принцип ва қоидалар, бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Улардан четга чиқиш мумкин эмас, акс ҳолда педагогик фаолият нафақат бефойда, балки ҳам зарарли бўлади.



Ижтимоий педагогика педагогикадан ажралиб чиқди ва табиийки, ўз асосида шу фан принципларига таянади. Педагогикадаги принциплар шахс таълим-тарбиясининг умумий йўналишини беради ва аниқ педагогик вазифаларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ шу фан ривожланишининг ҳар бир даври учун педагогика принциплари ҳақидаги масала мунозаралидир. Замонавий давр ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар хил олимлар у ёки бу принципларни олға суради ёки янгидан маълумларни изоҳлайди. Бу борада ижтимоий педагогикада янада кўп қийинчиликлар юзага келмоқда, аммо унинг дунёвий балоғат ёшига (100 йилдан ортиқ) қарамай Ўзбекистонда бу фан энди ўзининг биринчи қадамларини кўймоқда.

Биз учта принципларни кўриб чиқамиз – тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши тўғрисидаги принцип, тарбиянинг маданий уйғун бўлиши принциплари ва гуманизм принциплари. Шу принциплардан ҳар бири ижтимоий педагогикада ўзининг талқинига ва ўзига хос хусусиятига эга.

### **5. а) Тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши принциплари**

Тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши – ижтимоий педагогика принциплари, шунга кўра ижтимоий педагог ўз амалий фаолиятида боланинг табиий ҳолда ривожланиши омилларига таянади.

Тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши принциплари илк бор буюк славян педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) билан унинг “Буюк дидактика” (1632) деган энг асосий ишида таърифланган Коменский, инсон табиатининг бир қисми сифатида унинг энг асосий, умумий қонунларига бўйсунди, деб ҳисоблади. Коменскийнинг фикрича, табиатнинг бу қонунлари ўсимликлар ва ҳайвонлар оламида ҳам, шунингдек, инсонга нисбатан ҳам ўз таъсирини ўтказиб туради. Я.А.Коменский нафақат табиатнинг умумий қонунларига, балки бола шахси психологиясига ҳам таянарди. У болалар, ўспиринлар ва ёш йигитларнинг ёшига оид тавсифига таянган ҳолда ўз болалар таълим-тарбияси тизимини илгари суради, асослайди ва қуради.

Коменскийдан анча илгари Шарқ Уйғониш даври буюк қомусий олими ва мутафаккири Абу Али ибн Сино (980-1037) ўз ишларида тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши ҳақида гапирган эди.

Масалан, “Уй-рўзғор тутиш” ҳақидаги асарида Ибн Сино ёзган эдики, инсон ақлли мавжудот, шунинг учун табиатда алоҳида ўрин тутди ва унинг қонунларига кўра ривожланади. “Ёмон хислатларни қайта тарбиялаш” асарида эса Ибн Сино ёздики, кимки ахлоқсиз инсонни тарбияламоқчи (қайта тарбияламоқчи) бўлса, унда у уни ҳар томонлама ўрганиши (инсонни), инсон табиати қоидаларини билиши керак.

Натижада тарбиянинг табиат билан уйғун бўлиши принциплари кўпгина буюк педагоглар томонидан ўз педагогик ва ижтимоий педагогик назариялари қуриш асоси сифатида олинган эди. Масалан, француз файласуфи Жан Жак Руссо (1712-1778) ҳисоблаган эдики, бола тарбияси табиат билан уйғун равишда амалга оширилиши керак. У ёздики, “Болалар катта бўлишидан илгари бола бўлиши керак”.

Швейцар педагоги Иоганн Генрих Песталоцци (1746-1827) етим ва қаровсиз болалар учун муассасалар ва болалар уйини яратган, у ҳисоблардики, табиат мақсади – инсон табиий кучлари ва қобилиятларини ривожлантиришдир, бунда ривожланиш ҳар томонлама ва уйғун бўлиши лозим.

Немис олим-педагоги Адольф Дистервег (1790-1866) ҳам И.Г.Бесталоцци кетидан бу принципни энг муҳим тарбия принципи деб ҳисоблаган. Уз ишларида ёзган эдики, таълим ва тарбия жараёнида ё шва индивидуал хусусиятларни эътиборга олиш лозим.

Тарбиянинг табиат билан уйғун бўлиши рус классик педагоглари ишларида ҳам ўз аксини топган. К.Д.Ушинский (1824-1871) ўзининг асосий “Инсон тарбиянинг мазуси сифатида” деган психологик-педагогик асарида ёзган эдики, бола тарбияси ва таълими учун тарбия принциплари ва қоидаларини билиш, балки инсон табиати асосий қонунларини билиш, уларни ҳар бир аниқ ҳолда татбиқ қила олиш лозим. К.Д.Ушинский физиология, гигиена ва психология (диққат, хотира, тасаввур, ҳислар, ирода) асосларини олдиндан ўрганиш заруриятини асослаб берди, бунинг асосида сўзлаш қобилиятини, ахлоқий, эстетик ва диний ҳисларни, дидактикани ўрганишга ўтиш мумкин.

Шарқ Уйғониш даври мутафаккир қомусий олими Абу Наср ал-Фароби (873-950) педагогиканинг мустақил фан сифатида ажралиб чиқишига қадар ўз асарларида эдики, инсон табиатнинг энг таъкидлаган олий ютуқидир ва ўз ақлига кўра атроф-муҳитни ҳар томонлама идрок қилиш мумкин.

Абдулла Авлоний (1878-1934) “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” деган асарида турли шахс ахлоқий ҳислатларини тарбиялашга катта эътибор беради. Унинг асарини ўзбек тилида ёзилган педагогика бўйича биринчи дарслик деб ҳисоблаш мумкин.

1) Педагогика мустақил фан сифатида Я.А.Коменскийнинг “Буюк дидактика” (XVII аср) деган асаридан сўнг ажралиб чиқди, унда дидактика принциплари ва педагогик жараён қонуниятлари аниқ таърифланган.

Фаробий педагогикани мустақил фанга ажратмаган, уни сиёсий (фуқаро) фан таркибига киритган.

Унинг фикрича, болаларда ижобий ахлоқ ҳисларини тарбиялашда атроф-муҳит катта табиий камолотига ишонарди, бола табиатидан гўзаллик ва меҳроқибат билан уйғун равишда туғилади.

Ижтимоий педагогикада тарбиянинг табиат билан уйғун бўлиш принципига амал қилиб, қуйидаги қоидаларга таяниш лозим:

- Болалар ёши хусусиятларини эътиборга олиш;
- Болалар жинсий хусусиятларини эътиборга олиш;
- меъёрдан четга чиқиш билан боғлиқ бўлган болаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш;
- бола шахсидаги ижобий, кучли томонларга таяниш;
- бола ташаббускорлигини ва мустақиллигини ривожлантириш.

## **5. б) Маданият билан уйғун бўлиш принципи**

Бу принцип тарбиянинг табиат билан уйғун бўлиши принципнинг давомидир. Унинг зарурияти инсон табиати билан шартланган. Инсон биологик мавжудот сифатида туғилади, шахс бўлиб эса бир авлоддан иккинчи авлодга шахс тарбияси ва ривожланиши жараёнида ўтадиган ўзини тутиш ижтимоий тажрибани ўзлаштириб, етишади.

Антик жамиятдаги файсуфлар ва педагоглар шахс шаклланиши ва маданият ўртасидаги чуқур боғлиқликни таҳлил қилганлар. Шу нарсага Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари ва қомусий олимлари бўлган Фаробий, Беруний, Ибн Сино, XII аср инсонпарвари Алишер Навоий ҳам ўз асарларида таянганлар. Бунда иккита муҳим тезис белгиланди: шахс маданият орқали шаклланади, ҳар қандай маданият асосий бойлиги эса инсондир. Ётмиш файласуфи ва педагоглари ҳисоблардики, маданият юқори ахлоқий инсонни шакллантиришнинг зарурий ва энг муҳим омилдир.

Маданий уйғун бўлиш принципи педагогикада А.Дистервег (XIX аср) билан илгари сурилган. У ҳисоблардики, тарбия қилишда жой ва вақт шарт-шароитларини, яъни инсон туғилган вақти ва жойини, бир сўз билан айтганда бутун замонавий маданиятни эътиборга олиш зарур. Бутун инсоният, ҳар бир халқ ва ҳар бир авлод маданият ривожланишининг маълум бир поғонасида туради – бу аждодлар билан улар тарихи натижаси сифатида қолдирилган мерос. Маданий уйғун бўлиш принципи муайян ташқи, ички ва ижтимоий маданият асосида ўқув-тарбиявий жараённи ташкил қилишни билдиради. Дистервегга кўра ташқи маданият – бу ахлоқ турмуш, истеъмол қилиш меъёрлари ички маданият – инсоннинг маънавий ҳаёти. Ижтимоий маданият ижтимоий муносабатлар ва миллий маданият.

Россия педагогикасида маданий уйғун бўлиш Ғояси К.Д.Ушинский асарларида берилган эди. У шу ҳақида ёзардики, агар биз зиёли инсон ва фуқарони тарбияламоқчи бўлсак, ёзиш, ўқиш, санаш, малакасидан, ўз дини, ўз ватани, унинг табиати, география, тарих, маданиятни билишидан бошлаш керак. К.Д.Ушинский асарларида бу ғоя халқчилик ғояси сифатида акс эттирилади. Халқчилик деганда К.Д.Ушинский ҳар бир халқнинг ўзига хослигини унинг тарихий ривожланиши, географик ва табиий шарт-шароитлари билан шартланиши орқали тушунган.

Маданий уйғун бўлиш ғояси педагогикамизда Абдулла Авлоний билан берилган. Бу ғоя унинг “Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ” деган асарларида Ватанга муҳаббат сифатида акс эттирилади.

“Инсон туғилган ва ўсган шаҳарни, ёзади А.Авлоний - ҳамда шу шаҳар жойлашган мамлакатни шу инсон Ватани деб атайдилар... биз, Туркистонликлар, ҳаётимиздан ҳам афзал ўз қуёшли ўлкамизни севганимиздек, араблар ҳам ўз Арабистонини, унинг иссиқ қумли чўллларини, эскимослар ўз Шимолини, абадий муз ва қорлар билан қопланган энг совуқ ерларини севади”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> А.Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ?. ВКН. “Анатомия педагогической мысли Узбекистана”, М.1986. с. 187.

Маданий уйғун бўлиш принципи умуминсоний маданият кадриятлари салоҳиятини умуминсоний ва миллий маданияти кадриятлари ва меъёрларини тарбиялашда ҳисобга олишни кўзда тутади.

Умуминсоний кадриятларга энг катта бўлган кадрият инсон, инсон яшайдиган табиий муҳит – оила, ҳаёт фаолияти асоси меҳнат, яшаш шарти - ердаги тинчлик, инсон фаолияти асоси - билим, инсониятнинг тарихий тикланган ижтимоий тажрибаси – дунёвий маданият киради.

Миллий кадриятлар: Ватан тарихи, она тили ва адабиёти, халқ санъати, миллий маданият, урф-одатлар, маросимлар, анъаналар яна А.Навоий таъкидлаган эдики она тилида (ўзбек тили) ёзиш халқ ишидир.

Турли жамият маданиятларига болани жалб этиш: турмуш, жисмоний, жинсий, ақлий, сиёсий, маънавий – жуда мураккаб масала, бу масала оила ва жамият, турли муассаса ва бирлашмаларнинг (мактаб, болалар боғчаси, мактабдан ташқари ташкилотлар, ёшлар ташкилоти ва б.) биргаликдаги ҳаракатлари орқали ҳал қилинади. Сабаби бола ҳаётининг турли даврларида бу ерларда бўлади. Агар бола нормал ривожланса, унда у жамият маданиятини ўзлаштиради ва табиий йўл билан жамиятга киради.

Агар бола жисмоний, психологик ёки ижтимоий камчиликларга эга бўлса, унда унинг халқ маданий кадриятларига жалб қилиниши анча мураккаблашади. Шунинг учун шундай болалар учун маданият кадриятларига болаларни жалб этиш методикаси ва технологияси ишлаб чиқилган.

Маданий уйғун бўлиш принципини татбиқ этиш бир қатор қоидаларнинг бажарилишини талаб этади:

- болаларда ҳар хил маданият турларининг шаклланишида меъёрдан четга чиқишини эътиборга олиш;
- ривожланишда нуқсонли болалар ижодини ривожлантириш.

## 5. в) Гуманизм принципи

“Гуманизм” ва “инсонийлик” сўзлари латинча “humanus” сўзидан келиб чиқиб, “инсоний” деган маънони билдиради. Гуманизм – инсон кадриятини шахс деб, эркинликка, бахтга бўлган ҳуқуқини, қобилиятлари ривожланиши ва намоён бўлишини тан оладиган қарашлар тизими. Биз инсон манфаатини ижтимоий ҳодисаларни баҳолаш мезони, тенглик, ҳақонийлик, инсонпарварликни жамиятдаги муносабатларнинг исталган меъёри деб ҳисоблайдиган тизимдир.

Гуманистик тарбия Ғоялари антик файласуфлар (Сократ, Платон, Аристотель ва б) фикрларида ҳам кузатилади.

Педагогика ва ижтимоий педагогикада гуманизм Ғоялари ривожланиши Шарқ Уйғониш даври ва ўарб Уйғониш даврида ўз чўққисига етди. Гуманистик тарбия идеали бўлиб эркин ҳар тарафлама ривожланган шахс ҳисобланади. Фаробий (873-950), Беруний (973-1050), Ибн Сино (980-1037), Алишер Навоий (1441-1501), Томас Мор (1478-1535), Франсуа Рабле (1483-1536), Мишель Монтен (1533-1592), Жалолиддин Девоний (1428-1502) ва б. асарларида тарбия мазмуни очиб берилган ҳамда гуманистик тарбия моҳияти ва воситаларини

таҳлил қилишга уринишлар бўлган эди. Матафаккир ва педагог-гуманистлар учун инсонга, табиати ва тарбиясига қараши умумий ҳисобланарди. Гуманизм инсонга нисбатан иззат-хурматли муносабатни, уни ердаги энг олий кадрият деб тан олинисини кўзда тутди. Гуманизм асосан болаларга бўлган муҳаббат ва болаларда муҳаббатни тарбиялашда намоён бўлади.

Буюк Шарқ алломалари ва педагогика ва ижтимоий педагогика намоёндаларининг барча асарлари болаларга бўлган муҳаббат билан сингдирилган.

Ижтимоий педагогикадаги гуманистик Ғоялар ривожланишда нуқсонларга эга бўлган болаларга алоҳида эътиборни талаб қилади. Гуманизм тушунчалари билан бир қаторда ижтимоий педагогикада раҳмдиллик ва хайр-саҳоват тушунчалари мавжуд. Раҳмдиллик – ачиниш, инсонпарварлик жиҳатдан кимгадир ёрдам кўрсатиш ёки кимнидир кечиришга тайёрликдир.

Ўайр-саҳоват - мухтож инсонга беҚараз ёрдам кўрсатишга қаратилган фаолият.

Республикамизда анъана борки, ҳар бир йил қандайдир муаммога баҚишланади. 2004 йил Ёзбекистонда меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган.

Гуманизм принципи ижтимоий педагогикада боланинг шахс деб, унинг эркинликка, бахтга, ҳаёти, соғлиғини ҳимоя қилишга ва қўриқлашга бўлган ҳуқуқларини тан олишни, бола, ижодий имкониятлари, қобилиятлари, қизиқишларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишни, ҳаётда ўз ўрнини топишда, жамиятга “кириши”да , шу жамиятда ўзини тўла кўрсата олишида ёрдам кўрсатишни кўзда тутди.

Гуманизм принципи қуйидаги қоидаларга риоя қилишни талаб қилади:

- болаларнинг жамиятда қандай жисмоний, моддий, ижтимоий ҳолда бўлишига қарамай уларга хурматли муносабатда бўлиш;
- ҳар бир боланинг ўзича бўлиши, уларга хурматли муносабатда бўлиш ҳуқуқини тан олиш; хурмат қилиш демак бошқанинг мен истагандек бўлиш эмас, балки ўзича бўлиш ҳуқуқини тан олиш;
- болага ўзига ва атрофдагиларга хурматни шакллантиришда, “Мен ўзим” тутган ўрнини, ўз муаммоларини ўзи ҳал этиш истагини шакллантиришда вужудга келадиган муаммоларда ёрдам кўрсатиш;
- шавқат қилиш ва ачинишга эмас, балки болаларга жамиятда ривожланишига ёрдам бериш истагига таянган гуманизмнинг биринчи погонаси бўлган раҳмдилликни тушуниш;
- муаммоли болаларни айрим гуруҳларга ажратишга ва уларни нормал болалардан четга олишга интилмаслик, агар биз ногирон болаларни соҚлом кишилар орасида яшашга тайёрлашни истасак, шундай болаларни катталар ва болалар билан мулоқотда бўлиши тизими ўйлаб чиқилиши лозим.

### 3-мавзу: Ёзбекистон ва чет элда ижтимоий педагогика фанининг ривожланиш тарихи

Режа:

1. Ёзбекистонда ижтимоий педагогика ривожининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Чет эл ижтимоий педагогика ривожланиш тарихидан.
3. .

Асосий тушунчалар: Ижтимоий иш, меҳрибонлик, ҳайрия.

1. Ёзбекистонда ижтимоий педагогика ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Ўар бир фан аниқ бир ҳақиқатдан “ўсиб чиқади”, унинг аксини ифодалайди. Илмий билимлар амалий фаолиятдан узилган ҳолда ривожлана олмайди. Айнан амалиёт исталган фаннинг манбаи ҳисобланади. Бошқа томондан, барча амалий фаолият ҳам агар илм-фан ютуқларига асосланган бўлса янада самарали бўлади. Ижтимоий педагогикани фан сифатида ҳам, амалий фаолият муҳити сифатида ҳам фарқлайдилар, аслида улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ.

Амалий фаолият – бу ижтимоий педагогнинг аниқ бир бола ёки болалар гуруҳи билан олиб борадиган ишидир.

Ижтимоий педагогика ўқув фани сифатида ҳам олдинга чиқиши мумкин. Ёқув фани – бу умумтаълим ёки махсус таълим муассасаларида ўрганиладиган предметдир.

Ёзбекистонда фан, илмий билимлар соҳасида махсус амалий фаолият ҳамда ўқув фани сифатида ижтимоий педагогиканинг ривожланиши - ўзига хос хусусиятга эга.

Јадим антик даврлардаёқ болани ҳимоя қилиш мақсадида ўз ижтимоий педагогик тарбияга оид муаммоларини олдинга сурганлар.

Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда жаҳон динлари орасида энг қадимги дин, Марказий Осиё ҳудудида зардуштийлик дини ҳукмронлик қилди. Бу дин инсониятга катта таъсир этди, яъни инсонни биринчи ўринга олиб чиқди. Зардуштийлар муқаддас китоби “Авесто” (оловга сиқиниш) ўз эрасининг ўзига хос қомусий асари деб ҳисоблаш мумкин. Зардуштий динда ахлоқий меъёрлар асоси (ахлоқий мезонлар) учликка таянган эди. “Авесто” да “Инсон яхши фикрларга эга бўлиши, фақат яхши сўзлар сўзлаши ва савобли ишлар қилиши лозим” деб ёзилган (хулқ-атвор)<sup>2</sup>.

“Авесто” нинг катта қисми бўлган “ясна” ларда инсон камолини кўрсатувчи ахлоқ-одоб мезони ана шу учликда хумата (гумата) – яхши фикр, хукта (гукта)-яхши сўз ва хварта (гваршта) – яхши ишларда ифодаланади “Мен яхши фикр,


---

<sup>2</sup> Маковельский.А.О. Авесто. Бенгу, 1960, 18-бет.

яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Мазда қонунига шон-шавкат бахш этаман” (“Ясна”, 14), дейилади.<sup>3</sup>

“Авесто” тадқиқотчиси А.О.Маковельский инсон фикри, сўзлари ва ишларига икки қарама-қарши куч: Воху Манна (“Эзгу фикр”) ва Апо Мана (“Ёвуз фикр”) таъсир кўрсатади дейди. Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ичида аслида эзгулик ва ёвузлик ётади. “Яхши фикр” деганда илоҳий қонун руҳидаги яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашишга, ёвузликка қарши курашишга доимо тайёр туриш, кишиларнинг бахт-саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш руҳидаги ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилган. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим. Яхши ниятли киши дарҚазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди. Чунки бундай ҳолатда инсон яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади.<sup>4</sup>

Зардуштийлик динида учлик асосга таянган ахлоқий меъёрлар (жадвал).




Јадимги даврларданок шундай инсоний хислатлар қадрланган. Инсон билимларга эга бўлиши (яъни, касб-ҳунарга эга бўлиши) адолатли бўлиши (яъни, инсоний бўлиши), шундай ахлоқий хислатларга эга бўлиши лозим эдики, яъни меҳрибон, камтарин, жасур, чиройли нутққа эга, ватанпарвар кучли ирода ва бошқалар соҳиби бўлиши зарур эди<sup>5</sup>.

Јуйидаги жадвалда қадимда қадрланган инсоний хислатлар ифодаланган:

<sup>3</sup> Маковельский.А.О. Авесто. Бенгу, 1960, 18-бет.

<sup>4</sup> Нишонова.С. “Шар? уй?ониш даври педагогик фикр тара???ётида баркамол инсон тарбияси”. Докк. дисс. Автореферати. Тошкент, 1998.

<sup>5</sup> Нишонова.С. “Шар? уй?ониш даври педагогик фикр тара???ётида баркамол инсон тарбияси”. Докк. дисс. Автореферати. Тошкент, 1998.



Педагогика тарихининг илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Кўп минг асрлар мобайнида педагогика фалсафанинг ичида ривожланди. Ядим замонлардан буён оламда инсоннинг ўрни ва роли, шахснинг ахлоқий шаклланишида маданият ва диннинг аҳамияти, баркамол шахс ривожланиши масалалари ва шу қабилар.

Шарқ уйғониш даври (IX-XI асрлар) қомусий олимлари Абу Наср ал Фаробий (873-950), Абу Райхон Беруний (973-1050), Абу Али Ибн Сино (Авиценна) (980-1037) шундай ижтимоий педагогик Ғояларни айтиб ўтганларки, болани Айни гўдақлик чоқиданоқ тарбиялашни бошлашнинг зарурати, шунингдек боланинг тарбиясига табиат ва атроф-муҳитнинг таъсири, болага катталар, айниқса ота-онанинг таъсири ва бошқа фикрлар қабидир. XV-XVI асрларда Марказий Осиё табиатшунос-файласуфлари, тарихчи, шоир ва рассом-мусаввирлари ўз ижодларида ижтимоий фанларга алоҳида эътибор билан қараб, табиат сирларини ўрганишга интиланлар. Булар қаторида Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414-1492), Жалолиддин Давоний (1427-1502), Алишер Навоий (1441-1501), Хусайн Воиз Кошифий (1440-1505) ўз трактатларида инсон ақли-тафаккури, унинг қобилияти, инсоннинг юқори ахлоқий хислатлари, инсонийлик Ғоялари, болалар тарбиясида умуминсоний қадрият ҳисобланади. Шу жумладан, ўзбек тилининг асосчиси улуқ аллома, мусиқачи, давлат арбоби, Алишер Навоийнинг ижтимоий педагогик Ғоялари юксак даражада инсонпарварлиги билан ажралиб туради. У инсонни бутун коинотда, бу оламда ҳам ягона энг олий мавжудод деб ҳисоблаган. Болани эса оилага қувонч ҳам бахт келтирувчи муқаддас инъом сифатида уйни ёритиб юборади деб ҳисоблайди.

Инсон ўз фарзандинигина эмас, балки келажак авлод бўлган барча болаларни севмоқи шарт – деб ёзади шоир.

Ижтимоий педагогикага оид фикрларни бизнинг ўзбек олим ва алломаларимиз, маърифатпарваримиз, жаҳидчилик ҳаракати етакчилари, XX аср бошларида яшаб ижод қилган Маҳмудхўжа Бехбудий (1874-1919),



Мунаввар Жори Абдурашидов (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Абдуқодир шакурӣ (1875-1943), Хамза Ўакимзода Ниёзий (1889-1929) ва бошқаларнинг асарларида ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Ижтимоий педагогиканинг фан сифатида вужудга келишида ХХ аср 20-30-йиллари алоҳида ўрин тутди. Бу даврда А.Авлоний, А.Шоқурий, М.Жори Абдурашидов, Х.Х.Ниёзий, В.Ф.Лубенцова, Н.П.Архангельский, А.Шарафуддинов каби педагогларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга молик. Улар аввало, ижтимоий издан чиқиб кетаётган болаларга ёрдам кўрсатиш, яъни бу алломалар айнан ижтимоий педагоглар бўлиб, улар ташкил этган мактаблар, шунингдек, бошқа педагоглар тажрибаларига таянганлар (Алмоий номидаги, Н.Г.Чернишевский номидаги болалар тажриба мактаблари ва бошқа муассасалар ижтимоий педагогиканинг амалий манбаи бўлиб ҳисобланадилар).

Бироқ Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг ривожини амалга оширди. Бунда аввало, янги иттифоқ совет педагогикаси ва ўша давр педагогикаси ўртасида ажралиш юзага келди. Узок йиллар мобайнида ўзбек маърифатпарварлари-педагоглари томонидан тўпланган барча билимлар инкор этилганди. Педагогикада шундай шиор кенг тарқалганди: “Олам зўравонликдир, биз уни илдизи билан купорамиз”.

Марксист педагоглар томонидан, шу вақтгача бўлган барча педагогика соҳасидаги октябрь тўнтаришигача бўлган асарларни унутиш талаб этилди. 30-йиллар охирида социализм Қалаба қилганлиги эълон қилинди. Шу вақтдан эътиборан ижтимоий муаммолар ҳақида сукут сақлаш шартини мустаҳкамланди. Бу муаммолар алоҳида, енгил ҳал этиладиган, “эскилик сарқити” деб баҳоланди. Бу эса ўз ўрнида ижтимоий педагогиканинг фан сифатида ривожланишига йўл бермади.

1991 йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилиниши билан педагогиканинг кўпгина соҳаларини, шу жумладан, ижтимоий педагогиканинг ҳам ривожлантириш вазифаси қўйилди.

1997 йил “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Таълим тўқисиди” Жонун (1997 йил) қабул қилиниши билан маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали йўлларини топиш, маънавий маданиятни ривожлантириш, шахснинг фуқаро сифатида, эркин тафаккурли шахсни шакллантиришнинг энг самарали йўлларини яратиш мақсадида педагогик фан олдига таълим тизимини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш каби вазифалар қўйилди. Республикада ижтимоий педагогиканинг илмий ва амалий соҳаси эндигина шаклланмоқда. “Ижтимоий педагогика” предмети ҳам эндигина шаклланмоқда.

Мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишини юритиш шунчалик долзарбки, бу фан бўйича мамлакатимизда: Маънавият ва маърифат Маркази, “Оила” маркази, нодавлат ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳайрия жамқармаси, “Соқлом авлод учун”, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими қошидаги республика ўқув-методик таълим маркази, Низомий номидаги ТДПУ (мафкура) Ғоявий-сиёсий кафедралар ва бошқалар. Республикада ҳар бир навбатдаги йилни ижтимоий муаммолардан бирига бақийшлаш анъана тусига кирган. Масалан, 2001 йил “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилинганди. Шу муносабат билан “Ўсмир ва соқлом турмуш тарзи” деб номланган республика методик

семинарии ўтказилиб, мактабларда “Соқлом турмуш тарзи” предмети киритилиб, соқлом турмуш тарзини шакллантирувчи ижтимоий муаммолар масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда кейинги вақтларда бир катта муаммога бутун бир йилни бақшиш анъанага айланди. Масалан, 1998 йил “Оила йили”, 1999 “Аёллар йили”, 2000 “Соқлом авлод йили”, 2001 “Оналар ва болалар йили”, 2002 йил “Ҷариялар йили”, 2003 “Обод ва соқлом маҳалла йили”, 2004 йилни “Меҳр ва мурувват йили” деб белгилаб, ижтимоий педагогик муаммони амалиётда ҳал этиш йўллари изланмоқда. Бугунги кунда кўплаб эмпирик ва назарий билимлар тўпланган. Уларни тўла англамоқ ва тизимлаштиришни талаб этади. Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг келгуси ривожланиши етарли даражада эмас. Ўтмиш алломаларимиз, олим-педагогларимиз асарларини янги нуқтаи назардан туриб, ўрганиш, чет эл тажрибаларини ўзлаштириб, Республикамизга мослаштирилган ҳолда мақсадга мувофиқ қўллаш лозим.

Чет эл ижтимоий педагогикаси эса кўп йиллардан буён ривожланиб келмоқда, ҳозирги вақтда эса бу соҳада жуда кўп муҳим илмий салоҳиятли билимлар жамланган. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда ижтимоий педагогиканинг вужудга келиши ва ривожланишида бошқа мамлакатларнинг тажрибалари муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳадаги ривожланиш жараёнида вужудга келган муаммоларнинг таҳлили, илмий билимлар ва чет элдаги амалий фаолиятни ўрганишнинг ўрни беқиёс.

### **3. Чет эл ижтимоий педагогикаси ривожланиш тарихидан**

Ижтимоий педагогика педагогика фанидан ажралиб чиққанига деярли кўп вақт бўлган эмас. Бироқ педагогика фанининг ўзи ҳам мустақил фан сифатида, фақатгина, XVII асрдан бошлаб шаклланган. Бу буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) номи ва унинг “Буюк дидактика” асари билан боғлиқ. Бу асарда педагогиканинг тадқиқот предмет ива принциплари белгилаб берилган. Педагогик жараён қонуниятлари кўрсатиб берилган. Шу билан бирга педагогика тарихининг илдизлари жуда қадимга бориб тақалади.

Илгари таъкидлаб ўтганимиздек, педагогика узоқ асрлардан буён фалсафа фани доирасида ривожланиб келди. Шу нуқтаи назардан ижтимоий педагогика педагогика фанидан ёш эмас, доимо педагогиканинг ажралмас таркибий қисми сифатида педагогика фани доирасида, у билан бирга ривожланган.

Шу сабабли, ижтимоий педагогика тарихи муаммолари билан шуқулланувчи олимлар ўз тадқиқот ишларини педагогика тарихи, фалсафа ва барча даврлар ва халқлар ўтмиш алломаларининг педагогик қарашлари билан боқлашлари тасодиף эмас. Агар ижтимоий педагогиканинг ривожланиш даврларига шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, уни бир қатор босқичларга бўлиш мумкин деб ўйлаймиз.

Биринчи – дастлабки - бошланқич боқич. Бу босқич қадимги даврлардан XVII асрларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда тарбия амалиёти ва педагогик ижтимоий педагогик қарашларнинг шаклланиш давридир.

Бу босқичда тарбиявий ва ижтимоий воқеликларни вужудга келиши юз берди. Инсон тарбияси бу даврда табиий ҳолатдан онгли фаолиятга айланди. Тарбия назариясининг турли кўринишлари вужудга келади. Ибтидоий жамиятдан феодализм жамиятига ўтилиб, капитал муносабатлари вужудга кела бошлади. Бу ўз навбатида тарбияда турли муаммоларни олдинга суради. Ижтимоий педагогикага оид кўпгина Ғоялар узоқ қадимги антик даврларда олқа сурилган. ўарбдаги Уйғониш даврида эса бола тарбиясида инсонийлик Ғояларини илгари суриш ривожлана борди. Бу даврга италян педагоги, инсонпавари Витторино Да-Фельтре (1378-1446) “Јувонч уйи” деб номланган биринчи мактаб-интернати ташкил этган олимнинг фикрларини киритиш мумкин.

Иккинчи босқич – XVII-XIX асрлар. Ижтимоий педагогика фанини фан сифатида вужудга келиш ва бу фан ривождаги илгор Ғоялар билан характерланади. XVIII-XIX асрлар жаҳон маданияти тарихидан буржуа-демократик инқилоби босқичи сифатида жой олган йирик олимлар (педгоглар, файласуфлар, социологлар, психилоглар) ижтимоий педагогик муаммолар ечимини изладилар. Улар жамият ва давлат билан ҳамкорликда бу муаммолар ечимини изладилар. Тарбия масалалари жамиятни қайта ташкил этиш Ғоялари билан кўриб чиқилди. Бу даврлар ижтимоий педагогик Ғояларида барча инсонлар тенг ҳуқуқли, эркин, озод бўлишлари лозим эканлиги ҳақидаги фикрлар кўтарилган.

Бу босқичда ижтимоий педагогика муаммолари амалий ижтимоий педагогика билан узвий алоқада ривожланди. Оша давр етук педагоглари болаларнинг турли муаммоларига бақишлаб, етим ва қаровсиз болалар учун болалар уйи, боғчалари, мактаб ва бошқа муассасалар ташкил этадилар.

Бутун XIX аср давомида педагогикадан ижтимоий педагогиканинг ажралиб чиқиши жараёни узоқ давом этди. Шу билан бирга унинг ривожланишига фалсафа ва педагогикадан ташқари психология, социология, антропология (инсон келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги фан) тиббиёт ва бошқа фанлар катта таъсир кўрсатди. Ижтимоий педагогиканинг педагогикадан ажралиб чиқиши жараёни билан бирга бошқа жараён ҳам унинг интеграция жараёни (лот. integer - яхлит) яъни, бошқа фанлар билан бирлашиши давом этди.

XIX аср охирида ижтимоий педагогик – педагогик фаннинг мустақил соҳаси бўлиб ажралиб чиқди. Бу ҳодиса Адольф Дистеверг, Паул Нотори ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ.

Учинчи босқич – XX асрнинг бошидан - ижтимоий педагогиканинг мустақил фан сифатида ривожланиш даври. Бу даврни теки сёки ососн давр деб айтиб бўлмайди.

Ўозирги кунгача турли давлатлар олимлари орасида ижтимоий педагогика бошқа педагогик фанлар орасида қандай ўрин тутиши ҳақида тортишувлар мавжуд: у фан ҳисобланадими ёки амалий фаолиятнинг соҳасими; ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишлар қандай муносабатлар бор ва бошқалар. Кўпчилик давлатларда “педагогика” ва “ижтимоий педагогика” атамалари ижтимоий педагогикада умуман ишлатилмайди. Масалан, АҲШ да ўқув юртларида педагогика ўрнига талабалар “таълим фалсафасини” ўрганадилар,

одамларга амалий-йўналтириш ёрдами соҳаси ижтимоий ишга тааллуқли, бироқ, ижтимоий хизматчилар орасида айнан турли муаммолари мавжуд болаларга ёрдам кўрсатишга хизмат қиладиган мутахассислар бўлса ҳам. Белгияда “ортопедагогика” атамасидан фойдаланилади, у “махсус педагогика” ва “ижтимоий педагогика” тушунчаларига яқин.

Россияда ижтимоий педагогика ривожланиши – фан соҳаси сифатида ҳам ва профессионал амалий фаолият соҳаси сифатида ҳам ва ўқув фани сифатида - ўз хусусиятларига эга.

Ижтимоий педагогикани мустақил фанга ажралиб чиқишида шарт-шароитларни XIX асрнинг К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой каби машҳур педагоглари ва бошқалар асарларида топиш мумкин. XX асрнинг 20-30-йилларида А.СМакаренко, С.Т.Шацкий, В.Н.Сороко-Росинский каби педагоглар фаолиятларида етим бўлиб қолган болаларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишга қарилган эди. Лекин 30-йиллардан кейин социализм Қалаб қилгани эълон қилингандан кейин ҳамма ижтимоий муаммолар иккинчи даражали бўлиб қолди. Уларни ўтмиш саркитлари деб атаб улар ҳақида гапирмасликка ҳаракат қилинди.

XX асрнинг 90-йилларида Россияда ижтимоий психологиянинг ривожланиши янги даври бошланди. Улар бу йилларда “юқоридан” императив (лот. imperativus - фармон) яъни, эътирозларни қабул қилмайдиган, танлашга йўл қўймайдиган, киритилган.

Бу ижтимоий психологиянинг илмий ва амалий соҳалари бир вақтда бир-биридан ажралган ҳолда ривожланишига олиб келди. Амалиёт фанга таяна олмади, чунки фан хали амалда йўқ эди, фан ҳақида ҳеч нарсани билиб бўлмас эди, чунки амалий фаолият фақатгина эндгина шаклланар эди. Бу ижтимоий педагогиканинг ўқув фани сифатида ташкил топишида ҳам таъсирини кўрсатди. Бу ҳам ижтимоий-педагогик фаолият ва фан ривожланиши билан бир вақтда содир бўлди. Фаннинг ва амалиётнинг ташкил топмаганлиги “ижтимоий педагогика” фанида бугунги кунда ҳам кўплаб ҳал қилинмаган, тортишувли масалалар бор. Бу объектив ҳолатлар ижтимоий педагогиканинг фан сифатида ривожланишини секинлаштирадиган омиллар ҳисобланади. Лекин амалиёт талаблари Россияда шунчалик жиддий ва долзарб Эдики, натижада фаннинг бу соҳаси билан кўплаб илмий жамоалар шуҚуллана бошладилар.

Россия таълим академияси ижтимоий педагогика Маркази (РАО), ижтимоий таълим Академияси Москва, Санкт-Петербург, Тула, Екатеринбург ва бошқа университетларида “ижтимоий педагогика” факультетлари ташкил этилди.

В.Г.Бочарова, М.А.Галагузова, А.В.Мудрик каби ва бошқа олимлар ижтимоий педагогика бўйича назарий тадқиқотлар олиб борадилар. Ижтимоий педагогика билан бир вақтда XX аср 90-йилларида Россияда ижтимоий ишлар институти киритилди. Ижтимоий ишчиларнинг вазифаси аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қисмига ёрдам кўрсатиш бўлди.

Ижтимоий педагогика ва ижтимоий ишларнинг ривожланиш тарихи бир-бирига жуда яқин. Биринчи навбатда уларни маданий-тарихий анъаналари, алоҳида Қамхўрлик ва эътиборни талаб қилувчи одамларга муносабатлари уларни бирлаштиради. “Меҳрибонлик”, “хайрия”, “ёрдам кўрсатиш” ва бошқа

тушунчалар ижтимоий педагогика ва ишларда кенг фойдаланилиши бежиз эмас.

Аммо улар якқол ифода этувчи ўзига хосликка ва фарқларга эга. Уларнинг умумийликлари ва ўзига хосликлари нималардан иборат: биринчи навбатда бу уларнинг объекти ёки адресатига тааллуқлидир.

Ижтимоий ишчи кўз олдида инсон бўлади, лекин ҳар қандай эмас, фақатгина инсонга муваффақиятли бўлиши, фаровонлиги, жамиятнинг ҳақиқий аъзоси, текис ҳаёт кечиретишида муаммолари бўлган инсон бўлади.

Инсоннинг ҳаёти давомида юзага келадиган муаммолар ҳар бир одамда учрайди. Улар психологик, тиббий, ҳуқуқий, моддий ва бошқа хусусиятли бўлиши мумкин. Улар инсонга боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар (экологик, ижтимоий, техноген, миллатлараро ва бошқа катаклизмалар) ёки ички шахслараро муаммолар (жисмоний ёки психик ривожланишида соқлиқи яхши эмаслиги) билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ижтимоий ишлар объекти ижтимоий ҳаёти давомида, ёрдамга муҳтож бўлган инсон ҳисобланади деб айтишимиз мумкин, яъни инсон ёшидан қатъий назар ижтимоий объектдир.

Ижтимоий педжагогика эса унинг ижтимоийлашиши – индивиднинг ижтимоий субъектга айланиши жараёнида ёрдам кўрсатилиши керак бўлган бола билан шуқулланади, яъни бола шаклланаётган, ривожланаётган шахс.

Бу объектларни таққослаш ана шу икки фанни нималар яқинлаштиришини (ижтимоий ҳаёт жараёнида ёрдам кўрсатиш) ва объектни фарқ қилишини (катта одам ва бола) якқол кўрсатади. Бу нуқай назардан ижтимоий ишларда ёрдам кўрсатилаётган одамни одатда мижоз деб аташлари, ижтимоий педагогикада эса одатда бола сўзи ишлатилиши ҳам буни тасдиқлаши мумкин.

Шундай қилиб, турли мамлакатларда тарихий ва маданий анъаналари, жамиятнинг ривожланиш даражасига, педагогика ва ижтимоий педагогиканинг ривожланишига қараб терминологияларида ҳам ва тушунчалари мазмунида ҳам ўз фарқлари бор. Аммо уларни бирлаштирувчи нарса ҳам бор.

Умумийлиги шундан иборатки, ҳар қадай жамият ҳам “доимий муаммоларни” ривожланиши тарбия ва таълими, айниқса камчиликлари ва муаммолари бўлган болаларнинг муаммоларини ҳар доим ҳал этиб келган, ҳал этмоқда ва ҳал этади.

Ижтимоий педагогикага биринчи навбатда немис фани педагогикаси ривожланиши тарихи катта хисса қўшган, шунинг учун Германияда ижтимоий педагогиканинг ривожланиши тарихини кўриб чиқамиз, унинг тарихи 100 йилдан ошиқроқдир.

“Ижтимоий педагогика” атамаси 1844 йили К.Магер томонидан тарбия ҳақидаги очиқ илмий мунозарага киритилган ва кейинчалик А.Дистервег томонидан тарқатилган. Ана шу тушунча пайдо бўлган пайтдан ҳозирги кунгача немис адабиётларида уни иккита турлича талқини мавжуддир.

Биринчи талқин (К.Магер) - ижтимоий педагогика тарбиянинг ижтимоий томони билан бирор-бир умумийликка эга. Иккинчи талқин (А.Дистервег) - ижтимоий педагогика маълум ижтимоий шароит, вазиятларда педагогик ёрдам сифатида иштирок этади.

### Биринчи йўналиш вакиллари

К.Магер, XX асрда – П.Наторн (20-йиллар), Е.Борнеманн, Ф.Шлипер (60-йиллар), Д.Пегелер (80-йиллар) ва бошқалар бўлган. Пауль Наторн (1854-1924) ижтимоий педагогкани умумий педагогиканинг бир қисми, объекти сифатида қарайди.

П.Наторн ижтимоий педагогиканинг учта асосий вазифаларини кўрсатади: биринчиси – боланинг жинсий ҳаёти билан боғлиқ, унинг ҳаётида оиласи даврасида ва атрофидаги яхши одамлари билан алоқада ривожланади.

Иккинчиси – иродаси билан боғлиқ у мактабда шаклланади ва билим беришни амалга ошириш билан боғлиқ, шу билан бирга болада эмоционал, ижтимоий ва моторли (ҳаракатланиш) қобилиятлари ривожланади. Учинси - ақл – умумийликда очиб берилади.

П.Наторн ижтимоий педагогикани ҳамма ёш одамлар учун педагогик деб ҳисоблаган, унинг вазифаси – ёшларда бирдамлик ва жамоатчилик асосларини тарбиялаш ҳисобланади. П.Наторн фикрини давом эттириб бу йўналишнинг вакиллари ижтимоий педагогикани интегратив (бирлаштирувчи) фан сифатида қарайдилар. Шу мазмунда Е.Борнеманнинг талқин қилиши эътиборга лойиқ, у ижтимоий педагогикани даволаш педагогикасини, иқтисодий педагогикани ва бошқаларни бирлаштирувчи фан сифатида қарайди. Унинг вазифалари – ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий жамиятда индивидуал мустақилликка ёрдам кўрсатиш. Жамиятнинг маданияти ва инсонпарварлик ривожланиши ҳақида қайқуришдан иборат. Ҳозирнинг қўшилувчанлиги сабабли ижтимоий педагогика тарбиянинг ҳамма соҳаларига кириб боради, яъни у педагогиканинг тамойилларинидан бири сифатида иштирок этади. Шундай қилиб, ана шу талқинга биноан ижтимоий педагогика тарбиянинг тамойили сифатида иштирок этади. Иккинчи ёндошиш А.Дистервег (40-50й, XIX аср), Г.Ноль, Г.Боймер (XX аср 20-30 йил), К.Молленгауэр (50-йиллар) ва бошқалар асарларида акс эттирилган. А.Дистервегдан бошлаб бу йўналиш вакиллари ишчи синфининг ижтимоий ҳимояланганлиги, халқ таълими, бошпанасизлар каби ўз даврларининг ижтимоий масалаларига жавоб топишга ҳаракат қиладилар.

Герман Ноль (1879-1960) ижтимоий педагогиканинг вазифаси агарда оила ва мактаб бирор-бир сабабга кўра ўз вазифаларини бажара олмай қолганда зарур бўладиган шошилинич тез ёрдам кўрсатишдан иборат деб ҳисоблайди. Г.Полнинг фикри П.Наторнникидан анча ишончли, аниқ ва амалий кўринади.

Унинг Ҳоялари 1922 йили қабул қилинган ёшларнинг ҳайрия кўрсатиш фаолиятлари ҳақидаги қонунда ўз аксини топди – бу ёшларни мактабдан ташқари бошқарадиган Германиядаги биринчи давлат ҳужжати эди. Шу даврдан бошлаб ижтимоий педагогика амалда “шошилинич ҳолатлар педагогикаси” бўлиб қолди, у ёшларни тарбиялашда оилада ва мактабда мавжуд бўлган камчиликлар ўрнини тўлдириши керак бўлган. Гертруда Боймер биринси йўналиш тарафдорларидан фарқли равишда ижтимоий педагогикани педагогиканинг тамойили эмас, балки ташкилий қисми деб ҳисоблаган. Оилада ва мактабда тарбияга тааллуқли бўлмаган ҳамма нарса ижтимоий педагогиканинг муаммоси демакдир деб ҳисоблайди у.

К.Молленгауэр бошпанасизлик ҳақидаги тушунчани ривожлантиради. Агарда алоҳида ижтимоий институтлар боланинг бу муаммосини ҳал эта олмас экан деб ҳисоблайди у, унда тарбиянинг учинчи йўналишини яратиш зарурлиги юзага келади – давлат ёрдамини дейди у.

Шу билан бирга ижтимоий педагогика маданий мазмунини етказиш билан эмас, балки ўсиб келаётган авлоднинг ривожланиши ва жамиятга қўшилиши жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш билан шуқулланиши керак, деб ҳисоблайди.

Ўзирги вақтда ижтимоий педагогиканинг асосий йўналишлари тўла ишлаб чиқилган бўлса ҳам, аммо бу ҳали ҳамма муаммолар ўрганилиб бўлмаган деб ҳисоблайдилар.

Ижтимоий педагогика назариясининг умумий кўриниши ҳали ҳам ноаниқлигича қолиб келмоқда, деб ҳисоблайдилар ҳозирги давр немис олимлари. Улар бундан кейин ҳам шундайлигича қолади, чунки аралаш фикрларнинг (психология, социология, ижтимоий ишлар ва бошқалар) давом этиб келаётган дифференцияси (лот. differetia - фарқлаш) ижтимоий педагогика назариясини тўла тасвираб бериш имконини бермай келаяпти. Бу ҳолат ҳар қандай фаннинг ривожланиши жараёни учун табиийдир. Бошқа томондан эса бу ижтимоий педагогика назарий мунозаралари майдони ХХI асрда анча кенгайди деганини билдиради.

Ижтимоий педагогиканинг фан сифатида ривожланиши билан бирга Германияда ижтимоий педагогика соҳасида мутахассислик профессионал фаолият соҳаси ҳам фаол ривожланади (яъни, ижтимоий педагог). 1908 йилдан бошлаб махсус педагогларни тайёрлаш бошланди, ХХ асрнинг 70-йиллари бошларига келиб Германия университетларида олий маълумотли ижтимоий педагогларни тайёрлаш бошланди.

Шуни айтиш керакки, Германияда ижтимоий педагог билан бир қаторда ХХ аср давомида билим ва амалий фаолият мустақил соҳаси сифатида ижтимоий ишлар ҳам фаол ривожланиб келди.

Аммо ижтимоий педагоглар ва ижтимоий ишларда профессионал фаолиятда кўпгина умумийликлар мавжуд, шунинг учун Германияда улар ягона стандарт билан бошқарилади. Бу стандартда бу мутахассисларнинг номлари синонимлар сифатида дефис орқали ёзилади: ижтимоий ишчи - ижтимоий педагог.

#### **4-мавзу: Халқ педагогикаси ва оммавий амалий тарбиянинг замонавий шароитлардаги ҳолати**

##### **Режа:**

1. Марказий Осиёда маърифатпарварлик Ғоялари ва халқ педагогикаси.
2. халқ педагогикаси концепцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Халқ педагогикасида оила, болалар ва ота-оналар муаммолари.
4. Халқ педагогикаси амалда.

Асосий тушунчалар: халқ педагогикаси, халқ оқзаки ижодиёти, мақоллар, ҳикматли сўзлар, эртаклар, дostonлар, қўшиқлар.

## 1. Марказий Осиёда маърифатпарварлик Ғоялари ва халқ педагогикаси

Халқ педагогикаси - халқнинг умумий маънавий маданиятини ташкил қилувчи ва ажралмас қисмидир. Буюк рус педагоги К.Д.Ушинскийнинг “рус халқида тарбия халқнинг ўзи қанча вақтдан бери мавжуд бўлса шунча пайтдан бери мавжуддир” деб айтган гапи тўлалигича бошқа халқларга ҳам тегишлидир. Шу билан бирга улар халқ педагогикаси узоқ қадим замонда юзага келган, улар тарихий илмий педагогикадан илгари бўлган ва унинг эртанги шаклларига таъсир кўрсатган деб ҳисоблайдилар. Марказий Осиё халқлари педагогик илмлари ривожланиши тарихини таҳлил қилиб ўрганиб чиқиш педагогиканинг биринчи расмий белгилари халқ ҳаёти, халқ педагогик маданиятининг бевосита таъсири остида пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Халқ педагогикаси умуман халқнинг орзу-умидлари, унинг ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақида тасавурларини ифода этади.

Ал Форобий, Ибн Сино (Авиценна), Беруний, Жомий, Умар Хайём, Саъдий, Навоий, Авлоний ва бошқа маърифатпарварларнинг меросларини таҳлил қилиш, уларнинг тарбия ҳақидаги умуман Ғоялари, хусусан оилавий тарбия ҳақидаги Ғоялари. Халқ педагогикаси тарихидаги ифода этилган Ғоялар ва фикрлар билан узвий боқланиб кетганлигини кўрсатади: мақоллар, маталлар, эртақлар, ривоятларда.

Ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан Абу Наср ал-Форобийнинг психология бўйича, этика ва эстетика бўйича асарлари катта қизиқишга эга. Инсонни ижтимоий мавжудод сифатида қараб Форобий шахснинг маънавийлик сифатлари ижтимоий муҳит ва тарбия таъсири остида юзага келади, деб ҳисоблайди. “Инсон – деб ёзади у – энг бошидан бошлаб табиатдан яхши ёки ёмон бўлиб худди шундай у туқма тўқувчи ёки ёзувчи бўлиб туғилмайди”<sup>6</sup>.

Форобий Ибн Синонинг ва Берунийнинг ижтимоий-педагогик қарашларига катта таъсир кўрсатади. Ибн Синонинг педагогик дунёқарашлари унинг кўплаб асарларида ўз аксини топган. Маънавий тарбия ҳақида гапирар экан Ибн Сино инсонда ҳақгўйлик, адолатлилик, ҳалоллик каби сифатларни юксак баҳолайди ва “Халқнинг маънавийлик хусусиятлари ва адолатлиликка чорлайдиган унинг неча асрлик анъаналарини ҳисобга олиш керак. Чунки адолатлилик – инсоннинг ишлари энг яхши безагидир”<sup>7</sup> деб маслаҳат беради.

Буюк хоразмшунос Беруний асарларида тарбия ҳақида кўплаб ажойиб фикрлар айтилган. “Ўтган аждодлар хотиралари” (“Хронология”) текширишларида қомусий олимпурли халқлар ва даврлар календар системаларини таърифлаш билан бир қаторда ҳақиқат ва ёлқон, яхши ва ёмон, камтарлик ва кеккайиш, билимлилик ва нодонлик, яъни маънавийлик муаммоларини ўрганади.

Ўрта аср бошлари ёрқин мутафаккирларидан бири Рудакий бўлган. Унинг мақол ва ривоятлар кўринишиданги кўплаб поэтик сатрлари халқ

6

7



педагогикасини бойитиб халқ оқзаки ижодиёти дурдоналари қаторига кирди. У “инсон ақлининг гули – бу билимдир” ва “дунёда билим каби муҳим мева йўқдир” деб айтади. Орта аср бошлари ижтимоий-педагогик мерослари ҳақида гапирганда Носир Хисравни (1004-1088), “Маърифат китоби” ва “Бахт ҳақидаги китобининг” муаллифи, шоир, ёзувчи ва файласуф ҳақида гапириб ўтилмаса бўлмайди.

“Маърифат китоби” да “ўз-ўзини англаш”, “яхши ва ёмон сифатлари” боблари бор, улар ўзига хос ўзини тарбиялаш дастури ҳисобланади. Муаллиф инсонни тўқри тарбиялашга халақит қиладиган еттита (ёмонлик) тўсиқларни айтади: такаббурлик, айёрлик, бефахмлик, очкўзлик, Қазаб, Қараз, шахвонийлик. У ўзининг еттита “ярамас дўстларини эсдан чиқаришни” маслаҳат беради, уларнинг ўрнига эса бошқаларини – юксак, олийжаноб улар учун камтарлик, ҳалоллик, сабр-тоқат, оддийлик, шукроналик, саҳийлик ва меҳрибонлик асосий ҳисобланганларини топиш керак дейди. У насиҳатларини шундай яқунлайди: “Бундан кейин ишончли дўстлар билан бўлгин, очкўз душманлардан бир умрга ажралгин”.

XI-XII асрларда хусусан, педагогик талқинлар ҳам пайдо бўлади, улар Марказий Осиё ва Јозоқистон халқлари педагогик маданияти ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Бурхониддин Зарнуджи “оқувчига билим олиши йўлидаги насиҳатлари” ўзига хос педагогика дарслигида ўқитиш жараёнини ташкил этиш бўйича тавсиялар беради. “Билимга интилиш, - деб ёзади олим - ҳар бир мусулмон учун зарур мажбурияти ҳисобланади”.

Ўзбек адабиёти асосчиси ҳисобланган мутафаккир - таракқийпарвар арбоб Алишер Навоийнинг (1441-1501) педагогик Ғоялари аҳамияти жуда катта бўлди. Ўз халқини чуқур севган демократик ва инсонпарвар Ғоялари инсонга муҳаббат, ҳалоллик, адолатлилиқ, ёрқин келажакка ишончи ҳақидаги халқ ҳикматли сўзлари, ривоятлари билан боқланиб кетади. Халқ ҳатто ўзининг буюк олими ҳақида эртак ва афсоналар яратиб халқ поэтик ижодиётини шакллантирувчиси сифатида унинг образини абадийлаштирадilar. Мутафаккир олимларнинг, шоирларнинг кўплаб насиҳатлари халқнинг турмуш, ҳаёт тажрибалари асосида ишлаб чиқилган ҳикматли сўзлари билан жуда ҳам аниқ мос келади. “Кийимсиз ўтирганда ҳам тўқри гапириш керак”, “Ёлқон гапириб яшагандан кўра тўқри гапириб ўлган афзал”, “Агарда сен ҳар доим тўқри гапириб келган бўлсанг кейин ҳам сенга ишонадилар”, “Биринчи бор ёлқон гапиришдан ўзингни сақла, шунда кейинги ёлқонларда сени фош этишларидан кўркмайсан” ва шу қабилар. Дўстлик ҳақидаги олим ва шоирларнинг фикрлари халқ ҳикматли сўзлари билан мос келади. Рудакий дунёдаги энг кучли хафа бўлиш бу яхши дўстидан ажралиш, деб ҳисоблайди: “Агарда дўстларинг мингта бўлса б укам деб ҳисобла”, (халқ ҳикматли сўзлари), “Йигит учун мигта дўст ҳам кам”. Тусий шундай дейди: “Дўст деб билишдан олдин сен уни синаб кўр” (халқда шундай дейдилар: “Дўст бошига ташвиш тушганда, мард эса жангда синалади, бурч эса - ҳалоллик билан”). Хисрав “Дўст бўлиш – яхши иш, дўстликка содиқ бўлиш эса – буюк ишдир” деб ҳисоблайди. (Халқда “Ҳазина излагандан кўра дўстликни сақлаган

яхшироқ” дейилади). Шерозий “Яхши дўст айбингни юзингга айтади, ёмон дўст уларни бошқаларга айтади” деб эслатади (халқда “танбеҳ бериш - дўстларинг совҚаси” “дўстинг айтган ҳамма гаплар яхшиликдир”). Хисрав “Мунофиқ, кеккайган дўстан кўра сен содиқ итни афзал кўр”, деб маслаҳат беради. (Дўстнинг иккиюзламачилиги – даволаб бўлмас касалликдир”, “Сен охирги бурда нонингни бўлашиб еганингни эсидан чиқарган дўст ўлсин”) ва шу кабилар. Шундай қилиб, Марказий Осиё халқларининг педагогик нуқтаи назарлари бошқа халқларда бўлгани каби узок ўтмишда юзага келган. Тарбия ҳақидаги халқ донишмандлиги ҳам халқнинг оилавий тарбия кўп асрлик педагогик маданияти ва тажрибалари ифодаси ҳисобланади.

## **2. Халқ педагогикаси концепцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Халқ педагогикаси муаммоларини илмий текширишлар тарихини ўрганиб чиқиш тарбиялашдаги халқ тажрибасини ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида ўрганиш ҳамма тарихий ривожланиш босқичларида ўтмиш ва ҳозирги даврнинг педагоглари илмий қизиқишлари доирасига кириб келганлигини кўрсатади. Буюк чех педагогик Я.А.Коменский (XVII аср) “Оналар мактаби” Ғоясини айнан оилавий тарбия тажрибасига таяниб асослаб берди. Машҳур швейцариялик педагог Г.Псеталоцци ҳам ўзининг “оналар учун китобини” Швейцария халқ педагогикаси тажрибаларини умумлаштириб яратган. У оилада бошланган табиийликка мос тарбиялаш кейинчалик мактабда давом эттирилиши керак деб ҳисоблайди. Буюк рус педагоги К.Д.Ушинский (XIX аср) халқ педагогикасининг тарбиявий имкониятларини юқори баҳолаган. “Халқ ўзи яратган ва халқ бошланишларига асосланган тарбия – деб ёзади у – абстракт Ғояларга асосланган энг яхши системаларда ҳам бўлмаган тарбиявий кучга эга”<sup>8</sup>.

“Халқчиллиги бўлмаган халқ - бу қалбсиз тана” деган тамойилга чуқур ишонган ва бу тамойилга асосланиб халқчиллик Ғоясини асослаб берган. Халқнинг одатлари, маросимлари ва анъаналарини яхши билиб, у “аждодлар донишмандлиги – авлодлар учун кўзгу” деган хулосага келади ва шунинг учун халқ тарбиясини маъқуллайди, чунки у халқ ривожланиши жараёнида тирик намуна ҳисобланади.

В.А.Сухомлинский халқ педагогикаси моҳиятини чуқур ўрганиб маънавийлик Ғояларини ва ундан келиб чиқадиган халқнинг педагогик нуқтаи назарларини ўрганиш зарурлиги ва муҳимлигини таъкидлайди. У халқ педагогикасининг бойлиги ва катта амалий аҳамиятга эга эканлигига қарамай уни керакликча ўрганилмаяпти, бу муаммо бўйича чуқур текширишлар олиб борилмаяпти деб ҳисоблайди. “Халқ педагогикаси ҳақида хали ҳеч Ким жиддий ўйламаган ва шунинг учун ҳам бу педагогикага катта ташвишлар келтиргандир – деб ёзади у – мен ишонаман, халқ педагогикаси – бу халқнинг маънавий

ҳаёти жамланган марказдир. Халқ педагогикасида миллий хусусиятлар, халқ қиёфаси кўрсатиб берилади”<sup>9</sup>.

Халқнинг хусусиятлари, халқнинг қиёфаси, унинг ҳаёллари ва орзулари, маънавий Ғоялари, айниқса, у яратган эртақларда, дostonлари, афсона, қисса, эпослари, ривоят, мақолларида яққол намоён бўлади.

Халқ педагогикаси масалалари бир қатор олимларнинг текширишлари предмети бўлган. Уларнинг ҳар бири халқ педагогикаси назарияси ва амалиётига ўзининг хиссасини қўшган. Г.Н.Волков (XX аср) халқ педагогикаси муаммоларини ҳар томонлама ва анча чуқур ўрганган олимлардан ҳисобланади, у “Чуваш халқ педагогикаси” ва “Этнопедагогика” монографиялари (1974) муаллифи ҳисобланади. Бу тадқиқотчининг асарлари региональ чуваш халқ педагогикаси чегараларидан анча кенг олинган, улар халқ педагогикаси концепциясини умуман шаклланишида, хусусан тарбия предмети, педагогик асослари, метод ва воситаларини шакллантиришда катта рол ўйнайди. Г.Н.Волков педагогик адабиётларда биринчи бор “этнопедагогика” атамасини ишлатди, уни ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш бўйича халқ оммасининг тажрибаси ҳақида, уларнинг педагогик дунёқарашлари ҳақидаги фан, турмуш педагогикаси ҳақидаги фан, оила, авлод, уруқ, халқлар ва миллат педагогикаси ҳақидаги фан сифатида белгилайди. Этник педагогика тарихий шароитлар таъсири остида юзага келган миллий характернинг хусусиятларини ўрганади.

XX аср 70-80-йиллари педагоглари Г.Н.Волков киритган “этнопедагогика” тушунчасини тўғри деб ҳисоблайдилар, чунки “халқ педагогикаси тажрибага ва унинг таърифига тааллуқли бўлса, этнопедагогика эса – назарий фикр доираси фан доираси билан боғлиқдир”<sup>10</sup>.

Халқ педагогикаси бўйича кўплаб қизиқарли текширишлар ўтказилган. Мисол учун, Сафаров.Н.С. ўзининг “Ўзбекистоннинг халқ педагогикаси илҚор Ғоялари ва тажрибалари” (1989) номли монографиясида ўзбек халқ тарбияси асосий йўналишларини ўрганиб бу жараённинг миллий ўзига хосликларини кўрсатиб ундан ўзбек кўп болалик оиланинг алоҳида ролини таъкидлайди.

У ҳозиргача сақланиб қолган ўзбек оиласининг “кўп қатламлилиги” халқ тарбияси Ғоялари ва тажрибалари асосий сақловчи ва етказувчиси бўлганлигини исботлайди. Халқ педагогикасини маълум даражада мустақиллик даврида яратилган китоблар ҳам тўлдирмоқда: Хайдаров.М. Этнопедагогика \_\_\_\_\_ Мунавваров.А.К. “Оила педагогикаси”. Т. 1994; Мусурмонова.О, Баубекова.Г. “Ўзбек халқ педагогикаси”. Т. 2000. Мисол учун, Мусурмонова.О ва Баубекова.Г. “Ўзбек халқ педагогикаси” ўқув қўлланмасида, ўзбек халқ педагогикаси бўйича мустақиллик йилларида биринчи ўқув қўлланмаси бўлган китобларида этнопедагогиканинг юзага келишини, унинг предмети, мазмуни ва методларини янги қарашларни очиб берадилар. Биринчи бор бундай қўлланмада ҳадислар, ҳамда ўзбек миллий ўйинлари, мақол ва маталлари, халқ қўшиқлари ва эртақлари хусусиятлари ўрганилади. Муаллифлар ўзбек халқ

9

10

педагогикасини мазмунини ҳозирги шароитларда ўсиб келаётган авлодни маънавий ва баркамол ривожланган қилиб тарбиялаш орқали очиб берадилар.

Халқ педагогикасининг энг муҳим амалий томони унинг ҳаёт билан, ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш амалиёти билан боғлиқлиги ҳисобланади – деб ҳисоблайдилар Мусурмонова.О ва Бадбекова.Г.

### **3. Халқ педагогикасида оила, болалар ва ота-оналар муаммолари**

Халқнинг муҳаббат, оила, болалар ва ота-оналар ҳақидаги тасаввурлари кўп асрлик турмуш тажрибалари асосида юзага келган. Бу тасаввурлар бирлаштирилган ва педагогик ўйлаб чиқилган, амалиётда, ҳаётда синовдан ўтган хулқ қоидалари, маслаҳатлар, тавсиялар тўпламида ўз ифодасини топган, улар халқ педагогик маданияти етуқлиги ва бойлигини билдиради.

#### **Оиланинг халқ намунаси**

Оила ва оилавий муносабатлар педагогикаси – мураккаб жараён дир. Агарда замонавий терминологиядан фойдаланадиган бўлсак, унда оила нималарни бажарариши кераклигига халқ ўз шахсий тажрибасида ишонч ҳосил қилган деб айтиш мумкин.

1. Болаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш одатлари, анъаналари, методларини аниқлаб конструктив методини.
2. Болаларнинг дам олиш, меҳнат қилиш ва ўқув машқулотлари тартибини ўрнатиб ташкилотчилик вазифасини.
3. Ота-оналар, ота-оналар ва болалар, болаларнинг ўзлари ўртасида, яқинлари, қариндошлар ва қўшиқлар ва шу қабила билан тўқри ўзаро муносабатлар қоидаларини ишлаб чиқиб коммуникатив вазифасини.

Булар ҳаммаси аста-секинлик билан оилавий муносабатлар тизимини яратади. Оила энг интим жамоа дир. Ɖзининг кўнглидаги фикрларини бола фақат ота-оналарига айтиши мумкин, айниқса сирларини онасига айтади. Оиладаги ўзаро муносабатлар жуда нозик ва қалтис иш дир, чунки у қариндошлик ришталари билан боқланган жамиятнинг бирламчи жамоаси билан боғлиқ бўлади. Бу ерда оила ичидаги ўзаро муносабатлар амалга оширилади. Оила ва оиланинг тарбиячилик вазифалари аниқланади. Унинг болаларга позитив таъсирини кучайтириш учун шароитлар яратилади. Оиланинг ва оилавий тарбиянинг ана шу ва бошқа хусусиятлари ҳар доим халқнинг диққат марказида бўлган, булар ҳаммаси Мараказий Осиё халқлари халқ педагогикаси меросларида ўз аксини топган.

Халқ кўплаб авлодлар тажрибаси асосида оиланинг асосини - ўзаро муҳаббат ташкил этишига ишонч ҳосил қилган. Шунинг учун шундай умумий ҳаётий фикр пайдо бўлган: “Севгисиз оила – бу илдизсиз дарахт дир”.

Севги муаммоси оилавий тарбия педагогикаси учун ҳар доим муҳим бўлган. Йигит ва қизлар ўртасидаги ёрқин ва соф дўстлик одатда олий инсоний ҳиссиёт – севгига айланади. Халқ донишмандлиги севгининг ҳар қандай кўринишига катта одоб билан ўз муносабатини билдиради.

Севгига авайлаб муносабатда бўлиш - халқ педагогикасининг муҳим маслаҳатидир: “Муҳаббатни кўз қора чиқингдек асра”. Инсонни фақатгина унинг табиий, ташқи чиройи учунгина эмас, балки унинг кўнгли гўзаллиги

учун ҳам севиш керак. “Севганинг чиройлими ёки чиройлиларни севасанми?”- деган саволга қозоқ мақоли шундай жавоб беради: “Сулув сулув эмас, суйганинг сулув”.

Севиш учун одамни кўриш ва уни билиш, уни тушуниш керак. “Кўз кўрмагани, юрак севмаган” деб бекорга айтишмайдилар, тожиклар эса “аввал кўзга ёқиши керак, кейин эса юракка” деб ҳисоблайдилар.

Халқ севишганлар хулқлари маданияти масаласини ҳам гапириб ўтган. Бунда севганининг яқинлари ва ота-оналарига ҳурмат юзасидан, бўлажак турмуш ўртоқнинг танловига муносабатни билдириш учун улар билан танишиш кўзда тутилган. Кўпгина мақолларда куёвга тўқри маслаҳатлар берилади: ҳамма ишни ота-оналардан бошлаш керак, айниқса қизнинг оиласидан, у қиз боланинг тарбиясига, унинг дунёқарашига, ишончи, диди, одатлари шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун халқда шундай нақллар бор: “онасини кўриб, қизини ол”, “Бир қизга уйланмоқчи бўлсанг – аввал унинг онаси билан таниш”.

Шуни айтиш муҳимки, халқ одатда тенг никоҳга, севги бўйича никоҳ тарафдори бўлади. Марказий Осиёда кўп даврлар давомида келин учун қалин пули тўлаш одат бўлиб келганига қарамасдан, одамлар халқ донишманлигига амал қилишга интиланганлар: “Тенг куёв топилган бўлса - қизингни қалин талаб этмай бериб юбор” (қорақалпоқлар); “Тенги чиқса текин бер” (қирқизлар). Халқ манфаатни кузлаб бошланган никоҳни рад этади. “Бойлик учун турмушга чиққандан кўра ўлган яхшироқ” деб айтадилар (ўзбеклар). Оила жамиятнинг бошланқич жамоаси бўлиб ҳаётнинг энг мураккаб ва турли хил ҳодисаларидан таъсирланади. Турмушда жанжаллар келиб чиқади. Халқ оилавий жанжаллар ҳақида нима деб ўйлайди ва оилавий тарбия тажрибалари билан қандай олдини олиш чоралари ишлаб чиқилган. Ўйкматли сўзларда оилавий жанжаллар ажойиб бир фикрлик билан табиий, қонуний ҳодиса деб қаралади. Ўзбек мақоли тўқридан-тўқри таъкидлайди: “Егуликсиз уй бўлади, лекин жанжалсиз уй бўлмайди”. Халқ оддий одамларга “ҳатто подшоҳнинг уйида ҳам жанжаллар бўлади” деб ўзини ҳам ва бошқаларни ҳам тинчлантиради.

Баъзан ота-оналари ва қўшнилари эр ва хотин ўртасидаги тортишувга аралашади уриниб кўрадилар, бу деярли ҳеч қачон яхши натижага олиб келмайди, шунинг учун ўзбек мақолларида “Эр ва хотиннинг ўртасига эси кетган аралашар” деб айтилади.

Кўпчилик ҳикматли сузлар афсусланиб ёмон хотинларнинг хислатларини кўрсатиб беради. Ёмон хотинлар ҳақида ўзбеклар шундай дейдилар: “От ёмон бўлса - хоҳишинг кетади, болаларинг ёмон бўлса – кунинг кетади, хотининг ёмон бўлса - меҳмон кетади”. Кўпчилик ҳикматли сўзлар аёлнинг энг ёмон ҳислати деб унинг минқир-минқирини, кулоқни тинчитмаслиги, мижқовлиги ва жанжалкашлигини кўрсатадилар: “Жанжалкаш хотиннинг Эри тез қарийди”, “Жанжалкаш хотинга уйлангандан кўра бўйдоқ юрган яхши”.

Оиланинг асосий вазифаси 0- катта авлод учун муносиб болаларни тарбиялаш ҳисобланади. Бу ерда ҳам ҳал қилувчи рол ота-оналарга боғлиқ бўлади.

Ота ва она биринчи тарбиячилар

Халқ педагогикасида оналик олий ижтимоий қадрият сифатида, инсон авлодини давом эттиришдан табиий талаб сифатида қаралади. Ўамма халқлар ҳақли равишда онани – аёлни юксакликка кўтардилар, онани улуқлайдилар, ҳурмат қиладилар. “Ўқил агарда кафтида онаси учун тухум пишириб берганида ҳам унинг олдида қарздорлиги қолади” деб ҳамма тан олган.

Болаларга муҳаббат – бу жуда муҳим педагогик муаммо ҳисобланади, чунки ана шу муҳаббати сабабли ота-оналар кўплаб тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўядилар. Ўамма халқ ҳикматли сўзларида болаларга чексиз муҳаббат хисси ифода этилган. “Уйнинг безаги – бу боладир, дастурхоннинг безаги – меҳмон”. Боланинг тарбиялилиги ҳам жуда қадрланади. Масалан, ўзбек мақолларида шундай дейилади: “Бола қимматбаходир, лекин янада ҳам қимматлиси унинг тарбияси” (“бола азиз, одоби ундан азиз”).

Халқ оталарининг шахсий ибрат кўрсатишларига кўп эътибор қаратган. Отанинг ёмон одати албатта болага таъсир кўрсатади, шунинг учун “Жанжалкаш отанинг ўқли урушқоқ бўлади” деб айтадилар.

Ота ва онадан ташқари оилада тарбиячилик вазифасини бува ва бувиси ва бошқа қариндошлари ҳам бажарадилар. Амалда улар номаълум халқ педагоглари ҳисобланадилар. Халқ донишмандлари бувалар ва бувилар ҳақида махсус эртаклар тўқиганлар.

#### **4.Халқ педагогикаси амалда**

Ўозирги замонавий шароитларда миллий анъаналар ривожланади, такомиллашади ва бойиб боради. Ана шуларнинг ўзи халқ педагогикасининг амалдалиги, ҳаётийлиги кўринишидир.

Ўалқ ҳар доим ёш авлодга ватанга муҳаббатни, ҳалоллик, тўқрилиқ, камтарликни сингдиришга интилади. Ёзбек оиласининг маънавий анъаналарини ўрганиб, халқ педагогикаси тадқиқотчилари Минаваров.А.К, Мусурмонова.О ўзбекларнинг тарбия халқ кодекси биринчи ўринга халққа, ўз давлатига хизмат қилишни қўяди деган хулосага келадилар. Ёзбеклар болада ҳалоллик, адолатлилиқ хиссини тарбиялашга жуда катта аҳамият берадилар. Адолатлилиқ ўзбеклар томонидан юксак маънавий сифат каби баҳоланади.

Фуқаролик хисси, жонажон ватанга ихтиёрий хизмат қилишга интилиши ўзбек халқ педагогикасида яққол ифодасини топган. Ўалқ тарбиячилари ижтимоий тарбиянинг ўзига хос шаклини топдилар ва ўрнатадилар. Ёзбекистонда жамоатчилиқ тарбиячиси вазифасини маҳалла бажаради, уларнинг аҳолиси анъанавий равишда жамоатчилиқ турмуши ва жамоатчилиқ ўзаро ёрдам қоидалари билан боқланган. Маҳалла ўзининг жамоатчилиқ марказига эга, унда чойхона, устахоналар, мачит, кичик бозорчаси бор. Маҳалла жамоатчилиги турар жойларни тартибга келтиради, ҳашарлар ташкил этадилар, тўйларни ташкил этадилар, ўсмирларни тарбиясига катта эътибор бериб бориб жамоатчилиқ тартибини кузатиб борадилар.

Шуни таъкидлаб айтиш зарурки, бу халқ анъаналари бугунги кунда демократик жамият куриш шароитида фаол қайта тикланди ва ўсиб борди. 2003 йил “Обод маҳалла” шиори остида ўтди. Бу йилда жамоатчилиқ тарбия миллий анъаналари ривожланиши учун кўплаб ишлар қилди.

Ўалқ педагогикаси одатлари, анъаналари, тамойиллари амалий ишланмоқда ва замонавий шароитларда ҳам ёш авлоднинг шахсини тарбиялаш ва шакллантиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Халқ педагогикаси анъаналари ривожланмоқда ва такомиллашмоқда, эски анъаналар билан бир қаторда янгилари пайдо бўлмоқда. Бизнинг давримизда янги анъаналари пайдо бўлди ва мустақкам ўрнашиб олди. Масалан, мактабни ёки олий ўқув юртини тамомлаганлиги муносабати билан анъанавий тантаналар, балоҚат ёшига етиши, ота-оналар биринчи\_\_\_\_\_ кунида совҚа бериш, умумхалқ ҳашарларида иштирок этиш ва бошқалар

## **5-мавзу: Ота-оналари назоратсиз қолган болалар ва оилалар билан ижтимоий-педагогик фаолият**

Режа:

5. Оила ва унинг асосий вазифалари.
6. Оиланинг ижтимоий мавқеи ва унинг турлари
7. Оилага ижтимоий-педагогик ёрдам шакллари.
8. “Васийлик қилиш” ва “Қамхўрлик қилиш” тушунчалари моҳияти. ўамхўрлик қилиш ва васийлик қилишга муҳтож тоифали болалар.
9. Асраб олган оила билан ижтимоий-педагогик фаолият.
10. Давлат васийлик ташкилотларида ижтимоий-педагогик фаолият.

Асосий тушунчалар: оила, хавфи бор гуруҳи оиласи, етимлик, васийлик ва Қамхўрлик, асраб олиш.

### 4. Оила ва унинг асосий вазифалари

Жамиятда оиланинг роли ўзининг кучи бўйича бошқа ҳеч бир институтлар билан тенглаштириб бўлмайди. Айнан оилада инсоннинг шахси шаклланади ва ривожланади бола жамиятда қийинчиликларсиз мослашиб кетиши учун у ижтимоий вазифаларини эгаллайди. Оила биринчи тарбиявий институт сифатида иштирок этади, у билан боғлиқликни инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ҳис этади. Оилада инсоннинг маънавийлигига асос солинади ҳулқи қоидалари юзага келтирилади шахснинг ички дунёси ва индивидуал сифатлари очиб берилади.

Статистика кўрсатишича, хўжалик юритиш бозор сиёсатига ўтиш ижтимоий институт сифатида оила ҳолатига анча ёмон оҚир таъсир кўрсатди. Демографлар туғилиш камайганини қайд этадилар социологлар асоциал оилалар сонини ўсиб боришини қайд этадилар ва турмуш даражасининг пасайишини тахмин қиладилар.

Ўамма даврларда ҳам оила ўзининг фарзандларини тарбиялашда ёрдам олишга талабни ҳис этган. Тарих кўрсатишича, одамлар катта оилалар билан яшаганларида оилавий ҳаётнинг зарур бўлган билим ва кўникмалари авлоддан авлодга табиий равишда ва оддий кундалик ўтиб келган. Замонавий индустриал жамиятда авлодлар ўртасидаги оилавий алоқалар бузилмоқда. Шунинг учун, жамият оила ташкил этиш ва болаларни тарбиялаш ҳақидаги зарур билимларни

етказиш бўйича ишларни ўз зиммасига олади. Ўзирги пайтда ота-оналарга мутахассис психологлар ижтимоий ишлар ходимлари ижтимоий педагоглар ва болаларни тарбиялаш бўйича бошқа мутахассисларнинг ёрдамлари зарур. Ана шу мутахассисларнинг ёрдамига фақатгина нотинч, ёмон оилалар эмас, бугунги кунда тинч яхши оилалар ҳам муҳтожлар.

Оила ҳақида бир неча хил тушунчалар мавжуд: биринчидан, оила – бу никоҳ ва (ёки) қон-қариндошчиликка асосланган кичик ижтимоий гуруҳ, унинг аъзолари биргаликда яшайдилар ва уй ишларини бажарадилар, бир-бирига нисбатан ўзаро мажбуриятлар билан бирлашганлар. Иккинчидан, оила – бу ижтимоий институт бўлиб, унда одамлар ўртасида ўзаро муносабатлар барқарор мустаҳкам шаклда бўлади. Ана шу ўзаро муносабатлар доирасида одамларнинг кундалик ҳаёти асосий қисми амалга оширилади: жинсий муносабатлари, фарзанд кўриш, болаланинг бошланқич ижтимоийлашиши, тарбиялаш, таълим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Оила-никоҳ муносабатлари инсониятга қадим даврлардан маълум. Неолит давридаёқ (15-20 минг йил илгари) онгли инсон пайдо бўлганда, одамлар жамоаси мавжуд бўлгандаёқ уларнинг биргаликда хўжалик юритишдаги ва бола тарбиялашдаги вазифалари табиий жинсийлиги, ёшига қараб (эркак, аёл) ажратилишига асосланган. Тарихда қайд этилган оилавий муносабатларда фарқлар бўлишига қарамай, ҳамма оилаларни бирлаштирадиган қандайдир умумийлик бор. Бу оилавий тарзда ҳаёт кечиришдир, бунда инсоният яшашнинг ягона имкониятини топган.

Олимлар оиланинг турли вазифаларини кўрсатадилар. Биз биринчи навбатда, болани тарбиялаш ва ривожлантиришга тааллуқлиларини асослашга тўхталиб ўтамиз.

### **Репродуктив вазифаси**

(productio лот, сўзидан - ўзини қайта ишлаб чиқиш, кўпайиш, авлод ишлаб чиқариш) инсон зотини давом эттириш заруриятини сабабини асослайди. Охирги пайтларда 2-3 одамдан ташкил топган оилалар сони ортиб бормоқда. Бундай оилаларнинг айтишларича болалар ота-оналарнинг эркинликларини чеклайди: таълим олишда, ишда, малакасини оширишда, ўзининг қобилиятларини амалга оширишда. Бола кўрмаслик афсуски фақатгина мавжуд бўлмай, улар болага эга бўлиш ёшидаги эр-хотинлар орасида кенг тарқалмоқда, бу европа давлатлари учун хосдир. Оила катталигини қисқариши куйидаги омиллар сабабли содир бўлмоқда: туғилишнинг камайиши, ёш оилаларнинг ота-оналаридан ажралиб чиқишлари, ажралишларнинг ўсиб бориши натижасида бир ота ёки оналик оилалар сони ортиб бормоқда. Аҳолининг соқлиқи сифати ва мамлакатда соқлиқни сақлаш ривожланиш даражаси. Экспертларнинг баҳолашлари бўйича ёмон экологик шароит, ахлоқсиз ҳаёт кечириши, касаллиги ёмон овқатланиш ва бошқалар сабабли ёши катта аҳолининг 10-15% соқлиқи ҳолати сабабли болага эга бўлиши мумкин эмас.

### **Иқтисодий ва хўжалик-турмуш вазифалари**

Азалдан оиласи ҳар доим жамиятнинг хўжалик бошланқич ташкилоти бўлиб келган. Ов қилиш ва дон етиштириш, ҳунармандчилик ва савдо оилада ҳар доим вазифалар тақсимланган бўлгани учун мавжуд бўла олган. Азалдан



аёллар бутун уй ишлари билан машқул бўлганлар, эркаклар касб-хунар билан шуқулланганлар. Илмий техник революция асрига келиб одамлар ҳаёти юмушларининг кўплари (овқат тайёрлашқ Кир ювиш, уй тозалаш, кийим тикиш ва бошқалар) қисман маиший хизмат соҳасига юклатилди. Иқтисодий вазифаси оила аъзолари учун бойлик тўплаш билан боғлиқ бўлган: келин учун совқалар, куёв учун қалин, авлодларга қолдириладиган буюмлар, тўйга, вояга етиш ёшига суқурта қилиш, пул маблақлари тўплаш. Бизнинг жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар оиланинг мол-мулк тўплаш, хусусий мулкка эга бўлиш, турар жойини хусусийлаштириш, мерос қилиб қолдириш ва шу каби масалалардаги иқтисодий вазифаси яна фаоллашиб бормоқда.

### **Бошланқич ижтимоийлаштириш вазифаси**

Оила боланинг шахси шаклланишига фаол таъсир кўрсатадиган биринчи ва асосий ижтимоий гуруҳдир. Оила ижтимоий микромуҳитдир. Ижтимоий таъсир кўрсатиш омилларидан биридир. У боланинг жисмоини, психик ва ижтимоий ривожланишига таъсир кўрсатади. Оиланинг вазифаси болани у дунёга келган мамлакат маданиятига ва бола табиатига мос равишда ривожланиб бориши учун уни аста-секин жамиятга киритиб боришдан иборатдир.

Инсоният тўплаган ижтимоий тажрибаларига, у туғилиб ўсаётган мамлакат маданиятига, унинг маънавий-ахлоқ қоидаларига, халқ анъаналарига болани ўргатиш – ота-оналарнинг мажбурий вазифасидир.

### **Тарбиявий вазифаси**

Бошланқич ижтимоийлашиш жараёнида болани оилада тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ота-оналар боланинг биринчи тарбиячилари бўлганлар ва шундай бўлиб қоладилар. Болани оилада тарбиялаш мураккаб ижтимоий-педагогик жараёндир. Оиладаги муҳит ва шароит боланинг шахси шаклланишига таъсир кўрсатади. Ота ва она ўз боласини ардоқлайди, эркалайди, ташвишини қилади, ҳаёт ташвиш ва қийинчиликларидан асрайди. Ота-оналарнинг шахсий ибратлари – боланинг тарбиясига таъсир кўрсатиш муҳим воситасидир. Унинг тарбиявий аҳамияти боланинг тақлид этишга қизиқиши, ҳавас қилишига асосланган. Билим ва тажрибаларга эга бўлмай бола катталар қилганини такрорлайди, уларнинг ҳаракатларига тақлид қилади. Баъзан боланинг оилада олган тажрибаси боланинг атроф дунёга, одамларга нисбатан ягона ўлчов белгиси бўлиб қолади. Тўқри баъзи оилаларда ота-оналари бемор бўлганида, бузуқ ахлоқли ҳаёт кечирганларида, педагогик маданиятга эга бўлмаганларида ва шу қабиларда тарбия бузилиши мумкин. Албатта, бола шахси тарбиясига шунчаки ўзининг борлиги билан таъсир кўрсатмайди, балки қулай маънавий-психологик муҳити, унинг аъзолари ўртасидаги соқлом муносабатлар билан таъсир кўрсатади.

### **Рекеацион (қайта тиклаш) ва психотерапевтик вазифалари**

Бунинг мазмуни оила инсон ўзини тўла ҳимояланган деб хис этадиган, тўла қабул қилинган, унинг мавқеи, ташқи кўриниши, ҳаётдаги муваффақиятларидан моддий аҳволдан қатъий назар, оила уни қабул қиладиган бошпана бўлишидан иборатдир.

“Менинг уйим – менинг қасрим” ибораси соқлом, тинч оила – дунёдаги ҳамма нотинчликлардан вақтинчалик бўлса ҳам яширинишга, дам олиб ўз кучларини тўплаб олишга энг ишончли ва энг яхши бошпана деган маънони яхши ифода этиб беради.

Рафиқаси ўз уйида ўзининг ҳокимининг ҳамма камситишлари ва жаҳлларига индамай чидаб келган анъанавий модели энди ўтмишда қолиб кетмоқда. Кўпчилик аёллар ҳам энди ишга борадилар ва уйга чарчаб, толиқиб қайтадилар. Оилавий шароитда, яқинлари билан муносабатларда, болалари билан бўлганида кучлари анча яхши тикланади.

## **5. Оиланинг ижтимоий мавқеи ва унинг турлари**

Оила яхлит системали ташкилотдир. Ўзирги замонда оила олдида турган муаммолардан бири – бу оиланинг жамиятда мослашишидир (лотинча *adapto* - мослаштираман), яъни оиланинг замонавий муҳитда (жамиятда) ҳаёт шароитларига мослашиши ҳисобланади. Мослашиш жараёнининг асосий характеристикаси бўлиб, ижтимоий мавқеи иштирок этади, яъни оиланинг жамиятда мослашиш жараёнидаги ҳолати.

Оиланинг ижтимоий мавқеини аниқлаш учун унинг бир қатор тузилиш – функционал характеристикаларини ҳамда оила аъзоларининг индивидуал хусусиятларини билиш керак.

### **Оиланинг тузилиш характеристикалари**


4. Никоҳли шерикларнинг мавжудлиги (тўла, расман тўла, тўла эмас).
5. Оиланинг ҳаётий цикли босқичи (ёш, етук, қари).
6. Никоҳ тузиш тартиби (биринчи, такрорий).
7. Оиладаги авлодлар сони (битта ёки бир неча авлодлар).
8. Болалар сони (кўп болалик, кам болалик).

### **Оила аъзоларининг индивидуал хусусиятлари**

Уларга ижтимоий-демографик, физиологик, психологик, оила катта аъзоларининг патологик одатлари киради ва боланинг характеристикалари киради: ёши, бола ёшига муносиб нутқи ривожланганлиги, жисмоний, психологик ривожланиш даражаси; унинг қизиқишлари ва қобилиятлари; у борадиган таълим ташкилотлари, муносабат ва ўқитиш муваффақиятлари; ўзини тутишда четланишлар, патологик одатлари, нутқий ва психик бузилишлар мавжудлиги.

Оила аъзоларининг индивидуал хусусиятлари унинг тузилиш ва функционал кўрсаткичлари билан биргаликда комплекс характеристикаларни ташкил этади – оила мавқеини (лотинча *status*-ҳолати, вазияти).

## Оиланинг ижтимоий мослашиши тузилиши



### Оиланинг ижтимоий мослашиши биринчи ташкил этувчиси – оиланинг моддий аҳволи

Оиланинг моддий фаровонлиги, унинг таъминланганлиги бир неча миқдорни ва сифатли кўрсаткичлар билан баҳоланади. Булар оиланинг даромад даражаси, унинг ҳаётий шароитлари, буюмлари мавжудлиги (яъни оила эга бўлган бумлар) ҳамда унинг аъзоларининг ижтимоий-демографик хусусиятларидан иборат, бу оиланинг ижтимоий-иқтисодий мавқеини ташкил этади. Оиланинг даромадлари даражаси, ҳамда турар жойи шароитлари белгиланган нормадан паст бўлса (тирикчилик минимум ива бошқалар) бунинг оқибатида оила энг керакли ҳисобланган озиқ-овқат, кийим, турар жойи учун ҳақ тўлаш талабларини қондира олмайди, бунда оила камбақал ҳисобланади ва унинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи – паст ҳисобланади. Агарда оиланинг моддий таъминланиши ижтимоий меъёрлар минимумига мос келса, яъни агарда оила ҳаёт кечирини учун асосий талабларни қондира олса, лекин моддий маблақи дам олиш, таълим ва бошқа талабларини қондиришга етмаса унда бундай оила кам таъминланган ҳисобланади, унинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи - ўртача ҳисобланади.

Даромади даражаси ва яшаш шароити юқори бўлиб (ижтимоий меъёрдан икки баробар кўп ва ундан ортиқ) фақатгина яшаш асосий талабларини қондириб қолмай, яна турли хил хизматлардан фойдаланиш имкони ҳам бўлса бу оила моддий таъминланган ҳисобланади, юқори ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлади. Оиланинг ижтимоий мослашиши иккинчи ташкил этувчиси – унинг психологик муҳити – оила аъзолари кайфияти, уларнинг ҳаётий кечинмалари, бир-бирига муносабати, бошқа одамларга, ишга, атрофдаги ходисаларга қарашлари натижаси сифатида юзага келадиган барқарор мустаҳкам эмоционал кайфиятдир. Оиланинг психологик кайфияти ҳолатини баҳолаш учун эр-хотинлар ўртасидаги, болалар ва ота-оналар ва яқин қариндошлари ўртасидаги ўзаро муносабатларини ҳисобга олиш керак бўлади.

Оиланинг психологик кайфияти ҳолати кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади: эмоционал эркинлиги даражаси, хавотирланиш даражаси, бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш, кўллаш, ёрдам кўрсатиш, ҳамдардлиги, бир-бирига таъсири даражаси; дам олиш жойи (оилада ёки ундан ташқарида), оиланинг яқин атрофдагилар билан муносабатлари очиклиги.

Тенг ҳуқуқлилиқ ва ҳамкорлик принципларида қурилган муносабатлар маъқул ҳисобланади. Оилада бир-бирларининг ҳуқуқларини ҳурмат қилишади, бир-бирига боққанлиқ мавжуд, эмоционал яқинлиқ ҳис этилади. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўзаро муносабатлар сифатидан хурсанд. Буларнинг ҳаммаси бўлган ҳолатда – оиланинг ижтимоий-психологик мавқеи юқори деб баҳоланади. Оилада носоқлом психологик муҳит эр-хотинлар ёки ота-оналар ва болалар ўртасида доимий қийинчиликлар ва жанжаллар бўлган ҳолларда юзага келади, оила аъзолари доим хавотирда бўладилар, ўзларини эркин ҳис эта олмайдилар: оила аъзолари ўртасида бегоналиқ ҳисси ҳукмрон бўлади. Буларнинг ҳаммаси оиланинг асосий вазифаларидан бири бўлган – психотерапевтик, яъни стрессни ва чарчоқни йўқотиш, жисмоний ва маънавий кучларини тиклаб олиши каби вазифасини бажаришга ҳар бир оила аъзосига ҳалақит қилади. Бундай ҳолатда ижтимоий психологик муҳити – паст даражали бўлади.

Шу билан бирга ёмон муносабатлари инқирозли, бутунлай бир-бирини тушунмаслик, бир-бирига душманлик, жаҳл билан куч ишлатиш (психик, жисмоний, жинсий), ажрашиш истаги пайдо бўлиши билан ифодаланувчи ҳолатларга айланиши мумкин. Инқирозли муносабатларга мисоллар: ажралиш, боланинг уйдан қочиб кетиши, қариндошлари билан муносабатлари, алоқаларининг тўхталиши.

Ёмон муносабатлари бўш ифода этилганда доимий бўлмаганда оиланинг оралиқ ҳолатида бўлганда оиланинг ижтимоий-психологик мавқеи ўртача ҳисобланади. Ижтимоий мослашиш тузилиши учинчи ташкил этувчиси – ижтимоий-маданий мослашиш.

Оиланинг умумий маданиятчилигини аниқлашда унинг катта ёшдаги аъзолари билим даражаларини ҳисобга олиш зарур. Катталарнинг билим даражалари болаларни тарбиялашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари оила аъзоларининг турмуш ва ўзини тутиш маданиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Агарда оила одатлар ва анъаналарни давом эттирувчиси, сақловчиси ролини бажара олса (оилавий байрамлар сақланиб қолинса, халқ оқзаки ижоди сақланса) оиланинг маданий даражаси юқори ҳисобланади; қизиқишлари доираси кенг бўлади; маънавий талаблари ривожланган бўлса: оилада турмуш тўқри ташкил этилган, дам олиш турли хилларда бўлади, шу билан бирга дам олиш ва турмуш фаолияти биргаликда олиб борилади; оила болани ҳар томонлама (эстетик, жисмоний, эмоционал, меҳнат) тарбиялаш билан машқул бўлади ва соқлом турмуш тарзини таъминлайди.

Агарда оиланинг маънавий талаблари ривожланмаган, қизиқишлари доираси тор бўлса, турмуши ташкил этилмаган, уюлмаган, оилани бирлаштирувчи биргаликда маданий хордиқ чиқариш ва меҳнат фаолияти бўлмаса, оила

аъзоларининг одобини бошқариш бўш бўлса (хулқини бошқаришда мажбурлаш методлари устун бўлади); оила носоқлом турмуш тарзи олиб борса (носоқлом, хулқи бузуқ) унда унинг маданияти даражаси – паст бўлади.

Агарда оила маданияти юқори даражалигининг тўла тўпламга эга бўлмаса, лекин ўзининг маданий даражаси муаммоларини тушуниб етса ва уни ошириш йўналишида фаоллик кўрсатса унда оиланинг ижтимоий-маданий мавқеи ўрталлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади.

### **Тўртинчи кўрсаткичи-вазиятли-ролли мослашиши**

Бу мослашиш оилада болага муносабат билан боғлиқ бўлади. Болага оқилона ижобий муносабатда бўлганда, боланинг муаммосини ҳал қилишда оиланинг юксак маданиятлилиги ва фаоллиги бўлган ҳолда унинг вазиятли-ролли мавқеи юқори бўлади: агарда болага ҳаддан ташқари эътиборлилик, унинг муаммоларига аралашуш кўп бўлса, унда 0 ўртача бўлади. Агарда боланинг муаммоларига эътибор берилмаса ва ундан ҳам ёмони болага ёмон муносабатлар бўлса, бу оиланинг паст маданияти ва фаоллиги билан бирга вазиятли-ролли мавқеи – паст бўлади.

### **Оиланинг типологияси**

Оиланинг кўплаб типологиялари мавжуд бўлади: психологик, педагогик, социологик. Ижтимоий педагогнинг фаолияти вазифаларига комплекс типологияси жавоб беради, у жамиятда ижтимоий мослашуви даражаси бўйича фарқ қиладиган оиланинг тўрт категориядаги типларини ажратишни кўзда тутди.

1. Юқори даражаси - мустаҳкам оилалар.
2. Ҷртача – хавфи бор оилалар гуруҳи.
3. Паст даражали – нотинч (бахтсиз) оила.
4. Жуда паст – асоциал оилалар.

Тинч, бахтли оилалар ўз вазифаларини бажара оладилар. Ижтимоий педагог ёрдамига деярли муҳтож эмаслар. Бундай оилалар мослашиш қобилиятлари ҳисобига, яъни моддий, психологик ва бошқа ички имкониятларига асосланган қобилияти ҳисобига ўз боласининг талаб-эҳтиёжларига тезликда мослашиб олади ва уни тарбиялаш ва ривожлантириш масаларини муваффақиятли ҳал этади. Муаммолар пайдо бўлган ҳолларда уларга ижтимоий педагогнинг бир марталик ёрдами (маслаҳати) етарли бўлади.

Хавфи бор гуруҳ оилалари қоидалардан бир қанча четланиши билан ифодаланади (тўла бўлмаган оила, кам таъминланган оила ва шу қабилар). Булар оиланинг мослашиш қобилиятини пасайтиради. Улар болани тарбиялаш вазифаларини ўзларининг кўп кучларини ишлатиб бажарадилар, шунинг учун ижтимоий педагог оила ҳолатини кузатиб бориши керак ва керак бўлганида ўз вақтида ёрдамини таклиф этиши зарур.

Нотинч оилалар, бу ҳаёт фаолияти бирор-бир соҳасида ёки бир вақтда бир нечтасидан паст ижтимоий мавқега эга бўлган оилалар. Масалан, оила даромади паст даражада, ёмон психологик муҳит, оилада маданият даражаси паст. Бундай оилалар уларга юклатилган вазифаларни бажара олмайдилар, уларнинг мослашиш қобилиятлари паст, болани оилавий тарбиялаш жараёни

қайта қийинчиликлар билан ўтади, натижаси кам бўлади. Бундай турдаги оила учун ижтимоий педагог томонидан фаол ва давомийли ёрдам керак бўлади.

Асоционал оилалар – бу ота-оналари хулқи бузуқ, қонунга хилоф равишда ҳаёт кечираётган оилалар ва бу оилаларда яшаш – турмуш шароитлари энг оддий санитар-гигиеник талабларга жавоб бермайди. Бундай оилаларда одатда болалар тарбияси билан ҳеч ким шуқулланмайди, болалар қаровсиз қоладилар, ярим оч, ярим яланқоч бўлиб ривожланишдан ортда қоладилар. Ота-оналари томонидан бошқалар томонидан ам жабрланадилар, ижтимоий педагогнинг бундай оилалар билан ишлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан биргаликда, ҳамда васийлик қилиш органлари билан ҳамкорликда олиб борилиши керак.

## **6. Оилага ижтимоий-педагогик ёрдам шакллари**

Чет эл амалиётида муҳтожларга узоқ вақтли ва қисқа вақтли ишлар шаклларидан фойдаланиб ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш бой тажрибалари тўпланган.

Оз вақтли шакллари орасида олимлар инқирозинтервент ва муаммолийўналтирилган моделни ўзаро алоқларини кўрсатадилар.

Инқирозинтервент модели оила билан ишлашда бевосита инқирозли вазиятларда ёрдам кўрсатишни кўзда тутди. Бундай вазиятлар оиланинг кундалик ҳаёти давомида юзага келиши мумкин ёки тасодифий зарар етказувчи ҳолат бўлиши мумкин. Бундай ноқулай даврлар боланинг ёши инқирози билан боғлиқ, бунда оилада психологик-педагогик муаммолар кучаяди.

Уч ёш инқирози шахснинг асосий индивидуал-психологик сифатлари шаклланиши жараёни билан ва ижтимоий-маънавий сифатларининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлади.

7-8 ёш инқирози мактаб ўқувчиси янги ижтимоий мавқега мослашиши, ҳаётнинг янги режимини ўзлаштириши, ўқитувчи билан, болалар жамоаси билан муносабатлар ўрнатилиши билан боғлиқдир.

12-17 ёш инқирози ўзини ташкил топтириш, оила аъзолари, ота-оналари билан, умуман катталар билан муносабатларини ўзгартириш даври.

18-21 – ижтимоий ўзини аниқлаш даври.

Оилага инқироз пайтида фақатгина ижтимоий педагог эмас, балки профессионал психолог, ёрдам кўрсатиш норасмий гуруҳлари, махсус ташкилотлар (ижтимоий ҳимоя, реабилитация маркази ва бошқалар) ёрдам кўрсатадилар.

Ўзаро алоқалар муаммолийўналтирилган модели (шакли) қисқа вақтли ишлар стратегиясига киради, унинг давомийлиги 4 ойдан ошмайди. Муаммолийўналтирилган модели оила мурожаат этган аниқ амалий масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлади.

Бу модел диққат марказида муаммо ва ёрдам кўрсатувчи мутахассислар бўладилар, оилага ёрдам кўрсатувчилар ўз кучларини оила англаб етган ва улар бунинг устида ишлашга тайёр бўлган муаммони ҳал этишга қаратишлари керак. Бундай муаммолар болага деструктив муносабатлар (лотинча destructio-бузиш, барбод этиш, бирор нарсанинг нормал тузилишини парчалаш), тарбиялаш

нотўҚри усули, оиладаги ёмон, кўнгилсиз психологик муҳит бўлиши мумкин. Чет эл давлатлари иш тажрибаларида асосан устун бўлган ишлар олиб бориш узоқ вақтли шакллари миждоз билан узоқ вақт муносабатда бўлишни (4 ой ва ундан кўп) талаб этади ва одатда психологик ёндошишга асосланади.

Оилалар ижтимоий-педагог ва психологик ёрдам сўраб мурожаат этмаса (улар бунга мухтождлар аслида) унда уларга нисбатан патронаж каби иш усули қўлланилади. Патронаж ижтимоий педагогнинг иш усулларида бир шаклидир, бу усулда ижтимоий-педагог диагностик, текшириш, назорат, мослашиш-реабилитацион мақсадларда оилаларни уйига келиб ишлашидан иборат бўлади. Ўзбекистон республикасида патронаж иш усули мавжуд бўлиб ва педиатрик хизматлар, ногиронлар ва нафақахўрларга ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари томонидан амалга оширилади. Лекин тиббий ва хўжалик-турмуш хизматлари патронаж имкониятларини чегараламайди, унинг доирасида турли хил таълим, психологик ёрдамлари амалга ошириши мумкин, шунинг учун ижтимоий педагогнинг оилага келиб ишлаш шакли унинг ажралмас қисми бўлиши керак.

Патронаж билан бир қаторда оила билан ишлаш шаклидан бири сифатида консультацион суҳбатларни кўрсатиш мумкин. Индивидуал консультатив суҳбатлар билан бир қаторда оила билан ишлаш гуруҳли ишлаш методи – тренинг қўлланиши мумкин.

## **7. “Васийлик” ва “қарамоқига олиш” тушунчаларининг моҳияти. Васийлик ва Қамхўрликка мухтожд болалар категориялари**

Васийлик – бу “балоқатга етмаган шахслар шахси ва мол-мулки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шаклидир (ота-онасиз олган болалар, рухий касаллар)”<sup>11</sup>. васийлик дейилганда бундай кузатишлар вазифаси юклатилган шахслар ёки ташкилотлар ҳам тушунилади. Васийлик қилиш топширилган шахс васий деб аталади, унинг мажбурияти эса васийлик.

қарамоқига олиш - ўз мазмуни бўйича васийликка яқин тушунчадир, қарамоқига олиш – бу балоқатга етмаган болалар шахсий ва мол-мулкка ҳимоя қилиш шакли (ва бошқа категорияли одамларнинг ҳам), яъни қарамоқига олиш деганда васийликдан фарқли равишда унга анча кенг категориядаги болалар киради. Ўзирги кунда кундалик нутқда ва назарий тадқиқотларда икки тушунча кенг қўлланилади: етим (ҳеч кими йўқлик) ва ижтимоий етим (ижтимоий ҳеч кими йўқлик).

Етим болалар – бу 18 ёшгача бўлган иккала ота-оналари ёки бирортаси вафот этган шахслардир. Ижтимоий етим – бу биологи кота-оналари бор бола, лекин улар қандайдир сабабларга кўра бола тарбияси билан шуқулланмайдилар ва унга Қамхўрлик кўрсатмайдилар.

Бундай ҳолларда болаларга Қамхўрлик қилиш вазифасини жамият ва давлат ўз зиммасига олади. Шундай қилиб, ота-оналари қаровисиз қолган болалар категорияларига қуйидагилари кирадилар:

1. ота-оналари вафот этган.

---

<sup>11</sup> Ожегов.С.И. Толковый словарь русского языка. – М, 1994, с. 445

2. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган.
3. Ота-оналик ҳуқуқлари чекланган;
4. Номаълум, дараксиз, йўқ ҳисобланган.
5. Ишга яроқсиз (носوқлом, иш қобилияти чекланган);
6. Жазони ижро этиш колоннияларида жазо олаётган.
7. Жиноят қилганликда айбланади ва қамоққа олинган.
8. Болаларни тарбиялашдан бош тортади.

9. Бола вақтинча жойлаштирилган даволаш, ижтимоий ташкилотлардан болани олиб кетишдан бош тортадилар.

Васийлик ва қарамоқига олиш – етим-болаларни ва ота-онаси қаровисиз қолган болаларни боқиш, тарбиялаш, таълим бериш ва уларнинг ҳуқуқ ва қизиқишларини ҳимоя қилиш учун жойлаштириш шаклидир. Васийлик 14 ёшга етмаган болалар устидан ўрнатилади, қарамоқига олиш 14 ёшдан 18 ёшгача болалар устидан ўрнатилади.

Етимлик – жамият олдида турган жуда жиддий муаммолардан биридир. Ота-онасини йўқотган бола – бу алоҳида жуда ҳам фожеали дунёдир. Ота ва онали бўлиш талаби эҳтиёжи боланинг энг кучли талабларидан биридир. Ижтимоий етимлик бугунги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун хосдир. Масалан, америкалик тадқиқотчилари бутун дунё бўйича касалхоналар, туқруқхоналар, ижтимоий муассасалар ташлаб кетилган чақалоқлар билан тўлиб кетганлигини айтадилар. Уларни турлича “воз кечилган болалар”, “давлат болалари”, “ташлаб кетиш учун туғилганлар” ҳам деб атайдилар.

Уруш бошланганда Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг хотини Баҳри Акрамова артелда темирчи бўлиб ишлаганлар. Токент аёлларининг Ёзбекистон барча аёлларига мурожаат этиб (1942 январ) уларни эвакуация қилиб келинган болаларга нисбатан оналик Қамхўрлигини кўрсатишга чақирганларидан кейин улар турли миллатлардан етим-болаларни тарбияларига олишган. Улар орасида рус, белорус, молдаван, украин, латиш, қозоқ, татар ва бошқа миллат болалари бор эди. Шомаҳмудовлар бошпанасиз қолган болаларга Қамхўрлик кўрсатадилар, уларни ўқитиб тарбиялаб бизнинг мамалакатимизга муносиб кишилари қилиб ўстирдилар. 1966 йилда zilзиладан сўнг Шомаҳмудовлар бошпанасиз қолган болаларни оилага қабул қилдилар. Шомаҳмудовлар “Ўурмат белгиси” ордени билан Б.Акрамова “қахрамон она” ордени билан ҳам мукофотланганлар. Улар Раҳмат Файзининг “Улуқ инсон” романининг, “Сен етим эмассан” бадиий фильмининг асосий қахрамонлари тимсоли қилиб олинганлар. Тошкентнинг кўчаларидан бири Шомаҳмудовлар номи билан аталади, Халқлар Дўстлиги майдонида “Дўстлик” монументи ўрнатилган. Улардан ташқари яна минглаб ўзбек оилалари уруш йилларида эвакуация қилинган болаларни асраб олганлар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқ шоири Гофур Гулом ўзининг “Сен етим эмассан” шеърида ўз ота-оналарини ва уйларини йўқотган болаларга қаратилган қалб сўзларини ёзган:

Сен етим эмассан, тинчлан жигарим!

Куёшдек меҳрибон ватанинг онанг,  
Заминдек вазмину меҳнаткаш, мушфиқ



Халқ бор, отанг бор чўчима жигарим,  
Уз уйингдасан, ухла жигарим

Етимликнинг ҳамма сабабларини айтиб ўтиш қийин, чунки бу турли фан соҳалари олимлари (шифокорлар, психологлар, социологлар, педагоглар ва кўплаб бошқалар) шуҚулланадиган кўп қиррали муаммо ва у ҳам охиригача ўрганиб бўлинмаган. Аммо ҳеч бўлмаганда етимликнинг учта сабабларини айтиш мумкин:

- Ота-оналар (кўпинча оналар) ўзининг балоҚатга етмаган боласидан ўз ихтиёри билан воз кечади, шу билан бирга бу кўпинча чақалоқлик ёшида кузатилади: воз кечиш, ташлаб кетилган чақалоқлар.
- Боланинг қизиқшларини ҳимоя қилиш мақсадида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда болани оиладан мажбурлаб тортиб олиш. Бу ҳолат асосан ичкиликбозликка берилган, жамоатчилик, жамият қоидаларига зид равишда ҳаёт кечираётган, носоҚлом ота-оналари бўлган, нотинч оилаларда юз беради.
- Ота-оналари вафот этганда. Бунга аҳолини шошилинич кўчишга мажбур этувчи қандайдир табиий ёки ижтимоий катаклизмлар (уруш, ер қимирлаши ва шу қабилар) оқибатида йўқолиб қолган болаларни ҳам киритиш мумкин. Ўар қандай жамият ва давлатнинг асосий вазифаси – боланинг оилада тарбияланиш ҳуқуқини амалга оширишдир. Боланинг бу ҳуқуқлари халқаро ҳужжатларда қайд этилгани каби (БМТнинг боланинг ҳуқуқи ҳақидаги конвенция ва бошқалар), Ёзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларда қайд этилган. Масалан, Ёзбекистон Республикаси оила кодексига энг устун ва мустақил сифатида қуйидаги боланинг ҳуқуқлари кўрсатилади: оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи, ота-оналари ва бошқа қариндошлари билан алоқа қилиш ҳуқуқи, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, исми, фамилияси, отасининг исмига ҳуқуқи. давлат биринчи навбатда болани оилада сақлаб қолишга ва уни давлат муассасаларига тарбиялашга беришни олдини олишга бор кучи билан интилади. Агарда болани оилада сақлаб қолиш мумкин бўлмаса унинг учун янги оила излаш афзал деб ҳисобланади.

Ёзбекистонда ота-оналарисиз қолган етим-болаларга ёрдам кўрсатиш учун “Сен ёлҚиз эмассан” Республика ижтимоий фонди ташкил этилган. Ўар бир мамлакатларда бола тарбияси ва ривожланишига тегишли ижтимоий альтернатив масалалар тизими яратилмоқда, ривожлантирилмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Уларга қуйидаги мумкин бўлган усулларни киритиш мумкин:

- Оилага қайтариш.
- Мамлакат ичида асраб олиш.
- Тарбиялаш учун оилага бериш;
- Махсус тарбия муассасаларига бериш.

Етим-болаларга васийлик қилиш икки йўл билан амалга оширилиши мумкин – асраб олиш ёки давлат қарамоҚига олиш билан. Асраб олиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади: асраб олган оила, васийлик қилувчи оила, болаликка олган оила.

**Фарзанд қилиб олиш** – бу болани ҳимоя қилиш махсус чораси, бунда бола ва унинг ҳақиқий ота-онаси бўлмаган одам ёки эр-хотин ўртасида қариндошлик алоқалари юридик ўрнатилади. Боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун болани фарзанд қилиб олганида у айнан оилага эга бўлиши, унга бирор-бир ўрнини босувчи эмас, оилага эга бўлиши муҳим ҳолат ҳисобланади. Бизнинг давримизда кўплаб ҳамюртларимиз меҳрибонлик кўрсатиб ота-онасиз қолган болаларни оилаларига оладилар. Масалан, Низомий номидаги ТДПУ педгогика кафедраси катта ўқитувчиси Ишмухамедов Равшан Джураевич етим қолган бола – корейс болани асраб олди (2003). Ишмухамедовлар оиласида ўзларининг тўртта фарзандлари бор. Бундай ҳаракат ҳақиқий инсонпарварлик ва бегоналар бахтсизлигига Қамхўрлик муносабатини билдиради.

**Давлат васийлиги** – асраб олинган болага (етим болага) унинг тарбияси ва ривожланиши учун зарур шароитлар яратиб, уни бу мақсадда махсус ташкил этилган ташкилотга жойлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Бола болалар уйига (малолетка), вақтинчалик асраб олинадиган оилага, меҳрибонлик уйига (болалар уйи) мактаб-интернатга жойлаштирилиши мумкин.

## **5-§. Асраб олган оила билан ижтимоий-педагогик фаолият**

Асраб олинган бола ҳар хил турдаги қабул қилувчи оилага тушиши мумкин: бу васийлик қиладиган оила ёки бола қилиб олдиган оила бўлиши мумкин. Булар орасида фарқ биринчи ҳолатда бола учун унга қариндош бўлган одамлар топилади, иккинчи ҳолатда – бола билан қариндошлик алоқаси бўлмаган одамлар оила вазифасини бажаришларидан иборат бўлади. Васийнинг вазифаси болани тарбиялаш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Васий вояга етмаган болада мавжуд бўлган мол-мулки ва кўчмас мулкни сақлаш ва фойдаланишини назорат қилишни амалга оширади, лекин ўзи бу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Бола қилиб олган оила умуман олганда боланинг янги юридик ва ҳақиқий оиласи ҳисобланади, бу ерда у ўз боласи ҳуқуқига эга бўлади.

Бола уни оиласига олган ота-оналарининг фамилиясини олиши мумкин, ҳатто янги исм ҳам. Фарзанд қилиб олинган боланинг ҳамма ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақиқий ўз болалари ҳуқуқ ва мажбуриятларига тенглаштирилади.

Асраб олувчи оиланинг яна бир тури - **вақтинчалик асраб олиш оиласи**. Вақтинчалик асраб оладиган оила болаликни ҳимоя қилиш усули сифатида бир қатор ривожланган мамлакатларда жуда ҳам кенг тарқалган ҳисобланади.

Ўзбекистонда асраб оладиган оилалар ҳозирча кенг тадбиқ этиш ва тарқалишга эга эмас.

Вақтинчалик асраб олиш оиласини васийлик оиласи ёки бола қилиб олувчи оиладан фарқи биринчи навбатда бу профессионал мутахассислар оиласи бўлади. Агарда чет элтажрибаларига мурожаат этсак унда вақтинчалик асраб олувчи оиланинг бир неча белгиларини кўрсатиш мумкин:

1. ота-оналарда маълум профессионал малакалари бўлиши керак;

2. Оила керакли профессионал-педагогик тайёргарликка эга бўлиши керак.
3. Бундай оиланинг хизматларига хизмат ҳаққи тўланади.
4. Боланинг оилада бўлишлари асраб олган ота-оналарнинг иш стажи сифатида ҳисобга олинади.
5. Асраб олган ота-оналарнинг иш вақтлари ўз шахсий уйларида ўтади.

Вақтинчалик асраб олиш оиласининг фаолияти боланинг кейинги тақдири ҳал этилгунга қадар боланинг оилада бўлишини кўзда тутаяди: ўз оиласига қайтиши; болалар уйига жўнатилиши, интернат ёки бошқа муассасаларга юборилиши.

### Асраб олган оила билан ижтмий-педагогик фаолият

<b>Ижтимоий-педагогик фаолият босқичлари</b>	<b>Ижтимоий педагогнинг фаолият вазифалари</b>	<b>Ижтимоий-педагогик фаолияти методлари</b>
3. Асраб оладиган оилани излаш	Ахборот-маълумотлар	Анкета тузиш, суҳбат, интервью, маълумотларни ўрганиш
4. Бўлажак асраб оладиган ота-оналарни ўрганиш	Диагностик (бошланқич диагностика)	Анкета тузиш, суҳбат
5. Бола жойлаштирилган муассасалар ва оилаларни бориб кўриш (инқироз оила, болалар уйи ва бошқалар)	Воситачилик	Кузатиш, суҳбат
6. Бўлажак оилани ва унинг яқинларини ўрганиш	Диагностик (чуқур диагностика)	Анкета тузиш, тест синовлари, суҳбат, ишонтириш, ҳужжатларни ўрганиб чиқиш
5. Қиритиш ўқитиши, лекция, ҳикоя, суҳбат, видеофильмлар	Ўқитиш (бошланқич, дастлабки ўқитиш)	Лекция, суҳбат, кузатиш, ишониш, машқ қилиш

6. Болани асраб оилага жойлаштириш, асраб ота-оналарни чуқур курси	Болани олувчи	Патронаж қилувчи. <sup>12</sup>	
--	---------------	---------------------------------	--

## 6. Давлат васийлик ташкилотларида ижтимоий-педагогик фаолият

Агарда бола асраб олинмаса ва бола қилиб оладиган оилага тушмаса унда бу боланинг тарбияси, таълим ва ривожланиши билан давлат ташкилоти шуқулланади. Ўзирги кунда Ёзбекистонда болалар уйлари (малютка) инвалидлар учун мактаб-интернатлари реабилитацион марказлари ва 28 та меҳрибонлик уйлари (болалар уйлари) мавжуд. Меҳрибонлик уйларида 3400 га яқин болалар яшайдилар. Ота-оналари қаровисиз қолган болалар тарбияланадиган давлат ташкилотлари фаолиятларининг асосий мақсадлари: бу ташкилотлардаги болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш; реабилитацион, тиббий ва ижтимоий хусусиятдаги тадбирларни амалга ошириш; болалар умумий таълим олишларини ташкил этиш.

Болалар меҳрибонлик уйлариининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 2- Боланинг ривожланишига ёрдам берувчи уй вазиятига яқинлаштирилган қулай, маиший шароитларни яратиш.
- 3- Болалар соғлиғини сақлашни таъминлаш.
- 4- Болаланинг ижтимоий ҳимоясини, унинг тиббий-педагогик ва ижтимоий мослашишини таъминлаш.
- 5- Тарбияланувчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш.
- 6- Болалар таълим дастурларини олишлари, шахс, жамият ва давлат манфаатларида муносиб таълим олишлари.
- 7- Тарбияланувчилар умумий маданиятини, уларнинг ҳаётга мослашишларини шакллантириш.
- 8- Тарбияланувчиларда ўзини ривожлантиришга ва ўзини англашга талабларини юзага келтириш.
- 9- Касб-ҳунар таълим дастурларини тушуниб онгли равишда танлаши ва кейинчалик ўзлаштириши учун шароитлар яратиш.

Ижтимоий педагогнинг болалар меҳрибонлик уйидаги ижтимоий-педагогик фаолиятини чуқурроқ кўриб чиқамиз. Ижтимоий-педагогик фаолиятнинг мақсади – болалар уйи тарбияланувчиларини ижтимоийлаштириш (боланинг жамиятга “кириш” жараёни). Бу мақсад турли масалаларни бажариш билан

<sup>12</sup> Патронаж (лот.patronatus - қомийлик иилиш) ота-оналарисиз юлган болаларни давлат органлари ва патронаж иилувчи болани иабул иилиб олувчи шахслар гртасидаги шартнома бгийча болани тарбиялашга бериш.

амалга оширилиши мумкин. Жадвалга қаранг, унда ижтимоий педагогик фаолият масалалари, вазифалари, фаолиятини ташкил этиш методлари ва шакллари кўрсатилган.

### Болалар меҳрибонлик уйларида ижтимоий-педагогик фаолияти

Ижтимоий педагог масаласи	Ижтимоий педагогик фаолият вазифалари	Фаолиятни ташкил этиш методлари ва шакллари
1. Боланинг мавқеини аниқлаш	Диагностик	Сухбатлар, анкета, тест синовлари, интервью, бола ҳужжатларини анализ қилиш
2. Тарбияланувчилар ривожланиши индивидуал дастурини тузиш	Прогностик	Бола ҳақидаги тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш, болани психологик педагогик реабилитацияларини аниқлаш
3. Болани мослаштириш, реабилитация интеграцияси	Тузатиш - реабилитацион	Кузатиш, сухбат, ўйин, машқлар, тренинг, рақбатлантириш, жазолаш, йўл кўрсатиш. Боланинг шахсий ишларини олиб бориш ижтимоий хизматлар ва ташкилотлар билан алоқалар олиб бориш.
4. Ўқуқни ҳимоя қилиш бошқарув органларида бола қизиқишларини манфаатларини ҳимоя қилиш	Воситачилик ва патронажлик	Ўқитириш, сухбат.

### **Узини текшириш учун саволлар:**

- 5- “Оила” тушунчасини ифодалаб беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг.
- 6- Оиланинг ижтимоий мавқеи нима? Уни ташкил этувчи ҳам таркибий қисмлари ўзаро боғлиқликларини кўрсатинг. Оилаларнинг ижтимоий мавқеи нуқтаи назаридан уларнинг турларини кўрсатинг.
- 7- Оила билан ишлашнинг асосий модели ва шакли қандай?
- 8- “Васийлик” ва “қарамоқига олиш” тушунчаларининг моҳияти қандай?
- 9- Бола асраб олган оила билан ижтимоий педагог олиб борадиган ишлар хусусиятлари нимадан иборат?
- 10- Ижтимоий педагогнинг болалар меҳрибонлик уйларида бажарадиган ишлари хусусиятлари нимадан иборат?

**6-мавзу. Ижтимоий педагогикада ахлоқ меъёрлари ва ундан четга чиқиш тушунчаси. Девиация (ахлоқ меъёридан четга чиқиш) – ижтимоий педагогик муаммо сифатида. Девиант хулқли болалар билан ижтимоий педагогик фаолият**

### **Режа:**

- 7- Ахлоқ меъёрларидан четга чиқиш тушунчаси, унга тавсиф ва унинг типлари.
- 8- оқсмирлик ёшида меъёрдан оқиш девиация ҳолатлари. Девиация турлари.
- 9- оқсмирларда девиантлик хулқининг сабаблари
- 10- оқсмирларнинг девиантлик хулқининг олдини олиш (профилактикаси) га асосий ёндошув.
- 11- Девиант хулқли ўсмирларда ижтимоий-педагогик реабилитация ишлари.

Асосий тушунчалар: Аномаль болалар, иқтидорлилик, ижтимоий меъёрлар, ривожланишида оқишлик бўлган бола, ногирон бола, девиант хулқ, деликвант хулқ, қаровсизлик.

1. Меъёр ва хулқий оқишганлик тушунчаси ва уларни тавсифлаш. Хулқини оқишганлик типлари.

Ривожланишнинг қайси босқичида бўлишидан қатъий назар, қандай жамиятда, у энг ривожланган, фаровон иқтисодий ривожланган мамлакат бўладими, ёки ривожланаётган жамиятми, уларда ўзларига алоҳида эътибор талаб этадиган инсонлар бўлади. Бундай инсонлар бирор-бир жихатдан жисмоний, психик ёки ижтимоий ривожланишида нуқсонли мавжуд инсонлардир. Бундай инсонлар жамият ва давлатда доимо алоҳида гуруҳга мансуб бўлиб ажралиб туради. Уларга доимо махсус алоҳида муносабатда бўлиб келинган. Бироқ бу тоифадаги инсонларга жамиятнинг тарихий-маданий

шароитига мувофиқ турли даврларда турлича муносабатда бўлиб келинган. Масалан, қадимги Спартада алоҳида қаттиқ жисмоний камситиш (хаста, жисмоний носоқлом болаларни қадимги спартачилар ғоялардан улоқтирганлар) билан ажралиб турган. Бошқа жамиятларда эса бундай тоифадаги инсонларга меҳрибонлик ва Қамхўрлик кўрсатилган.

ҳозирги даврда АҲШ ва қатор Европа мамлакатларида носоқлом инсонларга ҳам барча қатори, одатий тенг ҳуқуқли муносабатда бўладилар. Уларга жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қараб, бу инсонларни муаммоли ёкти имконияти чекланган шахс сифатида алоҳида махсус эътибор берилади.

“Муаммоли инсон” тушунчаси АҲШда кенг қўлланилса Европа мамлакатларида “имконияти чекланган инсонлар” ибораси кўп ишлатилади.

Бугунги кунда имконияти чекланган инсонларга муносабатда, энг аввало соқлик масаласи энг долзарб масала ҳисобланади. Чунки бундай инсонлар сони дунё миқёсида ўсиб бормоқда.

ЮНЕСКОнинг истиқбол бўйича маълумотларида яқин вақтда жаҳон ҳамжамияти бу кўрсаткични ўзгартира олмайди.

Соқлом муҳит доимо инсонлар онгида ўз чегарасига эга бўлиб, чегарадан ташқи бўлганлар “номеъерий”, “потологик” деб белгиланади. Амалиётда инсон англаган ёки англамаган ҳолда ўзгаларни белгиларига мувофиқ лаёқатли ёки лаёқатсиз деб баҳолайди.

Меъёр тушунчаси тиббиётда, психология, педагогик, социология ва бошқа фанларда кенг қўлланилиб келинади. Бу тушунчага аниқ ва яхлит, ягона таъриф беришга бўлган интилиш муваффақиятсизлик билан яқунланган. Масалан, фақатгина тиббиётда олимлар 200 га яқин таъриф берганлар. “Меъёр” тушунчасини ифодалаб беришнинг мураккаблиги шундаки, у нафақат терминологик, балки мазмун, моҳият жиҳатидан ҳам ягона ифодага эга эмас. Масалан, ахлоқий меъёрлар доимо бир хил, ҳамма учун деб белгилана олмайди. Шу сабабли ҳам улар биринчидан, миллий ўзига хослик, бундан ташқари вақт ўтиши билан қайта-қайта ўзгариб турадилар. АҲШда II жаҳон урушидан сўнг икки-уч ўн йилликлар мобайнида чекиш одатий “меъерий” ҳодиса ҳисобланган бўлиб, унга жамиятда беътибор бўлганлар. ҳозирда, жамият бу ёмон, соқлик учун зарарли одатга қарши турган бир вақтда, чекишга ахлоқона хулқ белгиси сифатида муносабатда бўладилар.

Аслида, қанчалик жамият демократик тузумга асосланган бўлса, шунчалик шахснинг ностандарт шаклдаги хусусиятларига чидамли муносабатда бўлинади – агар тоталитар режимга асосланган бўлса, инсон хулқини қаттиқ чегара доирасига олади, мабодо хулқий оқишлик ҳолатларига йўл қўйилса, улар раҳмсизлик билан жазоланадилар. Шунини унутмаслик лозимки, меъёр – бу шундай Ғоявий ҳосилаки, унда объектив борлик (реаллик) шартли равишда, ўртача статистик кўрсаткич бўйича, реал ҳақиқат тавсифланади, бироқ унда мавжуд ҳолатлар ифодаланмайди.

Тиббиёт, психология, социологияда меъёрнинг ўз кўрсаткичлари, параметрлари (ўлчами), тавсифномалари мавжуд. Меъёрга мувофиқ бўлмаган ҳолатлар барчаси бошқа сўз “меъёрдан оқишлик” деб юритилади.

Ижтимоий педагогикада “меъёр” ва “меъёрдан оҚишлик” тушунчалари жуда муҳимдир. Улар боланинг ижтимоий хулқ-атвори ривожланиш жараёнини характерлаш учун қўлланилади.

Хулқий оҚишлик негатив ва позитив характерга эга бўлиши мумкин. Масалан, меъёрдан хулқий оҚишлик ҳолати бола ривожланишида ҳам ақлий норасолик ва қобилиятлилики бўлиб ифодаланиши мумкин.

Бола хулқ-атворидаги бундай негатив хулқий оҚишлик жинойтчилик, алкоголизм, гиёҳвандлик ва бошқалар сифатида инсоннинг (нафақат инсоннинг, балки жамиятнинг) ижтисмоий шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Хулқ-атворида позитив оҚишликка ижтимоий ижоднинг барча шакллари тааллуқли бўлиб, улар: иқтисодий тадбиркорлик, илмий ва бадиий ижодкорлик ва бошқалар, аксинча эски меъёрлар ўрнига алмашувчи ижтимоий тизим ривожига хизмат қилувчи омил ҳисобланади.

### Меъёрдан оҚишганлик типлари

Меъёрдан оҚишганликни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: жисмоний, психик, педагогик ва ижтимоий меъёрдан жисмоний оҚишлик инсоннинг соҚлиқи билан боғлиқ бўлиб, тиббий кўрсаткичлар орқали белгиланади. У болаларнинг ёш ва жинсий кўрсаткичлари билан (вазни, бўй узунлиги, кўкрак кенглиги ва бошқалар) ифодаланади. Улар боланинг соғлиғини характерлайди. Аслида булар идеал кўрсаткичлар бўлиб, бундай кўрсаткичларга тўла мувофиқ келадиган болани топиш қийин бўлса керак. Жисмоний жиҳатдан меъёрдан оҚишган болаларни ижтимоийлаштириш алоҳида қийинчилик билан амалга оширилиб махсус ишларни талаб этади.

СоҚлиқи жиҳатидан меъёрдан оҚишганлик бирор касаллик асорати ёки авлоддан-авлодга ўтувчи омиллар, баъзан ташқи вазият орқали юзага келиши мумкин. Масалан, оҚир экологик вазият, озик-овқат, ичимлик сувининг сифатсизлиги, оиланинг умумий яшаш шароитининг оҚирлашиши ва бошқалар. СоҚлиги ва ўсишида меъёрдан оҚишлик бўлган инсонларнинг кўпгина тоифалари мавжуд. 1980 йили жаҳон соҚлиқни сақлаш ташкилоти Британиянинг имконияти чекланган шахслар учун уч бўқинли шкаласини қабул қилди.

1. Хасталик – инсон соҚлиқидаги ҳар қандй йўқотиш, психик ёки жисмоний функция анатомик тузилмаси элементлари, фаолиятдаги бирор-бир қийинчиликнинг аниқланишидир.

2. Чекланган имконият – инсон учун меъёрдагидек ҳисобланадиган ҳар қандай чекланиш ёки ўз фаолиятининг йўқолиши (нуқсоннинг кўплиги ёки асорати) ёки инсон фаолияти доирасидаги ҳар қандай чекланишлар.

3. Лаёқатсизлик (ногиронлик) – инсон соҚлиқидаги нуқсонлар асорати ёки чекланган имконият, меъёрий қайсидир ролнинг бажарилишига тўсиқ бўлган, ёш кўрсаткичлари, жинсий ёки ижтимоий омиллардан келиб чиқадиган ҳолат.

Қарбий давлатларда “СоҚлиқида имконияти чекланган шахслар” тушунчаси қабул қилинган. Ўзбекистонда ҳам бу тушунча киритилиб, унга жисмоний (ёки) ва психик камчилиги бўлган болалар тааллуқлидир. Бундай болаларнинг соҚлиқидаги нуқсонлари уларнинг стандартдаги таълим



олишларида тўсиқлик қилади, шу сабабли таълим олишда махсус шароитлар яратилишини талаб этади.

Шунингдек, “нуқсонли” тушунчаси ҳам киритилган бўлиб, улар жисмоний, психик оқир ва мураккаб каби турларга ажратилган.

Меъёрдан психик оқишлик энг аввал боланинг ақлий ривожланиши, унинг психик нуқсонлари билан боғлиқ.

Бу гуруҳга энг аввало психик ривожланишида тўхталиш (ЗПР) бўлган болалар ва ақлий норасолар ёки олигофрения (юнон тилидан, oligos – кичик ва phren - ақл) лар киради. Болаларда турли даражали руҳий хасталиклар учрайди: энгил – дебиллик, чуқур – идиотия. Шунингдек, психик оқишга нутқдаги нуқсонлилар, хиссий (эмоционал) – иродавий муҳитдаги нуқсонлилар ҳам киради. Бу психик оқишликнинг энг сўнгги шакли бўлиб, аутизм (Юнон тилидан, autos- сам) – психиканинг ҳолати, мулоқотга эҳтиёжи йўқлиги, одамовилиги билан характерланади ва ўз-ўзини ўлдириш, суицитга мойил бўлади.

Меъёрдан психик оқишганлик болаларнинг алоҳида гуруҳига иктидорлилар киради. Бу болага муваффақиятга эришишини таъминловчи, бирон-бир фаолиятни бажаришда ютуқларга эришувида муҳим бўлган болалар истеъдодининг ўзига хос турларидир. Ҳозирги даврда болалардаги истеъдодни, улардаги мусиқага, санъатга, тасвирий санъат, спорт, ақлий қобилиятлиларини эртароқ аниқловчи ажойиб методикалар ишлаш чиқилган. Бу методикалар болалар қобилиятларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Педагогик меъёрдан оқишлик. Бу шундай тушунчаки, ҳозирча педагогика ва ижтимоий педагогикада жуда кам қўлланилади. Педагогик меъёрларда энг аввало стандартлар кўзда тутилади. Улар таълим даражаларини белгилаб беради. Таълимни эгаллаганлик ёки эгаллай олмаганлик меъёрдан оқиш меъёрлари ҳақида фикр юритиш мумкин. Педагогик меъёрлар бўлиб, мамлакатда қабул қилинган умумий таълим стандартлар ҳисобланади. Бу стандартларга мувофиқ маълум ёшдаги бола, шу даврга мувофиқ даражадаги таълимни ўзлаштириши, ўрта маълумот (9-синф)ни олиши ва ўрта махсус ёки касб таълимини олган бўлиши лозим. Ўзбекистон республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997) га мувофиқ умумий ўрта таълим (9-синф) ҳамма учун мажбурийдир. Шу база асосида мустақил таълим сифатида мажбурий бўлган ўрта махсус ёки кааб таълими ўқиш муддати уч йил давомида амалга оширилади.

Бироқ ўрта маълумотни олмаган болалар ҳам бор. ўзи мустақил касб таълими фаолияти турларини эгаллай олмайдиган болалар ҳам учраб туради. Бундай болаларнинг ўқишга ҳохиши йўқлиги, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касб фаолияти билан шуқуллана олмаслиги каби хусусиятлари бирлаштиради. Шундай ҳолатларлардан касб таълимига эга бўлмаган болалар келиб чиқади. Бу меъёрдан оқишганликни бартараф этишда мутахассиснинг ижтимоий-педагогик ёрдами зарур бўлади.

Ижтимоий меъёрдан оқишганлик тушунчаси “ижтимоий меъёрлар” тушунчаси билан боғлиқ. Ижтимоий меъёрлар – бу жамиятнинг у ёки бу

даврида, босқичида махсус ўрнатилган ҳатти-ҳаракат намуналари ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган (рухсат этиладиган ёки мажбурий) қоидалардир.

Умумий қабул қилинган хулқ-атворга оид қоидалар ўз тарихий ривожланиш йўлига эга. Улар Жадимги даврлардан маълумдир. Жамият доимо ўзини сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Шу мақсадда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда турли ижтимоий чеклашлар: мифлар, табу (манн қилиш), анъаналар, диний догмалар (ақидалар) киритилган.

Инсоният жамияти доимо мураккаблашиб ва такомиллашиб борган. Вақт ўтиши билан янада мустаҳкамроқ ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар вужудга келиб, инсонлар хулқ-атворига бўлган муносабатда у ёки бу жамиятда қабул қилинган ахлоқ ва хулқли меъёрдан оқиш ҳолатлари шаклланишига қарши меъёрлаш юзага келди.

Ижтимоий меъёрлар икки катта гуруҳга бўлинади:

- Универсал меъёрлар, жамиятдан ҳар бир инсонга тааллуқли меъёрлар.
- Хусусий меъёрлар, инсонларни алоҳида белгиланган касбий фаолиятлари соҳалари ёки инсонлар ҳаётининг фаолиятлари (масалан, шифокор, педагог, ака, дўст ва бошқа) га тааллуқли меъёрлар.

Ижтимоий меъёрларга риоя қилиш инсоннинг эҳтиёжи ва одатларига айланиши зарур. Агар бола ижтимоий меъёрларни ва жамият қадриятларини ўзлаштирмаган бўлса, уни хулқий оқишган бола деб атайдилар.

Хулқий оқишган болалар муаммоси социология, психология ва педагогикага оид адабиётларда асосан ишлаб чиқилган. Хулқий оқишганликнинг турларига болалар алкоголизми, токсикомания, гиёҳвандлик, бузуклик, қаровсизлик, назоратсизлик, дайдилик, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва бошқалар киради.

Илмий педагогик адабиётларда бу тоифадаги болаларни турлича атамалар билан берадилар: “Тарбияси оқир”, “Оқир хулқли”, “девиант бола” хулқли оқишган, асоциал хулқли бола. Ижтимоий ривожланишида хулқий оқишган болалар орасига яна шундай тоифадагилар: Ота-она қарамоқисиз қолган болалар ҳам киради. Бундай болалар – етимлар ва “ижтимоий етимлар” дир. Улар биологик ота-оналари бўла туриб, турли вазият сабабли бирга яшамайдилар. “Ижтимоий майдондан четлатилган” болаларни жамиятга қайтариш учун уларга ёрдам бериш зарур. Шу сабабли ижтимоий педагогнинг бундай болалар билан олиб борадиган ишлари, бир томондан, хулқий оқишликнинг олдини олиш, профилактика ишлари, жамиятда қабул қилинган меъёр ва қоидалар ҳолатларида огоҳлантириш, бошқа томондан, хулқий оқишган болаларни реабилитация қилиш ишларини бажариш лозим.

Меъёрдан оҚишганлик типлари

Жисмоний	Психик	Педагогик	Ижтимоий
	<ul style="list-style-type: none"> <li>○ психик ривожланишида ортда қолиш;</li> <li>○ ақлий заифлик</li> <li>○ нутқий нуқсон</li> <li>○ эмоционал-иродавий нуқсонлар</li> <li>○ иқтидорлилик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>○ умий таълим олишдан оҚишлик</li> <li>○ касбий таълим эгаллашдаги оҚишлик</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>○ етимлик</li> <li>○ хулқий оҚишлик: алкоголизм, токсикомания, гиёҳвандлик, бузуқлик, қаровсизлик, дайдилик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик.</li> </ul>

--	--	--	--

--	--	--	--

## 2. Ҷсмирлик ёшида девиация (меъёрдан оҚишлик) ҳолатлари. Девиация типлари

Ҷсмирлик даврини ўтиш босқичи деб атайдилар. Болалар ёш кўрсаткичлари даврида ўтиш босқичи энг қийин ва мураккаб даврдир. Бу даврни яна шу сабабли ҳам ўтиш даври деб ҳисоблайдиларки, бу ўсиш босқичида инсон болаликдан катталиқ даврига, бола характеридан, етук инсон бўлиб шаклланадиган бир, ўзига хос жараёнлар даврига ўтилади.

Ҷсмирлик ёшида ўсмирнинг яхлит ҳаёти ва фаолияти жиддий ўзгаради ва унинг психикаси қайта шаклланишига олиб келади, ўз тенгдошлари билан ўзаро фаолиятда, муносабатларининг янги шакллари вужудга келади. Ҷсмирнинг жамиятдаги мавқеи, жамоадаги вазияти, ҳолати алмашинади, унга катталар юқорироқ талаблар қўя бошлайдилар. Бу ёш даврида жинсий етилиш фаоллашади, бироқ ижтимоий шаклланиши орқада қолади. Бу эса жинсий тарбияда ижтимоий-психологик муаммоларни вужудга келтиради.

Ҷсмирлик ёшида болада ўз-ўзини англашга эҳтиёж пайдо бўлади. “Мен кимман?”-саволига жавоб бериш уни тез-тез безовта қилади. Унда ўз-ўзига қизиқиш пайдо бўлади. У ёки бу фактларга унда шахсий қараш, мулоҳаза юритиш, ўз баҳосини бериш каби хусусиятлар шаклланади. Бу ёшда вақтинчалик оила ва мактабдан психологик узоқлашиш ҳолатлари бўлиб туради. Ҷсмир шахсининг шаклланишида тенгдошларининг таъсири кучайиб эътибор мактаб, оиланинг аҳамиятига камайгандек бўлади. Кўпинча, ўсмир ҳақиқий расмий жамоа ва норасмий гуруҳ билан мулоқот қилишнинг қай бири афзал эканлиги тўқрисидаги танлов олдида туради. Ҷсмир ўзини эркин сезадиган, уни ҳурмат қиладиган инсонлар бўлган гуруҳ ва муҳитни кўпроқ хуш кўради.

Бундай муҳит ва жамоага спорт секциялари ва техникага оид тўғараклар бўлиши ёки ўсмирлар йиқилиб, мулоқот қиладиган, чекадиган ва ичадиган ва ҳ.к ертўлалар ҳам бўлиши мумкин.

Бу ёшда айрим ўсмирларнинг катталар, айниқса ота-оналари билан муаммоли вазиятда бўладиган. Ота-оналар уларга ёш болага, гўдак Қамхўрлик қилгандек, муносабатда бўлишни давом эттирадидлар. Ҷсмир эса бу шароитдан чиқиб кетишга интилади. Шу сабабли катталар билан ўзаро муносабатда жанжалли вазиятлар кўпаяди. Ҷсмирда катталиқ ҳисси шаклланади. Бу ёшда ўсмир мустақил, эркин бҳаракат қилади, катталарнинг “ўргатиш”ларига қарши эътироз пайдо бўлади. Ҷсмир бу ёшда кумир (ҳавас қиладиган инсони), яъни фильм қаҳрамонлари, кучли катта ёшдаги инсон, кўрсатув қаҳрамони, машхур

спортчи ва бошқаларга тақлид қилиб: унинг ташқи қиёфаси, хулқ-атворига ўхшашлик учун ҳаракат қилиши ҳолатлари кўп учрайди. Ташқиёфа ўсмир учун катта аҳамият касб этади. Ажойиб соч турмги, баъзан икки ёки уч зираклар, йиртиқ жинси, жиду ёрқин рангдаги косметика ва бошқа воситалар ўсмирга ўзини бошқалардан ажралиб туришига имкон беради ҳамда болалар гуруҳларида ўзини тан олишларига ҳаракат қилади.

Шу тариқа, ўсмирлик ёшида ажралиб турадиган характер хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин; ҳиссий ноетуклик ўз шахсий хулқ атворини етарли даражада назорат қила олмаслик, ўз эҳтиёжларини қондириш имконияти ва истакларини таққослай олмаслиги, юқори таъсирчанлиги, ўзини тан олишларига бўлган истаклари ва катталар каби ўзини тутиш. Ёсмир – бу етарли даражада етилмаган ва етук ақлга эга бўлмаган ижтимоий инсон. Бу босқич болалик ва ўспиринликнинг чегарасидир.

Катта деб ҳисобланиши учун етарли даражада ривожланмаган, бироқ шу билан бир вақтда атрофдагилар билан онгли равишда мулоқотга кириша оладиган ҳамда ўз хулқ-атвори ва ҳаракатлари жамият меъёр ва қоидаларига жавоб беришида катта эътибор талаб этадиган босқич ўсмир шахсидир.

Юнун бу ёшдаги болаларни вояга етмаган, бироқ ўз хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатларига ахлоқий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан масъулиятли бўлишга лаёқатли деб ҳисоблайди. Шу сабабли ўсмирлар учун ўз ҳатти-ҳаракати ва хулқ-атворига чекланган ҳуқуқий жавобгарлик ўрнатилган.

### **Девияция типлари**

#### **Меъёрдан оқиш**

Жамиятда қабул қилинган қоида ва хулқ-атвор меъёрларидан оқишган ўсмирлар оқир тарбиялилар деб аталади.

Оқир тарбияли ўсмир жамиятда ўрнатилган қоида ва меъёрларга риоя қилмайди. Бундай ҳолат илмда девияция дейилади (лотин тилида deviation - оқишлик). Масалан, физикада компас магнит стрелкасининг оқиши, биологияда организм ривожланишида оқишлик учрайди.

Девияция (оқишлик) – бир томондан уни ўраб турган инсон ва атроф-муҳитга хос бўлган ўзгарувчанлик ҳодисасидир. Ўзгарувчанлик ижтимоий муҳитда инсон хулқ-атвори билан боғлиқ. Илгари айтиб ўтилгандек, хулқ меъёрдагидек ёки оқишган бўлиши мумкин.

Меъёрий хулқ ёсмирнинг ривожланишидаги эҳтиёжлари ва имкониятлари, унинг ижтимоийлашувига тўла жавоб берувчи, унга адекват<sup>13</sup> монанд келувчи микросоциум билан унинг ўзаро фаолиятидир.

Агар боланинг атрофидаги муҳит ўсмирнинг у ёки бу хусусиятлари, унинг хулқ-атворига доимо (ёки деярли доим) ўз вақтида ва адекват (монанд) бўлса, ўсмирда хулқ-атвор меъёрий бўлади. Бу фикрдан хулқи оқишганликнинг тавсифи ҳам келиб чиқади, бироқ боланинг микросоциум билан ўзаро фаолияти сифатида унинг ривожланишини бузувчи ва ижтимоилашувида ва юзага келувчи хулқи, жамиятда ўрнатилган ахлоқий ҳамда ҳуқуқий оқишганлик

<sup>13</sup> Адекват – (лотинчадан adaequatus – тенглашган)- тенг, монанд, тўла мувофиқ келувчи

ижтимоий дезадаптациянинг (бола учун ижтимоий муҳит шароитларига мослашишга тўсиқлик қиладиган ҳодиса кўринишларидан биридир).

Болалик - ўсмирлик дезадаптацияда қуйидаги патологиялар ўз тасдиқи ни топган: Мактаб ёшидаги болалар, мактабга бормайдилар, етим-болалар, ижтимоий етимлар, гиёҳвандлик ва заҳарли (токсинли) воситаларни қабул қилувчи ўсмирлар; жинсий ахлоқсиз ўсмирлар, ҳуқуқбузарлик фаолиятларига берилган ўсмирлар.

Девиациянинг таркибига девиантлик, делинквент ва криминал хулқ-атворлилар киради.

Девиант хулқ-атвор-хулқий оқишганликнинг бир тури бўлиб, ўсмирнинг ёшига мувофиқ бўлмаган ижтимоий хулқ-атвор меъёр ва қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган микросоциум муносабатлар (оилавий, мактабдаги) ва кичик жинсий ёш ижтимоий гуруҳлари учун характерли бўлади. Яъни хулқ-атворнинг бу типини интизомсизлик деб аташ мумкин. Девиант хулқ-атвор кўринишларига ўсмирнинг намойишкорлик, агрессивлик, ўзига эрк бериш, ўқиш ва меҳнат фаолиятидан тизимли оқишлик, уйдан кетиб қолиш, дайдилик, ичкиликбозликка берилиш, алкоголизмга берилиш, гиёҳвандлик ва у билан боғлиқ ассоциал фаолиятлар, жинсий характердаги жамиятга қарши фаолиятлар, суицид<sup>14</sup>.

Делинквент хулқ-атвори – девиантликдан фарқли равишда болалар ва ўсмирларнинг ассоциал хулқ-атвори билан характерланади. Бу хулқий ҳаракатларда ҳуқуқий меъёрларни бола бузиб ўтсада, бироқ ҳуқуқий, жинсий жавобгарликка тортилмайди. Сабаби чекланган ижтимоий хавфли ёки бола жинсий жавобгарликка тортилиш ёшига етмаган ҳисобланади.

Делинквент хулқ-атворда: асосан инсон шахсига қарши агрессив-зўравонлик хулқи, ҳақорат, жанжалкашлик, ўт қўйиш, садистлик ҳаракатлари ажралиб туради.

Делинквент (лотин тилидан delinqveng-ҳуқуқбузар)-хулқий оқишган субъект, ўз ҳаракатларида жинсий жазоланадиган фаолиятларни амалга оширади.

- ўаразли хулқ-атвор, ўзида майда ўқрилиқ, босқинчилик, талнчилик, автотранспортни ўқирлаш ва бошқаларни амалга ошириб, моддий манфаат кўринишнинг илинжида мулкий тажовуз қилишдан иборат.

- Гиёҳванд моддаларни тарқатиш ва сотиш.

Криминал (жинсий) хулқ-атвор (лотин тилидан, criminalis-жиноятчилик) ҳуқуқбузарлик ҳаракати бўлиб, жинсий жавобгарлик ёшига етгунча, жинсий иш очишда асос бўлиб хизмат қилувчи ва Жиноят кодексининг белгиланган моддалари билан асосланадиган хулқ-атвор

- **Ўсмирларда девиант хулқ-атвор сабаблари**

Инсон тараққиёти кўпгина омиллар ўзаро таъсири билан асосланади: ирсий авлоддан-авлодга ўувчи, муҳит, тарбия, инсоннинг шахсий амалий фаолияти

<sup>14</sup> Суицид (инглиз тилидан suicide – ‘?’-‘??’è ?лдириш - ?з-?зини ?лдириш маракати, кучли руий молатда ёки психик касаллик таъсирида инсоннинг ?з-?зини ?лдириши)

кабиларга боғлиқ. Вояга етмаганларнинг девиант хулқ-атворини асословчи асосий омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Биологик омил. Бола организмини ноқулай физиологик ёки анатомик хусусиятлари мавжуд бўлиб, уни ижтимоий мослашувини қийинлаштиради. Буларга: - генетик, авлоддан авлодга ўтувчи хусусиятлар. Уларга ақлий ривожланишнинг бузилиши, эшитиш ва кўришда нуқсонли бўлганлар, асаб системасининг бузилиши кабилар киради. Бундай болалар ҳали она қорнидаёқ нотўқри овқатланиш, онанинг ичкиликбозлик, чекишга ружу қуйиши, онанинг касалланиши (жисмоний ва психик жароҳатлар, сурункали юқумли касалликлари); ирсий касалликларнинг таъсири, айниқса, ирсийлик, алкоголизм таъсирида бўладилар;

- инсон организмига таъсир этувчи психо-физиологик оқир ташвишлар, жанжалли вазиятлар, атроф-муҳитнинг кимёвий таркиби, энергиянинг янги турлари, соматик<sup>15</sup>, аллергик касалликлари турлари олиб келишига сабаб бўлади.

- Физиологик, ўз таркибига нутқдаги нуқсонли, ташқи қиёфадаги нуқсонлар, конституцион-соматик нуқсонлар сабабли атрофдагилар билан муносабатда негатив ҳолатларни юзага келтиради ва шахслараро муносабатда боланинг ўз тенгдошлари, жамоа ўртасидаги чеккага чиқиш, туртилишга олиб келади.

2. Психик омил. Бола психопатологиясида ёки акцентуация<sup>16</sup>сида (ҳаддан ташқари зўриқиш) характерининг алоҳида хусусияти билан ифодаланади. Бу ҳулқий оқишганлик бола асаб-руҳий касалликлар психопатия, невротения билан хасталанганлиги орқали вужудга келади. Акцентуирлашган характер хусусиятига эга бўлган болалар турли психологик таъсирларга ўта сезгир, психик меъёрнинг энг четки тури бўлиб, тиббий-ижтимоий реабилитацияга муҳтож ва тарбия характеридаги чора-тадбирларнинг кўрилишини талаб этадиган болалардир.

3. Ижтимоий-педагогик омиллар. Оила, мактаб ва ижтимоий тарбия нуқсонларида намоён бўлади. Бу омил болани эрта ижтимоийлашувдан оқишганликка, болалик давридаёқ мактабда ўзлаштирмовчилик туфайли мактаб билан алоқанинг узилиши (педагогик бўш қўйиш) олиб келади. Ҳосилда мактабга бўлган онгли равишда қизиқишнинг шаклланмаслиги мотивига сабаб бўлади. Бундай болалар мактабга ёмон тайёрланган, уй вазифаларига негатив муносабатда бўлувчи, мактаб баҳоларига бефарқ бўладиган, ўқув дезадаптациясига учровчи бўладилар.

-Ўқув дезадаптация – боланинг мактабга бўлган умумий қизиқишини сақланишида бир ёки икки фанни ўзлаштиришда қийинчиликка дуч келган ҳолатидир.

- мактаб дезадаптация – боланинг ёш хусусиятида таълим олишидаги қийинчиликлар билан бир қаторда ҳулқий бузилиш ҳолатлари ўқитувчилар,

---

<sup>15</sup> соматик (Юнон тилидан **soma- тана**) тана билан боғлиқ, организмдаги психикага таъсир қилувчи бўлган ҳолат.

<sup>16</sup> Характер акцентуацияси – характернинг алоҳида хусусиятларининг таъсир қилувчи ифодаланиши таъсир қилувчи типлари ажратилади: АХ:1



синфдошлари билан жанжалли вазиятлар кўринишида ўринга чиқади. Дарс қолдириш одатлари пайдо бўлади.

- ижтимоий дезадаптация – боланинг ўқишга бўлган қизиқиши, мактаб жамоасининг талабларига жавоб беришдан қочиш ҳолатлари, турли асоциал жамоаларга кириб кетиш, спиртли ичимликларга, гиёҳвандлик моддаларига қизиқишининг ортиши билан намоён бўлади.

Боланинг ижтимоий ривожланишидаги оқишганлик омилларга ёмон оилалар сабаб бўлади. Шундай оилавий ўзаро муносабатлар усуллари мавжудки, улар вояга етмаганларнинг асоциал хулқ-атворининг шаклланишига олиб боради:

1. Тарбиявий ва оиланинг ички муносабатларининг дисгармоник усули. Бу усул ўзида бир томондан, бола истакларига кўра бўлса, иккинчи томондан, боланинг жанжалли вазиятларга

ёки оилада икки хил ахлоқий қараш мавжудлиги: оила учун бошқа, жамият учун умуман бошқача бўлган тарбиявий ҳолатлар.

2. Барқарор бўлмаган, жанжалли усул нотўлиқ оилаларга тарбиявий таъсир этувчи, эр-хотин ажралиши, ота-она ва болалар узоқ муддат алоҳида яшашлари сабабли юзага келади.

3. Муносабатларнинг асоциал усули ёмон ташкил этилган оилаларда, доимий спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳвандликка берилиш, ахлоқсизлик, ота-онанинг жиноятчилик хулқ-атвори, “оилавий қаҳри қаттиқлик” ва зўравонлик каби иллатларда юзага келади.

Jaҳрли муносабатлар (ҳақорат, хўрлаш) деб болага Қамхўрлик қилувчи, қарамоқига олган одамлар томонидан зарар етказилишининг кўпгина ҳаракатларига айтилади. Бу ҳаракатларга болала жисмоний зарар етказилувчи жисмоний, эмоционал (ҳиссий), жинсий қийноқлар билан азоблаш, кўп такрорланувчи ноўрин жазолар киради.

Jaҳрли муносабатларга болалар уйда, оилада, кўчада, мактабда, болалар меҳрибонлик уйларида, касалхона ва бошқа болалар муассасаларида дуч келишлари мумкин.

Шундай ҳолатлардаги болалар, хавфсизлик ҳиссини сезмайдилар. Уларнинг меъёрий ривожланишида бу ҳиссиётнинг аҳамияти катта.

Бу эса болалага уни ўзи ҳақида, мен ёмонман, ҳеч кимга керакмасман, севимли эмасман деб ўйлашларига сабаб бўлади. Jaҳрли муносабатларнинг ҳар қандай тури бола соқлиқига катта зарар етказади. Унинг ҳаёти ва ижтимоий мослашувчанлигида хавф туқдиради.

4. Ижтимоий-иқтисодий омиллар ижтимоий тенгсизликка сабаб бўлади. Жамиятни бой ва камбақаллар, жамият учун энг аҳамиятли аҳолининг камбақаллашуви, ишсизлик каби қатламларга ажратади. Ижтимоий қабул қилинган ҳалол иш ҳаққини (қонуний) олиш усуллариининг чекланиши, инфляция ва ижтимоий тартиббузарликка олиб келади.

5. Ахлоқий-маънавий омиллар. Ўзирги даврнинг жамиятда бир томондан маънавий ахлоқий даражанинг пасайиши бўлса, қадриятли, биринч навбатда ахлоқий хулқнинг бузилиши, бошқа томондан,

жамиятнинг нейтрал муносабатларида девиант хулқ-атвор муносабатларида юзага келишига олиб келади.

#### **4. Ҷамиётларда девиант хулқ-атворнинг олдини олишга асосий ёндашувлар**

Турли девиант хулқ-атворнинг узлуксиз равишда ўсиши жамият олдида ижтимоий меъёрлардан оқибатчан хулқли ўсмирлар ва ёшлар билан олиб бориладиган ишларнинг шакл ва усуллари, технологияларини топиш вазифасини қўйган. Шу сабабли девиант ва делинквент хулқ-атворли ўсмирлар билан ишлашнинг икки асосий технологиялари, профилактик ва реабилитацион ишлар Фан ва амалиётда кенг тарқалган.

Профилактика (олдини олиш)-ўсмирлар хулқ-атворида ижтимоий хулқли оқибатчанликнинг турли кўринишларига асосий сабаб бўлувчи шароитлардан огоҳлантириш, бартараф қилиш ёки нейтраллашга йўналтирилган давлат, жамиятнинг ижтимоий-тиббий ва ташкилий-тарбиявий чора-тадбирларининг йиқиндир. Ҷамиётларда девиант хулқ-атворнинг олдини олишга қаратилган бир неча ёндашувлари мавжуд.

1. Ахборотли ёндашув. Бу ёндашув ижтимоий меъёрдан хулқли оқибатчанлик келиб чиқишида вояга етмаганлар (бу ижтимоий меъёрларни) билмасликлари туфайли уни ўз асосий йўналиши сифатида вояга етмаганларга бу меъёрларга риоя қилиш, ўз ҳуқуқ ва юрчлари ҳақида ахборот беришдан иборат. Давлат ва жамият қўйган талабларини бажаришда болаларнинг ёш кўрсаткичига мос қабул қилинган ижтимоий меъёрлар ҳақида маълумот беришни кўзда тутди.

Бу ишни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение)дан кино, театр, бадиий адабиёт ва бошқа санъат асарларидан фойдаланиш мумкин.

2. Ижтимоий-профилактик ёндашув. Бундай асосий мақсад – негатив ҳолатларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш, бартараф этиш, нейтраллашдан иборат. Вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиниши учун жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳақида маълумотга эга эмаслар. Улар гиёҳвандлик – шахсий иш деб биладилар, фақат гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш жиноят деб ҳисоблайдилар. Ҷамиёт гиёҳвандлик ва кучли таъсир этувчи психотрон моддалар тўққисидидаги янги қонун қабул қилиниши муносабати билан бу моддаларни истеъмол қилувчилар ҳам жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Бизнинг жамиятимизда ўсмирлар ўртасидидаги алкоголизм-ичкиликбозлик профилактикаси муаммоси ҳам муҳим ўрин тутди. Ҷамиётлар ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг оқибатчан ижтимоий ва психоневрологик оқибатлари ҳақида ҳам билмайдилар.

3. Тиббий-биологик ёндашув. Бу ёндашувнинг моҳияти ижтимоий меъёрлардан оқибатчанликнинг олдини олишда тиббий-профилактик характердаги турли психик носоқлом шахсларга муносабат-биологик даражада бўлиши лозим. Агар инсонда психик (руҳий) ривожланиши, соқлиқда турли нуқсонлар бўлса, у ўз руҳий хусусиятларига асосан маънавий-ахлоқий меъёрларни бузиши мумкин. Бу ҳолатда инсонга уни ўзгартириб

бўлмайдигандек қаралади. Ёсмирда бундай психик носокломликни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳимдир.

Чунки улар умуман ҳаёлга келмайдиган ҳаракатларни содир этишлари мумкин. Ёсмир психиатр мутахассислар кўригидан ўитказилиб, шунга мувофик тиббий даво чоралари кўрилиши лозим.

4. Ижтимоий-педагогик ёндошув. Бу ёндошув моҳияти ўсмирни девиантлик хулқ-атворидаги шахсий хусусиятларини қайта тиклаш ёки тўқрилашдан иборат. Айниқса, унинг ахлоқий-иродавий шахсий хусусиятларини қайта тарбиялаш шарт. Ёсмирларда, уларнинг иродавий хусусиятлари, хулқ-атворида қуйидагиларни шакллантириш лозим:

- ўз сўзи ва ишининг эгаси бўлиш;
- ўсмирнинг жиноятга бошловчи, жамиятга зарар етказиш каби иллатларга бўлган қизиқиш ва ҳаракатларини тўхтатиш;
- ҳозирги даврда муҳим бўлган масалалар билан банд қилиш;
- ҳуқуққа қарши бўлмаган, пухта ўйлаб чиқилган мақсадларни қўйиш.

Эрки бўлмаган инсон флюгерга ўхшайди, шамол қай тарафга эсса ўша томонга ўгирилади. Бундай инсондан ижтимоий меъёрларни бузиш, жиноятчиликни кутиш мумкин. Уни енгиллик билан алдаш, ўзгаларнинг сўзларига кулоқ солиши. ўзга ахлоқий қараш ва баҳоларга оқдириш осон. Ёзга ахлоқий қарашларга эргашиб, у ҳуқуқбузарлик ва ахлоқсизлик хулқ-атворида эга бўлади. Бундай инсонларни тарбиялашда жамият томонидан унга эркинлик ва ҳуқуқларини бериб, уни ўз-ўзини бошқара олишга ўргатиш зарур.

5. Санкцияларни қўллаш. Бу ёндошув моҳияти ҳуқуқбузарлик қилган инсонни жинойий қонунлар асосида жазолаш туради.

Бироқ, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу Самара бермайдиган ҳолат бўлиб, жамият томонидан каттиқ санкция бўлиб ҳисобланади, халос. Шу сабабли ижтимоий оқишганлик сабабларини аниқлаш ва бартараф этишда бу фақатгина ёрдамчи восита бўлиб ҳисобланади.

#### **5. Девиант хулқ-атворли ўсмирларга нисбатан ижтимоий-педагогик реабилитация ишлари**

Ижтимоий педагогнинг жамиятга мослашаган, хулқий оқишган ўсмирлар билан олиб борадиган иш технологияси уларни реабилитация қилидир.

Реабилитацияни инсонни жамиятга мувофиқлаштиришга киритадиган чора-тадбирлар тизими сифатида қаралиши мумкин. Реабилитация яна инсон шахси, унинг жисмоний алоҳида психикасининг функцияларига таъсир этишнинг натижаси сифатида ҳам қаралиши мумкин. Адаптация (мослашувчанлик)дан фарқли равишда, реабилитация инсон фаолиятини қайта тиклаш деб тушунилади. Реабилитация – бу болани фаол ҳаётга, жамиятга ва ижтимоий фойдали меҳнатга қайтариш мақсадини кўзда тутувчи чора-тадбирлар тизимидир.

Реабилитациянинг қуйидаги турлари белгиланган: тиббий, психологик, педагогик, ижтимоий-иқтисодий, касбий, маиший.

- Тиббий реабилитация бола организмда ўз функциясини йўқотган у ёки бу жойнинг тўла ёки қисман қайта тикланиши ёки боладаги

ривожланаётган касалликни секинлаштириш имкониятини яратишга йўналтирилган.

- Психологик реабилитация ўсмир руҳиятиг, онгига девиант хулқ-атворнинг керакмаслиги, уни шахс сифатида ҳеч Ким ҳурмат қилмаслигини сингдиришни мақсад қилган.

- Касбий реабилитация ўсмирни ўқитиш ёки унга тўқри келадиган меҳнат турига қайта ўқитиб тайёрлаш, енгаллаштирилган ва иш куни қисқартирилган меҳнат шароитлари бўлган иш жойи билан таъминлаш.

- Маиший реабилитация ўсмирнинг ҳаёти учун меъёрдагидек шароитнинг яратилишини кўзда тутлади.

- Ижтимоий реабилитация – бу ижтимоий муҳитда боланинг ҳаёт фаолиятини қайта тиклаш жараёнидир. Шунингдек, қандайдир сабаблар билан шахс ҳаёт фаолиятининг бузилиши, ижтимоий муҳитдаги чеклашларга йўл қўймасликдир.

- Ижтимоий-иқтисодий реабилитация – бу ўсмирнинг қонуний, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга мўлжалланган маблақларни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

- Ижтимоий-педагогик реабилитация – бу бола ҳаёт фаолияти учун аҳамиятли бўлган шахсий хусусиятларини шакллантиришга йўналтирилган характердаги тарбиявий чора-тадбирлар тизими бўлиб, болани жамиятга мувофиқлаштирувчи фаол ҳаётий ҳолатга тортувчи, ўз-ўзига хизмат қилишда зарур бўлган кўникма ва малакаларни эгаллаши, жамиятда хулқ-атвори билан ижобий ижтимоий ролларни бажариш, зарур таълимни олиш кабиларни ўз таркибига олади. Ёсмирларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишда бу ишларни реабилитацион марказ деб аталувчи ижтимоийлаштирилган муассасаларда амалга оширилади. Бу муассасаларнинг вазифаларига:

- қаровсиз қолган, дайди, жамиятга мослаша олмайдиган болалар ва ўсмирларда профилактик олдини олиш чораларини кўриш.

- Ота-оанларининг айблари билан ёки кутилмаган вазиятлар сабабли (шунингдек, жисмоний, психологик зўравонлик, хавфли яшаш жойлари ва бошқалар) оқир ҳаётий вазиятларга тушган болаларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш

- Ижобий ижтимоий хулқ-атвор тажрибаларини, атрофдаги инсонлар билан мулоқот кўникмаларини шакллантириш

- Ота-она қарамоқи ёки воситалар, яшаш жойидан ажраб қолганларни ўз қарамоқига олиш функциясининг бажарилиши

- фавқулодда вазиятларда психик ва педагогик қўллаб-қўвватлаш

- оилага қайтишга ҳамкорлик қилиш

- таълим олиш, меъёрдагидек ўсишга имконият билан таъминлаш.

- Келгуси касбий ва маиший фаолиятга Қамхўрлик қилиш.

Бундай муассасалар асосий фаолият мақсадлари – ёрдамга муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қўвватлаш, уларни реабилитация орқали ҳаётларини тўқри йўлга қўйишда ёрдам бериш.

### o3-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Нима учун ижтимоий педагогикада “меъёр” ва “меъёрдан оқшганлик” тушунчалари кўриб чиқилади?
2. “Ижтимоий оқшганлик” тушунчасининг моҳияти нимадан иборат?
3. “Девиант хулқ”, “деликвент хулқ”, “криминал хулқ” тушунчалари моҳиятини очиб беринг.
4. Девиант хулқли ўсмирнинг асосий сабабларини айтинг ва асослаб беринг
5. Девиант хулқни оғоҳлантириш ва олдини олишда ахборотли ижтимоий-профилактик, тиббий-биологик ва ижтимоий-педагогик ёндошувларнинг хусусиятлари нималардан иборат?

### Адабиётлар:

1. Захаров.И.А. “Как предупредить отклонения в поведении ребенка”. М, 1986
2. Азбука нравственного воспитания. М, 1979
3. Антонян.Ю.Мидр. Неблагоприятные условия формирования личности в детстве и вопросы предупреждения преступности. М, 1983.
4. Нишанова.С. Маънавият дарслари. Т “oқитувчи”, 1994.

### **7-мавзу: Ичкиликбозлик девиант хулқ намoён бўлишининг бир шакли. Спиртли ичимликка мойил ўсмирлар билан ижтимоий-педагогик фаолият**

#### Режа:

1. Болалар ичкиликбозлиги – ижтимоий-педагогик муаммо сифатида.
2. Болалар ичкиликбозлигининг сабаб ва oқибатлари
3. Болаларда спиртли ичимликлар ичишга (мойиллик) берилиш даражалари
4. Алкогол истеъмол қилишга мойил бўлган болалар билан ижтимоий-педагогик фаолият юритиш тузилмаси.
5. Алкогол истеъмол қилишга мойил бўлган болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни
6. Алкогол истеъмол қилишга мойил бўлган болалар ёш кўрсаткичларига кўра олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият хусусиятлари

Асосий тушунчалар: алкоголизм, ичкиликбозлик, болалар алкоголизи.

### **I. Болалар ичкиликбозлиги – ижтимоий-педагогик муаммо сифатида**

бугунги кунда болалар алкоголизи энг жиддий ижтимоий-педагогик муаммоларидан биридир. Бу муаммо маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий илдизларга эга. Бу муаммога қарши курашишда самарали чора-тадбирлар куришда бу муаммонинг тарихини билиш муҳимдир.

Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш одати 8 минг йил илгари вужудга келган. Араб кимёгари Албуказис Коза томонидан ишлаб чиқилган турли ўсимлик моддаларининг ачиши сабабли ҳосил бўладиган этил спирти кенг тарқалиб истеъмол этила бошланди. Ароқ VI асрда кашф этилган. Ароқ бенедектин-манахи томонидан барча монастырларда тарқатила бошланди.

Ўокимллар ҳамма вақт ичкиликбозликка қарши курашиб келганлар. Спиртли ичимликларни сотишни манн этувчи қаттиқ қарорлар қақариб, назорат қилганлар. Иван Грозний, Борис Годунов, Екатерина II лар даврида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва тарқатишга қарши чиқарган фармонлари бу ичимликларнинг тўла йўқотилишига эришилмади ва аҳолининг ичкиликбозлик муаммоси ҳал этилмади. Бунга қатор сабаблар ҳам мавжуд эди. Биринчиси – ичкиликбозлик одамларни жамиятда мавжуд муаммолардан чалқитувчи воқелик сифатида ўрин тутарди. Иккинчи сабаб – спиртли ичимликларни сотишдан давлатга катта моддий манфаат бор эди ва мавжуд. Собиқ Иттифок давридаги статистик ҳисоботларда, 1980 йил 1950 йилга нисбатан, 10,4 баробар ортиқ спиртли ичимликлар кўпроқ истеъмол қилинган. Бу маълумотга уйда тайёрланган ароқ, мусаллас ва шароблар киритилмаган. Социологларнинг фикрича, жаҳон соқлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили жон бошига 8 литр спиртли ичимлиги тўқри келади. Бу миллатларнинг генофонди ўзгаришига олиб келади. Бу ҳолатда соқлом болаларга нисбатан рухий, жисмоний оқишган, носоқлом болаларни спиртли ичимликларга жуда ёш даврларидан ва тез ўрганиб қолиши жуда хавотирли омиллардандир.

Алкоголизмнинг бир неча белгилари мавжуд. Тиббий нуқтаи назардан алкоголизм сурункали касаллик бўлиб, даволаниши зарур. Ижтимоий жиҳатдан алкоголизм - шахсни девиант (хулқий оқишганлик) хулқ-атворининг шакли бўлиб, шахсни ижтимоий деградация<sup>17</sup> лаш, спиртли ичимликка қарши даволаш патологияси билан характерланади.

Алкоголизм ривожланишининг бошланқич босқичида инсоналоҳида касалманд аҳволга тушади. Доимий равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш натижасида касаллик ривожланиб ичкиликбозлик деб номланувчи ҳолатга олиб келади. Бу икки ичкиликбозлик ва алкоголизм ҳолати бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлиб, қуйидаги ҳолатларга сабаб бўлади: жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, ижтимоий паразитизм (танбаллик), маънавий аҳлоқсизлик, хулқ-атвор бузуклиги, ўз-ўзини ўлдириш. Болалар алкоголизмга 18 ёшгача бўлган ўсмирлардаги касалликнинг биринчи кўринишлари киритилади. Катталарга нисбатан болалар алкоголизи бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

- Спиртли ичимликларга тез ўрганиб қолиш. Агар катталарда ичкиликбозликдан алкоголизмгача бўлган давр 5-10 йил бўлса, болаларда сурункали алкоголизмга ўтиш 3-4 марта тезроқ юз бериши мумкин. Бу болалар организмнинг анотомик-физиологик тузилмасига боғлиқ. Болалар мияси катталардан фарқли равишда, сувга бой, оқсилнинг камлиги, сувда эса алкоголь яхши эриши ва организмга тез сингиши, унинг 7 % фоизи фақатгина ўпка ва жигарда қолишига олиб келади. Жолган 93 % барча орган ва тизимларни ишдан чиқарувчи захар сифатида тарқалади. Бола бу захарга тезда ўрганиб қолишига олиб келади.

---

<sup>17</sup> Деградация - (французча degradation) – доимий ёмонлашиш, оқирлашиш, тушиш, маракатнинг орқага кетиши

- Касалликнинг оҚир кечиши. Бу бола организмнинг шаклланиш босқичида турганлиги билан организмнинг асаб тизими алкоголь таъсирига қарши кураша олмаслиги натижасида организм ва асаб тизимини бузувчи, оҚир тузатиб бўлмайдиган жараёнга сабаб бўлиши билан ифодаланади.
  - Бола томонидан алкогольни (катта) кўп миқдорда истеъмол қилиш. Бу болаларнинг алкогольни истеъмол қилиши жамият томонидан назорат қилинади, шу сабабли ҳам болалар яширинча, бирданига кўп миқдорда истеъмол қилишга ҳаракат қиладилар.
  - Ичкиликбозликнинг тез ривожланиши. Ёсмирлар истаган бўлар-бўлмас сабаблар туфайли ичишни меъёрий одат қилиб оладилар, енгил мастлик ҳолатидаёқ улар ўзларича ишончсизлик ҳолатини сезадилар. Шу сабабли улар тўлиқ мастлик ҳолатигача ичишга интиладилар. Шундагина ичимликни муваффақиятли, тўлиқ даражали ҳисоблайдилар.
  - Даволашнинг кам самаралилиги. Вояга етмаганлар ўртасидаги ичкиликбозлик хулқий оҚишганлик билан узвий боғлиқдир. Ёсмир учун алкогольизмнинг энг асосий хавфлилиги шундаки, у ўз-ўзини назорат қилиш хусусиятини бўшаштиради. Ичкиликбозлик ва жиноятчилик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бир қатор иллатларга сабаб бўлади:
3. Вояга етмаганлар кўпгина жиноятларни маст ҳолатда содир этадилар (22 % ўқрилиқ, 76 % безорилик, 6 % зўравонлик, 56% босқинчилик). Кўпгина зўравонлик ҳолатлари (агрессив) мастликда содир этилади. Бу ҳолат – мастлик одатий шароитдаги ижтимоий хулқ-атвор кўникмаларининг йўқолишига сабаб бўлади;
  4. кўпгина жиноятлар спиртли ичимликлар сотиб олиш учун маблаққа эга бўлиш мақсадида содир этилади;
  5. ичкиликбозлик вояга етмаганларда кўпгина жиноятларни содир этишга интилиш (криминологияда “маст мотивация” атамаси мавжуд);
  6. ичкиликбозлик (криминал) жиноятчилик ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлади;
  7. ичкиликбозлик вояга етмаганларнинг жамиятдан хулқий оҚишган тенгдошлари гуруҳларига кўшилишларида восита сифатида намоён бўлади;
  8. ичкиликбозлик вояга етмаганларни жиноятчилик фаолиятига кўшилиб қолишларига сабаб бўлиб, уни кўпинча катта ёшдагилар ташкил этади.

## **II. Болалар алкогольизмининг сабаблари ва оқибатлари**

Болалар турли мутахассислар: тиббиёт ходимлари, педагоглар, психологлар турлича баҳо берадилар. Алкоголизм сабаблари ва оқибатлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган

### Болалар алкоголизмнинг сабаблари ва оқибатлари

Ёш кўрсаткичлари	Сабаблар	оқибатлар
Илк болалик даври 0-3 ёш	1. Мастликда ҳосил бўлган ҳомила 2. Бошланқич 3 ой даврида ҳомиладорликдаги ичкилик ичиш 3. Эмизикли даврида алкоголь истеъмол қилиниш	1. эпилепсия (тутқаноқлик), акли норасолик; 2. жисмоний ривожланишдаги норасолик; 3. руҳий ривожланишдаги норасолик
Мактабгача ва кичик мактаб ёши 3-9 ёш	1. Ота-оналарнинг педагогик саводсизлиги 2. Оилавий алкоголизм анъаналари	1. организмнинг алкоголь билан захарланиши 2. спиртли ичимликларга қизиқишнинг шаклланиши
Ўсмирлик ва ёшлик даври 9-18 ёш	1. Носоқлом оила 2. Ўз-ўзига бино қўйиш 3. Оммавий ахборот воситаларининг позитив рекламалари 4. Бўш вақтнинг кўплиги 5. алкоголизм оқибатлари ҳақида билимнинг йўқлиги 6. шахснинг психологик хусусиятлари 7. муаммодан қочиш	1. алкогольга қизиқишнинг шаклланиши 2. спиртли ичимликларни истеъмол қилиш одатининг шаклланиши 3. алкоголизмнинг ҳулқининг стереотипларини ишлаб чиқиш 4. алкогольдан мастлик ҳолатида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этиш 5. алкогольдан мастлик ҳолатида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этилишининг англолмаганлиги 6. психик муаммоларни ҳал этишда алкогольдан допинг сифатида фойдаланиш 7. алкогольга бўйсиниб қолиш



Фанда тўпланган маълумотлар ҳомиладор аёлнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши қанчалик оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Бунда ривожланаётган ҳомила билан алкогольнинг қанчалик алоқадор бўлиши зарур моддалар билан таъминланиши она қорнидаги ҳомилани ҳимоя пардаси орқали ўтади. Бироқ этил спирти ва захарни ҳимоя парда тўса олмайди. Бошланғич 3 ой мобайнида, ҳомиладорликда ҳомиланинг ички орган ва системалари шаклланиш жараёни содир бўлади. Ҳомиланинг алкоголь билан захарланиши турли норасолик ва нуқсонларга сабаб бўлади. Ҳомила алкогольдан умуман ҳимоя этилмаслиги туфайли унинг миясига зарар еткази. Шу сабабли бош мияда сув тўпланиши, шишлар, грижалар билан оғриган болалар дунёга келади.

Бундай болалар илк болалик даврида ёки нобуд бўладилар ёки бутун умрга ақлий норасо бўлиб қоладилар.

Иккинчи босқич мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги босқич. Бу босқичда икки сабаб бўлиб, ота оналарнинг педагогик саводсизлиги ва оилавий ҳамда мактаб анъаналари ҳисобланади. Педагогик саводсизлик ота оналар алкогольни (дори дармон) шифовий модда деб ҳисоблайдилар. Алкогол иштаҳани кучайтиради, камқонликни тузатади, уйғуни яхшилади, Тиш чиқишини осонлаштиради. Ота-оналар болаларга ёшлик давридан спиртли ичимликни кичик миқдорларда ичириб турилиши катта бўлганида алкогольга берилиб кетиши олдини олади деган фикрлар юради.

Болаларнинг ичкиликбозликка одатланишига яқин қариндошларининг спиртли ичимлик истеъмол қилишлари ҳамда оилавий анъаналар сабаб бўлади (тантанали, хурсандчилик ёки ёмон кунларда спиртли ичимликлар ичишлар). Бундай байрам кунларида болаларга ҳам спиртли ичимликлар қуйиб берадилар. Бундай оилаларда спиртли ичимликлар ичиш ёмон ҳисобланмайди, болаларни спиртли ичимлик ичишлари эса ташвиш туқдирмайди. Болалар ичкиликбозлик одатларини спиртли ичимлик ичишга бошлашдан анча аввал билиб оладилар.

Болалар ўйинларида катталарга тақлид қилиб қадаҳ сўзлари гапирадилар, бакалларни уриштирадилар, уларнинг маст ҳолатларини ўхшатадилар, кичик ёшдаги мактаб болаларида алкоголь тантаналар ва учрашувларда доимий одатий ҳол деган тасаввур пайдо бўлади.

Алкоголнинг ўзи гендан ўтмаслиги, фақатгина ота-оналаридан олган характери хусусиятларидан келиб чиқувчи унга мойиллигини ўтиши биологик текширишлар билан исботланган. Болаларда ичкиликбозликнинг ривожланишида ота-оналарининг ёмон одатлари, оилада ичкиликбозлик ҳолатлари асосий рол ўйнайди.

Ўчинчи босқич ўсмирлик ва ёшлик даврлари. Асосий сабаблар қилиб қуйидаги еттитасини кўрсатиш мумкин: оилавий шароитлар ёмонлигини; оммавий ахборот воситаларида позитив рекламалар; бўш вақтида ҳеч бир иш билан шуқулланмаслик; алкоголизм оқибатларини билмаслиги; муаммоларни ҳал этиш билан шуқулланмаслиги; психологик хусусиятлари; ўзини ташкил топтириш.

Бу даврда алкогольга берилиши юзага келиши содир бўлади, бу берилиш одатга айланади, бу одат эса кўпчилик ҳолларда алкогольга қарам бўлиб қолиши ҳолларига олиб келади.

### **1. Алкогол оилада нохуш ҳолат кўрсаткичи сифатида**

Болаларни маънавий тарбиялаш ва ривожлантиришнинг муҳим шартлари оилавий муносабатларнинг маънавий-эмоционал томонлари ҳисобланади. Бошқа оилаларга нисбатан болалар кўпроқ спиртли ичимлик истеъмол қилишни бошлайдиган оилаларнинг бир неча турлари мавжуд:

- 1) Жанжалкаш оилалар, бунда оилавий муносабатлар душманлик, рақиблик, яққаланиш, оила аъзолари орасида кескинлик кўринишида мавжуд бўлади. Оила аъзолари бир-бирларини ёмон хусусиятларини кўрсатиб айблайдилар ва бир-бириларига ёмон ниятда бўладилар. Яндайдир бир ён босишга эришиш учун болалар спиртли ичимликлар истеъмол қила бошлайдилар.
- 2) Алкогол ўзини намоён қилиш воситаси сифатида. Ёсмирлар ичкиликбозликларининг сабабларидан бири – бу катталарга ўхшашни иташдир. Спиртли ичимлик ичишни бундай ўсмирлар мардлик ва довюраклик, мустақилликдан белги деб ҳисоблайдилар. Маънавий чекланганлиги, мактаб жамоасида ўзини намоён эта билмаслик бундай ўсмирларни спитли ичимлик ичишга, кўчадаги ўртоқлари орасида ўзини кўрсатишга мажбур этади.
- 3) Алколог реклама сифатида. Спиртли ичимликларни ичишни кино, телевидение, рекламаларда оммалаштириш спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ўсмирларни қизиқтиради. АЖШ лик социологлар спиртли ичимлик ичадиган киноқаҳрамонлар намунаси (улар асосан ижобий ролларни ўйнайдилар) ўсмирларни ичкиликбозликка жалб этишнинг энг таъсирли усулидир.
- 4) Алкогол вақтни ўтказиш воситаси сифатида. Мактабдан ташқари болалар ва ўсмирлар муассасалари сонининг кенгайиб кетиши турли хил таълим хизматлари учун тўланадиган нархларнинг қимматлиги (муסיқа, рақс ва бошқаларга ўргатиш) кўпчилик ўсмирларнинг бўш вақтлари кўп бўлади. Фойдали иш билан шуқулланмайдиган ўсмирлар кўчаларда тўдаларга қўшилиб одатда спиртли ичимликлари ича бошлайдилар.
- 5) Алкогол меъёрдагидан психик камчиликлари ўрнини тўлдирувчи восита сифати. Болаларда алкоголизмини ривожланишига кўпинча психик соқломлигидан камчиликлари ёки ижтмоий мослашишига халақит қилувчи жисмоний соқлиқдаги камчиликлар сабаб бўлади. Нуқсоннинг пайдо бўлиши сабабидан қатъий назар (туқма камчиликми, психик касалланишми) болада атрофдагилар билан муносабатлар бузилади, ўзига нотўқри баҳо бериш юзага келади. Бундай ҳолларда алкоголь бола шахсидаги мавжуд мослаша олмасликни силлиқлашга имкон берувчи, ўрнини тўлдирувчи омил ҳисобланади, унинг тенгдошлари орасига қийналмасдан кириб боришини таъминлайди.
- 6) Алкогол ҳаёлий ҳақиқат сифатида. Баъзи бир ўсмирлар ўзидаги мавжуд кескинликни йўқотиш, ёмон ташвишлардан озод бўлиш мақсадида спиртли

ичимлик истеъмол қиладилар. Кескин вазиятлар оилада ёки мактаб жамоасида бегоналашиб қолиши сабабли юзага келиши мумкин.

Ўсмирда дунёдаги ҳамма ҳаётий ташвишларни спиртли ичимлик ичиб ҳал қилиш мумкин деган фикр пайдо бўлади.

### **Алкоголизмнинг оқибатлари**

6.1. Итимоий-иқтисодий (ўқишни ташлаб кетиш, ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини кескин пасайиши, ишлаб-чиқариш ва маиший жароҳатлар сонининг ошиб бориши, турли хил алкоголизмга қарши чора-тадбирга харажатлар сарфлаш).

6.2. Ижтимоий-психологик (оилавий, мактаб, меҳнат ёки бошқа ижтимоий-ижобий алоқаларининг узилиши, шахснинг маънавий ва рухий барбод бўлиши, микромуҳитда маънавий-психологик вазиятнинг ёмонлашиши).

6.3. Криминал (жиноятлар содир этиш, бошқа одамлар билан жинойий фаолиятларга кўшилиб кетиш, криминализиция ва виктилизация<sup>18</sup> юзага келиши учун қулай вазиятлар яратилиши).

6.4. Жисмоний (алкогол истеъмол қилган аниқ бир шахснинг ўзигина эмас, балки келажак авлод соқлиқи учун ҳам зарар келтирилади).

## **III. Спиртли ичимлик ичишга болаларнинг (мойиллик) берилиш даражалари**

Катта синф ўқувчиларининг спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари жараёнини ўрганиб чиққан олим-физиологларнинг текширишларига таяниб етти даражаларини кўрсатиш мумкин.

### **Болаларнинг спиртли ичимлик ичишга берилиш даражалари**

Босқич номи	Сабаблари
1. Нолинчи даража	--/--
2. Бошланқич даража	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Катталар дунёсига кўшилиш</li> <li>• “ҳамма каби бўлиш”</li> </ul>
3. Алкоголни баъзан истеъмол	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кайфиятни кўтариш</li> <li>• ўзига ишончини ошириш</li> <li>• ўз кўринишини яхшилаш</li> </ul>

<sup>18</sup> Виктилизация (лотинча victime-???) – ижтимоийлашиши учун ноқулай шароит, вазиятлар, Бунинг оқибатида инсон ўрбон бўлиб қолади

қилиб туриш	
4. Юқори даражаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>• организмни қувватини ошириш</li> <li>• эркин хис этиш <ul style="list-style-type: none"> <li>• дўстлари орасида вақтни хурсандчиликда ўтказиш</li> </ul> </li> </ul>
5. Яққол психик қарамлиги	<ul style="list-style-type: none"> <li>■ ҳаёт ташвишларидан вақтинчалик чалқиш</li> <li>■ ўзига ишончини ошириш</li> </ul>
6. Жисмоний боғлиқлик	<p>I. ўзини ёмон хис этишини йўқотиш</p> <p>II. аввалги ичганлари таъсирида</p> <p>III. ҳаёт ташвишларини эсдан чиқариш учун</p> <p>IV. ҳаётий куч-қувватини ошириш учун</p>
7. Шахснинг алкоголизм билан бузилиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>• касалманд ҳолатини йўқотишга интилиш</li> </ul>

Нолинчи даражаси ўзининг шахсий фикри бўйича соқлом ҳаёт кечиришга интилувчи ҳеч қачон спиртли ичимлик ичмаган балоқат ёшига етмаган болаларни ифодалайди. Спиртли ичимликлар ичишдан бош тортиш сабаблари: спиртли ичимликларнинг организмга, ўзини хис этишига ва ҳулқига ёмон таъсир кўрсатишига ишониши.

Бошланқич босқичида спиртли ичимликларини алоҳида ҳолларда ёки жудакам ҳолларда истеъмол қиладилар

Алкоғолни истеъмол қилганда ўзини ёмон хис қилади, спиртли ичимликлар ёқмайди. Алкоғолни истеъмол қилиш сабаблари қуйидагилардан иборат: катталар дунёсига қўшилиш, ҳамма каби бўлиш, бу босқич одатда 2-3 ой давом этади.

Вақти-вақти билан спиртли ичимлик ичиш алкоғоли бор турли ичимликларни ичиб кўриб билан ифодаланади. Кичик микдордаги спиртли ичимликлар эйфорияни келтириб чиқаради. Алкоғолни истеъмол қилиш сабаблари: кайфиятни кўтариш, ўзига ишончини ошириш, коммуникабеллигини кўтариш, бу давр 3-4 ой давом этади.

Юқори хавфли даражали даври ичкилик ичиш учун одатда сабаблари кўпайиб бориши билан ифодаланади, одатда. ойига икки маротабадан кўпроқ. Сабаблари: ўзини тетик хис этиш ёки эркин хис этиш учун, дўстлари билан вақтини хурсандчиликда ўтказиш учун. Бу даврнинг давомийлиги 4-12 ойдан

иборат. Бу босқичда алкогольни истеъмол қилишга фаол интилиши намоён бўлади, унинг таъсир кучини тушуниб олади. Алкогол таъсири остида ўсмирларда фақатгина яхши кайфият пайдо бўлибгина қолмай, балки фаоллиги ва тажовускорлиги ҳам ошади. Ёсмирлар ўзларидан бир неча ёш катта болалар билан алоқалар ўрнатадилар.

Катталардан маст ҳолатларини яширишга ўрганадилар. Бу босқичда спиртли ичимликларга одатланиб қолади, лекин ҳали боқланиб, қарам бўлиб қолган эмас.

Алкоголга яққол психик боқланиб қолганлиги даражаси. Алкоголдан маст бўлиш ўсмирларнинг жуда ёқтирадиган психик ҳолатига айланиб қолади ва улардан болалар кайфиятини, ҳулқини бошқарувчи сифатида фойдаланадилар. Сабаблари: вақтинчалик ҳаёт ташвишларидан чалқиш, ўзига ишончини ошириш. Психик боқлаб қолиш 1,5 йил давомида юзага келади. Бу босқичда алкогольга психик қарам бўлиб қолиши шаклланади. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш кунлик суръати ортиб боради.

Алкогол ичишга интилиш энди фақатгина кечки пайтларда эмас, балки бутун кун давомида давом этади, шу билан бирга суткалик меъёри ортиб боради. Спиртли ичимлик истеъмол қилишни тўхтатган пайтларида жаҳлдор, таъсирчан бўлиб қоладилар. Уларнинг кайфиятлари тез ўзгариб ёмонлашади, кўпинча жанжалкашлик ва жаҳлдорликлари намоён бўлади. Улар кичик болаларни спиртли ичимлик ичишга жалб қилувчи бўладилар. Бундай ҳолларда педагогик ва тарбиявий таъсирлардан ташқари тиббий чоралар – нарколога муражжат этиш ва даволаш зарур бўлади.

Алкоголга жисмоний боқланиб қолиш даражаси. Спиртли ичимликка жуда ўрганиб қолади, боши оқриб, хумор қиладиган бўлиб қолади, алкогольни истеъмол қилиш миқдори назорат қилинмайди. Жисмоний боқлаб қолишлик спиртли ичимлик истеъмол қилганида 3-5 йил давомида юзага келади. Бу даврда алкогольга психик ва жисмоний боғлиқлиги кучайиши содир бўлади. Яққол ифодаланган бош оқриқини йўқотиш синдроми пайдо бўлади. Бош оқриқи пайтида кайфияти ёмонлашиши, хафа бўлиши, кўнгли бўшашиб кетиши, организми физиологик вазифаларининг бузилиши кузатилади: тез терлаб кетади, қўллари қалтирайди, юра қуруши тезлашади. Бу босқичда шахснинг патологик хусусиятлари тез шаклланади, у таъсирчан, жаҳлдор, тажанг, кўпол, бераҳм бўлиб қолади. Интеллектуал ривожланиши секинлашади. Болалар тез-тез машқулотларни ўтказиб юборадилар, ёмон ўқийдилар. Баъзан уйларидан кетиб қолиб дайдиб юрадилар. Бу босқичда дарҳол касалхонада даволаш керак бўлади.

Шахснинг алкогольик бузилиш даражаси сурункали ичкиликбозликнинг ривожланиши билан ифодаланади, спиртли ичимликка чидамлилиги пасаяди. Оғир жисмоний боғлиқлиги шунчалик кучлики, у алкогольдан психик боғлиқликдан ҳам устун бўлади. Сабаблари: ёмон аҳволини тузатишга ҳаракат қилиш. Бундай ҳолатда дарҳол касалхонада даволаш зарур бўлади.

**IV. Алкогол истеъмол қилишга мойил бўлган болалар билан ижтимоий-педагогик фаолият юритиш тузилмаси**

Ижтимоий-педагогик фаолият – бу аниқ бир болага унинг индивидуал муаммоларини ҳал этиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган фаолиятдир.

Ижтимоий-педагогик фаолият қуйидаги принципларга таянади:

- болага индивидуал-шахсий ёндошиш
- бола шахсининг ижобий томонларига эътиборни қаратиш
- болага ёндошишнинг объективлиги
- конфеденциаллиги<sup>19</sup>

ижтимоий-педагогик фаолият ҳар қандай бошқа фаолият каби ўз тузилишига эга ва қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган: мақсад, субъект, объект, функциялари, методлари, шакллари, спиртли ичимлик ичишга одатланган болалар билан ижтимоий-педагогик фаолият олиб боришнинг тузилиши ҳар бир таркибий қисми мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Биринчи - ташкилий қисми. Алкоголизмга одатланган ўсмирлар билан ижтимоий-педагогик фаолиятнинг мақсади болаларда алкоголизмни ривожлантиришга имкон берувчи салбий омилларни йўқотишга қаратилган.

Биринчи омили – индивидуал психологик ҳисобланади, бу шахсий хислатлари бузилишига, сабаблилик доирасининг зарарланишини ўз ичига олади. Ёсмирнинг муносабатлар кўникмалари ривожланмаган, педагогик қаровсиз, психик ривожланиши (ЗПР) ортда қолади.

Иккинчи омил – индивидуал-соматик – спиртли ичимлик ичишга одатланган болада наслий соматик касалликлар бўлади, улар жисмоний касалликлар ривожланишдан ортда қолишга олиб келади.

Учинчи омил – ижтимоий-мактабдан ташқари, бу катталар томонидан бола ҳуқуқлари бузилишини, бола қаровсиз қолганини ёки катталар болани ҳаддан ташқари қаттиқ тарбиялаш билан шуқулланишларини англатади, ёки болани ноқонуний ҳаракатларга жалб этадилар, оиланинг ижтимоий мавқеи паст, оилавий ўзаро муносабатлар ёмон бўлади.

Тўртинчи омил – ижтимоий мактаб, яъни синфдаги ёмон таъсир қилувчи психологик муҳит, ўқув гуруҳининг (синфнинг) паст ижтимоий мавқеи. Бу омиллар болага таъсир кўрсатади, унда спиртли ичимликларга боқланиб қолишни ривожлантиради. Шунинг учун, ижтимоий-педагогик фаолият боланинг ижтимоийлашини қийинлаштирувчи омилларни йўқотишга қаратилган бўлиши керак.

Ижтимоий-педагогик фаолиятнинг мақсадларини қуйидаги вазифаларни ҳал этиш билан амалга ошириш мумкин:

- Маълум бир ўсмирга фаол ёрдам кўрсатиш ва ҳимоялаш усулларини яратиш.
- Ёсмирда ижобий кадриятли йўналишлар шакллантириш
- Ёсмирни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этиш.
- Фаол шахсни тарбиялаш. Унга фуқаролик, оилапарварлик сифатларини ривожлантириб, ўзига тўқри баҳо беришини шакллантириб тарбиялаш керак.
- Боланинг жисмоний ва психик соқломлигини мустаҳкамлаб бориш.

<sup>19</sup> конфеденциал (лотинча confidential - ишониш) – ишонувчи, овоза ?илинмайдиган, махфий

- Боланинг ҳуқуқий маданияти асосларини шакллантириш.
- Лийин вазиятларда йўл топа билиш кўникмаларини шакллантириш.

Иккинчи таркибий қисм – бу унинг субъекти. Фаолият субъекти ижтимоий-педагогик ҳисобланади, лекин ундан ташқари махсус ишлар бўйича мутахассислар ҳам валеолог<sup>20</sup>, психолог ва ота-оналар эалб этилиши мумкин.

Учинчи таркибий қисми – бу объектдир, бутун ижтимоий-педагогик фаолият ташкил этиладиган объект. Фаолият объекти алкоголизм жараёнига турли даражаларда берилган болалар ҳисобланадилар.

Тўртинчи таркибий қисм – фаолият вазифалари, бу вазифаларни фаолият субъектлари бажарадилар: ижтимоий-педагог, ижтимоий ишлар бўйича мутахассис, валеолог, психолог, ота-оналар.

Ижтимоий-педагогнинг фаолияти вазифалари қуйидагилардан иборат:

2. Ижтимоий-педагогик- ижтимоий алоқалар ва муносабатларни йўлга қуйишда болага ва оилага ёрдам кўрсатиш, боланинг ривожланиши учун қулай ижтимоий муҳит яратиш.

3. Ижтимоий-ўқитиш вазифалари – болага ичкиликбозлик муаммолари ҳақида билимларни эгаллаб олишга ёрдам кўрсатиш ҳамда ичкиликбозликка берилиш жараёнига қарши туриш ижтимоий маҳоратлари ва кўникмаларини эгаллашига ёрдам кўрсатиш.

4. Ўқуқий-ҳимояланиш вазифалари, бу вазифа алкоголизмга берилган боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва риоя қилишни кўзда тутуди.

Ижтимоий ишлар бўйича мутахассис қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ижтимоий турмуш – оила ва болага турмуш, тура ржой шароитларини яхшилашда ёрдам кўрсатиш ва қуллаб-қувватлаш.
2. Ижтимоий-иқтисодий - спирли ичимлик ичадиган бола яшайдиган оилага моддий ёрдам кўрсатишда иштирок этишини кўзда тутуди.

Валеолог ижтимоий-тиббий вазифаларни бажаради, бу спиртли ичимлик ичадиган бола соғлиғини сақлаш бўйича ишларни кўзда тутуди.

Психолог ижтимоий-психологик вазифаларни амалга оширади, бу ишлар турли хилдаги тестлардан ўтказишни, бола ва ота-оналарга маслаҳатлар беришни кўзда тутуди. Боланинг ота-оналари бола шахси шаклланиши ва ривожланиши бўйича тарбиявий вазифаларни амалга оширишлари керак.

Фаолиятнинг бешинчи таркибий қисми методлар ҳисобланиб, улар унинг турли субъектлари фаолиятларига, боланинг ёши хусусиятларига, унинг алкоголизм жараёнига берилганликлари даражасига боғлиқ бўлади.

Фаолият тузилишининг олтинчи таркибий қисми - аниқ методларга биноан белгиланадиган методларни амалга ошириш шакллари.

Ижтимоий-педагогик фаолиятнинг ушбу технологияси комплекс ҳисобланади, чунки бир мақсадга эришишга ҳаракат қилувчи турли мутахассисларни ишларини бирлаштиради.

<sup>20</sup> валеолог (лот. Vale - со?л) – болалар со?лом турмуш тарзига ?ргатувчи мутахассис

## **V. Алкогол истеъмол қилишга одатланган болалар билан ижтимоий-педагогик фаолиятнинг мазмуни**

Спиртли ичимлик ичишга одатланган бола билан ишлашда ижтимоий педагогнинг фаолиятида асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин:

12. Боланинг ижтимоий мослашиши даражасини ошириш бўйича фаолият.
13. Алкоголизмни олдини олиш бўйича фаолият.
14. Ота-оналарга билим бериш бўйича фаолият
15. Болалар ижтимоий реабилитация қилиш бўйича фаолият
16. Муҳитга мослаштиришга тўсиқ бўлган вазиятларни йўқотиш бўйича бола ва унинг атроф-муҳити ўртасидаги воситачилик фаолияти.

Ижтимоий-педагогик фаолият ижтимоий педагог томонидан қуйидаги асосий вазифаларни бажаришини кўзда тутди.

Биринчи вазифаси – диагностика қилиш. Бу фаолият болаларни спиртли ичимликларга ўрганишлари хавфи омилларини йўқотишга қаратилган. Бу вазифа спиртли ичимлик истеъмол қилишга одатланган бола ҳақида маълумотлар тўплаш йўли билан амалга оширилади. Педагог боланинг хусусиятларини ўрганади, унинг оиласи ҳақида маълумотлар тўплайди, болага ёмон таъсир кўрсатиш манбаларини ўрганади, спиртли ичимлик ичишга ўргатувчиларни аниқлайди, микромуҳитнинг болага таъсирини ўрганади.

Маълумотлар тўплаш боланинг ўзи билан. Унинг ота-оналари. Синф раҳбари билан суҳбатлар, сўровлар (оқзаки ёки ёзма равишда) амалга оширилади. Бундан ташқари стандартлаштирилган интервью олиш, кузатиш, оила ва боланинг ҳужжатларини ўрганиш усулларини ҳам қўлланилади.

Иккинчи вазифаси – тахмин қилиш, унинг мазмуни педагог биринчи вазифаси асосида педагог алкоголизмга берилган болалар билан ижтимоий-педагогик фаолият дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Учинчи вазифаси – таълим-тарбиявий. Бу фаолият ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини ҳамда уни амалга ошириш методларини танлашни кўзда тутди. Педагог боланинг ижтимоий-реабилитацияси жараёнида унинг қайси сифатлари тарбияланиши кераклигини аниқлайди, боланинг таълим ва тарбиясидаги камчиликларини йўқотади.

Тўртинчи вазифаси - ҳуқуқни ҳимоя қилиш. Педагогик ўз фаолиятини ҳуқуқий асосда куриши керак, бу боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳамда уларга риоя қилишни билдиради.

Бешинчи вазифаси – ташкилотчилик. Бу бола билан ижтимоий-педагогик фаолият олиб боришда турли мутахассисларнинг иштироки ва биргаликда ишларни олиб боришларини талаб этади.

Олтинчи вазифаси – коммуникатив. Унинг мазмуни ижтимоий-педагогик фаолиятни амалга оширишда маълумотлар алмашиш мақсадида унинг иштироклари ўртасида кўплаб алоқалар ўрнатилиши зарурияти юзага келишидан иборат бўлади.

Еттинчи вазифаси – олдини олиш – профилактик, бу фаолият олинган яхши натижаларни мустаҳкамлаш ва ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг такрорланиши мумкинлигини йўқотишни таъминлайди.



Ўзининг фаолиятида ижтимоий педагог учта асосий ролларда иштирок этади:

- маслаҳатчи сифатида, у ота-оналар ва болалар ўртасида жанжалсиз, тортишувсиз, келишиб муносабатларда бўлиш муҳимлиги ва мумкинлиги ҳақида оилага маълумотлар беради.

- консултант ролида, оилавий, меҳнат, бошқарув ва жиноий қонунчиликни ҳамда психологик, педагогик, ижтимоий педагогик масалаларини тушунтиради.

- ота-оналар ёки яқин атрофидагилари томонидан боланинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ҳимоячи сифатида ҳаракат қилади.

## **VI. Алкогол истеъмол қилишга мойил бўлган болалар ёш кўрсаткичларига кўра олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият хусусиятлари**

Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар

Бир ёшдан етти ёшгача бўлган болаларда одатлари юзага келишида, унинг ҳаётий йўналишлари шаклланишида ота-оналар катта таъсир кўрсатадилар. Шунинг учун ижтимоий педагогнинг фаолияти биринчи навбатда боланинг оиласи (унинг ота-оналари билан) ҳамда боланинг ўзи билан ишлашдан ташкил топади.

Боланинг бу ёшда спиртли ичимлик ичиш истаги кўп ҳолларда катталарга тақлид қилишдан иборат бўлади.

Агарда бу даврда болада ёмон одатлар пайдо бўлиб, уларнинг орасида алкогольни истеъмол қилишни маъқуллайдиганлари мавжуд бўлса, унда 7 ёшига келиб улар тўла шаклланади. Бу ёмон одатларни тузатиш, йўқотиш жуда қийин бўлади.

Ота-оналар билан ишлаш икки йўналишларда олиб борилади:

18. Оила аъзолари ўртасида муносабатлар маданиятини шакллантириш. Фақатгина муносиб оилавий муносабатлар мавжудлигидагина маънавий алкогольга қарши кўрсатмаларни шакллантириш мумкин.

19. Боланинг соқлом ҳаёт фаолияти мухитини яратиш, бу унда алкогольга ва спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи одамларга нисбатан салбий муносабатларни юзага келтиришни, бу ҳолатни маънавий қоралашни ўз ичига олади.

Бола билан ишлар олиб боришда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

1. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисида ўқишга интилишни шакллантириш (бола спиртли ичимлик истеъмол қилишга одатланганда одатда мактабда ўқишида жиддий муаммолар юзага келади ва ўқишни истамайди қолади).

2. Иродаси, ўз кадр-қимматини хис этиш каби шахсий сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш

Ишлаш методлари: ёрқин эмоционал ҳикоя қилиш, намойиш этиш, кўрсатиб бериш, сюжетли-ролли ўйинлар

**Ўсмирлар**

Ќсмирлик даврида,<sup>11</sup> ёшдан бошлаб, катталар болаларга ўз таъсирларини йўқота бошлайдилар ва ўз тенгдошлари билан муносабатлар катта аҳамиятга эга бўла бошлайди. Ќсмирнинг ижтимоий мавқеи қанчалик паст бўлса, унинг гуруҳга таъсири шунчалик паст бўлади. Шунинг учун у ўзи истамаган ижобий ҳаракатларни амалга оширади. Ќсмир гуруҳдаги қоидалар учунгина шундай йўл тутади. Шунинг учун бу ёшда ижтимоий педагог ишида асосий эътиборни қуйидаги йўналишларда гуруҳлар билан ишлашга қаратиши шарт:

Алкоголизм сабаблари ва оқибатларини олдини олиш. Бу ишни алкоголизм билан боғлиқ мавзуда гуруҳли мунозаралар ёки роли ўйинлар ўтказиш ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Ќсмирларни бўш вақтларини ташкил қилиш, чунки мазмунсиз вақтни ўтказиш ўсмирларнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилишлари ривожланиши хавфи асосий омили ҳисобланади.

Ќсмирда алкогольга қарши ишончини шакллантиришга қаратилган алкогольга қарши тарбиялаш.

Мактаб педагогик жамоасига алкоголизмга қарши билимлар бериш. Алкоголга қарши тарбия элементларини мактаб доирасида фанларга киритиш мумкин. Масалан, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанига “алкоголизмга берилиб кетиш оқибатида ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этиш” мавзусини киритиш мумкин; “Тарих” фанига “Юлоқ халқларни уларни қул қилиш мақсадида колонизаторлар томонидан спиртли ичимлик бериб маст қилишлари” мавзусини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ижтимоий педагогнинг воситачилик фаолияти – бу олдини олиш ишларига фақатгина ўқувчиларнинг ота-оналарини эмас, балки милиция ходимларини, район поликлиникаси шифокорларини, жамоатчиликни ҳам жалб қилишдан иборат бўлади.

Ќсмирнинг ижтимоий-педагогик қаровчизлигини бартараф қилиш. Бундай қаровсизлик сўз бойлиги камлиги, атроф Дуне ҳақидаги билимларининг етарли эмаслиги, кўпчилик кўникмалар (ҳисоблаш, ўқиш, ёзиш ва бошқалар) яхши ўзлаштирилмаганлиги кўринишларида намоён бўлади.

### **Ёшлик**

Ќсмирлардан фарқли равишда ёшлик даврида, 15-17 ёшида тенгдошлари гуруҳига эмоционал боғлиқлиги кам даражада ифодаланади. индивидуаллигини ифодаловчи ҳулқи усули биринчи ўринда бўлади.

Ижтимоий педагог катта синф ўқувчилари билан индивидуал ишлашга эътиборини қаратиши керак:

Индивидуал консультациялар ўтказиш.

Шахсни ижтимоий ўқитиш, бу спиртли ичимликларни истеъмол қилиш билан боғлиқ хавфларни тасаввур этишни ўз ичига олади.

### **Ќзини текшириш учун саволлар:**

“Алкоголизм”, “ичкиликбозлик” тушнчаларини изоҳлаб беринг. Сиз болалар алкоголизми хусусияларини нималарда кўрасиз?

Болалар алкоголизмга олиб боровчи асосий сабабларни санаб беринг.

Болаларнинг спиртли ичимликларга қизиқиш даражалари мазмунини ажратиб кўрсатинг ва очиб беринг.

Алкоголни истеъмол қилишга берилган болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик тузилмаларни айтиб бериб.

Алкоголизмга берилган болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини очиб беринг.

Алкоголга берилган турли ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият хусусиятлари нималардан иборат.

### **Адабиётлар:**

Анисимов.Л.Н. Профилактика пьянство, алкоголизма и наркомании среди молодёжи. – М, 1988.

Матвеев.В.Ф., Гройсман.А.Л. Профилактика вредных привычек школьников. Кн. Для учителя. –М, 1987.

Ягодинский.В.Н. Школьнику о вреде никотина и алкоголя.-М,1986.

Социальная педагогика: курс лекций, под ред. М.А.Галагузовой.-М: ВЛАД ОС, 2000. стр 227-240, 307-319.

### **8-мавзу: Жиноятчилик – болалар хулқи оқшнинг шакли сифатида.**

#### **БалоҚат ёшига етмаган ҳуқуқбузарлар билан ижтимоий-педагогик фаолият**

##### **Режа:**

1. БалоҚат ёшига етмаганлар жиноятчилиги муаммоси.
2. Тарбиялаш колонияларида бўлган балоҚатга етмаган жазоланувчиларнинг ёшлари хусусиятлари.
3. Жиноят содир этиш сабаблари
4. БалоҚатга етмаган (жазоланувчилар) жазога ҳукм этилганлар муносабатларининг хусусиятлари. Уларнинг катталардан фарқларини кўрсатувчи белгилари.
5. БалоҚат ёшига етмаган ҳуқуқбузарнинг шахсига индивидуал профилактик таъсир кўрсатиш.
6. БалоҚат ёшига етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишлаш индивидуал профилактик дастурининг тузилиши ва мазмуни.
7. Тарбиялаш колонияларида ижтимоий-педагогик фаолиятнинг реабилитацион дастурлари.

Асосий тушунчалар: болалар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлик, жиноят, махсус ўқув-тарбиявий муассасалар, тарбиялаш колониялари.

#### **1. БалоҚат ёшига етмаганлар жиноятчилик муаммолари**

БалоҚат ёшига етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятчилик бутун дунёда энг долзарб ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай жиноятчиликнинг ўсиши энг аввал ривожланган капиталистик мамлакатлар учун хосдир. БалоҚат ёшига етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг асосий сабаблари деб Қарб мутахассислари ёшлар ўртасидаги ишсизликни,

ёшларнинг келажакларига ишонмасликлари, жамиятни бошқариш ҳозирги замон усулларидан қониқмасликларини кўрсатадилар.

Масалан, Германия полицияси маълумотлари бўйича 1996 йили ҳибсга олинган ҳамма ҳуқуқбузарлардан 14 % доимий иш жойига эга эмас эди. Аниқ ҳаракатлар билан ўқрилик қилган жиноятчилар орасида ишсизлар тўртдан бир қисмини ташкил этдилар, улар томонидан шахсларга нисбатан жиноятлар 28 %, 34 % босқинчиликлар амалга оширилган.

Ўабр мутахассислари балоҚат ёшига етмаганлар орасида жиноятчиликнинг ўсиб бориши сабаблари ҳақида бошқа фикрларни ҳам айтадилар. Масалан, балоҚат ёшига етмаганлар учун одил суд ва ҳуқуқбузарликни олидини олиш АШ федерал бюроси раҳбари А.Регнери ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг асосий сабаблари оилаларнинг бузилиши, болалар билан берахм муносабатларда бўлиш, болаларнинг таълим олиш ва тарбияланиш ҳуқуқларининг бузилиши, яшаш учун қулай шароитларининг бўлмаслиги ва натижада болаларнинг уйдан кетиб қолишлари деб ҳисоблайди. Коннектикут штатида балоҚат ёшига етмаганларни текшириш жуда жиддий зулм ўтказган жиноятчилар орасида 75 % ўзларига ҳам ота-оналари ва бошқа шахслар томонидан шавқатсиз муносабат кўрсатилганини аниқлаб берди. Улар куч ишлатиб жиноят содир этишларнинг умумий сонидан 33 % ни содир этганлар.

Япониялик мутахассислар ўз мамлакатларида балоҚат ёшига етмаганлар жиноятлари ҳозирча ўсиб бориши сабабларини ўзига хос баҳолайдилар. Улар жиноятчилик ўсиши турмуш шароитларининг, фаровонликнинг ўсиши ва ўқиш билан, оилада тарбиянинг етарли бўлмаслиги, оиланинг анъанавий кадриятлари бузилиши, индивидуализмнинг намоён бўлиши билан боғлиқ оқибатлар-стресслар сабабли деб ҳисоблайдилар. Японияда ўтказилган текширишлар балоҚатга етмаган ҳуқуқбузарлар кўпинча ота-онасиз ўсгарлар, ҳамда кам таъминланган оилалардан чиққан болалар бўлиб чиқишини кўрсатди.

Россиялик мутахассислар ҳам жиноятчиликнинг ўсишини кўрсатадилар. Ўозирги даврда ўсмирлар Россияда аҳолининг энг криминоген зарарланган қисми ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексига биноан балоҚат ёшига етмаган ҳуқуқбузар деб жиноят содир этиш пайтига келиб 14 ёшга тўлган, лекин ҳали 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳисобланадилар. БалоҚат ёшига етмаганлиги жавобгарликни юмшатувчи ҳолат сифатида қаралади. Масалан, балоҚат ёшига етмаганларга нисбатан баъи бир жазолар кўзда тутилмаган, хусусан, ўлим жазоси.

Ўзбекистон Республикаси суд амалиётида ҳукми ижро этишни кечиктиришдан кенг фойдаланишни алоҳида таъкидлаш керак, бундан ҳозирги кунда озодликдан маҳкум этиладиган ҳамма балоҚат ёшига етмаганларнинг тахминан ярмига нисбатан қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарларнинг маълум қисми (20 % дан ортиқ) жазо берилишдаги ёки жиноий жавобгарликдан озод этилмоқда. Бу ишлар бўйича материаллар ёки балоҚатга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга юборилади ёки уларга нисбатан мажбурий тарбиялаш чоралари қўлланилади, масалан, қуйидагилар: 1) огоҳлантириш;

2) уларни ота-оналари ёки уларни ўрнини босувчи шахслар, ёки махсус давлат органлари назоратига топширилади.

3) келтирган зарарини қоплаш мажбурияти юклатилади.

4) бўш вақти чекланади ва бошқалар.

Тарбиявий таъсир чораларини мунтазам бажармай келган ҳолатида суд жиноий жавобгарликка тортиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳақиқатда жиноий жазолар жиноий жазонадиган ҳаракатлар амалга оширган ўсмирларнинг ярмидан камига нисбатан қўлланилмоқда. Алоҳида балоҚат ёшига етмаганлар учун мумкин бўлган жазо (амалга ошириш) асосий тури озодликдан маҳрум этиш ҳисобланади, бу жазони улар тарбиялаш колонияларида ўтайдилар. Агарда ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмир 14 ёшга тўлмаган бўлса (яъни жиноий жавобгарликка тортиш ёшига тўлмаган бўлса) уни махсус ўқув-тарбиявий ташкилотга юборадилар.

Ижтимоий-педагогикада деликвент хулқи деб ўрнатилган ҳуқуқий қоидаларни бузиш ва ҳуқуқбузарликка олиб келадиган хулқи тушунилади:

Деликвент (лотинча delingnens - ҳуқуқбузар) - хулқи ўзининг кескин кўринишларида жиноий жазоланадиган ҳаракатлардан иборат хулқи ёмон субъект.

Деликвентлик (лотинча delingnens – жиноий ҳаракат амалга оширувчи ҳуқуқбузар) – социологияда ва юриспруденцияда милиция рўйхатида турадиган ёки жиноий жазога олиб келиши мумкин бўлган қоидабузарликларга мунтазам амалга оширувчи тарбияси қийин ўсмирнинг қонунга хилоф ҳаракатларини кўрсатиш.

Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, балоҚатга етмаганлар ва ёшлар ишлари бўйича Комиссия, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла жамоатчиликлари, мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар томонидан биргаликда катта профилактик ишларни амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда балоҚатга етмаганлар орасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

Ана шу ҳақида 7.03.04 \_\_\_ “Дўстлик” каналининг радиоэшиттиришида Чирчиқ шаҳрининг прокурори ёрдамчиси Анора Эргашева гапирди. Лекин шулар билан бирга Чирчиқ шаҳридаги безорилик қилмишлари ҳолатлари ҳақида гапириб ўтди.

2003 йили 10-синф ўқувчиси Никитин Евгений милицияга қўнҚироқ қилиб унинг мактабида бомба қўйилганлигини хабар қилади, 2004 йили февраль ойида бошқа икки ўқувчилар Коршунов Александр 9-синф ўқувчиси ва 6-синф ўқувчиси Носов Иванлар уларнинг мактабларида бомба яширилган деб милицияга қўнҚироқ қилдилар. Жоидабузувчиларни дарҳол топдилар. Лекин, бундан аввал мактабдан ҳаммани эвакуация қилдилар, мутахассислар – саперлар келдилар. Дарсларни бекор қилиш, мутахассисларни чақириш давлат учун 60 минг сўмга тушди. Кейинчалик болаларнинг биринчи дарслари йўқлиги ва улар зериккаларида милицияга қўнҚироқ қилганликлари уларнинг гапларидан маълум бўлди.

Иккала ўқувчилар ҳам яхши оилалардан бўлиб чиқдилар: Носовнинг отаси ҳам, онаси ҳам бор, Коршунов.А.нинг оиласида иккита бола ва унинг оиласи моддий таъминланган, яхши оила бўлиб чиқди.

Ота-оналари болалари тарбиясида қандайдир камчиликка йўл қўйганлар, уларнинг бўш вақтларини, дам олишларини ташкил эта олмагандирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-оналар ўз фарзандлари учун жавобгарлар деб ёзиб қўйилган. Портлаш мосламаси ҳақида ёлқон чакирув – бу жиноий жазоланадиган жиноятдир. Агарда бола кўнқироқ қилган бўлса, унинг ота-онасидан жарима ундирилади, агарда ўсмир бўлса уни балоқатга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия рўйхатига оладилар.

## **2. Тарбиялаш колонияларидаги балоқатга етмаган ҳукм этилганларнинг ёши хусусиятлари**

Жиноят кодексига биноан, тарбиялаш колонияларида озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганлар, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган балоқатга етмаганлар ҳамда улар 21 ёшга етгунча тарбиялаш колонияларида қолдирилишга ҳукм этилганлар жазо ўтайдилар.

Ёши кўп жиҳатдан инсоннинг жисмоний ҳолатини, унинг хулқини, қизиқишларини, ҳаётдаги имкониятларини белгилаши ҳаммага маълум.

Жазони ўташ даврида ҳам ёши катта аҳамиятга эга бўлади. Улар тарбиялаш жараёнини ташкил этишда, ҳукм этилганлар жамоаларини тузишда ва бошқаларда ҳисобга олинади. Балоқатга етмаган жазоланувчи – бу ўсмирдир. Ёсмирлик даври организмнинг кескин жисмоний ривожланиши, куч-қуввати, фаоллиги, ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Ёсмирнинг қаттиқ эмоционаллиги, таъсирчан, енгилтаклиги интизомни бузиш сабаби бўлиши мумкин. Балоқатга етмаган жазоланувчилар ташқи таъсирларга шу билан бирга ижобий томонга ҳам, салбий томонга ҳам жуда таъсирчан бўладилар. Кўпчилик ўсмирлар ўзларига танқидий кўз билан қарамайдилар. Бу маънавий беқарорликка олиб келади, у хулқини ижтимоий бошқариш самарасини пасайтиради. Булар уларда ижтимоий фойдали кўрсатмалар, қарашлар ва ишончларини шаклланишини қийинлаштиради. Шу билан бир вақтда маънавий беқарорлиги, “осон ва чиройли” ҳаёт кечиришга интилиши, маданийлик даражаси пастлиги хулқини маънавий ўзи бошқаришига зарар келтиради. Бу ҳолат одоб-ахлоқсизлик ҳаракатлардан улар осонгина ноқонуний ишларни амалга оширишга ўтишларига олиб келади.

Бу ёшдаги ўсмирнинг хулқи ва фаолиятига ўзича баҳо бериши таъсир кўрсатади, у кўпчилик ҳолларда ёки ошириб юборилган ёки пасайтирилган бўлади. Ёзига юқори баҳо беришда ўсмир ўзини ҳаммадан устун деб ҳисоблайди, бошқалар орасида ажралиб туришни истайди. Бундай жазоланувчилар колония ходимларининг маслаҳатларига кам қулоқ соладилар, тарбиячиларга кинояли муносабатда бўладилар, уларда маънавий ўзини такомиллаштиришга истак уйғонишга интилишга эътиборсизлик билан қарайдилар. Ёзини баҳолаши паст бўлган жазоланувчилар ўзларида ишончсизликни ҳис этадилар, кўрқадилар, бошқалардан ёмон кўринадилар. Бунинг оқибатида улар бошқалар таъсири остида қоладилар.

Балоқатга етмаган жазоланувчиларда бу ёшда иродаси ва иродавий сифатлари шаклланиши жараёни боради. Бу давр давомида тарбияланувчилар

ўзларини шахс сифатида, кучли ва иродали шахсларни намуна қилиб олиб ўзларини тарбиялашга қодир экаликларини англаб етадилар.

Аммо ташқи кўриниши уларда кўпинча қилган ишлари маънавий мазмунини тўсиб қўяди. Бунинг натижасида маънавий намуна сифатида уларда жинойтчилик романтикаси ишқивозлари ўрин олади.

Кўпчилик балоҚатга етмаган жазоланувчилар учун дунёқарашлари қарама-қаршиликлари хосдир. Уларнинг қарашлари ва ишончлари мантиқсиз ва қарама-қаршидир. Жазоланувчиларнинг ўзлари бу мантиқсизликни, тартибсизликни камчилик деб тушунадилар. Бундай ўсмирларни қарама-қаршиликка ишонтириш ва уларда тўқри хулқ қоидаларини тарбиялаш осон бўлади, лекин педагогик ва ижтимоий анча қаровсиз жазоланувчи балоҚатга етмаганлар гуруҳлари бор.

Улар мантиқий тартиб билан ва асослаб ўз қарашларини ҳимоя қилишлари мумкин. Бундай турдаги ўсмирлар билан ишлаш анча қийин. Социологик текширишлар кўпчилик ўсмирлар жазоланишларидан аввал милицияда рўйхатда турганлар билан муносабатларда бўлганликларини кўрсатади. Улар китоб ўқиш, мусиқа билан қизиқмаганлар, улардан камдан-камларигина спорт билан қизиққанлар. Текширишлар кўрсатишича жазоланувчиларнинг 70 % дан кўпроқи ҳукм этилишларидан аввал 5-8 соат бўш вақтлари бўлганлигини кўрсатди, улар ҳеч нарса билан машқул бўлмаганлар, мактабга бормаганлар, ишламаганлар, уй ишларини бажармаганлар. Уларнинг билим даражалари одатда 2-3-синфни ташкил этган: ўсмирлар орасида умуман саводсизлари ҳам учрайди. БалоҚат ёшига етмаган жазоланувчиларнинг кўпчилиги касб-хунарга эга эмас, иш стажлари йўқ.

Бўш вақтларининг кўплиги, уларнинг алкоғол ичимликлари, наркотиклар истеъмол қилишларига, эрта жинсий алоқаларни бошлашларига олиб келган. Бундай ҳаёт уларни ижтимоий фойдали машқулолардан четга тортади, кўпинча қариндошчилик муносабатларининг узилишига, ўқишга қизиқиши йўқолишига, охир оқибат жинойт содир этишига олиб келган.

Жазоланувчиларнинг кўпчилик қисми (53 %) тўла бўлмаган оилаларда, болалар уйларида тарбияланганлар. Ота-оналарининг йўқлиги маънавий-ахлоқий тарбияланишини қийинлаштиради. Бундай ҳолларда асосан бола қорни тўқлиги ва эни бутунлиги ҳақидаги қайҚурилади. Иккала ота-онаси бўлган оилаларда катталар ва болалар ўртасида бир-бирини тушуниш йўқлиги, ўсмирнинг маънавий ахлоқий муаммолари, дўстларига ота-оналарнинг бефарқлиги аниқланди.

Ана шу масала бўйича текширишларни таҳлил қилиш қуйидагича хулосага келишга имкон беради:

6. Замонавий оилаларнинг катта аъзолари юқори даражада банд бўлишлари сабабли таълим муассасалари педагогик жамоалари билан (мактаб, коллеж, лицей) ўзаро алоқалари йўқ. Шунинг учун ота-оналар ўсмирнинг ҳақиқий ички дунёси ҳақида, унинг қизиқишлари ва талаблари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмайдилар. Булар ота-оналарда болага кўр-кўрона муҳаббатни юзага келтиради.

Ота-оналарнинг бундай бир томонлама қарашларини ота-оналарнинг мактаб (лицей, коллеж) билан алоқаларини яхшилаш йўли билан йўқотиш мумкин эди. Маълумки, ўқув юртларида ўсмирнинг хулқи ёмон белгиларини анча объектив баҳолайдилар (унинг хулқи оқшини, жамоатчилик тартибига зид ҳаракатлари ва ҳуқуқбузарликларини). Бундай ҳолларда ота-оналарга педагоглар малакали ёрдам кўрсатишлари мумкин бўлади.

7. Ёсмирнинг оиладан ташқаридаги яқин одамлари ҳақида ота-оналар куйидаги йўллар билан хабардор бўладилар:

а) уларнинг қизиқтирган унинг ўзи ҳақидаги ва унинг дўстлари ҳақидаги муаммоларни кўпол ва одобсиз усулда талаб этадилар.

б) бундай маълумотларни учинчи шахсдан оладилар.

в) боланинг хулқини ўзлари кузатишлари натижасида.

Ота-оналар одатда болага ўзларига ёққан болалар билан дўст-ўрток бўлишни мажбур қилишга ҳаракат қиладилар. Айнан ана шу болани ота-онасидан узоқлаштиради, уни ёлқончи қилади.

Ота-оналар бола билан муомалани билмайдилар. Шунинг учун ота-оналарни умумий педагогик ўқитиш тизимини яратиш зарур, масалан, махсус семинарлар ўтказиш йўли, бу мақсадларда оммавий ахборот воситалардан фойдаланиш йўли билан, ёки ижтимоий педагоглар ва психологлар ёрдамида ишлаб чиқилган “оила хизмати” тизимлари ёрдамида.

8. Бугунги кундаги ота-оналар кўп томондан ҳуқуқий ва педагогик соҳада тайёр эмаслар. Шунинг учун улар болаги нисбатан жинсий хавф солинганда ўз фарзандларига тўғри ҳаракат қилиш бўйича бирор-бир масалаҳат беришга қодир эмаслар. Шу сабабли ота-оналарнинг ўзлари орасида ва оиланинг катта аъзолари орасида профилактик ишларни амалга ошириш зарурати юзага келади.

Ота-оналар маълум юзага келган вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини тушунтириб беришлари, болани айниқса, нотаниш одамлар билан танишишда ёки нотаниш янги жойларда бўлишларида диққат-эътиборли, эҳтиёткор бўлишларини тушунтиришлари керак. Катта шаҳар шароитида ўсмир учун зарар тегиши хавфи айниқса, юқори бўлади. Бу ерда ўсмирнинг хулқи асосий йўналиши уларга хавфли жойларга боришни таъқиқлаган ота-оналарнинг талабларини қатъий бажариши бўлади.

9. Болалар ва ўсмирларнинг жинсий тарбияси замонавий ҳолати ҳақида олинган маълумотлар бу муаммони ҳал этишда кўплаб жиддий хатолар ва камчиликлар борлигини кўрсатади.

Кичик ва катта синф ўқувчилари жинсий тарбия масалалари бўйича фақатгина қисқа маълумотлар оладилар.

Ўзирги пайтда 4-11-синфлар учун республикамизда янги Фан киритилган, “Соқлом авлод тарзи (асослари?)”. Бу фаннинг дастурида жинсий тарбия ҳақида бўлим бор. Лекин фақатгина жинсий масалаларни ўрганишнинг ўзигина етарли эмас.

Балоқат ёшига етмаганлар жинсий жахлсизлигига жинсий тажовуз қилиш билан курашиш бугунги кунда жуда долзарб ҳисобланади. Чунки бу ҳолат аниқ



бир балоҚатга етмаган ёки ўсмирнинг ўзига эмас, балки унинг атрофидагиларга ҳам жуда катта маънавий зарар кўрсатади.

Бафарқлик, берахмлик билан жиноят содир этиш усули ўсмирлар томонидан (тарбиясида камчиликлари бўлганларида) фаол ҳуқуқбузарлик фаолиятига, шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга оширишга чақириқ деб қабул қилиниши мумкин. Бошқа томондан бу ўсмирга унинг тенгдошлари ва катталар билан ўзаро муносабатларини шакллантиришда салбий таъсир кўрсатиши мумкин (яъни, ўсмирлар тенгдошлари ва катталарга ишончсизлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладиган бўлиб қоладилар).

Шундан келиб чиқиб, бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигига тўқри баҳо бериш ва оммавий ахборот воситалари, педагоглар, ота-оналарни жалб этиб профилактик ишларни олиб бориш зарурияти юзага келади.

Тиббиёт ходимлари ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари сексуал асосда тажовузкор ҳулқли шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чора кўриш бўйича биргаликда иш олиб боришлари керак.

10. □ Қил болалар ва қизлар ўзаро муносабатлари муаммолари ўсмирнинг жинсий етилиш ёшидан анча аввал юзага келади. Болалар ва қизлар орасидаги яқин алоқалар, муносабатлар ҳақидаги маълумотлар одатда нотўғри тушунилади. Бола бу ҳақида ишончли манбалардан қанчалик кам маълумотларга эга бўлса, у бу соҳага шунчалик кўп қизиқади. Шунинг учун жинсий тарбиялаш асослари эрта болалик ёшидан бошланиши керак бўлади.

Акселерация сабабли бугунги кунда ўсмирларнинг эрта динсий етилишлари ва унинг ижтимоий ташкил топиши жараёни анча узоқ давом этиши ўртасида узилиш юзага келган. Бу ҳолат бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди, масалан, доимий равишда киномотография, видеофильмлар, матбуотдаги мақолалар ва бошқа эротик манбалар томонидан кўзҚатиб келинаётган жинсий инстинктларининг узоқ қондирилмаслиги каби.

Бу муаммони ҳал этиш ўсмирларни спортга оммавий жалб этиш, ижтимоий жамоатчилик ишларида иштирок эттириш билан мумкин бўлади.

Шу сабабли бизнинг фикримизча бундай ишларнинг ҳамда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олидини олиш бўйича фаолиятлар маркази умумтаълим мактаб бўлиши керак деб тўқри фикр айтилмоқда, мактаб оилага нисбатан ва бошқа ижтимоий институтларни бошқариши керак бўлади.

Ўақиқатан, мактаб оилага, ота-оналарга ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи бўлиши керак. Мактаб бу ишга ижтимоий педагогларни, тиббиёт ходимларини, ҳуқуқий ҳимоя қилиш органларини жалб этиши керак. Бу ишлар мактабнинг ота-оналар ва болалар ўртасидаги қийинчиликларни бартараф қилишда тарбиявий-профилактик вазифаларни анча кенгайтиради.

Бу ишда қўшимча таълим, болаларнинг дам олишлари ва ижод билан шуҚулланишлари, болалар ва ёшлар ижтимоий ташкилотларининг ҳам роли катта.

### **3. Жиноят содир этишнинг сабаблари (мотивлари)**

Оқир моддий таъминланганлик ҳолати ўсмирларнинг ўз эҳтиёжлари ва қизиқишларини қондириш учун имкониятларини камайтиради, бу кўпинча ўсмирларни жиноят содир этишга мажбур этади. Бирор-бир буюм харид қилиб олиш учун маблақнинг этишмаслигини улар ноқонуний усул билан тўлдирадilar. Балоқатга етмаган ҳукм этилганлар учун номусига тегиш, ўқрилиқ, босқинчилик, одам ўлдириш, тан жароҳати етказиш, автомашиналарни ўқрилаш каби жиноятлар хосдир. Ёмон ниятда жиноят содир этишнинг сабаблари қуйидагилар: қимматбаҳо буюмни эгаллаб олиш истаги, буюмлар сотиб олиш учун шахсий пулига эга бўлиш истаги. Бу жиноятлар асосида модадан қолмаслик тенгдошлари эга бўлган нарсаларга эга бўлиш, ҳатто жиноят содир этиб бўлса ҳам эга бўлиш истаги ётади. Куч ишлатиб жиноят содир этишнинг энг кўп учрайдиган сабаблари: қасос олиш, “эркаклигини” кўрсатиб қуйиш, “иродасини мустаҳкамлаш”, “ҳеч нарсадан кўркмаслик” ва шунга ўхшаш. Кўпчилик жиноятлар “хавфи бўлганига жавобан”, “дўстини сотмаслик”, “ўртоқларини ишонтиришга” кат сабабли содир этилади.

Рецидивлар (такрорий жиноят содир этиш) сабаблари орасида “жабрланувчилар қаршилиқ кўрсатмадилар”, “ўзига ишониш хисси пайдо бўлди”, “ўқриланган нарсани сотиш осонлиги”, “тажрибали йўлбошчининг раҳбарлиги” каби сабаблар учрайди.

Асосиз бешавқатлик хусусиятига эга оқир жиноятлар, одам ўлдириш, безорилик, оқир тан жароҳати етказишнинг кўпчилик қисми ўсмирлар томонидан маст ҳолатда ёки наркотик истеъмол қилган ҳолатда содир этилади. Бундай ҳолатларда жиноят содир этиш айбни оқирлаштирувчи ҳисобланади. Ўукм этилганларнинг кўпчиликлари эрта чекишни бошлаганликлари, спиртли ичимлик ичганлари аниқланди, бунга катталар, шу жумладан ота-оналари ибрат бўлганлар, яна ўртоқларидан токсик моддаларни хидлашга, наркотиклар истеъмол қилишга ўрганиш сабаб бўлган.

Жиноятларнинг бир қисми ўсмирлар томонидан катталар билан бирга содир этилади. Бундай жиноятлар одатда олдиндан тайёрланади. Катта ёшли жиноятчилар, жиноят фош этилган тақдирда ўсмир “ўртоқлик хисси” ва қасам ичганлиги сабабли айбни ўз бўйнига олади деб ўйлайдилар, агарда суд бўладиган бўлса унга катта муддат бермайдилар, шартли ёки ижро этишни орқага суриш берилади деб ишонтирадилар. Мустақил ва ҳеч кимга қарам бўлмасликка интилиб, лекин бунга хали тайёр бўлмай ўсмирлар жамоатчиликка ёт элементларнинг психологик таъсир кўрсатишларига осонгина кўнадилар. Ёсмир бир ўзи ҳеч қачон жазм эта олмайдиган ишни у гуруҳда амалга ошира оладиган бўлади.

Баъзи ўсмирлар жиноят содир этиб бунини шўхлик деб баҳолайдилар. Улар тартиб бузиш билан жиноят орасидаги чегарани кўрмайдилар. Ётказилган сўровлар натижасида ҳукм этилган балоқатга етмаганларнинг 50 % гина улар жиноят содир этаётганларини билганлар. 20 % тахмин қилганликлари, қолганлари эса ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаганликлари аниқланди. Уларнинг кўпчиликлари ўз ҳуқуқбузарликларини жасорат, мадрлик ва иродасини кўрсатиш деб баҳолайдилар.

#### **4.БалоҚатга етмаган ҳукм этилганлар муносабатлари ўзига хосликлари. Уларнинг катталардан фарқ қилиш хусусиятлари**

БалоҚатга етмаганларга тарбиялаш колонияларида бўлиши бошланқич даври, ҳаёт шароитига мослашишлари катта таъсир кўрсатади. Мослашиш яхши ва ёмон ҳам бўлиши мумкин, лекин салбий ва ижобий ҳам белгиларга эга бўлиши мумкин. Бу даврда юқори ўринни эгаллаш, жамоадаги ролларини тақсимлаш учун кураш боради. Бу даврда тартибни бузиш ва жиноятлар содир этишнинг ўсиши кузатилади. Ташқи дунёдан ажратиб қўйилиши ҳукм этилганларнинг муносабатларига катта таъсир кўрсатади. Режимли ташкилотларда муносабатлар икки турга ажратилади: расмий ва норасмий. Расмий муносабатлар жазони ўташ режими ва ички тартиб билан бошқарилади. Норасмий муносабатлар - ҳукм этилганларнинг норасмий муносабатлар тизимида тутган ўрнига биноан уларни категорияларга ажратувчи “бошқа ҳаёт” қоидалари билан бошқарилади.

Стратификация<sup>21</sup> ҳукм этилганнинг ўз гуруҳида балоҚатга етмаганларни “ўзлариники ва бегоналарга” ажратиш мавқеини қатъий белгилашдан иборат бўлади.

Рецидивистлар<sup>22</sup> кенг жиноий алоқаларга эга бўлиб, улар анча юқори мавқега эга бўладилар. Кўплаб сонли гуруҳлар мавжуд бўлишига қарамай ҳукм этилганлар иккита асосий гуруҳларга ажратилади:

- 1) Юқори мавқели - мустаҳкам, қатъийлар, “ўқил болалар”
- 2) паст статусли – эзилганлар, “пастлар” хўрланганлар.

Бу гуруҳлардан ҳар бири ўз гуруҳларига эга, бу кўплаб жанжаллар келиб чиқишига олиб келади.

Тарбиялаш колониясига келган янги одамни мавқеи одатда “рўйхатга олиш” йўли билан аниқланади. Янги болани фахм-фаросатлилигини, ақлини, ўзини ҳимоя қила олишини текшириб кўрадилар.

Кўпинча бу синовлар бешавқат ва берахмлик кўринишида бўлади. Синовдан ўтаётганнинг соқлиқи учун маълум хавф мавжуд бўлади. БалоҚатга етмаган ҳукм этилганларнинг катталардан фарқи кўпчилик ўсмирларда маълум ҳаётий режалари, келажакдаги истиқболлари йўқлигидан иборат бўлади, бу улар билан тарбиявий ишлар олиб боришни анча қийинлаштиради.

Шундай қилиб, балоҚатга етмаган ҳукм этилганларнинг шахси ва гуруҳлари белгилари қуйидаги хусусиятлар билан белгиланади:

- Ёши хусусиятлари – организмнинг тез жисмоний ривожланиши
  - a. Маънавий беқарорлиги.
  - b. Мос бўлмаган равишда ўзига баҳо бериш (юқори баҳолаш, паст баҳолаш)
  - c. Иродаси жадал шаклланиши жараёни.

<sup>21</sup> стратификация – (лотинча stratum - 3???) – даромади катталигига, билим даражаси, мокимияти катталиги, касби обр?си катта-кичикликларига ?араб ю?оридан пастга ?араб ижтимоий ?атламларнинг жойлашиши. Статус (лотинча status-вазияти, молати) – индивиднинг гуруц ёки жамиятдаги ижтимоий вазияти (молати).

<sup>22</sup> Рецидивист (лот. Recidivus- ор?ага ?айтувчи)- илгари жазоланган жиноятига ?хшаш жиноят содир этган ва ?атти?ро? жазо олиши керак б?лган одам.

- d. дунёқарашнинг қарама-қаршилиги.
- Педагогик ва маънавий тарбиясизлиги.
  - a. бўш вақтининг ташкил этилмаганлиги.
  - b. Билим, маънавий ва профессионал даражаси пастлиги.
- оиладаги муаммолар.
  - 1. Ота-оналарининг йўқлиги, ёки оиласи тўлиқ эмаслиги.
  - 2. Ота-оналарининг ёки қариндошларининг жамоат тартиб-қоидаларини бузишлари.
  - 3. қариндошлик алоқалари узилиши.
- Жиноят содир этиш мотивлари.
  - Сотиб олишга қурби етмаган нарсага эга бўлиш истаги.
  - ўқил болалигини кўрсатиб қўйиш, гуруҳда обрўга эга бўлиш.
  - Жиноят содир этаётганлигини яхши тушуниб етмаслик.
- Девиант (оқш, четланишлар) ёмон ахлоққа одатланиши
- Катта ёшдаги жиноятчиларга бўйсунуши.
- Ўзуқий билими пастлиги.
- ташкилот тарбияси ва тартибига қарши бўлиш.
- Ташкилот шароитларига мослашиб олиш имкониятлари.
- Ўукм этилганларнинг стратификацияси (статус-ролли муносабатлар)
- Маълум ҳаётий режаларнинг йўқлиги.

Шундай қилиб, балоқатга етмаган ҳукм этилгалар – бу шахси ижтимоийлашиши жараёни охирига етмаган одамлар, бу жараён турли ижтимоий ўрин эгаллашни, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар тизимида қўшилишини кўзда тутади.

Ўсмирни жиноят содир этганда айбдор деб ҳисобладилар. Уни тарбиялаш колониясига, яъни ёпиқ турдаги тарбиялаш ташкилотига юборадилар. Бу албатта шахснинг ижтимоийлашиш жараёнини тўхтатиб қўяди ва унинг бир текис ривожланишини янада қийинлаштиради.

Ижтимоийлашиш яқунланмаган жараёнини жамиятдан ажратиб қўйилган ҳолатда давом эттиришга тўғри келади. Бу Ушбу жараённинг моҳиятига қарама-қаршидир. Кўпчилик ўсмирлар (жиноят содир этган) ижтимоий муҳит учун жиддий хавф туқдирадилар. Шунинг учун уларни жамиятдан ажратиб қўйиш зарурдир. Шу сабабли улар учун озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллашдан бош тортишнинг иложи бўлмай қолади.

Шунда қарама-қаршилиқ юзага келади: ўсмирни жамиятдан ажратиб қўйиш зарурлиги ва шу билан бир вақтда уни ижтимоийлаштириш жараёнини яқунга етказиш.

Миллий ва чет эл тажрибаларининг кўрсатишига жазо чораларини кучайтириш, қаттиқ назорат қилиш ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг ўсиши муаммосини самарали ҳал этиш йўли деб қаралиши мумкин эмаслигини кўрсатди. Жиноятчиликни йўқ қилиш – бу биринчи навбатда ижтимоий муаммодир.

Жиноятчилик даражаси фақатгина уни юзага келтирувчи омилларни йўқотиб борилган ҳолдаги аста-секин пасайиб бориши мумкин. Балоқатга етмаганлар жиноятчилиги билан комплекс ва самарали курашиш мақсадларида

давлат миллий дастури режалаштирилмоқда ва амалга оширилмоқда. Масалан, 70-йилларда АҶШда ахлоқи бузилган ёшлар ҳаёти ижтимоий, турмуш маданий ва моддий шароитларини яхшилаш бўйича 36 дастур амалга оширилди. ХХ асрнинг 90-йилларида АҶШда ёшлар орасида ахлоқи бузилганлар билан курашиш бўйича 65 та дастур амалга оширилган. Ана шу дастурларни бажариш учун конгресс 15 млрд. доллар ажратди. Европа парламенти эксперт комиссияси 1996 йили балоҚатга етмаганлар орасида жиноятчилик муаммоларини кўриб чиқиб ёшлар ва балоҚатга етмаганлар орасида жиноятчилик билан курашиш самарадорлиги ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқди. Улар асосан қуйидагилардан иборат: полиция ходимлари, ижтимоий ташкилотлар ва ёшлар, балоҚатга етмаганлар ишлари бўйича миллий ташкилотларнинг жиноятчиликни олдини олиш соҳасидаги ҳамкорликларини анча кучайтириш керак; балоҚатга етмаган ҳуқуқбузарларни жиноий жавобганликка тортиш ва уларни тергов пайтида ушлаб туриш амалиётини ўзгартириш керак; Ёсмирларни жазр ўташ муддатларини икки йил билан чегаралаш, муддатидан аввал озод этиш ҳуқуқини бериш. Умуман олганда балоҚатга етмаган ҳуқуқбузарларни тузатиш ташкилотларига жойлаштирмай қайта тарбиялашни афзал билиш таклиф этилади.

Озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жиноий жазодан тўла бош тортишга эришиш масаласи мумкин бўлмаганлиги сабабли кўпчилик мутахассислар жазо чоралари белгиланаётганда ўсмир ҳуқуқбузарларнинг ундан психологик таъсирланишлари ва уларнинг ёши хусусиятларини ҳисобга олишни тавсия этадилар. Тарбиялаш колонияларига жойлаштирилган балоҚат ёшига етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишлашда тарбиявий таъсир кўрсатиш чоралари, мактаб ва ўсмирларнинг озод этилишига психологик тайёргарлиги асосий рол ўйнаши керак

## **5. БалоҚатга етмаган ҳуқуқбузар шахсига индивидуал профилактик таъсир кўрсатиш**

Бугунги кунда бизнинг жамиятимиз олдида турган энг долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири сўзсиз ёшлар орасида жиноятчиликнинг ўсишини пасайтириш йўллари излаш ва уларни олдини олиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Профилактика (лотинча *prophylaktikos* – олдини олувчи, сақловчи) – тарбияси қийин ўсмирлар деликвент (ноқонуний) ва девиант (оқувчи) ҳулқларини юзага келиши, тарқалишини олдини олишга қаратилган чоратадбирлар тўплами.

Уюшган жиноятчилик доирасига борган сари кўпроқ балоҚат ёшига етмаганлар тортиб борилмоқда. Ёсмирлардан ташкил топган криминал гуруҳлар томонидан хавфли жиноятлар содир этилмоқда. Жиноятчилик ёшариб бормоқда ва мустаҳкам рецидив (такрорланувчи) хусусиятга эга бўлиб бормоқда.

Бу кескин муаммони ҳал этишда ижтимоий педагогика асосий аҳамиятга эга бўлади, бироқ бу муаммони жамиятнинг ҳамма кучларини жалб этиш, комплекс усуллар билангина ҳалд этиш мумкин. Аниқ бир ҳуқуқбузар билан

индивидуал иш олиб бориш, тарбиявий-профилактик жараёни ташкил этиш соҳасида аниқ бир системанинг йўқлиги оқибатида тарбиялаш тизимида кўпчилик камчиликларни юзага келтиради. Баъзи педагоглар индивидуал ёндошишни ҳулкида оқибат бўлган ўқил болалар ва қизларнинг хусусий хусусиятларини ҳисобга олиш деб тушунадилар. “Индивидуал ёндошиш – деб ёзади А.С.Макаренко – шахснинг алоҳида инжиқликлари билан шуқулланишни билдирмайди. Индивидуал ёндошиш баҳонасида якка индивидуалистик тарбияни тушуни керак эмас. Оқувчи камчиликларига кўз юмувчи, унинг инжиқликларига кўнувчи, тарбиялаш ва характерни тузатиш ўрнига унинг айтганини қиладиган педагог кучсиз, иложсиз бўлади. Индивидуал ёндошиш унинг индивидуал қобилияти ва имкониятларига мос равишда тарбиялаш ижтимоий хусусияти билан белгиланадиган шахс сифатларини унга етказишдан иборат бўлади”<sup>23</sup>.

А.С.Макаренконинг фикрича иккита хато жуда кўп учрайди: биринчи хато “ҳаммани бир хил тенг кўриш”дан иборат бўлиб, одамни стандарт намунага киритиш, инсон турлари тор сериясини тарбиялашга интилиш ҳисобланади. Иккинчиси - ҳар бир индивиднинг хусусиятларига пассив эътибор қилиш, ҳар бир одам билан алоҳида тартибсиз шуқулланиш билан ҳаммани бир вақтда бошқаришга натижасиз уриниш. Бу – гипертрофиядир (лотинча - хаддан ташқари ошириб юбориш).

Ўзуқубзарликни индивидуал профилактика қилиш тузатиш-йўналтиришдан бири сифатида элементдан иборат бўлади, лекин фақатгина ундан иборат бўлмайди. Бу шахсни мақсадга мувофиқ қайта тарбиялаш жараёнидир.

У ҳуқуқбузарларнинг тарбиячилар, жамоатчилик ва атрофдагилар таъсири остида ўзлари тўқри қарашлар ва ишончлар, тушунчалар ишлаб чиқишларидан иборат. Ижтимоий-ижобий ҳулқи кўникмалари ва одатларини эгаллайдилар, ўз ҳиссиётлари ва иродаларини ривожлантирадидилар. Шу тариқа қизиқишлари, интилишлари ва лаёқатларини ўзгартирадидилар. Бошқа томондан индивидуал профилактика аниқ бир шахсга атроф-муҳитнинг таъсир кўрсатишини бартараф қилишга қаратилади. Ушбу жараёни самарали бошқариш учун қуйидагиларни таъминловчи профилактик методларни танлаш керак:

- Маънавий онгини ишлаб чиқиш.
- Позитив ҳулқи кўникма ва одатларини шакллантириш
- Жамоатчилик тартибига зид таъсирларга қарши тура олишга имкон берувчи иродавий кучларини тарбиялаш.
- Микромуҳитни ижтимоий соқломлаштириш.

Ўзуқубзарликни профилактика қилиш асосий вазифалари:

- Ижтимоий ҳулқи оқибат ва ҳуқуқбузарликка қодир бўлган шахсларни ҳамда уларга салбий таъсир кўрсатадиган ота-оналар ва бошқа шахсларни ўз вақтида аниқлаш.
- Ёш инсоннинг жамият билан келишмовчилигига йўл қўймаслик, бунга имкон яратувчи сабаблар ва ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида

<sup>23</sup> Макаренко.А.С. Сочинения. В 7 т. Т.5 – с. 334

балоҚатга етмаган ҳуқуқбузарларнинг шахси ёши ва психологик хусусиятларини ўрганиш

- Ўқуқбузарларга ва уни ўраб турган муҳитга индивидуал тарбиявий профилактик таъсир кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиш.

- Тарбиявий ва профилактик ишларда ижтимоий-педагогик фаолият ҳамма субъектларининг биргаликдаги ҳаракатларини ва мослигини ташкил этиш, хулқи бузилган ўсмирлар ҳаёт кечиришини кундалик, мунтазам назорат қилишни амалга оширишни ташкил қилиш.

Жайта тарбиялаш - қайта куч талаб этадиган, жиддий, машаққатли, турли хил профилактик ва маънавий таъсир кўрсатиш усулларида фойдаланишни талаб этадиган мураккаб жараён, чунки оилада ҳам, мактабда ҳам ва меҳнат жамоаларида ҳам хулқи ижобий кўникмаларига ўрганилмаган тарбиявий ва педагогик мазмунда энг ортда қолган одамлар билан ишлашга тўқри келади.

Жайта тарбиялаш жараёнини ташкил этишда қуйидаги категориядаги балоҚатга етмаганларга алоҳида эътибор берилиши керак:

- Жазо олиб тарбиялаш колонияларидан қайтиб келган, лекин уларнинг хулқлари ташвиш уйқотадиган шахсларга.

- Озодликдан маҳрум этиш ҳукмини ижро этиш кечиктирилган балоҚатга етмаган ҳуқуқбузарларга нисбатан.

- Жиноят содир этиб, лекин жиноий жавобгарликдан жамоатчилик ёки административ таъсир кўрсатиш, ёки амнистия сабабли озод этилган ҳамда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёшгача ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этганларга.

- Махсус ўқув-тарбиявий ташкилотлардан қайтиб келганларга.

- Жамоатчилик ёки административ таъсир кўрсатиш чораларига олиб келувчи ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан.

- Спиртли ичимлик ёки наркотик моддалар истеъмол қилувчилар.

- Илгари судланмаган, лекин бир йил давомида икки марта административ жавобгарликда айбланган, ёки расмий огоҳлантирига такрор олиб келувчи шахслар.

- Ёқишни доимий қодирувчилар.

- Доимий қимор ўйнайдиган ва жамоатчилик тартибига риоя қиймай ҳаёт керадиганлар.

Профилактик таъсир хусусиятлари ва тенденцияларини ҳисобга олганда ва унинг ички ҳиссиётлари билан, интилишлари билан мос келганда оптимал бўлади. Шунда ташқи профилактик таъсир курсатиш гўёки ўзини тарбиялаш, ўзини ривожлантириш жараёни билан уйғунлашади.

## **6. БалоҚатга етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишлаш индивидуал профилактик дастурнинг тузилиши ва мазмуни.**

Ўқуқбузар шахсини ижтимоий соқломлаштириш профилактик дастури қуйидаги муҳим компонентларни ўз ичига олиши керак:

- Индивидуал-профилактик таъсир кўрсатиш мақсадини, улардан асосийси - ўсмирда ахлоқ ва ҳуқуқ қоидалари талабларига доимий риоя қилиш зарурлиги ҳақида ишончини юзага келтиришдир.

- Ɔсмирда қандай етишмайдиган сифатларни тарбиялаш ва қандай салбий хислатларни йўқотиш зарурлигини ҳисобга олувчи шахсга тарбиявий ва назорат таъсири методлари ва усуллари.

- Шахсга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни йўқотиш учун унинг атрофига бевосита таъсир кўрсатиш ва шахслараро муносабатларни қайта тарбиялашга имкон берувчи тизимли шакллантириш усуллари.

- Ушбу болага нисбатан энг кўп тарбиявий таъсир кўрсата оладиган айнан ана шу меҳнат, ўқув жамоалари, ижтимоий гуруҳлар, жамоатчилик ва давлат ташкилотларининг индивидуал-профилактик таъсир кўрсатиш воситаларини.

- Шахсни ижтимоий соқломлаштириш профилактик дастурини амалга ошириш асосий босқичларини.

Профилактик дастурни амалга оширишда қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

- Жайта тарбиялаш жараёнининг мазмунлилиги, йўналтирилганлиги, мунтазамлилиги.

- Жайта тарбиялаш фойдалилигини тушуниб олиш.

- Бир томондан жамиятнинг балоҚатга етмаган ҳуқуқбузарга талабларини ва иккинчи томондан - ўсмир шахси индивидуал хусусиятларини ва ривожланиш умумий қоидаларини ўрганиш.

- Жайта тарбиялашда мажбурлаш ва талабчанликнинг бўлмаслиги.

- Тарбиявий профилактик жараён иштирокчиларининг ҳаммаси чидамлилиги ва сабр қилишлари.

- Ɔсмирнинг ўзининг фаоллиги, у ўзига кўрсатилаётган тарбиявий таъсири тушуниб етиш, шу билан бирга ўз ташаббус кўрсатиш ва иродасини намоён этсин.

Индивидуал профилактик таъсир кўрсатиш дастурининг асосий мақсади балоҚатга етмаганнинг шахсини умумий қабул қилинган қоидалар, тартиб ва бошқа ижтимоий қадриятлар томонига ўзгартиришдир. Бу мақсадга дархол эришиб бўлмайди, ойлар ва йиллар талаб этилиши мумкин.

Ўйилган мақсаддан келиб чиқиб вазибалар аниқланади. Улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади: балоҚатга етмаганнинг нормал позитив қизиқшларини тиклаш ва ривожлантириш; нормал муносабатларни; ижтимоий масъулиятини ва интизом ва жавобгарлик хиссини.

БалоҚатга етмаганни қайта тарбиялаш қўйилган масалаларини ҳал этиш учун Ушбу ўсмирнинг ҳаёт тарзидаги позитив вазиятларини, уларнинг мустаҳкамлигини Ҳамда унинг талаб-истакларини, қизиқишларини, лаёқатини аниқлаш мақсадида боланинг психологик, ижтимоий, маънавий “қиёфасини” тузиб олиш муҳимдир.

Индивидуал профилактик таъсир кўрсатиш методларини танлаш боланинг фаолияти устун доирасини ҳисобга олиб қурилади. Ўқуқбузарликни индивидуал профилактика қилишда раҚбатлантириш, сустрлаштириш методларидан фаол фойдаланиш мумкин. Ɔзининг мазмуни бўйича улар анъанавий раҚбатлаштириш ва жазолаш методларидан анча бойдир.



Рақбатлантириш методик усуллари қаторига маъқуллаш, мақтов, ишониш, баҳолаш, мукофотлаш, миннатдорчилик билдириш ва бошқаларни киритиш мумкин. Йигит ва қизлардан ирода ва меҳнатсеварликни талаб этадиган ҳаракатлар ва ишларинигина рақбатлантириш керак. Улар кўп куч сарфламай ва вақт сарфламай амалга оширганларини эмас сустлаштириш (тартибга чақириш, йўлга солиб туриш) методлари усуллари танбеҳ бериш, койиш, огоҳлантириш, яъни қоида бузувчи шахсига нисбатан қаттиқ талаблардан иборат бўлади. Улар инсоннинг ҳулқига жамоатчилик талаблари алоҳида шаклидан иборат бўлади, унда бир вақтнинг ўзида нима нотўқри бажарилганлигини қоралаш ҳам, кейинчалик қандай ҳаракат қилишга кўрсатма ҳам берилади ҳамда қилган ишини такрорлаши мумкинлигини олдини олиш мақсадида келажакда огоҳлантириш берилади.

Торможение (секинлаштириш, тартибга чақириш йўлга солиш) инсонга ҳар куни керак бўлади ва у тарбияланган бўлиши керак, одат бўлиши, ҳар бир жисмоний ва психик ҳаракатда ифодланиши, айниқса тортишув жанжалларда керак бўлади. Йўлга солиш усуллари агарда уларни жамоа, жамоатчилик ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланса, айниқса яхши таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман йўлга солиш учта асосий вазифани бажариши керак: ўз камчиликларини тушуниб етишга, уларнинг ёмонлигини англашга, ҳулқини ўзи бошқариш билан бу камчиликларни йўқотиш.

Шундан кейин мақсадларга мувофиқ ва шахс хусусиятларини ҳамда вақтни ўтказиш энг нозик даврини (назоратни кучайтириш учун) ҳисобга олувчи воситаларни аниқланади. Улар кўпчилик ҳолларда бўладиган оқзаки ўргатишдангина иборат бўлмай, балки турли хил комплекс чоралардан иборат бўлиши керак.

Профилактик воситалар, ҳатто тушунтириш, суҳбат ёки жамоатчилик таъсири, уқтириш каби кенг тарқалганлари ҳам ҳар доим ҳам жуда фойдали деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бундан ташқари воситалар ҳар қандай тизимини доимий деб тавсия этиб бўлмайди, чунки бола шахси ривожланиш жараёнида ўзгаради, янги муносабатларга киришади, унинг ҳаёт фаолияти шароитлари ўзгаради.

Ёш ҳуқуқбузарни қайта тарбиялаш самарали воситаларидан бири ўзига индивидуал бўлган, динамик, инсоннинг ички дунёси ҳамма бошқа томонлари билан мураккаб муносабатларда бўлган унинг эмоционал-иродавий доирасига таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Шахснинг эмоционал-иродавий соҳаси тушунчасига психологияда сезги ва иродасини киритадилар. Сезги – инсоннинг ҳаётида содир бўлаётган, у идрок этаётган ёки амалга ошираётган ишга турли шаклдаги ҳаяжонланиш, таъсирланиш ички муносабати сезиш таъсирланиш турли шакллари – эмоция, аффект, кайфият, стресс ҳолати, завқ ҳам ва ниҳоят сезги тор маънода бу – шахснинг эмоционал доирасини ташкил этади.

Асосий эмоционал ҳолатини психологияда ижобий ажратиш қабул қилинган – бу қизиқиш, қувонч, ҳаяжонланиш, ҳайратланиш, эмоционал ҳолат сифатида ижобий ёки салбий эмоционал таъсирланиш белгисига эга эмас.

Салбий эмоционал ҳолатга эса азобланиш, Қазаб, нафрат, жирканиш, кўрқинч, уят ҳисобланади.

Шахснинг эмоционал ҳолатини ифодаловчи барқарор сезгидан бири муҳаббат ҳисси ҳисобланади. Ирода – бу инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадига эришишдаги қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган ўз фаолияти ва ҳулқини ташкил этиш ва ўзини бошқаришдир. Ирода – бу инсоннинг ўзи белгилаб олган мақсади билан белгиланадиган шахснинг фаоллиги алоҳида усули, унинг ҳулқини ташкил этиш алоҳида туридир.

Ирода икки бир-бири билан боғлиқ вазифаларни бажаришни таъминлайди - рақбатлантирувчи, уйқотувчи ва йўлга солувчи, уларда ўзини намоён этади. Уйқотувчи вазифалари инсоннинг фаоллиги билан таъминланади. Ироданинг йўлга солувчи вазифалари, уйқотувчи вазифаси билан биргаликда иштирок этиб, шахснинг кераксиз, нохуш ҳаракатларини тўхтатиб ушлаб қолишда намоён бўлади.

Ўзуқубзарлар билан ишлаш усуллари турлича бўлиши мумкин: китоб ўқишга, санъатга қизиқтириш, ижобий йўналишдаги норасмий гуруҳга қўшиш; кеч қолиш, дарс қолдириш одатларини йўқотиш. Ёш ҳуқуқбузар шахсига тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш методлари, восита ва усулларини танлаш кўп ҳолатларга боғлиқ бўлади. Улардан бир қисмини юқорида кўрсатиб ўтдик. Индивидуал профилактика шахснинг фаоллигини, керакли чоратadbирларни ўтказишга истаги ёки қаршилигини ҳисобга олишни талаб этади.

## **7. Тарбиялаш колонияларида ижтимоий-педагогик фаолият реабилитацион дастурлари**

Ўзуқубзарлик содир этган ўсмирлар билан асосий профилактик ишлар асосан очиқ социумда (ўсмир кичик ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса ёки шартли ҳукм этилган бўлса) ўтказилса ёки махсус ўқув тарбиявий ташкилотларда олиб борилса, тарбиялаш колонияларида асосан балоқатга етмаган ҳукм этилганларга ёрдам реабилитацион дастурлари амалга оширилади.

Балоқатга етмаганлар учун колонияларда тарбиялаш жараёни “катталар” колонияларидан анча фарқ қилади. Бу колонияларда қонун ҳукм этилганлар билан ишлаш учун катта имкониятлар яратиб беради, таъсир кўрсатиш позитив чоралари қўлланилади, бу имтиёзлар сонини анча оширади ва жазо чораларини анча камайтиради. Ёсмирлар билан ишлашда умумтаълим ва профессионал тайёргарликдан иборат ўқув-тарбиявий ишларга асосий эътибор қаратилади. Ўамма тарбияланувчилар учун улар касб эгаллашлари учун керакли шароитлар яратилади: шу билан бирга касб танлаш кенг ва ихтиёрий имкониятлари таъминланади. Регион ва меҳнат бозори талаблари, ёши, жисмоний ва психик хусусиятлари ҳисобга олинади. Меҳнат тарбиясининг самаралилигини ошириш ўсмирларни ижтимоийлаштириш масаласини, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Ўукм этилганларнинг кўпчилиги колонияга келишидан авва мактабларда коллежларда ўқиғарлар, имтизомни бузувчи, тартиббузарликни бошловчи ва жанжалларда иштирок этувчи деб таърифланадилар, улар дарслардан қочиб кетадилар, тенгдошлари ва ўқитувчиларни ҳақоратлаганлар. Шунинг учун

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан ҳукм этилган ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш керак. Ҳозирги фанига қизиқтириш, фойдали ишларга жалб эта билиш маҳорати, чидамли бўлиш ва қўйилган мақсадга эришишда қатъий, тиришқок бўлиш – мана шулар бу турдаги балоқатга етмаганлар билан ишловчи педагогнинг профессионал маҳорати мезонларидир.

Ўқим этилганларнинг билим олишга, меҳнатга муносабатларини ўзгартириш, тарбияланувчиларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маданияти юқори даражали иш билан, технологиялар билан таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бажарган ишларига ҳақ тўлашни таъминлашга эришиш зарур, бу ўсмирларнинг ўз меҳнатлари натижасига қизиқишларини оширади. Жиноятчиларни тузатиш жараёнини таъминловчи асосий воситаларга умумтаълим ўқитиш киради. Умумтаълим ўқитиш балоқатга етмаганларга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида алоҳида рол ўйнайди. Чунки тарбиялаш колониясида ташкилотнинг асосий тузилиш элементи ва амалда колонияда олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг маркази ҳисобланувчи умумтаълим мактабида ҳамма ҳукм этилганлар билим оладилар. Колонияга келганларида ҳамма ҳукм этилганлар умумтаълим мактабининг керакли синфларига тақсимланадилар, отрядлар бўйича тақсимлаш уларнинг билим даражаларидан келиб чиқиб “бўлим-синф” принципи асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқаришда ишлаш ёки касб-ҳунар коллежида ўқитиш факатгина мактабдан бўш вақтида амалга оширилиши мумкин.

Колонияда тарбиялаш жараёнида мактаб ўқитувчиларининг, отрядлар тарбиячилари ва касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари, ишлаб чиқариш мураббийларининг аниқ ўзаро алоқалари жуда муҳимдир. Колонияда энг кенг тарқалган тарбиявий ишлар усуллари суҳбатлар, лекция, мунозаралар, қизиқарли инсонлар билан учрашувлар ҳисобланади.

Охириги пайтларда ҳалол ҳаёт кечираётган колониянинг собиқ тарбияланувчилари билан ҳукм этилганларнинг қариндошлари, жамоатчилик ва диний ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар кенг қўлланила бошланди. Озодликдан маҳрум этилиш шароитларида ўқишдан ва ишдан бўш вақтларини тўқри ташкил этиш керак бўлади. Колонияда бу вақт тартибли белгилаб қўйилган бўлади. Шунинг учун, улар расмий кўринишда бўлмаслиги учун (ҳисобот учун) ҳукм этилганлар учун бўш вақти чора-тадбирларни аниқ режалаштириш зарурдир. Чора-тадбирлар ўсмирларда ҳаётга қизиқиш уйқотиши, иродалилик сифатлари ва уларнинг жамоатчилик тартибига зид таъсирларга қарши туришга имкон берувчи характери хусусиятларини шакллантириш керак. Ўқим этилганларнинг қариндошлари билан ижтимоий-фойдали алоқалардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлади, улар тарбиявий ишлар жараёнини фаоллаштиради, илгари яратилган жамоатчилик тартиб қоидаларига зид ҳаёт тарзи ва ҳулқини бузишга имкон беради. Ўқим этилган балоқатга етмаганларга тузатувчи таъсир кўрсатишлар самаралилиги умумий критерийлар бўйича белгиланади. Бу критерийлар маълум тузатиш дарадаларига асосланган бўлади: “тузатиш йўлига кирди”, “тузатиш йўлидан аниқ бормоқда”.

Бу тушунчалар ўртасида чегара қандай? Афсуски бу баҳолаш критерийлари ҳамма тузатиш колониялари учун ягона ҳисобланади ва ҳақиқий жараёнларни мос равишда акс эттирмайди.

Демак, тузатиш таъсир кўрсатишининг самаралилигини белгиловчи аниқ кўрсаткич озод этилгандан сўнг жиноятчининг хулқи рецидивни (қайта такрорлаш) ҳисобланади.

БалоҚатга етмаган ҳуқуқбузарлар учун тузатиш таъсир кўрсатиши амалиётида жазо турларини қўллашни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазо турига муқобил жазолар турларидан бири қисқа муддатга қамоққа олиш бўлиши мумкин, бу усул Европа мамлакатларида кенг қўлланилади. Шартли равишда ҳукм этиш ҳақида гапирсак жазоланишнинг бу турига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак ва уни қўлланилган ўсмирларни аниқ назорат қилиш керак бўлади. Бу талаб бажарилмаганда ўсмирлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлади ва қилган жиноий ҳаракатлари учун жазоланмаслигини ҳис қилади.

БалоҚатга етмаганлар ҳуқуқбузарлик ва рецидив жиноятчиликларини профилактика қилишда исталган самарага улар билан тарбиявий ишларга ижтимоий педагог-профессионалларни жалб этилгандагина самарага эришиш мумкин. Пенитенциар<sup>24</sup> ташкилотлар бошида бундай юксак ва қийин масалани ҳал этишга қодир бўлган – юристлар, психологлар, ижтимоий педагогларнинг энг яхшилари туришлари керак.

## I БОБ

---

### ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

---

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Ижтимоий психология фанининг тарихи.

Ижтимоий психологиянинг уч назарий манбаи.

Халқлар психологияси назарияси.

Омма психологияси назарияси.

Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси.

Ижтимоий психология фани предмети.

Ижтимоий психология фанининг вазифалари.

Кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси.

Шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш.

---

Оила – ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида.  
Ижтимоий тасаввурлар ижтимоий психологиянинг ўрганиш объектидир.

### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Ҳозирги замон ижтимоий психология фанининг предмети ва унинг ижтимоий табиати. Ижтимоий психология фанининг тарихи. Унинг расман тан олиниши. Ижтимоий психология фанининг мавзу баҳси.

Ижтимоий психология фанининг уч назарий манбалари. Халқлар психологияси назарияси ва унинг асосий ғояси. Бу борадаги М.Лацарус, Г.Штейталл, В.Вундт, А.Потебни ва бошқаларнинг назарий қарашлари моҳияти. Омма психологияси назарияси ва ундаги Г.Тард, С.Сигели, Г.Лебон ёндашувлари. Лебоннинг шахснинг омма ҳолатидаги белгилари таснифи. Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси ва У.Макдугалл, Э.Росс, Ж.Болдуин қарашлари.

Ижтимоий психология фани предмети. Предметни тушунтиришда Г.Гибш, М.Форверг, Ю.Шерковин, А.Петровский, В.Шпалинский, Г.Андреева таърифлари. Ижтимоий психология фанининг вазифалари: кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси; шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси, оммавий ходисалар, оила психологияси масалалари, бошқарув ва муомала психологияси.

### **Ижтимоий психология фанининг тарихи**

Жамият - бу инсонлар мажмуидир. Унинг тараққиёти ва маънавий салоҳияти кўп жихатдан ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиатига, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, у унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқе эгаллашга интилади, шунинг учун у ўзига хос интилиш, лаёқат ва фаоллик намуналарини намойиш этади. Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўрни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатини ўрганувчи қатор ижтимоий фанлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида **ижтимоий психология** алоҳида ўрин эгаллайди.

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг хосиласи эканлиги билан эътироф этилса, у - ўз услубиёти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига туртки берганлиги билан тавсифланади. Дарҳақиқат, ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олиниши хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими В. Макдугалл ўзининг "Ижтимоий психологияга кириш" китобини, америкалик социолог Э.Росс эса "Ижтимоий психология", деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан - ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предмети таъриф берилди. Иккала муаллиф

ҳам - бири психолог, иккинчиси социолог бўлишига қарамай, бу фаннинг асосий предмети ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий хулосага келишган.

Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги - психологми, файласуфми ёки социологми - унинг ушбу фан предметига ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришга интилса, психолог - конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамият қонун-қоидаларига тадбиқ этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Г.Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил ёндашиш: социологик, психологик, ҳам социологик ва психологик мавжуд эканлигини асослайди. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига сабаб бўлган илмий манбалар икки фан - психология ва социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш туфайли юзага келди. Шунинг учун ҳам узоқ йиллар мобайнида ижтимоий психология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган шахснинг кимлигига қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув - психологик ёки социологик ёндашувнинг устуворлиги яққол кўзга ташланди. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанларидир ва бу фанлар аслида унинг "ота-оналаридир".

### **Ижтимоий психологиянинг уч назарий манбаи**

19-асрнинг охири ва 20-аср бошларида фанда уч назария пайдо бўлдики, улар ҳақли равишда ижтимоий психологиянинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Бу уч назарияни бирлаштириб турган нарса шу бўлдики, уларнинг ҳар бири мустақил тарзда шахс билан жамият муносабатини илмий асосда тушунтиришни изланишларнинг асосий мавзуси деб ҳисобладилар. Бу уч манба - халқлар психологияси, омма психологияси ва ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияларидир.

### **Халқлар психологияси назарияси**

Халқлар психологияси назарияси ижтимоий психологик назария сифатида 19-асрнинг ўрталарида Германияда шаклланди. Ундаги асосий ғоя шу эдики, айрим индивидлардан юқори турадиган руҳ мавжуд бўлиб, бу руҳ ўзидан ҳам юқори турадиган илоҳий яхлитликка бўйсунди. Бу илоҳий яхлитлик эса халқ ёки миллатдир. Айрим индивидлар ана шу яхлитликнинг бўлаклари бўлиб, улар бу руҳга бўйсундилар. Яъни, шахс билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик муаммоси жамият фойдасига ҳал қилинади. Бу назариянинг тарихий-мафкуравий асоси бўлиб Гегель фалсафаси ва немис романтизми хизмат қилган. «Халқлар психологияси» ибораси биринчи марта

файласуф М.Лацарус ҳамда тилшунос Г.Штейнталларнинг «Халқлар психологияси тўғрисида кириш сўзи» китобида ифодалаб берилган: «Тарихни юргизувчи асосий куч бу халқ ёки шу яхлитликнинг руҳи бўлиб, бу руҳ санъатда, динда, тилда, афсоналарда, анъаналарда ўз аксини топади. Индивиднинг онги шу яхлитликнинг маҳсули бўлиб, уларнинг йиғиндиси ўз навбатида халқ онгини ташкил этади. Халқлар психологиясининг вазифаси халқ руҳи моҳиятини ўрганиш, халқ руҳияти қонунларини очиш, халқ психологиясига оид бўлган ўзига хос хусусиятларнинг пайдо бўлиши ва йўналишини тушунтириб беришдир».

Ушбу китобда муаллифлар шахс билан жамият муносабати хусусида қуйидаги мулоҳазаларини баён этадилар: «Одам ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоий мавжудот бўлиб, у жамият ҳаёти билан узвий боғлиқ, чунки у ўзига ўхшашларга қараб ривожланади, бошқаларга таклид қилиб ҳаракат қилади ва улар таъқибидан қочади...». Халқлар психологиясининг асосчилари фақат назарий мулоҳазалар юритиш билан чекланадилар, чунки уларда ўз фикрларини исбот қилиш учун тадқиқот ишлари йўқ эди.

"Психологиянинг отаси" ҳисобланган Вильгелм Вундт эса худди ана шу тадқиқотга асосланган маълумотлар тўплашга ўз диққатини қаратди. У ўзининг "Инсон ва ҳайвон руҳи ҳақида лекциялар"и (1863 й) ва 1900 йилда босмадан чиққан ўн томли "Халқлар психологияси" асарларида асосан ўзи тўплаган эмпирик маълумотлар асосида халқлар психологиясига бағишланган фикрлари тизимини баён этди. Унинг фан олдидаги хизмати шундан иборат эдики, эмпирик маълумотлар тўплаш усуллари, тўпланган манбаларни шарҳлаш борасида бебаҳо билимлар тўплади. Унинг фикрича, психология фани икки қисмдан иборат: физиологик психология ва халқлар психологияси. Физиологик психология инсон руҳиятини ўрганувчи экспериментал фан бўлиб, олий психик жараёнлар — тафаккур ва нутқдан ташқари барча нарсани тажриба усулида тадқиқ этиш мумкин. Тажриба усулида ўрганиб бўлмайдиган барча олий руҳ ҳолатларини халқлар психологияси ўрганади, чунки ундаги ўрганиш усуллари ўзига хосдир — у маданий маҳсуллар ҳисобланган тил, афсоналар, одатлар, санъат асарлари, инсон тафаккурининг мураккаб томонларини очиб беради.

Шунга қарамай В.Вундтнинг қарашлари идеалистик асосда бўлган, яъни у индивид билан жамият ўртасидаги мураккаб диалектик муносабатни идеалистик асосда туриб ҳал қилган ва жамиятнинг ролини абсолют тушуниб, шахснинг тарихини яратишдаги, ижтимоий жараёнлардаги фаол ўрнини кўра билмаган. Унинг издошлари — Русиялик А. Потембини, немис олими Т. Гейгер ва бошқалар ҳам у йўл қўйган мафкуравий камчиликни олдини ола олмадилар, лекин улар бир фикрда яқдил эдиларки, халқлар психологияси индивидуал психологиядан фарқ қилади, шунинг учун ҳам махсус фан керакки, у ўзига хос усуллар ёрдамида шахс ва жамият муносабатлари қонунларини очиб бериши лозим. Худди ана шу хулосалар ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишига илмий асос бўлди.

## **Омма психологияси назарияси**

Омма психологияси назарияси пайдо бўлишига тарихий асос ишчилар синфининг пайдо бўлиши ва Европада ишчилар ҳаракатининг оммавий тус олиши бўлди. Яъни, XIX асрнинг иккинчи ярмида ишчилар ҳаракати шундай кенг тус олдики, тартибсиз ҳаракатлар уюшган ҳаракат даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам шу ҳаракатларнинг қонунларини билиш, уларни бошқариш усулларини ўйлаб топиш зарур эди.

Оммавий ҳодисаларни ўрганиш натижасида 1890-йилда Габриэл Тарднинг «Таклид қилиш қонунлари» деб аталган биринчи китоби чиқди. Г.Тард Францияда рўй бераётган оммавий ҳодисаларни, шу ҳодисаларда иштирок этаётганларнинг хулқ-атворларини таклид қилиш орқали тушунтиради. Бу ҳаракатлар иррационал (яъни ақлнинг иштирокисиз) табиатга эга бўлиб, ҳар бир индивид оммага қўшилган заҳоти унга таклид қилишга тайёрлик инстинкти устун бўлиб қолади. Италиялик ҳуқуқшунос С.Сигели ва француз олими Г. Лебон ҳам Г.Тард ишларини маъқуллаб, унинг назариясини фактик материаллар билан, яъни 1895-йилда босилиб чиққан С.Сигелининг «Омманинг жиноятлари» ва Г.Лебоннинг «Омма психологияси» китоблари орқали бойитдилар. Бу муаллифларнинг асарларидаги асосий ғоя шундан иборат эдики, оммавий ҳаракатларда шахснинг ўз хулқ-атворларини онгли ва ақл билан бошқариш қобилияти йўқолади. Бундай ҳолатларда ҳиссиётлар устун келади, айниқса, аффект ҳолатлар, шунинг учун ҳам аффект ҳолатида рўй берган жиноятга айбни юмшатувчи ҳолат сабаб бўлган, деб қараш адолатли бўлади. Бу қарашлари туфайли С.Сигели Италиянинг қонунига махсус модда киритишга ҳам эришди.

Социолог Г.Лебон эса асосан диққатини оммани элитага — жамиятдан юқори турувчи танланган гуруҳларга қарши қўйишга қаратди. У омманинг айрим ҳолларида, айниқса бирор ҳодиса рўй берганда «қизикқонлик» хусусияти устун туриши ҳақида ёзади. Унинг фикрича, бир қанча одамларнинг бир ерда тўпланиши оммани ҳосил қилади ва бу, одамлар ким бўлишидан қатъи назар — олимми ёки оддий инсонми, шу заҳотиёқ кузатувчанлик ва зийракликни йўқотади. Чунки бу ҳолатда улар ҳолатини инстинктлар ва ҳиссиётлар бошқаради. Г.Лебон шахснинг омма ҳолатидаги белгиларига тўхталиб қуйидагиларни ажратади:

1. Шахсий сифатларнинг йўқолиши. Бошқа одамлар таъсирида индивид ўзига хос сифатларни йўқотиши, бунинг ўрнига импульсив инстинктив ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги.

2. Ҳиссиётларга ўта берилувчанлик. Оммада ақл, тафаккур, ҳиссиёт, инстинктларга ўз ўрнини бўшатади. Шунинг учун ҳам омманинг таъсирчанлиги ўта ошиб кетади.

3. Ақлий сифатларнинг йўқолиши. Омманинг «ақли» уни ташкил этувчилар ақлидан анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам омманинг тазъйиқига учрамаслик учун ҳар бир киши ақлан мулоҳаза юритишдан бош тортиши, мунозарадан қочиши лозим.

4. Шахсий масъулиятнинг йўқолиши. Оммага қўшилиб қолган шахс шунчалик ҳиссиётларга берилиб кетиши мумкинки, у ўз ҳаракатларини назорат



қилиш, ўз ишига масъулиятни эсидан чиқаради. Якка ҳолда содир қила олмайдиган ишини, у оммага қўшилиб қилиб қўйиши мумкин.

Бундай ҳолатнинг, яъни шахснинг омма орасидаги психологияси тўғрисидаги фикрларни айни шундай тарзда Ортеги Гассет ва Эрнесто Грассилар ҳам кўрсатиб бергандирлар.

Шундай қилиб, омма тартибсиз, у мустақил равишда тартиб ўрнатиш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун ҳам унга доимо “дохий” керак, дохийлар — элита ташқаридан келиб омма ўтасида тартиб ўрнатиши мумкин. Бу фикрларнинг мафкуравий маъноси тушунарли, чунки омма деганда, улар ишчилар синфини, дохийлар деганда эса, буржуазияни назарда тутишган. Демак, шахс ва жамият зиддиятлари масаласи омма психологияси тарафдорлари назариясида айрим шахслар — дохийлар фойдасига ҳал қилинди. Лекин бу назария, нима учун оммавий ҳодисаларда омманинг ўзидан чиқиб қоладиган лидерлар, омманинг баъзан ташқаридан ҳеч кимни тан олмай қолиши масалаларига умуман жавоб топа олмади, чунки уларнинг ҳам фикрларида кўпроқ идеализмга мойиллик сезилиб турарди.

### **Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси**

Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси XX асрнинг бошида Англияда шаклланди. Унинг асосчиси инглиз психологи Уильям Макдугалл бўлиб, у ўзининг 1908 йилда ёзган "Ижтимоий психологияга кириш" китобидаги инсон хулқ-атворларининг мотиви ёки уни ҳаракатга келтирувчи куч инстинктлардир, - деб ёзган. Кейинчалик у инстинкт тушунчаси билан бирга лаёқат, интилиш ибораларини ҳам ишлата бошлади. Унинг фикрича, хулқ-атворни таъминловчи нарса туғма, психофизиологик тайёрлик ҳолати бўлиб, у наслдан-наслга узатилади. Макдугалл барча ҳаракатларни рефлексив ҳолда тушунтиришга интилиб, рефлексив ёйга хос бўлган барча қисмлар — яъни эфферент қабул қилувчи, рецептив бўлим, эфферент (ҳаракат) ва марказий бўлимдан иборат тизим сифатида тасаввур қилади. Барча ижтимоий ҳаракатлар ҳам ана шундай рефлексив табиатга эгадир, деб уқтиради у.

Шунга ўхшаш фикрлар Э.Росс ("Ижтимоий психология") ва Дж.Болдуин ("Ижтимоий психология бўйича тадқиқотлар") қарашларида ҳам ривожлантирилган. Масалан, Болдуин икки турли ирсият ҳақида — табиий ва ижтимоий ирсият ҳақида ёзиб, ижтимоий одамлардаги тақлид қилиш қобилияти билан боғлиқ, деб ёзади. Жамиятда яшаётган одамлар бир-бирларига таъсирларини ўтказишга мойилдирларки, бу нарса улар ўртасидаги муносабатларни бошқариб туради.

Шундай қилиб, бу йўналиш тарафдорларининг фикрича, барча онгли ҳаракатларнинг боши — онгсизликдир, яъни инстинктлар бўлиб, улар асосан ҳиссиётларда намоён бўлади. Ҳиссиёт билан инстинктлар боғлиқлигини Макдугалл жуфтликларда кўрсатишга ҳаракат қилган: масалан, кураш инстинкти — кўркув, ғазаб ҳисси; насл қолдириш инстинкти — рашк аёллардаги тобелик ҳисси; ўзлаштириш инстинкти — хусусийликка интилиш ҳисси ва ҳоказо. Ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда туғма инстинктлар

ролининг юқори қўйганлиги учун бу назария илмий тараққиёт босқичида салбий ўрин тутди, деб айтишимиз мумкин. Лекин унинг айрим ҳодисалар сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилиши фан олдига улкан вазифаларни қўйди. Ижтимоий психология фан сифатида ана шу муаммоларни тадқиқ қилиши лозим эди.

Демак, юқорида тўхтаб ўтилган учала назариянинг аҳамияти шундан иборат эдики, улар янги туғилиши лозим бўлган фан — ижтимоий психологиянинг тадқиқот мавзуини очиб берди. Қолаверса, бу уччала йўналиш ҳам назарий қарашларни исбот қилишда объектив текширув усули ҳисобланган экспериментдан фойдаланиш заруриятини кўрсатди. Бу нарса яна бир бор махсус фаннинг келажак режаларини аниқлашга ёрдам берди.

### **Ижтимоий психология фани предмети**

Ҳозирги кунда унинг **предметини** қуйидагича таърифлаш мумкин: **ижтимоий психология** - одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллариини тушунтириб берувчи фандир. Чунки кўп вақт давомида ижтимоий психология фанининг предмети борасида тортишувлар кечгандир. Сабаби - ижтимоий психология фани икки турдаги қонуниятлар — ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятлари билан иш олиб боради. Шунинг учун бўлса керак ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ва у ўрганадиган соҳалар борасида турлича қарашлар ва тортишувлар мавжудлигини кузатамиз.

Масалан, таниқли немис олимлари Г.Гибш ва М.Форверглар бу фаннинг предметиға қуйидагича таъриф берадилар: "Одамлар уюшмаси кооперациялар — ижтимоий психологик тадқиқотларнинг асосидир, унинг объекти эса ижтимоий ўзаро таъсирдир". Демак ҳар қандай одамлар уюшмасида содир бўладиган ўзаро таъсир жараёнлари, уларни уюшишга мажбур қиладиган шарт-шароитлар ҳамда мотивлар ижтимоий психология ўрганиши керак бўлган соҳалардир.

Рус социологлари Г.П.Предвечный ва Ю.А.Шерковинларнинг "Социал психология" китобида эса унинг предмети "... объектив борлиқнинг ва унда рўй берадиган ҳодисаларнинг психика томонидан ўзига хос тарзда инъикос этилишидир", — деб ҳисобланилади. Бу муаллифлар ижтимоий психологиянинг барча ўрганиш объектларини шарҳлар эканлар, кўпроқ социологик ёндашиш билан муаммоларни ечишга ҳаракат қилганлар.

Ижтимоий психологиянинг мавзу баҳсини таърифлашга айнан психологик ёндашув А.В.Петровский ва В.В.Шпалинскийларнинг «Жамоанинг ижтимоий психологияси» китобларида баён этилган. Бу муаллифларнинг фикрича, «Ижтимоий психология — психология фанининг шундай тармоғики, у турли уюшган ва уюшмаган гуруҳлардаги одамларнинг мулоқати, ўзаро таъсир ва муносабатларидан келиб чиқадиган психик ҳодисаларни ўрганади."

Шунинг учун ҳам Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил ёндашиш борлигини эътироф этади. Биринчиси, социологик ёндашиш бўлиб, унинг

тарафдорларининг фикрича, ижтимоий психология асосан оммавий психологик жараёнларни—халқлар психологияси, оммавий маросимлар, удумлар, расм-русмларнинг инсон онгига сингиши, ижтимоий хулқ-атворда намоён бўлишини ўрганиши керак. Иккинчи—психологик ёндашув тарафдорлари асосан психологлар бўлиб, улар асосий диққатни шахснинг ижтимоий психологик хислатларига, унинг турли гуруҳларда тутган ўрни, мавқеи, ижтимоий установакалар ва хоказоларга қаратмоқ лозим, деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда, ҳозирда ҳам социологик ҳам психологик қарашларни биргаликда мужассамлаштираётган олимлар ҳам борки, улар ҳам оммавий жараёнларни, ҳам шахснинг шу жараёнлардаги хулқ-атворлари мотивларини ўрганишни ёқлаб тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Америка ижтимоий психологиясида ҳам ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси борасида узоқ тортишувлар мавжуд бўлган. Чунки, шу пайтгача шахс ва жамият муаммолари соҳасида икки хил ёндашув бўлиб келган эди: психология инсон табиатини, унинг психикасини, социология эса, жамият табиати, психикасини ўрганиб келди. Ижтимоий психология пайдо бўлдики, у инсоннинг жамиятга муносабатининг психологик томонини ўрганмоқда.

Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларга риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш - ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

### **Ижтимоий психология фанининг вазифалари**

Ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси - баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, руҳий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усулларини ҳаётга тадбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишининг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Таниқли француз олими Серж Московиси: “Ижтимоий психологиянинг вазифаларини бевосита жамият белгилайди”, деб ёзган эди. Демак, фан сифатида ижтимоий психологиянинг олдида турган вазифалари, муаммолари бевосита жамиятдан келиб чиқади.

Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс мавзусини ўз предметини қайси объектларга қаратмоқда ва бундан келиб чиқиб бу фан олдида қандай вазифалар мавжуд?

### **Кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси**

Биринчидан, унинг асосий йўналиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. Ҳар бир шахс ҳамisha маълум ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-куйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси ва

ҳоказолардир. Шахснинг якка ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазъийққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, ўзаро муносабатлар шароитини яратиш - бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир. Гуруҳлардаги кишилар ўртасида ўзаро мулоқот, ўзаро бир-бирига таъсир усуллари, одамларни самарали мулоқотга ўргатиш ҳам гуруҳлар ижтимоий психологиясининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

### Шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Шахсни ижтимоий психологик ўрганиш тадқиқотларининг объекти сифатида қаралганда, аввало унинг хулқ-атвори, ижтимоий мотивлари, унинг йўналишлари, хулқ-атвор нормалари, шахснинг жамиятда турли ижтимоий роллари, мавқеи, ижтимоий қўшилиш омиллари-ижтимоийлашуви; шахснинг ўз-ўзига баҳоси, муносабати, ҳурмати ҳамда ижтимоий, тарихий ва маданий шарт-шароитларнинг шахс онгига таъсири, шахс типлари ўрганилади.

### Оммавий ижтимоий-психологик ҳодисалар

Учинчидан, жамият миқёсида рўй берадиган оммавий ҳодисалар ижтимоий психология учун тадбиқий аҳамиятга эга. Ижтимоий психологияда оммавий ҳодисалар деганда турли кишилар гуруҳида шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсир жараёнлари; миллий этнопсихология ҳамда синфлар психологияси муаммолари; миллий маданият, урф-одатлар, анъаналар, удумлар, ақидаларнинг шахс шаклланишидаги роли; оломон психологиясига оид психологик қонуниятлар; турли гуруҳларда одамларнинг бир-бирини идрок қилишлари ва тушунишлари, ўзаро таъсир масалалари тушунилади.

Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш - масалага бир ёқлама ёндашиш билан баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келаётган анъаналар, расм-русумлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига эга.

### Оила—ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида

Тўртинчидан, оила—ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида. Бу ерда оилага хос психологик жараёнлар, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий можароларнинг психологик омиллари, оилада бола тарбиясининг ижтимоий психологик методлари ўрганилади.

Ажратилган вазифалардан яна бири шуки, ҳозирги даврда ижтимоий психология ўзи билан бевосита алоқадор бўлган бошқа психология тармоқлари билан ҳамкорликда кескин ўзгаришлар даврида ҳар бир инсон онгида нима содир бўлади, у бу ўзгаришларни қандай идрок қилмоқда, унинг ҳаётий

мавқеини қандай қилиб мақсадга мувофиқ тарзда фаоллаштириш мумкин, деган саволларга илмий асосланган жавоб топиб беришдир.


Бошқарув психологияси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ҳам шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан тадбиқий соҳалардир.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ўз ичига олган масалалардан бири - бу муомаладир. Психолог олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим тадбиқий йўналишларидандир. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ҳозирги ижтимоий психологиядаги муҳим муаммолардандир.


### Психологиянинг асосий тармоқлари:



### Ижтимоий психологиянинг назарий манбалари:



### **Ижтимоий психологиянинг амалий йўналишлари:**



### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Ижтимоий психология мустақил фан сифатида ўз тарихи, вужудга келишидаги уч назарий манба: халқлар психологияси, омма психологияси ва ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияларига таянади. Унинг пайдо бўлишида социологик ва психологик ёндашув мавжуд бўлиб, ижтимоий шарт-шароит шу фанни юзага келишига асос бўлгандир. Бу фан психологиянинг алоҳида фан тармоғи бўлиб, унда социология, шахс ижтимоийлашуви, ижтимоий тасаввурлар, муомала, бошқарув, оила, катта ва кичик гуруҳлар психологияси тўғрисида умумий билимлар ўрганилади, шу билан бирга инсон ва жамият муносабатларидаги ўзига хос илмий ёндашувларни тушуниб олиш имконияти яратилади.

### **Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

2. Ижтимоий психология фанининг тарихи.
3. Ижтимоий психологиянинг уч назарий манбаи.
4. Ижтимоий психология фани предмети.
5. Ижтимоий психология фанининг вазифалари.
6. Ижтимоий психология фанидаги ўрганиладиган муаммолар.
7. Ижтимоий психология фанини ўрганишнинг hozirgi давр учун аҳамияти.
8. Ижтимоий психология ва янги давр амалий соҳалари.

### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

4. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. - 496 с.
5. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т.: 2000, 185 б.
6. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999, 94 б.
7. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2004.
8. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2002 – 383 с.
6. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
7. [www.psycho.all.ru](http://www.psycho.all.ru)
8. [www.psychology.net.ru](http://www.psychology.net.ru)

## **II БОБ**

---

### **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ**

---

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши.

Ижтимоий психологиянинг Русия ва собиқ иттифоқда ривожланиши.

Ўзбекистонда ижтимоий психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истикболлари.

Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари ва тадқиқот усуллари.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Инсоният тарихи мобайнида шахс ва жамият муносабатларининг Платон, Аристотель, Гоббс, Гельвеций, Локк, Гегель, Макиавелли, шарқ файласуфларидан Беруний, Форобий қарашларида талқин этилиши. Социология фани намоёндаларининг ижтимоийлик қонунларининг жамоа рухий ҳолатига боғлиқ равишда ўрганишлари. 20 асрга келиб психоанализ, бихевиоризм, гештальд психология ичида ижтимоий хулқ-атвори кичик гуруҳлар доирасига олиб чиқилиши. Когнитивизм (К.Левин, Ф.Хайдер), интеракционизм (Г.Мид, Г.Хаймен, Ф.Гофман) назарияларидаги ижтимоий ўзаро таъсир масалалари. Ижтимоий психологиянинг Русия ва собиқ иттифоқда ривожланиши.

Ижтимоий муҳитнинг шахсга таъсири муаммосининг кўтарилиши, тадбиқий илмий тадқиқот ишларининг олиб борилиши. Ўзбекистонда ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболлари. Оила ва оилавий муносабатлар (Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Н.Соғинов), зиддиятли ҳолатлар (М.Давлетшин, Т.Адизова), муомала психологияси муаммолари (Э.Ғозиев, Р.Тошимов) илмий тадқиқот йўналишлари мазмуни.

Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари: эмпирик маълумотлар муаммоси, илмий тахминлар яратиш муаммоси, психологик маълумотларнинг сифати масаласи, тадқиқот услуби ва тадқиқот усуллари.

### **Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши**

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида ривожланиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг жамиятнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланганлигининг, илмий жиҳатдан эса, фалсафий қарашлар таъсирида бўлиб, соф ижтимоий психологик назарияларнинг жуда оз сонли бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Инсоният тарихини ўрганар эканмиз мутафаккирлар, олимлар, алломалар ижтимоий психологик ҳодисалар билан жуда қизиққанликларини кузатамиз. Лекин улар бу ҳодисаларни ўз даври руҳида, ўз назарий ва ижтимоий қарашлари, ҳаттоки, турли оқимлар доирасида тушунтиришга уринганлар. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологиянинг фан сифатидаги тараққиётини ўрганиш учун ижтимоий психологик муаммолар ёритилган асар ёки кашфиётчининг яшаган даври, унинг сиёсий қарашлари, жамиятнинг тараққиёт хусусиятларини ҳам ўрганиш лозим. Илмий манбалар ижтимоий психологиянинг давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий иқтисод, этика, фалсафа фанларининг ривожланиши билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Айниқса, фан тараққиётига фалсафа фани ўзининг сезиларли улушини кўшган. Шунинг учун ҳам америкалик олим Г.Олпорт ижтимоий психологик ғояларнинг яратилиши ва ривожланиши фалсафа билан, унинг кўзга кўринган арбобларидан ҳисобланган Платон номи билан боғлиқ деб ёзган эди.

Платон ўзининг "Давлат" ва "Қонунлар" деб аталган диалогларида шахснинг жамият билан алоқалари масаласига тўхталиб, жамият индивидга нисбатан ўзгармас бир бирликки, унинг тараққиёти жамият ривожланиши қонунларига бўйсунади, деган фикрни ҳимоя қилган. Унга қарама-қарши фикрни Аристотель баён этиб, индивидни барча ижтимоий ўзгаришларнинг сабабчиси, чунки унда бунга имкон берувчи психологик тизимлар бор, деб ёзади. Яъни, шахс ва жамият ўртасидаги муносабат масаласи Платонда жамият фойдасига ҳал бўлган бўлса, Аристотелда бу нарса шахс фойдасига ечилган. Улардан кейинги — янги давр файласуфлари — Гоббс, Гельвеций, Локк, Руссо, Гегель, Макиавелли, шарқ файласуфларидан Беруний, Форобийлар ҳам барча асарларида шахс ва жамият қарама-қаршиликларини илмий асосда шарҳлашга уриндилар, лекин ҳеч қайсиси бу муаммони ижтимоий психологик муаммо даражасига кўтара олмади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, капиталистик муносабатларнинг кескинлашуви, турли давлатлар билан иқтисодий алоқаларнинг тобора ўсиб



бориши, турли халқларнинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиши—миграция муносабати билан қатор ижтимоий фанлар ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Шу ўринда ижтимоий психологиянинг илмий манбаларидан бири бўлган социология фанининг хизматини кўрсатмай бўлмайди. Социологиянинг асосчилари ҳисобланган Огюст Конт, Герберт Спенсер ва бошқалар, масалан, жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш учун албатта, ўзига хос, айрим психологик ҳолатларни ўрганмоқ лозим, деган фикрни қатъий туриб исбот қилдилар. Улар ҳар бир ижтимоий воқеада руҳий ҳодисалар борлигини исбот қилишга уриндилар. Масалан, француз социологи Г.Тард ҳар бир индивидда "ижтимоий факт" борлигини, бу нарса унинг мия доирасидагина эмас, балки бир қанча миялар алоқаси туфайли мавжуддир, деб ҳисоблайди. Ижтимоий хулқ-атвор модели, унинг фикрича, доимо индивидлараро муносабатни ўз ичига олиб, бунда бир индивид бошқа индивидга доимо тақлид қилади, шунинг учун ҳам шахсни ўрганиш бошқа шахсларни инкор қилмаслигини талаб қилади. Шундай қилиб, социологияда психологик йўналиш пайдо бўлди. Тарддан кейин Л.Уорд, Ф.Гиддингс ва бошқалар ижтимоийлик қонунларини жамоа руҳий ҳолати билан узвий равишда ўргана бошладилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий факт — бу ижтимоий ақл, тафаккур бўлиб, у "жамият психологияси" ёки социологиянинг баҳс мавзусидир.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган илмий-фалсафий, ижтимоий манбалар, шарт-шароитлар туфайли ижтимоий-психологик ғоялар шаклланиб борди. Бу қарашлар соф психологияга ҳам ўхшамаган, социология доирасидан чиқиб кетадиган алоҳида фаннинг—ижтимоий психологиянинг пайдо бўлиши учун замин ролини ўтади.

XX аср шу билан характерли эдики, у турли фанлар олдида конкрет топшириқлар кўя бошлади. Шунинг учун психология фани олдида тадқиқотлар асосида психологик қонуниятларни асослаш вазифаси турар эди. Иккинчидан эса, Америкада кўпгина психологлар ўз тадқиқот объектларини лабораторияларда айрим психик жараёнларни ўрганишдан кичик гуруҳларга кўчира бошладилар. Бу даврда психологияда шаклланиб бўлган уч асосий оқим (психоанализ, бихевиоризм ва гештальт психология) ичида ҳам ижтимоий хулқ-атворни кичик гуруҳлар доирасида ўрганиш тенденцияси пайдо бўлди. Бунда асосий диққат кичик гуруҳларга ва уларда турлича экспериментлар ўтказишга қаратилган эди. Бундай ҳолатнинг пайдо бўлганлиги ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишида ниҳоятда катта роль ўйнади.

Гештальд психология йўналиши негизида махсус ижтимоий психологик йўналишларнинг — интеракционизм ва когнитивизмнинг пайдо бўлганлиги эса бу фаннинг экспериментал эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Бихевиоризм йўналишлари доирасида ўтказилган ижтимоий психологик тадқиқотлар аввало америкалик олимлар К.Халл ва В.Скиннерлар номи билан боғлиқ. Улар ва уларнинг издошлари ҳисобланган К.Миллер, Д.Доллард, Дж.Тибо, Г.Келли ва бошқалар диада — икки киши ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хил экспериментал кўринишларини тадқиқ қилиб,

уларда математик ўйин назарияси элементларини кузатдилар. Диада шароитида тажрибада ўтказилган тадқиқотларда асосан мустаҳкамлаш ғоясини исбот қилишга уринилди. Классик бихевиоризмдан фарқли ўлароқ ижтимоий психологик бихевиористлар ҳайвонлар ўрнига лабораторияга нақд пулга одамларни таклиф эта бошладилар, шунинг учун ҳам уларнинг ғоясида биологизм ва механизм тарзда илгариги ҳайвонларда тўпланган далиллар моделини инсонларда қўллаш ҳоллари кузатилди.

Психоанализ доирасида эса ижтимоий психологик тадқиқотлар Э. Фромм ва Дж. Салливен ишлари билан боғлиқ бихевиористлардан фарқли ўлароқ бу ерда экспериментлар икки киши эмас, балки кўпчилик иштирокида ўтказила бошлади. Уларнинг издошлари (В.Байон, В.Беннис, Г.Шепарде, В.Шутк) ўтказган тадқиқотлар туфайли ҳозирги кунда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётган кичик Т—гуруҳлар психологияси яратилди. Унда гуруҳ шароитида бир одамнинг бошқаларга таъсири, гуруҳнинг айрим индивидлар фикрларига таъсири каби масалалар ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологик тренинглар ўтказишга асос солинди.

Когнитивизм К.Левин назарияси асосида пайдо бўлган психологик йўналиш бўлиб, ундаги ўрганиш объекти муносабатлар тизимидаги кишилар, уларнинг билиш жараёнлари, онг тизимига тааллуқли бўлган когнетив ҳолатлар бўлди. Когнитизм доирасида шундай мукамал, бошқаларга ўхшамас назариялар яратилдики, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан, Ф.Хайдернинг баланслаштирилган тизимлар назарияси, Т.Ньюкомнинг коммуникатив актлар назарияси, Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси ва бошқалар шулар жумласига киради. Улардаги асосий ғоя шундан иборатки, шахс ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришар экан, доимо муносабатларда руҳий мутаносиблик тенглик бўлишига, шу туфайли зиддиятлардан чиқишга ҳаракат қилади. Мақсад — турли ижтимоий шароитларда шахс хулқ-атворининг психологик сабабларини тушунтириш ва зиддиятларнинг олдини олиш учун йўл-йўриқлар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги даврда ҳам таниқли ижтимоий психологлар Олпорт, Маслоу, К.Роджерс ва уларнинг сафдошлари гуманистик психология доирасида бу ишларни фаол давом эттирмоқдалар.

Навбатдаги назария интеракционизм бўлиб, бу аслида социологик назария бўлиб ҳисобланади. Унинг асосчиси Гербарт Мид бўлиб, унинг қарашлари таъсирида Т.Сарбиннинг роллар назарияси, Г.Хаймен ва Р.Мертонларнинг референт гуруҳлар назарияси, Ф.Гофманнинг ижтимоий драматургия назариялари шаклланди. Улар турли ижтимоий шароитлардаги хулқ-атворларни тушунтириш орқали шахс ижтимоий психологик сифатларининг сабабларини топишга ҳаракат қилдилар. Ҳар бир шахс доимо ижтимоий ўзаро таъсир тизимида мавжуд бўладики, унда у тўғри ҳаракат қилиш учун ўзгаларни тушунишга ҳаракат қилиши, ўзгалар ролини қабул қилишга тайёр бўлиши лозим. Лекин ўзгалар ролини тўғри қабул қилиш учун унда “умумлаштирилган ўзга” образи бўлиши лозимки, бу образ шахсларо мулоқот жараёнида, ҳар бир шахс учун ибратли бўлган кишилар

гуруҳи билан мулоқотда бўлиш жараёнида шаклланадн. Яъни шахс фаоллиги тан олинади, бу эса фан тарихида ўта прогрессив ҳол эди.

## **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ РУСИЯ ВА СОБИҚ ИТТИФОҚДА РИВОЖЛАНИШИ**

Ижтимоий психологиясининг асосчиси деб ҳақли равишда в.м.бехтеревни кўрсатиш мумкин. у ўзининг рефлексология назарияси доирасидан шахс хулқ-атворининг мотивларини тушунтиришга уринганлардан биридир. унинг фикрича, барча онгли ва онгсиз жараёнлар ташқи хулқ-атворда, ҳаракатларда ифодаланади, шунинг учун ҳам ташқи ҳаракатларни, қилиқларни, нутқни, товушни ўрганиш орқали шахснинг ўзини ва бу ҳаракатларнинг сабабларини ўрганиш мумкин. бехтерев асосан социологияни биология билан, психологияни эса физиология билан аралаштириб юборди, шунинг учун шахс ва жамият тараққиётининг универсал қонунларини аниқлашда чалкашликка йўлиқди.

20-30- йилларда болалар ва ўсмирлар ижтимоий психологик тараққиётини ўрганишга қаратилган икки йўналиш пайдо бўлдики, улар ҳам қатор камчиликлардан ҳоли бўла олмадилар. Масалан, биологик ёки биогенетик назария тарафдорлари шахснинг шаклланишида ирсий ва биологик наслий омиллар етакчи рол ўйнайди, деб ҳисоблашса, социологик ёки социогенетик назариётчилар бу борада ижтимоий муҳит ролини ниҳоятда ортиқ эканлигини ҳимоя қилиб чиқдилар.

30-йиллардаги олимлар шахснинг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг ролини, таълим-тарбиянинг аҳамиятини исботлашга уриндилар. Лекин 40—60- йиллар ижтимоий-психология тараққиётида нисбатан сокинлик даври бўлди. Чунки психология соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ичида ижтимоий психологик тадқиқотлар йўқ ҳисоб эди. Бу фан Русияда ва бошқа собиқ иттифоқдош жумҳуриятларда 70- йиллардан кейин кескин ривожлана бошлади. Бунда москвалик ва ленинградлик (ҳозирги Санкт-Петербург) олимлар мактаби катта рол ўйнади. Агар Москва шаҳрида асосан ижтимоий психология бўйича фундаментал назарий тадқиқотлар кўплаб ўтказилиб, унда ҳозирги замон ижтимоий психологик тадқиқотларнинг эмпирик қонунлари асослари ишлаб чиқилган бўлса, Санкт-Петербургда кўпроқ тадбиқий илмий тадқиқот ишлари олиб борилдики, улар биргаликда минглаб ёш ижтимоий психологлар авлодини тарбиялаб етиштирдилар. Улар эса ҳаётимизга илғор фикрлар ва далил тадқиқотлар билан кириб келиб, ҳозирги кун фанини дунё миқёсида мисли кўрилмаган даражага кўтардилар.

### **Ўзбекистонда ижтимоий психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболлари**

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида юртимизда ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак шуни таъкидлаш лозимки, у охириги ўн йилликлар мобайнида шаклланмоқда, холос. Айниқса бу борада психолог олимлар М.Г.Давлетшин, В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаров кабиларнинг бир қатор илмий-тадқиқот ишлари ва илмий мақолаларини келтириш мумкин. Лекин тарихан, умуман

психологиянинг Ўзбекистон худудида шаклланишини таҳлил қилинса, унинг диний-фалсафий олимлар ва қарашлар тизимида ўзига хос тарзда шаклланиб келганлигини кузатамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий психологик тадқиқотлар асосан оила ва оилавий муносабатларга бағишланган. Бу борада бир қатор психологлардан В.Каримова, Ғ.Шоумаров бошчилигидаги илмий ишларни келтириш мумкин. Масалан, Г.Б.Шоумаров бошчилигидаги олимлар томонидан оиланинг ижтимоий-психологик вазифалари, оиладаги шахслараро муносабатлар, оила негизида юзага келадиган ҳиссий муносабатлар, оила қуриш мотивлари, оиланинг болалар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик омиллари каби бир қатор жиҳатлари ўрганилди.

В.Каримова ва унинг бошчилигидаги илмий ишларида ёшлардаги оила хусусидаги тасаввурлар, уларнинг оила мотивлари, оила қуриш омилларига муносабатлари, оила турига кўра нотўлиқ оила муҳитидаги шахс индивидуал-психологик хусусиятлари, ўз-ўзини баҳолаши, оила муҳитида шахсда намоён бўладиган феминин ва маскулин сифатлар нуқтаи назаридан ёндашишлари таҳлил этиб берилгандир.

Оилавий муносабатлар психологияси хусусида ўтказилган муҳим тадқиқотлардан бири Н.Соғиновнинг ўзбек оиласига хос бўлган никоҳ ва оила муносабатлари - никоҳдан қониқиш, никоҳ мотивлари, оила қуришнинг ўзбекларга хос бўлган ёш хусусиятлари, ёш ўзбек оилаларидаги психологик можаролар ва ажралишларнинг сабабларини систематик тарзда ўрганган илмий ишидир.

Лекин Ўзбекистонда ижтимоий психологлар олдида жуда муҳим тадқиқот мавзулари мавжудки, уларда ҳозирги мустақиллик шароитида шахс ва турли ижтимоий гуруҳлар психологиясида рўй бераётган ўзгаришлар, турли ёш, демографик этник профессионал гуруҳларга мансуб бўлган кишиларнинг ижтимоий тасаввурлари, улар асосида ижтимоий хулқ-атвори илмий бошқариш асослари ишлаб чиқилмоғи лозим. Яъни, ишлаб чиқариш ижтимоий психологияси, бошқариш психологияси, гуруҳлар психологияси ҳамда оммавий психик жараёнларнинг таъсири масалалари ўзбек психологларида ўз ечимини кутмоқдаки, уларда илғор фан ютуқларидан фойдаланилган ҳолда худуднинг миллий ўзига хос қирралари ишлаб чиқилиши керак.

### **Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари ва тадқиқот усуллари**

Ижтимоий психология тўғрисида гапириладиган бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввало жамиятнинг бу фан олдига қўяётган талаблари ўзига хос бўлиб, бу талаблар жавоб бериш учун унинг текшириш услублари у даражада мукамал эмаслигидадир. Чунки шу давргача ижтимоий психологияда кузатилган ходиса шу бўлдики, бу фандаги назарий ишлар тадбиқий ишлардан анча кўпдир. Шунинг учун ҳам, Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг методологияси муаммоларига тўхталар экан, унинг бу борадаги интилишлари, вазифалари кўплигини таъкидлайди. Методологик муаммоларга

қизиқиш, — деб ёзади у, — ижтимоий психологиянинг кучсизлиги эмас, балки унинг етилиш даврига кирганлигининг белгисидир.

“Методология” тушунчасининг илмий моҳияти нимада? Бу тушунчани турли назарий қарашлардаги олимлар турлича шарҳлайдилар ва тушунадилар. Масалан, америкалик психологлар методология деганда, тадқиқот жараёнида ишлатиладиган барча тадқиқот услублари ва техник жараёнларни тушунадилар. Лекин “методология” тушунчаси аслида услублар йиғиндисидан ҳам кенгрок тушунчадир. Яъни, “методология” тушунчаси “конкрет методлар” ёки техник усуллар тушунчаларидан кенгрокдир.

Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммоларига қуйидагилар киради:

**Биринчидан**, эмпирик маълумотлар муаммоси, яъни қай турдаги маълумотларни ижтимоий психологик маълумотлар сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки бихевиористлар бундай маълумотлар сифатида кўз билан кўриб қайд қилинадиган хулқ-атвор шакллари қабул қилинса, когнитив психология вакиллари фақат онгга тааллуқли бўлган белгиларни тушунадилар. Демак, ҳар қандай тадқиқотчи иш бошламай туриб, аввало нимани эмпирик бирлик қилиб олишини аниқ тасаввур қилиши ва унинг назарий жиҳатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, тадқиқот бирлиги аниқланган тақдирда, қандай ҳажмдаги бирликлар тадқиқотчини қаноатлантириши масаласи ҳам муҳимдир. Шунинг учун экспериментал ва корреляцион тадқиқотлар бор.

**Иккинчи методологик муаммо** — бу у ёки бу ижтимоий психологик назария асосида қонуниятлар яратиш ва илмий тахминлар қилиш муаммоси. Илмий тадқиқот бошлашдан олдин тадқиқотчи маълум тахминлар юритади, лекин шу тахминларнинг аниқ чиқиши ўша муаммо бўйича пишиқ - пухта назариянинг бор-йўқлигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ижтимоий психологияда гипотезалар тузиш ва улар асосида керакли умумий хулоса чиқариш ишини билиш керакдир.

**Учинчи муаммо** — бу ижтимоий психологик маълумотларнинг сифати масаласи, яъни қандай маълумотни сифатли, ишонарли деб аташ мумкинлиги масаласидир. Ўрганиш объектининг ҳажми ёки сони хусусида шуни айтиш мумкинки, кўпинча текширилувчи қанчалик кўп бўлса, маълумот шунчалик ишончли бўлади, деган нотўғри фикр мавжуд. Агар гипотезалар тўғри илгари сурилган бўлса, у кичикроқ гуруҳда ўтказган экспериментларининг маълумотига ҳам ишониши мумкин.

Лекин тадқиқот услубини — методларини тўғри танлашда пилотаж — синов тадқиқоти ўтказишнинг аҳамияти каттадир. Бунда ўша гипотезаларнинг қанчалик асослилигини ҳам, методиканинг айнан мақсадга мувофиқлигини ҳам, текширилувчилар объектининг тўғри танланганлигини ҳам, маълумотларнинг турғунлиги, ишончилигини ҳам текшириб олиш мумкин. Бундан ташқари, шу босқичда тадқиқотчи эксперимент ёки анкета ўтказиш учун қулай вазият ва вақтни белгилаш, ўз ёрдамчиларининг ишга қанчалик яроқликларини ҳам синаб олиш имкониятига эга бўлади.

Методологик ишларга қарашли тадбирларнинг сифати ва савияси тадқиқотчининг қанчалик илмий саводхон эканлигини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади ва у ўтказган илмий тадқиқот ишининг баҳосини белгилайди.

### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Бу мавзу якунида талаба ижтимоий психология фани ривожланишида ва фан сифатида шаклланишида бутун жаҳон, Россия, собиқ иттифок, Ўзбекистон миқёсида ўтказилган ва ўтказилаётган илмий йўналиш ва тадқиқотларнинг моҳияти билан, ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммолари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўла оладилар.

### **Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

1. Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши.
2. Ижтимоий психологиянинг Россия ва собиқ иттифокда ривожланиши.
3. Ўзбекистонда ижтимоий психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболлари.
4. Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари ва тадқиқот усуллари.

### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

2. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с.
3. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т.: 2000, 185 б.
4. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999, 94 б.
5. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2004.
6. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2002 – 383 с.
7. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003. 320 с.
8. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)

## **Ш БОБ**

---

### **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ МЕТОДЛАРИ**

---

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Ижтимоий психологияда қўлланиладиган методлар.

Кузатиш методи ва унга қўйилган шартлар.

Ижтимоий психологияда хужжатларни ўрганиш методининг моҳияти.

Ижтимоий ходисаларни контент-анализ усули орқали текшириш.

Сўров методи

Анкета усули.

Ижтимоий-психологик тестлар.

Ижтимоий-психологик эксперимент.

### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Ижтимоий психологиядаги асосий методлар: кузатиш (ташқи, ички, эркин, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида, гуруҳ ташқарисида), сўроқ (оғзаки, ёзма, эркин, стандартлаштирилган), тест (топшириқ, сўров, проектив, социометрик), эксперимент (табиий, лаборатория), моделлаштириш (математик, мантиқий, техник, кибернетик). Кузатиш методи ва унинг ижтимоий ходисаларни талқин этишдаги ўзига хос моҳияти. Хужжатларни ўрганиш методи, унинг афзалликлари. Контент-анализ усулининг илмий моҳияти (Х.Лассуэлл, Б.Берельсон). Матнни анализ қилишда амалга ошириш лозим бўлган коидалар. Сўроқ методи ва уни олиб боришдаги интервью, анкета шакллари. Анкета тузилишидаги уч қисм, унинг ёпиқ ва очик шакллари. Ижтимоий психологик тестларнинг турлари ва уларни қўллаш шартлари. Ижтимоий-психологик экспериментларнинг гуруҳ шароитида ўтказиш йўллари.

### **Ижтимоий психологияда қўлланиладиган методлар**

Аниқ изланиш предметиға эға бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг **методлари** деб юритилади.

1-жадвал.

### **Ижтимоий психологиянинг асосий методлари**

<b>АСОСИЙ МЕТОДЛАР</b>	<b>Асосий методларнинг вариантлари</b>
<b>КУЗАТИШ МЕТОДИ</b>	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Гуруҳ ичида кузатиш Гуруҳ ташқарисида кузатиш
<b>СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ</b>	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (сухбат) Стандартлаштирилган сўроқ
<b>ТЕСТЛАР МЕТОДИ</b>	Тест – сўров Тест - топшириқ Проектив тест Социометрик тест
<b>ЭКСПЕРИМЕНТ</b>	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти
<b>МОДЕЛЛАШТИРИШ</b>	Математик моделлаштириш Мантиқий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш
<b>ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИ</b>	Ижтимоий ўрганиш Психологик ўрганиш

	Мотивацион ўрганиш Классификацион ўрганиш
КОНТЕНТ-АНАЛИЗ МЕТОДИ	Матнни анализ қилиш Абзацларни анализ қилиш Иборалар, тушунчаларни анализ қилиш

Ижтимоий психология фанида қўлланиладиган методлар ўз мазмун моҳиятига кўра умумий психологиядаги методларга айнан ўхшаш бўлиши билан бирга, шахс ва жамият муносабатларини ифодалаб беришда, ижтимоий ҳодисаларни атрофлича ўрганишда ўзига хос методларни қўллаш зарур эканлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, биз ушбу жадвалда ижтимоий психологияда қўлланиладиган методларни келтирамиз. 1 - жадвалда ижтимоий психологиядаги асосий психологик методлар ва уларнинг асосий вариантлари келтирилган.

### Кузатиш методи ва унга қўйилган шартлар

Кузатиш методи ижтимоий психологияда ўзига хос ижтимоий шароитларда, ўзига хос вазиятларда ва маълум гуруҳларда ишлатилади. Бунда тадқиқотчи энг аввало нимани кузатаман, қандай йўл билан кузатаман, кузатув бирлиги қилиб нимани оламан, кузатувни қанча вақт мобайнида давом эттираман деган қатор саволларга жавоб топгандан кейингина илмий тадқиқотини бошлайди. Демак, кузатиш методи ёрдамида аниқ ишлаб чиқилган режа асосида кузатувчини қизиқтирган у ёки бу ижтимоий хулқ-атвор шакллари қайд этилади. Бу услуб қўлланилганда тадқиқотчи бир қанча қоидаларга риоя қилиши лозим. Чунончи, кузатиш мақсадининг аниқ бўлиши ва унинг илмий мақсадларга мос келиши; кузатиш шаклини танлаш ва кузатиш натижаларини қайд этиш усулларини ишлаб чиқиш; маълум режа — схема асосида муттасил кузатув олиб бориш; олинган натижаларнинг асослилиги ва ишончлилигини бошқа усуллар ёрдамида текшириб кўриш. Кузатиш кузатувчи томонидан кузатиш объекти бўлмиш одамлар гуруҳи билан бирга яшаб, уларга кўшилиб иш тутиб, табиий шароитларда маълумот тўпланса, бундай кузатиш турини "биргаликдаги кузатув" деб аталади. Бундай кузатишнинг классик мисолига америкалик ижтимоий психолог У. Уайтнинг ўсмирлар психологияси, улар гуруҳидаги ижтимоий психологик ҳодисаларни ўрганишга қаратилган машхур тадқиқотини киритиш мумкин. Бошқа ҳолларда эса кузатувчи ўз объектини четдан кузатади, шунинг учун ҳам бундай кузатув тури "**четдан кузатув**" ёки "**объектив кузатиш**" деб аталади. Бу усул худди умумий психологияда бўлгани каби ташқи хулқ-атворни қайд қилиш натижасида маълумот тўплашга асосланади. Бундай йўл билан илмий фактларни исбот қилиш қийин, лекин барибир, у ҳам ижтимоий психологияда ёрдамчи усул сифатида ишлатилади. Бизнинг фикримизча, ижтимоий психологик тренинглари шароитида ҳар бир шахснинг хулқ-атворини кузатиш муҳим маълумотлар тўплашга ёрдам беради, чунки бунда кузатиш методига хос бўлган энг қимматли нарса — шароитларнинг табиийлиги сақлаб қолинади.



Демак, ижтимоий ходисаларни ўрганишда кузатиш методининг ташқи (объектив кузатиш), ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш), эркин кузатув, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида кузатиш, гуруҳ ташқарисида кузатиш каби турларидан фойдаланилади.

### **Ижтимоий психологияда хужжатларни ўрганиш методининг моҳияти**

**Хужжатларни ўрганиш методи** социология фанидан кириб келган. Бу методнинг қатор афзалликлари бор. Улардан муҳимлари шундан иборатки, у фаолиятнинг маҳсулини текширишга имкон беради ҳамда тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математик қайта ишлаш имкониятининг борлиги билан ажралиб туради.

### **Ижтимоий ходисаларни контент-анализ усули орқали текшириш**

Материалларни маънавий жиҳатдан ҳам сифат, ҳам миқдорий анализ қилиниш усули ижтимоий психологияда **контент-анализ** деб аталади. Контент-анализнинг илмий моҳияти шуки, унинг ёрдамида бирор матнда маълум фикр, ғоя ёки тушунчаларнинг неча марта қайтарилиши қайд этилади, яъни маълум мазмун миқдор кўринишига келтирилади. Бу методнинг асосчилари америкалик социологлар Х.Лассуэлл ва Б.Берельсонлар бўлиб, улар бу усулни биринчи марта иккинчи жаҳон уруши йилларида бир сиёсий газетанинг мазмуни, унинг ғоявий йўналишини аниқлаш мақсадида қўллаган эдилар. Улар «Ҳақиқий америкалик» номли газетанинг кундалик чиқишларини контент-анализ қилиб, уларни фашистик йўналишидаги газета эканлигини исбот қилишган ва унинг чиқишини таъқиқлашга эришган эдилар.

Контент-анализни қўллашда тадқиқотчи олдида турган асосий муаммо бу текширув бирликлари — категорияларни аниқлашдир. Чунки бундай бирликлар тадқиқотнинг мақсади ва тадқиқотчининг эътиқоди ва дунёқарашига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, контент-анализнинг асосчилари Х.Лассуэлл ва Б.Берельсонлар бундай бирлик — рамзий бирлик ёки символлар бўлиши мумкин, деб ҳисоблашган бўлсалар, бошқа америкалик тадқиқотчи Л. Ловенталь бундай бирлик яхлит мавзу бўлиши керак деб ҳисоблайди. Аслида, бундай бирликлар контент-анализда илмий тахмин ва тадқиқотчининг методологик асослари билан белгиланиши керак. Шунинг учун ҳам кўпгина тадқиқотчиларни умумлаштириб, анализ учун бирликлар қуйидагилар бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз:

а) алоҳида иборалар ёки сўзларда билдирилган тушунчалар (масалан, демократия, фаоллик ташаббус, ҳамкорлик ва ҳоказо);

б) яхлит абзацлар, матнлар, мақолалар ва шунга ўхшашларда кўтарилган мавзулар (масалан, миллатлараро муносабатлар мавзуси, инсонлардаги миллий қадриятлар мавзуси ва ҳоказо);

в) тарихий алломалар, сиёсатшунослар, таниқли шахсларнинг номлари;

г) ижтимоий ходиса, расмий хужжат, бирор аниқ факт, асар (масалан, оилавий можаролар, Ўзбекистон Конституцияси муҳокамаси, янги ёзилган асарга ўқувчиларнинг муносабати ва шунга ўхшаш).

Яхши ўтказилган контент-анализ аслида ижтимоий психологик тадқиқотларда жуда катта аҳамиятга эга. Контент-анализ тадқиқотчидан каттагина уқувни талаб қилади, чунки бир томондан, у ёки бу матнни тушуниш маҳорати бўлиши керак, иккинчи томондан, тадқиқот сўнгида қўлга киритилган миқдорий бирликларни яна қайта сифат формасига келтириш лозим, яъни тушунтириб бериш керак.

### **Сўров методи**

**Сўроқ методлари.** Сўроқ методлари ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью методлари. **Ёзма сўроқ ёки анкетанинг** афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва раво тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисда олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, хаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Бу методларни қўллашни қатор методологик қийинчиликлари мавжуд, чунки, бу ерда доим шахслараро ўзаро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд бўлиб, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок ва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда сўроқ методлари энг қулай усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда.

Шундай қилиб, сўроқ методлари тадқиқотчи билан текширилувчининг бевосита (суҳбат, интервью) ёки билвосита (анкета) мулоқоти туфайли бирламчи маълумотлар тўплаш усулидир. Одамлар тилидан ёзма ёки оғзаки тарзда олинган фикрлар маълумотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Энг яхши суҳбат ёки интервью бу бевосита, эркин фикр алмашинуви шароитида ўзаро фикр алмашинувига қаратилган мулоқотдир. Чунки суҳбатдан фарқли, интервью аниқ муаммо доирасида, қатъий бир йўналишда олиб борилади. Интервью оловчи суҳбатдошга нисбатан нейтрал мавқеда бўлиб, унинг фикрлашига халақит бермаслиги, айниқса, унга тазъийқ ўтказмаслиги лозим. Интервью жараёнининг самарали кечиши учун суҳбатдошда ўзига нисбатан ижобий муносабат шакллантириб, биринчи сўзларни аниқ, раво, ифодали баён қилиш муҳимдир.

Интервью ўтказишга одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у одамдан қатор муҳим сифатларнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда "ролли ўйинлар" методи ёрдамида психолог ёки социологлар махсус тайёргарлик курсидан ўтадилар.

### **Анкета усули**

**Анкета** методи ҳаммага таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини ёки олинган маълумотларни қайта ишлаб, шархлаш қийинлигини тасаввур қилмайди. Юқорида қайд этилганидек, анкетага киритилган саволларга кўра анкета **очик ва ёпиқ** турларга бўлинади. **Очик** анкета респондентдан ўз фикрини билганича баён этишни талаб қилади, **ёпиқ** шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, қарашлари, фикрлари билан мос бўлган жавобни беради. Очик саволларнинг камчилиги респондентларнинг ҳар доим ҳам қўйилган вазифага етарли даражада масъулият билан қарамаганлиги ҳамда ёзилган жавобларни статистик ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширилувчи томонидан ўз фикрига эргаштиришга ўхшаш ҳолат ёки ҳар доим ҳам ҳамма саволнинг барча жавоб вариантларини топиб бўлмасликдир. Шундай ҳолатларда респондент ё умуман жавоб бермаслиги ёки таваккал бир вариантни белгилаб бериши мумкин.

Шунинг учун ҳам охириги пайтда ярим ёпиқ саволлардан иборат анкеталар тузилмоқдаки, уларда жавоб вариантларидан ташқари, яна қўшимча фикр билдириш учун қўшимча қаторлар қолдирилади.

Одатдаги анкета тузилиши жихатдан уч қисмга бўлинади:

1. **Кириш қисми ёки “респондентга мурожаат”** деб аталади. Бу қисмда одатда тадқиқот ўтказаяётган ташкилот номи, оддий тилда тадқиқот мақсадлари ва уларнинг қандай фойдаси борлиги, текширилувчининг шахсий иштироки нима бериши, олинган маълумотларнинг умумлаштирилган ҳолда ишлатилиши (анонимлилик), анкетани тўлдириш йўллари ва бошқалар ёзилади. Йўриқнома — мурожаатнинг қанчалик яхши ёзилганлиги бевосита текширилувчининг ишга бўлган муносабатига боғлиқдир.

2. **Асосий қисм.** Бунга саволлар киритилади, лекин саволлар тартибига ҳам эътибор бериш керак, чунки бошидан бошлаб қийин саволлар берилса, бу нарса респондентни чўчитиб қўйиши, ҳаттоки, тўлдирмасдан, анкетани қайтариб беришига мажбур қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун бошида энгил, ҳолис саволлар бериб, текширилувчини қизиқтириб олиб, кейин қийинроқ, психологик саволларга ўтиш, охирида яна “нейтралроқ” саволлар бериш мақсадга мувофиқ.

3. **Яқуний қисм ёки “паспортчика”** респондентнинг шахсий сифатидаги объектив маълумотларни олишга қаратилган бўлиб, унда шахснинг жинси, ёши, оилавий аҳволи, касб-кори ва бошқалар сўралади.

Анкеталар тарқатилиш услубига кўра, қўл билан тарқатиладиган, почта орқали юбориладиган, газета ёки журналлар орқали тўлдириладиган формаларга бўлинади.

Тўпланган маълумотларга, одатда, статистик қайта ишлов берилади ёки улар компьютерлар ёрдамида анализ қилинади.

### **Ижтимоий-психологик тестлар**

Тестлар психологиядан кириб келган усулдир, бу қиска синов усули бўлиб, улар ёрдамида у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қиска муддат

ичида бир техник усул — тестда текширилади. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони— бир тест ёрдамида бир объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синаб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тестни фақат қандай турдаги объектда синалган бўлса, шунга ўхшаш объектлардагина қўллаш мумкин, қолаверса, бунда олинган маълумотлар нисбий характерга эга бўлади. Лекин шундай бўлишига қарамай, тестлар, айниқса ҳозирги кунларда ҳаётимизга кенг кириб келди. Шахс хусусиятларини текширувчи тестлардан ташқари, шахснинг мулоқот системасидаги ўрнини, ундаги мулоқот малакаларининг бор-йўқлигини синовчи, шахс ақлий сифатларини текширувчи тестлар кенг қўлланилмоқда. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, тестни тузиш, уни объектларда синовдан ўтказиш, хаттоки, тайёр тестни мослаштириш юксак билимларни, малакани, олимлик одобини талаб қиладиган ишдир.

Тестлар хусусида яна шуни айтиш мумкинки, ҳар бир тестнинг ўз "калити" бўлади ва бу калитнинг эгасида махсус лицензиялар, яъни келишувга кўра ишончли шахсларгагина сотиш, бериш ҳуқуқи бўлади. "Калитсиз" эса махсус тестларни ҳеч ким ишлата олмайди.

**Тест - сўров** олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия - экстрроверсияни ўлчайди, саволларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш сўралади.

**Тест - топшириқ** одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутади. Масалан, шахс тафаккуридаги ижодийлиликни аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креативлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги - баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки калитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни сохталаштириши мумкинлигидир.

**Проектив тестлар.** Бу усуллар тест усулларининг бир кўриниши бўлиб, унда текширилувчига аниқ тизим ёки кўринишга эга бўлмаган, ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шархлаш топшириғи берилади. Яъни, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугатилмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўринишга эга бўлмаган буюмлар, ёғочлар берилиши мумкин, уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий дунёси, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳо бериши мумкин.

Проектив усулларга машҳур "Роршахнинг сиёҳ доғлари" тестини киритиш мумкин (1921 й.). Бу доғлар икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир доғ ҳар хил буёқли фонда кўрсатилади. Текширилувчидан ҳар бир "доғ" нинг нимани эслатаётганлигини

айтиш сўралади. Унинг фикридан ва сўзларидан, ассоциацияларга қараб (уларни контент-анализ қилиб) шахс хусусиятлари ҳақида хулоса қилинади.

Яна бир проектив усул—бу С. Розенцвейгнинг расмли ассоциациялар усулидир. Бунда ҳаётда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текширилувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарши томондаги шахс эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текширувчи текширилувчидан тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга берилиши мумкин бўлган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналишн, унинг зиддиятларга муносабати, агрессия-жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш муҳим фактлар тўпланади.

### **Ижтимоий-психологик эксперимент**

Ижтимоий психологик эксперимент—бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга қаратилган мулоқотдир. Бундай мулоқотнинг бўлиши учун экспериментатор, яъни текширувчи махсус шароит яратади ва ана шу шароитда аниқ режа асосида фактлар тўплайди. Умумий психологияда бўлгани каби, ижтимоий психологияда ҳам табиий ва лаборатория эксперименти турлари фарқланади. Табиий экспериментга мисол қилиб, рус педагоги А.Макаренконинг жамоанинг шаклланиши ва уни уюштириш борасида олиб борган тадқиқотларини олиш мумкин. Америкалик психолог М.Шериф эса гуруҳлараро муносабатларга тааллуқли феноменларни табиий шароитларда махсус режа асосида текшириб ўрганган. Унинг асосий мақсади вақтинчалик тузилган жамоа — ёзги таътил лагерларида кооперация ҳамда турли зиддиятларнинг пайдо бўлишидаги психологик сабабларни ўрганишдан иборат эди.

Лаборатория эксперименти одатда махсус шароитларда, махсус хоналарда, керакли асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилади. Биринчи марта лаборатория шароитида ижтимоий психологик тадқиқотни рус олими Бехтерев ўтказган эди. У махсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниқлигини, хотиранинг сифатини, кузатувчанлик хусусиятларини якка ҳолда ва гуруҳ шароитида солиштириб ўрганди ва гуруҳнинг борлиги ҳар бир гуруҳ аъзоси психик жараёнларига бевосита таъсир этишини исбот қилди.

Бундан ташқари, махсус асбоб-ускуналар ёрдамида гуруҳ аъзоларидаги ишонувчанлик—конформизм ҳодисаларини ҳам экспериментал тарзда ўрганиш мумкин. Гуруҳдаги бундай ҳодисаларни ўрганиш учун махсус мосламалардан фойдаланилади.

Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Шундай қилиб, ижтимоий психология ҳозирги кунда жуда кўп методларга эга, биз танишиб чиққан методлар уларнинг асосийлари, бир қисми,

холос. Ҳар бир ҳолатда ўз тадқиқот объектнинг хусусиятлари, тадқиқот мақсади ва мавзуйига қараб керакли услубни танлаш мумкин. Шунинг учун ҳам методлар тўплами билан тўлиғича танишиш учун махсус адабиётларни кўриб чиқиш керак бўлади.

Ижтимоий  
психологиянинг асосий  
методлари


1. Кузатиш методи;
2. Сўроқ методи;
3. Тест методи;
4. Эксперимент методи;
5. Моделлаштириш.
6. Контент-анализ

КУЗАТИШ  
МЕТОДИ

- Нимани кузатаман?
- Қандай йўл билан кузатаман?
- Кузатув бирлиги қилиб нимани оламан?
- Кузатувни қанча вақтга олиб бораман?
- Кузатувдан мақсад нима?
- Кузатиш шакли қандай?
- Кузатиш натижаларини қайд қилиш;
- Олинган натижаларнинг ишончлилигини бошқа усуллар билан текшириб кўриш.

СЎРОҚ  
МЕТОДИ ВА  
ТУРЛАРИ

- Бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларидан биридир;
  - Текширилувчи бир қатор саволларга мухтасар жавоб бериши керакдир.
1. Оғзаки сўроқ (сухбат);
  2. Ёзма сўроқ (анкета);
- Очiq анкета (респондентнинг ўз фикрини билдириши );
  - Ёпиқ анкета (кутиладиган жавобларни танланиши).
3. Эркин сўроқ;
  4. Стандартлаштирилган сўроқ.



### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Ижтимоий психологияда шундай методлар мавжудки, улар орқали шахс ва жамият муносабатларидан юзага келадиган турли жараёнларни ўрганиш, кузатиш, тадқиқ этиш имконияти юзага келади. Шундай методлар сирасига: кузатиш, сўров, анкета, контент-анализ, ҳужжатларни ўрганиш, ижтимоий-психологик эксперимент, ижтимоий-психологик тестлар киради. Мазкур мавзуда шу методлар, уларнинг афзалликлари, қўллаш шартлари баён этиб берилган.

### **Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

5. Ижтимоий психологиядаги асосий методлар ва уларнинг қўлланиш шартлари ҳақида.
6. Ижтимоий психология учун ҳужжатларни ўрганиш методининг моҳияти.
7. Ижтимоий ҳодисаларни контент-анализ усули орқали текшириш.

8. Сўров, анкета ва тестлар усуллари.

**Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

1. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с.
5. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
6. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т.: 2000, 185 б.
7. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999, 94 б.
8. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
9. Бурлачук Ф. Психодиагностика. “Питер”, 2002.
7. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
8. [www.psychology.all.ru](http://www.psychology.all.ru)
9. [www.psychology.net.ru](http://www.psychology.net.ru)



## IV БОБ

### ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА МУОМАЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Мулоқот ва шахслараро муносабатлар - ижтимоий психологиянинг мавзuidир.

Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни.

Мулоқот шакллари ва босқичлари.

Мулоқотнинг психологик тизими ва вазифалари.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Мулоқот ва шахслараро муносабатларнинг ижтимоий психология фани предмети эканлиги. Мулоқотнинг кўп қиррали жараён эканлигига оид Б.Паригин фикрлари. Шахслараро мулоқотнинг шахс тараққиётидаги ўрни. Мулоқотнинг функциялари: бир-бирини тушуниш, ижтимоий тажрибага асос солиш, фаолиятга ҳозирлаш, руҳлантириш.

Мулоқотнинг ўз-ўзи билан мулоқот, бошқалар билан мулоқот, авлодлараро мулоқот босқичлари ва уларнинг ўзига хос характеристикалари. Мулоқотнинг расмий ва норасмий шакллари ва уларнинг шахс учун қулай ҳамда ноқулай жиҳатлари. Мулоқотнинг турлари: ижтимоий йўналтирилган, гуруҳдаги предметга кўра, шахсий ва педагогик мулоқот. Мулоқотнинг юзма-юз, техник воситалар (телефон, телеграф), диалогик, монологик турлари.

Мулоқотнинг психологик тизимини Г.Андреева бўйича структураси: мулоқотнинг коммуникатив томони, мулоқотнинг интерактив томони, мулоқотнинг перцептив томони. Б.Ломов бўйича мулоқотнинг функциялари: маълумотлар алмашинуви, ҳулқ-атвор бошқаруви, ҳиссиётлар алмашинуви.

#### **Мулоқот ва шахслараро муносабатлар - ижтимоий психологиянинг мавзuidир**

**Мулоқот** одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни — жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир инсон учун аҳамияти каттадир.

Мулоқот - одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Яъни, ҳар бир шахснинг жамиятда бажарадиган фаолиятлари (меҳнат, ўқиш, ўйин, ижод қилиш ва бошқалар) ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шаклларини ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай иш одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишни, бир-бирларига турли хил маълумотларни узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, обрўси унинг мулоқотга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир.

Бир қарашда осонгина туюлган шахслараро мулоқот аслида жуда мураккаб жараён бўлиб, унга одам ҳаёти мобайнида ўрганиб боради. Мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Паригин

шундай ёзади: «Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни».

### **Шахсларро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни**

Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилатлари, хаттоки, нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди. Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг функцияларини таҳлил қиламиз.

Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - суҳбатдошларнинг ўзаро бир - бирини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом - алик, очик юз билан кутиб олишдан бошланади. Ўзбек халқининг энг нодир ва буюк ҳислатларидан бири ҳам шуки, уйига биров кириб келса, албатта очик юз билан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол - аҳвол сўрайди. Шуниси характерлики, таъзияга борган чоғда ҳам ана шундай самимиятли қабулни ҳис қиламиз.

Унинг **иккинчи** муҳим функцияси ижтимоий тажрибага асос солишдир. Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич ҳайвонлар томонидан ўғриланиб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатганки, «мауглилар» биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади. Бундан ташқари, бундай ҳолат боладаги билиш қобилиятларини ҳам чеклаши кўплаб психологик экспериментларда ўз исботини топди.

Мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси - у одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, руҳлантиради. Одамлар гуруҳидан узоқлашган, улар назаридан қолган одамнинг кўли ишга ҳам бормайди, борса ҳам жамиятга эмас, балки фақат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, кўплаб тадқиқотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишнинг унинг руҳиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узоқ вақт термокамерада бўлган одамда идрок, тафаккур, хотира, ҳиссий ҳолатларнинг бузилиши қайд этилган. Лекин атайлаб эмас, тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг мақсадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган. Лекин барибир ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувозанатсизлик, ҳиссиётга берилувчанлик, хадиксираш, хавотирланиш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлганлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки ҳис қилаётган нарсаси хусусидаги

гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Масалан, бир М.Сифр деган олим илмий мақсадларини амалга ошириш учун 63 кун ғор ичида яшаган экан. Унинг кейинчалик ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. «Биз, деб ёзади у шу ҳаётсиз ғор ичидаги танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўргимчак билан гаплаша бошладим, унинг тақдири учун қайғура бошладим...»

Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу муҳитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамни ишлаш қобилиятини ҳам ошираркан, айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма - ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз олдида турган ҳамкасбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва кўшимча ирода топади. Тўғри, бу ҳамкорликда ўша ёнидаги одам унга ёқса, улар ўртасида ўзаро симпатия ҳисси бўлса, унда одам ишга «байрамга келгандай» келадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Жон Морено асримиз бошидаёқ ана шу омилнинг унумдорликка бевосита таъсирини ўрганиб, социометрик технологияни, яъни сўровнома асосида бир - бирини ёқтирган ва бир - бирини инкор қилувчиларни аниқлаган ва социометрия методикасига асос солган эди.

Шундай қилиб, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини яқка тартибда эмас, балки коллегиял - биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлигини ҳисобга олсак, одамларнинг муомала маданияти ва мулоқат техникаси меҳнат унумдорлиги ҳамда самарадорликнинг муҳим омилларидандир.

### **Мулоқотнинг шакллари ва босқичлари**

Мулоқот жараёни ўзига хос равишда мураккаб бўлиб, бунда уч хил босқич мавжуд.

Дастлабки босқич — **одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир**. Т.Шибутани “Ижтимоий психология” дарслигида: «Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади»— деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг ҳарактерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак у бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш мумкин. Демак **бошқалар билан мулоқот**— мулоқотнинг иккинчи босқичидир.

А. Н. Леонтьев ўзининг “Психика тараққиётидан очерклар” китобида мулоқотнинг учинчи шакли—**авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг** аҳамияти тўғрисида шундай деб ёзади: «Агар барча катта авлод ўлиб кетганида, инсоният тури йўқ бўлиб кетмасди, лекин жамиятнинг тараққиёти анча орқага сурилибгина эмас, балки йўқолиб ҳам кетиши мумкин эди». Ҳақиқатан ҳам,

авлодлараро мулоқотнинг борлиги туфайли ҳар бир жамиятнинг ўз маданияти, маданий бойликлари, кадриятлари мавжуд бўладики, бунинг аҳамиятини тушунган инсониятнинг энг илғор вакиллари уни доимо кейинги авлодлар учун сақлаб келадилар ҳамда таълим, тарбия ва кундалик мулоқот жараёнида уни авлоддан-авлодга узатадилар.

Мулоқотнинг ҳаётимиздаги шакл ва кўринишларига келсак унинг ҳар бир шахснинг ҳаётий вазиятларга мос келадиган, ўша вазиятлардан келиб чиқадиган кўринишлари ва турлари ҳақида гапириш мумкин. Лекин умумий ҳолда ҳар қандай мулоқот ё расмий ёки норасмий тусда бўлади. Агар **расмий мулоқот** одамларнинг жамиятда бажарадиган расмий вазифалари ва хулқ-атвор нормаларидан келиб чиқса, масалан, раҳбарнинг ўз қўл остида ишлаётган ходимлар билан мулоқоти, профессорнинг талаба билан мулоқоти ва ҳоказо, норасмий мулоқот — бу одамнинг шахсий муносабатларига таянади ва унинг мазмуни ўша суҳбатдошларнинг фикр-ўйлари, ният-мақсадлари ва эмоционал муносабатлари билан белгиланади. Масалан, дўстлар суҳбатдоши, поездда узок сафарга чиққан йўловчилар суҳбати, танаффус вақтида талабаларнинг спорт, мода, шахсий муносабатлар борасидаги мунозаралари. Одамларнинг асл табиатларига мос бўлгани учун ҳам **норасмий мулоқот** доимо одамларнинг ҳаётида кўпроқ вақтини олади ва бунда улар чарчамайдилар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, одамда ана шундай мулоқотга ҳам қобилиятлар керак, яъни унинг қанчалик сергаплиги, очик кўнгиллиги, суҳбатлашиш йўллари билиш, тил топишиш қобилияти, ўзгаларни тушуниши ва бошқа шахсий сифатлари кундалик мулоқотнинг самарасига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳамма одам ҳам раҳбар бўлолмайди, айниқса, педагогик ишга ҳамма ҳам қўл уравермайди, чунки бунинг учун ундан ҳам расмий, ҳам норасмий мулоқот техникасидан хабардорлик талаб қилинади.

Мулоқот мавзуи ва йўналишига кўра, унинг:

- ижтимоий йўналтирилган (кенг жамоатчиликка қаратилган ва жамият манфаатларидан келиб чиқадиган мулоқот);
- гуруҳдаги предметга йўналтирилган (ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш мобайнидаги мулоқот — меҳнат, таълим жараёнидаги ёки конкрет топшириқни бажариш жараёнида гуруҳ аъзоларининг мулоқоти);
- шахсий мулоқот (бир шахснинг бошқа шахс билан ўз муаммоларини очиш мақсадида ўрнатган муносабатлари); педагогик мулоқот (педагогик жараёнда иштирок этувчилар ўртасида амалга ошириладиган мураккаб ўзаро таъсир жараёни) турлари фарқланади.

Мулоқотнинг тури ва шакллари турличадир. Масалан, бу фаолият бевосита «юзма - юз» бўлиши ёки у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали амалга ошириладиган; бирор профессионал фаолият жараёнидаги амалий ёки дўстона бўлиши; субъект - субъект типли (диалогик, шериклик) ёки субъект - объектли (монологик) бўлиши мумкин.

Ҳар бир мулоқот турининг ўз қонун-қоидалари, таъсир усуллари ва йўл-йўриқлари борки, уларни билиш ҳар бир кишининг, айниқса одамлар билан доимо мулоқотда бўладиганларнинг бурчидир.

## Мулоқотнинг психологик тизими ва вазифалари

Мулоқот мураккаб жараён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқот шаклини анализ қилганимизда, унда жуда хилма-хил кўринишлар, компонентлар ва қисмлар борлигини

Мулоқот - одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни — жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради.

Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

Мулоқотнинг  
вазифалари

1. Суҳбатдошларнинг ўзаро *бир - бирини тушунишларини* таъминлаш;
2. Ижтимоий тажрибага асос солиш (мауглилар);
3. Одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлаш, руҳлантириш (М.Сифр).

Мулоқот  
босқичлари

1. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти;
2. Бошқалар билан мулоқот;
3. Авлодлар ўртасидаги

Мулоқот  
кўринишлари

1. Расмий;
2. Норасмий;
3. Шахсий;
4. Ижтимоий йўналтирилган;
5. Гуруҳдаги предметга йўналтирилган

Мулоқот тури  
ва шакллари

Бевосита «юзма - юз» бўлиши;  
У ёки бу *техник воситалар* (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали; профессионал фаолиятда *амалий ёки дўстона* бўлиши; *субъект - субъект* типли (диалогик, шериклик) ёки *субъект - объектли* (монологик) бўлиши мумкин.

аниқлашимиз мумкин.

Мулоқот жараёнининг мураккаб психологик табиатини билиш, турли шароитларда самарали муносабатлар ўрнатиш малакасини ошириш учун унинг

таркибига кирувчи ҳар бир элемент ёки бўлақлар билан алоҳида танишиб чиқамиз.

Г.М.Андреева мулоқотнинг қуйидаги психологик тузилишини таклиф этади:

1. Мулоқотнинг коммуникатив томони (яъни мулоқотга киришувчилар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёни).

2. Мулоқотнинг интерактив томони (яъни мулоқотга киришувчи томонларнинг хулқ-атворларига таъсир жараёни).

3. Мулоқотнинг перцептив томони (яъни мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён).

Бу структуранинг ҳар бир томонини батафсил кўриб чиқамиз.

Кўпгина олимлар мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятига тўхталиб ўтар эканлар, унинг қатор вазифалари, функцияларини ажратадилар. Масалан, таниқли рус олими Б.Ф.Ломов унинг функцияларига қуйидагиларни киритади:

а) маълумотлар алмашинуви функцияси;

б) хулқ-атворни бошқарув функцияси;

в) ҳиссиётлар алмашинуви.

Бу функциялар аслида Г.М.Андреева ажратган мулоқот қисмларига ҳам мос келади, яъни ҳар бир мулоқот жараёнида Б.Ф.Ломов қайд этган вазифаларни топиш мумкин.

### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Мазкур мавзу орқали мулоқотнинг ижтимоий таъсир воситаси сифатида вазифалари, шахс тараққиётида тутган ўрни, унинг турлари, шакллари, босқичлари, психологик тузилишига оид маълумотлар, билим, малака ва кўникмалар шакллантирилади.

### **Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

1. Мулоқот ва шахслараро муносабатлар ижтимоий психологиянинг мавзуидир.
2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни.
3. Мулоқот шакллари ва босқичлари.
4. Мулоқотнинг психологик тизими ва вазифалари.

### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

4. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
5. “Психология” Уч. Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
6. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая риторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКЦ “МарТ”, 2004-512 с.
7. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003. 320 с.
8. [www.psycho.all.ru](http://www.psycho.all.ru)
9. [www.psychology.net.ru](http://www.psychology.net.ru)

## V БОБ

---

### МУОМАЛАНИНГ КОММУНИКАТИВ, ИНТЕРАКТИВ ВА ПЕРЦЕПТИВ ТОМОНЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ

---

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Мулоқотнинг коммуникатив томони - маълумотлар алмашинув жараёнидир.

Мулоқотнинг вербал, новербал, паралингвистик воситалари.

Мулоқотнинг интерактив томони.

Мулоқотнинг перцептив томони.

Мулоқотда психологик таъсир масалалари.

Мулоқотда низоли ҳолатлар ва шахс тоифалари.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Мулоқотнинг коммуникатив томони - маълумотлар алмашинуви жараёни эканлиги. Алоқа воситаси сифатида нутқнинг ёзма ва оғзаки нутқ турлари, оғзаки нутқнинг диалогик ва монологик турлари. Монологик нутқга кўйиладиган талаблар. Мулоқотнинг вербал, новербал ва паралингвистик таъсир воситалари. Новербал воситаларнинг миллий ва ҳудудий хусусиятлари. Новербал мулоқотда суҳбатдошларнинг фазовий жойлашувлари, жинсий ёндашувлари. Таълим-тарбия жараёнида паралингвистик таъсирни эътиборга олиш шартлари.

Мулоқотнинг интерактив томони - амалий жиҳатдан таъсир этиш жараёни эканлиги. Жамиятда қабул қилинган норма ва қонун-қоидаларнинг ҳуқ-атворда намоён бўлиши, бунда ижтимоий назорат тизимининг амалга ошиши. Ўзаро мулоқотда кутишлар тизимининг бажарилиши. Ижтимоий роллар ва роллар зиддияти. Ўзаро мулоқотда психологик таъсир, шахс обрўсининг психологик таъсир воситаси эканлиги.

Мулоқотнинг перцептив томони - тушуниш, хиссий идрок этиш жараёни эканлиги. А.Бодалевнинг идрок этиш механизмларига оид фикрлари. Бу механизмлар: идентификация, рефлексия, стереотипизация эканлиги ва ҳар бирининг ўзига хос функциялари, таъсир этиш қонунлари. Мулоқотда психологик таъсир масалалари: вербал, новербал, паралингвистик таъсир усуллари. Мулоқотда тинглаш техникаси ва стратегияси: актив ҳолат, самимий қизиқиш, уйчан жимлик.

#### **Мулоқотнинг коммуникатив томони - маълумотлар алмашинув жараёнидир**

Мулоқотнинг коммуникатив томони дейилганда, унинг шахслараро ахборотлар, билимлар, ғоялар, фикрлар алмашинуви жараёни сифатидаги вазифалари назарда тутилади. Бу жараённинг асосий воситаси бўлиб тил хизмат қилади. Тил шахслар ўртасида алоқа воситаси бўлиб, унинг ёрдамида кишилар билган маълумотлари ва ҳоказоларни бир-бирларига етказадилар. Маълумки, алоқа воситаси сифатида нутқнинг асосан 2 тури фарқланади: ёзма



нутқ ҳамда оғзаки нутқ. Оғзаки нутқнинг ўзи **диалогик** ва **монологик** турларга бўлинади.

Диалогик нутқнинг мазмуни, унинг характери, давомийлиги мулоқотга киришган шахсларнинг шахсий қарашларига, қизиқишларига, бир-бирларига бўлган муносабатларига, мақсадларига бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи билан ўқувчининг, ҳиссий раҳбарларнинг, дипломатларнинг, кўчада учрашиб қолган дугоналарнинг диалогик суҳбатлари бир-биридан фарк қилади.

Монологик нутқ эса бир кишининг бошқа кишига ёки кишилар гуруҳига нисбатан мурожаати бўлиб, унинг психологик тузилиши, фикрларнинг мантиқан тугал бўлиши, гапираётган пайтда грамматик қонун-қоидаларга риоя қилиш кераклиги каби шартлари мавжуд. Масалан, маърузага тайёрланаётган талаба тайёргарлик пайтидан бошлаб, маъруза қилиб бўлгунга қадар, қатор ички руҳий кечинмаларни бошдан кечиради, унга кўп куч ва вақт сарфлайди. Диалогик нутққа нисбатан бу нутқ тури мураккаброқ ҳисобланади. Тил воситасида олиб бориладиган мулоқот вербал, яъни сўзли дейилади.

### **Мулоқотнинг вербал, новербал, паралингвистик таъсир воситалари**

Одамлар мулоқот жараёнида сўзлардан ташқари, яъни вербал воситалардан ташқари турли хил ҳаракатлардан, қилиқлардан ҳолатлардан, кулгу, оҳанглар ва бошқалардан ҳам фойдаланадилар. Қилиқлар, мимика, оҳанглар, тўхташлар (пауза), ҳиссий ҳолатлар, кулгу, йиғи, кўз қарашлар, юз ифодалари ва бошқалар ўзаро мулоқотнинг нутқсиз воситалари бўлиб, улар мулоқот жараёни янада кучайтириб, уни тўлдиради, баъзан эса нутқли мулоқотнинг ўрнини босади, бундай воситаларни новербал воситалар дейилади.

Буюк рус ёзувчиси Л. Толстой одамларда 97 хил кулгу тури ҳамда 85 хил кўз қарашлари тури борлигини кузатган. Г. М. Андреевнинг ёзишича, одам юз ифодалари, нигоҳларнинг 2000 га яқин кўринишлари бор. Айниқса, биринчи бор учрашганда кўзлар тўкнашуви, нигоҳларнинг роли кейинги мулоқотнинг тақдирига кучли таъсир кўрсатиши махсус тадқиқотлар жараёнида ўрганилган. Буларнинг барчаси мулоқотнинг ҳиссий томондан бой, мазмундор бўлишини таъминлаб, одамларнинг бир-бирларини тушунишларига ёрдам беради. Мулоқотнинг новербал воситаларининг миллий ҳамда худудий хусусиятлари борлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Масалан, ўзбек халқининг мулоқот жараёни бой, ўзаро муносабатларининг бевосита характери унда шундай воситаларнинг кўпроқ ишлатилиши билан боғлиқ. Болаларнинг ўз йиғиси билан онасига ўз ҳис-кечинмалари ҳамда хоҳишларини билдиришлари ҳам болаларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ. Бошқа миллатлар маданиятига назар ташланадиган бўлса, уларда ҳам баъзи бир мулоқот воситаларининг турли миллатларда турли мақсадларда ишлатилишининг гувоҳи бўлиш мумкин. Болгарлар агар бирон нарса бўйича фикрни тасдиқламоқчи бўлишса, бошларини у ёқ-бу ёққа чайқашар, инкор қилишмоқчи бўлса, аксинча, бош силташар экан. Маълумки, ўзбеклар, руслар ва бир қатор бошқа миллатларда бунинг акси.

Новербал мулоқотда суҳбатдошларнинг фазовий жойлашувлари ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, аёллар кўпроқ ҳиссиётларга бой бўлганликлари сабабли, суҳбатлашаётганларида бир-бирларига яқин туриб гаплашадилар, эркаклар ўртасида эса доимо фазовий масофа бўлади. Олимларнинг аниқлашларича, болаларни одатдагидай орқама-кетин ўтказиб ўқитгандан кўра, уларни юзма-юз ўтказиб давра куриб ўқитган маъқул эмиш, чунки бундай шароитда ўқувчиларда ҳам жавобгарлик ҳисси юқориқроқ бўлар экан ҳамда эмоциялар алмашилиши учун ҳам гуруҳдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир-бирларига муносабатлари анча яхши бўлар экан.

**Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб - пишиб, очиқ юз ва дадил овоз билан «Албатта бажараман!», деса ишонамиз, албатта.

Демак, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда мулоқотнинг барча воситаларига, айниқса, нутққа эътибор бериш керак. Болаларни илк ёшлик чоғлариданок нутқ маданиятига ўргатиш, нутқларини ўстириш чораларини кўриш зарур. Педагог эса шундай нутқ маданиятига эга бўлиши керакки, у аввало унинг фаолиятини тўғри ташкил этишни таъминласин, қолаверса, болаларда нутқнинг ўсишига имконият берсин.

### **Мулоқотнинг интерактив томони**

Мулоқотнинг бу хусусияти кишиларнинг мулоқот жараёнида биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу туфайли одамлар ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларини намоён этишлари мумкин. Шу туфайли ўқитувчи бола шахсига мақсадга йўналган ҳолда таъсир кўрсатиши мумкин. Аслини олганда, ҳар қандай мулоқот, агар у бемаъни, мақсадсиз, куруқ гаплардан иборат бўлмаса, доимо мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворларини, уларнинг установакаларини ўзгартириш имкониятига эга.

Жамият миқёсида оладиган бўлсак, одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари, хулқ-атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-қоидалардир. Чунки, ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсир жараёнларида шундай хатти-ҳаракатлар образлари кишилар онгига сингиб борадики, уларни ҳар бир киши норма сифатида қабул қилади. Масалан, ўсмир бола, умуман ёшлар жамоат жойларида катталарга ўрин бўшатиб беришлари кераклиги ҳам хулқ-атворнинг бир нормаси. Шу нормага амал қилиш ёки қилмаслик ижтимоий назорат тизими орқали бошқарилади. Яъни, юқоридаги шароитда агар ўсмир бола автобусда қарияга жой бўшатмаса, жамоатчилик ўша заҳоти уни ижтимоий тартибга чақиради. Демак, ҳар бир шахс турли шароитларда турлича ролларни бажаради, бу ролларнинг қандай

бажарилаётганлиги, одамларнинг кутишларига мос келишлиги ижтимоий назорат тизими орқали кузатиб турилади. Шунинг учун ҳам мулоқотга киришган кишилар доимо ўз хулқ-атворларини, қолаверса, ўзгаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб, ҳаракатларда бир-бирларига мослашадилар. Лекин гоҳида шахсдаги ролларнинг кўп бўлиши ролларнинг зиддиятига олиб келиши мумкин. Масалан, мактаб ўқитувчисининг ўзи ўқитаётган синфда фарзанди бўлса, дарс пайтида шундай зиддиятни бошдан кечириши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ота ёки она, ҳам ўқитувчи ролини бажаришга мажбур бўлади. Ёки хулқи ёмон ўқувчининг уйига келган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам меҳмон роллари ўртасида қийналади.

Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро мулоқотлари кутишлар тизими орқали бошқарилади. Масалан, хоҳлайдими ёки хоҳламайдими, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутишадими, улар ўқитувчи ролига зид бўлмаслиги керак. Ўз ролларига мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли ҳаракатлар деб аталади. Масалан, ўқитувчининг одоби, ўз касбини устаси эканлиги, болалар қалбини тушуна олиши, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши унинг одобга эга эканлигининг белгисидир. Одобсиз одам эса бунинг аксидир.

Демак, ўзаро мулоқот жараёнида бир одам иккинчи одамга психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан ҳам англаниши ёки англанмаслиги мумкин. Яъни, баъзан биз нима учун бир шахснинг бизга нақадар кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса, аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигини тушуниб етмаймиз. Бу эса педагогикада муҳим муаммодир. Ҳар бир педагогнинг ўз таъсир услублари ва таъсир кучи бўлади. Ўқитувчи шахсининг болаларга таъсири қуйидаги экспериментда жуда яққол кузатилган. Бошланғич синф ўқувчиларига анчагина ўйинчоқлар бериб, шуларнинг ичида фақат биттасига, қизил ёғоч ўйинчоққа тегмаслик айтилган. Болалар ёлғиз қолдирилиб, ҳаракатлари пинхона кузатилган. Жуда кўп болалар таққиланган ўйинчоққа барибир тегишган. Экспериментнинг иккинчи сериясида эса энди барча ўйинчоққа тегиш мумкин-у, фақат қизил кутичанинг қопқоғини очиш мумкин эмас, деб айтилган. Шу кутича тепасига эса шу болаларнинг ўқитувчиси сурати илиб қўйишган. Бу серияда биринчисига қараганда “таъқиқни бузувчилар” сони кескин камайган. Демак, бу нарса ўқитувчи шахсининг бола ҳаракатларига таъсирини яққол исботлаб турибди.

Шахслараро таъсир ҳақида гап кетганда, ўқитувчи обрўининг роли ҳақида ҳам айтиш лозим. Чунки, обрўли одам доимо ўша обрў қозонган гуруҳида ўз мавқеига ва таъсирига эга бўлади. Шахс обрўи унинг бошқа шахсларга иродавий ва эмоционал таъсир кўрсата олиш қобилиятидир. Маълумки, обрў амал ёки ҳаётий тажриба билангина орттирилмай, унинг ҳақиқий асоси — шахснинг одамлар билан тўғри муносабати, ундаги одамийлик хислатларининг, бошқа ижобий хислатларининг уйғунлашувидадир. Психологик обрў — таъсир кўрсатишнинг энг муҳим мезонидир.

## Мулоқотнинг перцептив томони

Мулоқот жараёнида одамлар бир-бирлари билан маълумотлар алмашиб, ўзаро таъсир кўрсатибгина қолмай, балки бир-бирларини тўғрироқ ва аниқроқ англашга, тушунишга ва идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Бу томон шахсий идрок ва тушуниш муаммоси билан боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият жараёнида шахсларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари на аниқ идрок қилишлари мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Рус психологи А.А. Бодалев бошчилигидаги лаборатория бир-бирларини идрок қилиш механизмларини аниқлаш борасида қатор психологик қонуниятларни кузатган. Бундай механизмларга:

- идентификация;
- рефлексия;
- стереотипизация киради.

**Идентификация** шундай психологик ҳодисаки, бунда суҳбатдошлар бир-бирларини тўғрироқ идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қиладилар. Яъни, ўзидаги билимлар, тасаввурлар, ҳислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини биров билан солиштириш (онгли ёки онгсиз) идентификациядир. Масалан, биринчи марта учрашувга кетаётган йигитнинг ички ҳолатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

**Рефлексия** мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан, ҳолатидан туриб, ўзини тасаввур қилишдир, яъни рефлексия, бошқа одамнинг идрокига тааллуқли бўлиб ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир. Чунки, бусиз одам мулоқот жараёнида ўзини аниқ билмаслиги, нотўғри мулоқот формаларини танлаши мумкин.

**Стереотипизация** одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш ҳолларидир. Ижтимоий стереотиплар ҳар бир шахсда у ёки бу гуруҳли кишилар ҳақида шаклланган образлардир. А.А. Бодалев ва унинг шогирдлари бундай стереотиплар баъзан мулоқотни тўғри йўналганлигини таъминласа, бошқа ҳолларда эса ундаги хатоликларнинг сабаби бўлиши мумкинлигини кузатишган. Идрок ва тушуниш борасидаги бундай хатоликлар **каузал атрибуция** (лотинчасига “кауза” — сабаб, “атребуцио” — бермоқ, кўшиб бермоқ маъносини билдиради) деб аталади. Масалан, ўқитувчи билан ҳамсуҳбат бўлиб қолган одамда суҳбат бошидаёқ “ҳозир одоб-ахлоқдан дарс беришни бошламасмикан” деган шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳам стереотип. Бундан ташқари, одамлар биринчи марта кўрган одам тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мақсадида унинг ташқи қиёфаси билан характери ўртасида боғлиқликлар ўрнатишга ҳаракат қиларкан, шундай боғлиқликларни аниқлаш мақсадида А.А. Бодалев талабалар гуруҳига турлича қиёфали шахсларнинг фотосуратларини кўрсатган. 72 кишидан 9 таси ияги катта кишилар кучли ирода эгалари эканлигини, 17 таси пешонаси кенг одамлар ақлли эканликларини, 3 киши сочи қаттиқ одамларнинг қайсарроқ, қатъий эканликларини, 5 киши кичик бўйли одамлар ҳокимиятга интилган, бошқалар

устидан буйруқ беришга мойил, чиройли одамлар ё ўта ўзига бино қўйган ёки нодон бўлишлигини айтишган ва ҳоказо.

Табиийки, бундай фикрлар мутлақ тўғри эмас, лекин кишилар онгида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Нотаниш одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида берилган бирламчи маълумот катта роль ўйнайди. Масалан, талабаларнинг икки гуруҳига бир хил портрет кўрсатиб, биринчи гуруҳда бу одам йирик олим, иккинчисида эса, бу — давлат жиноятчиси деб, унга иккала ҳолда ҳам ижтимоий-психологик характеристика беришларини сўраган. Кўрсатмалар ҳар хил бўлганлиги сабабли берилган таърифлар ҳам ҳар хил бўлган. Биринчи гуруҳдаги талабалар бу одам меҳнатқаш, меҳрибон, шафқатли, ғамхўр, ақлли бўлса керак, дейишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар уни – бешафқат, маккор, қатъиятли деб таърифлашган. Биринчи гуруҳдагилар портретдаги кўзларни доно, мулойим дейишган бўлса, бошқалар уларни ёвуз, бешафқат деб айтишган.

Шундай қилиб, ижтимоий перцепция ёки одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этиш ва тушуниш жараёни мулоқотнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бу жараён психологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унда мулоқотга киришаётган томонларнинг ҳар бири алоҳида ана шу идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб фаолият кўрсатадилар. Идрокнинг объекти сифатида шахс қаралганда, унда ҳосил бўладиган “бошқа одам образи” нинг барча сифатлари ва қирралари назарда тутилади. Бундай образ пайдо бўлишига хизмат қиладиган белгиларга: ўша одамнинг ташқи қиёфаси, унинг кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози, нутқи, қилиқлари, юриши ва ҳоказолар қиради. Лекин шуларнинг ичида одамнинг **юзи** мулоқот мобайнида суҳбатдошга энг кўп маълумот берадиган объектдир. Шунинг учун ҳам телефонда суҳбатлашгандан кўра юзма-юз суҳбатлашиш анча осон ва ахборотларга бойдир.

Одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этишлари уларнинг перцептив, яъни ҳиссий билиш (идрок сезиш) соҳасига алоқадор бўлса, бир-бирларини тушуниши уларнинг тафаккур соҳаларига бевосита боғлиқ мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига қира олган ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, унда **эмпатия** — бировларнинг ҳис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, “кўпни кўрган” шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

### **Мулоқотда психологик таъсир масалалари**

Одамлар бир - бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири - ўзаро бир - бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр - ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдир. Психологик таъсир - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти - ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фаркланади.

**10. Вербал таъсир** - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки, нутқ - бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси - сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам одам ўзидаги барча сўзлар заҳирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрсатишни хоҳлайди.

**11. Новербал таъсирнинг** маъноси «нутқсиз»дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир - бирларига нисбатан тутган ўринлари, холатлари (яқин, ўзоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир - бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, ҳидлар) киради.

**12. Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, суҳбатдошларнинг бир - бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, агар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ўртоғингиз сизга қарамай, атрофга аланглаб, «Кўрганимдан бирам хурсандман», деса, ишонасизми?

Мулоқот жараёнидаги характерли нарса шундаки, суҳбатдошлар бир - бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишни ўйлар экан. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги ҳаракатлар муҳим роль ўйнарган. Масалан, машҳур америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин халқ ичида юрган бир мақол тўғри : «Уст - бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади».

Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. Таъсирнинг ташаббускори - бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдалади. Агар бошлиқ иши тушиб, бирор ходимни хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, хол - аҳволни ҳам куюкроқ сўрайди ва сўнгра гапнинг асосий қисмига ўтади.

Таъсирнинг адресати - таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг суҳбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса, ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

Шу ўринда одамларни самарали мулоқотга ўргатиш муаммоси ҳақида келтирмоқчимиз. Чунки бугунги кунда бу муаммо ижтимоий психологиянинг муҳим масалаларидандир.

Маълумки, гаплашаётган одамлар бири гапиради, иккинчиси тинглайди, эшитади. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир - бирини тўлдиришига боғлиқ экан. Нотўғри тасаввурлардан бири шуки, одамни муомала ёки мулоқотга ўргатганда, уни фақат гапиришга, мантиқан асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиришга ўргатишади. Унинг иккинчи томони - тинглаш қобилиятига деярли эътибор берилмайди. Машҳур америкалик нотик, психолог Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош - яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир» деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ишлаётган одамлар вақтининг 45%и тинглаш жараёнига кетар экан, одамлар билан доимий мулоқотда бўладиганлар 35 - 40 % ойлик маошларини одамларни «тинглаганлари» учун оларканлар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан ҳисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтираркан.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шопенгауэр «Одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг» деб ёзган экан. Дарҳақиқат, агар сиз куюниб гапирсангизу, суҳбатдошингиз сизни тингламас, бошқа нарса билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафақат ранжийсиз, балки у билан алоқани ҳам узасиз. Ўқитувчи гапираётган пайтда уни тингламаслик одобсизликнинг энг кенг тарқалган кўриниши деб баҳоланишини биласизми?

Нима учун биз кўпинча яхши гапирувчи, сўзловчи бўла оламиз-у, яхши тингловчи бўла олмаймиз? Психологларнинг фикрича, асосий халақит берувчи нарса - бу бизнинг ўз фикр - ўйларимиз ва хоҳишларимиз оғушида бўлиб қолишимиздир. Шунинг учун ҳам баъзан расман шеригимизни тинглаётгандай бўламиз, лекин аслида хаёлимиз бошқа ерда бўлади. Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш техникаси, усуллари мавжуд. Уларнинг тури ҳам кўп, лекин асосан биз кундалик ҳаётда унинг икки усулини қўллаймиз: сўзма - сўз қайтариш ва бошқача талқин этиш. Биринчиси, суҳбатдош сўзларининг бир қисмини ёки яхлитича қайтариш орқали, шерикни қўллаб - қувватлашни билдиради. Иккинчи усул эса - шеригимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни мухтасар, ўзимизнинг талқинимизда ифода этиш. Иккала усул ҳам шерик учун муҳим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, хаттоки, ундаги ғояларга қарши эмаслигингизни билдиради. Бундай ташқари, биз яхши тинглаётган бўлиб, «Йўқ-э?», «Наҳотки?», «Қара-я?», «Яша!» луқмалари билан ҳам суҳбатдошимизни гапиришга, янаям ўз фикрларини ойдинлаштиришга чақириб тураемиз.

Демак, аслида биздаги гапираётган шахс етакчи, у суҳбатнинг мутлоқ хоқими, деган тасаввур унчалик тўғри эмас. Яхши тинглашда ҳам шундай куч борки, у суҳбатдошни Сизга жуда яқинлаштиради, ишончни туғдиради. Чунки мулоқот жараёнидаги энг қимматли нарса - бу ахборотнинг ўзи. Тинглаётган одам маънили, яхши диалогдан фақат яхши, фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидаги борини бериб, гапирмайдиган суҳбатдошдан

«тескари алоқани» олиб улгурмай, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун мулоқотга ўргатишнинг муҳим йўналишларидан бири - одамларни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатишдир. Бу борада профессионал тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

■ актив ҳолат. Бу - агар кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигинингизни билдиришни назарда тутати;

■ суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш. Бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир.

■ ўйчан жимлик. Бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзинингизнинг суҳбатдан манфаатдорлигинингизни билдириш йўли.

Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз - ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби унчалик пассив жараён эмас экан. Унинг мулоқотнинг самарали бўлишидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади. Шунинг учун маърузачи профессорнинг ҳар бир чиқиши ва маърузаси агар талабалар томонидан диққат билан тингланса, бу педагогик мулоқотдан иккала томон ҳам тенг ютади.

Агар мулоқот жараёнида иштирок этувчи икки жараён - гапириш ва тинглашнинг фаол ўзаро таъсир учун тенг аҳамиятини назарда тутсак, бу жараён қатнашчиларининг психологик саводхонлиги ва мулоқот техникасини эгаллашининг аҳамиятини англаш қийин бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда одамларни самарали мулоқотга атайлаб ўргатишга жуда катта эътибор берилади. Бу борадаги фаннинг ўз услуби бўлиб, унинг номи **ижтимоий психологик тренинг** (ИПТ) деб аталади. ИПТ - мулоқот жараёнига одамларни психологик жиҳатдан ҳозирлаш, уларда зарур коммуникатив малакаларни шакллантиришдир. Энг муҳими ИПТ мобайнида одамларнинг мулоқот борасидаги билимдонлиги ортади.

### **Мулоқотда низолар ҳолатлар ва шахс тоифалари**

Ўз вақтида Банопарт Наполеон шундай ёзган экан: “Қилич билан ҳар нарса қилиш мумкин, фақат унинг устига ўтириб бўлмайди”. Бу фикрида у кўпинча инсонлар ўртасида бўлиб турадиган низоларни, зиддиятларни назарда тутган экан. Чунки тоталитар ёки диктаторлик бошқаруви шароитида зиддиятларнинг бўлиши табиий бўлиб, унинг ягона ечими - узил-кесил уни ҳал қилиш чораларини излаш бўлган. Лекин демократик муносабатлар шароитидаги раҳбар ҳамда унинг қўл остидагилар ўртасида ёки ходимлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ёки зиддиятларнинг табиати ва моҳияти бироз бошқача бўлади.



Аввало шуни эътироф этиш лозимки, инсоний муносабатларнинг ҳар қандай тизимида ҳам фикрларнинг ранг-баранг бўлиши ва улар ўртасида фарқ бўлиши муқаррар ҳолдир. Лекин ана шундай фикрлардаги фарқни салбий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди.

Нима сабабдан меҳнат жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади. Бунинг бир неча сабаблари бор:

- алоҳида шахс ва жамоатчилик манфаатларининг мос келмаслиги;
- айрим алоҳида жамоа аъзолари хатти-ҳаракатларининг ижтимоий, группавий нормаларга зид келиши (тартибсизлик, интизомнинг бузилиши, маҳсулотдаги брак, ишнинг самарасизлиги ва б.қ.);
- жамоа аъзолари қарашларидаги номувофикликлар;
- ишни ташкил этиш ва меҳнатга муносабатдаги фарқлар;
- ишчи-ҳодимлар ўртасидаги вазифаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳ-зо.

Демак, юқоридаги ҳолатларкўп ҳолларда куйидаги турдаги низоли вазиятларни келтириб чиқаради:

- 7) таъсирнинг йўналишига кўра: вертикал ва горизонтал;
- 8) низони ҳал қилиш усулига кўра: антогонистик ва келишувга олиб келадиган низолар - компромисс;
- 9) намоён бўлиш даражасига кўра: очиқ, яшириш, потенциал, асосли;
- 10) иштирокчилар сонига кўра: шахсий, шахслараро, гуруҳлараро;
- 11) келиб чиқиш табиатига кўра: миллий, этник, миллатлараро, ишлаб чиқариш, ҳиссий-эмоционал.

**Агар юқоридагиларни таҳлил қиладиган бўлсак, “горизонтал низолар” ҳаётда энг кўп учрайди. Бундай номуросозликлар аксарият ҳолларда ходимлар ўртасида айрим аъзоларнинг ишни яхшилаш, янги иш методларини жорий этиш, ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш, адолат учун кураш, илғор жамоа аъзоларининг шу ердаги маънавий муҳитни соғломлаштириш борасидаги фикрларини айримлар томонидан эътирозлар билан қабул қилиши натижасида рўй беради.**

“Вертикал низолар” эса кўпинча раҳбар билан ходим ўртасида содир бўлиб, у бир қарашда лидерликка даъвогарлик, юқоридан тазъийқ, пастдан туриб бошқа ходимлар ёки кучлар атрофида бирлашиш, сараланишлар оқибатида келиб чиқади. Бунда низонинг ташаббускори ва бош айбдори кимлигига боғлиқ тарзда уни ҳал қилиш усули танланади. Масалан, агар бошлиқ ходимнинг ишга масъулиятсизлигидан норозилиги туфайли пайдо бўлган низо билан унинг профессионализм борасида ҳадеб “Ўзини кўрсатаётганлигидан” норозилиги туфайли келиб чиқадиган низонинг ҳам фарқи бор.

Ҳар қандай низонинг асл туб моҳияти шундаки, унинг пайдо бўлиши айрим ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгариш ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарса, уни конструктив, салбий оқибатлар ёки ходимлар кўнимсизлигини келтириб чиқарса, деструктив характерли деб атаймиз.

Низолар юзга келишида икки хил шарт-шароит мавжуд. Объектив шарт-шароитларга:

- Меҳнат қилиш учун шароитнинг ёмонлиги;
- Ходимлар орасида мажбурият ва вазифаларнинг нотўғри тақсимланганлиги;
- Бошқарув тизимидаги номутаносибликлар;
- Қўйилган вазифаларга мос профессионалликни ходимларда кузатилмаслиги;
- Ишчи ўринларининг етишмаслиги туфайли, ишларнинг тақсимланишидаги адолатсизлик;
- Меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда адолатсизлик ҳолатларини кузатилиши.

Низолар юзага келишида субъектив шарт-шароитларга:

- Ишбилармонлик муносабатларида негатив йўлларни кўриниши;
- Шахслараро муносабатларда шахсга оид хусусиятларнинг намоён бўлиши.
- Муомалани ташкил этишда нўноқлик ва саводсизликнинг кузатилиши.

Ҳар бир низо алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига хос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг босқичлари ёки фазалари киради:

V. **Низо олди босқич** - конфронтация

VI. **Низонинг ўзи** - компромисс ёки жанжал

VII. **Низодан чиқиш** - мулоқот ёки диссонанс.

Демак, биринчи босқичда конкрет масала юзасидан фикрлар ёки қарашларда тафовут ёки қарама-қаршилик учун шарт-шароит пайдо бўлади. Томонлар ўртасига совуқчилик тушади, улар ўзаро келишолмай қоладилар, агар бунда ташқаридан қараганда, кўзга ташланадиган низо бўлмаса-да, ўша шахсларнинг ўзи бир-бирларига нисбатан муносабатларида буни ҳис қила бошлайдилар. Агар раҳбар айнан шу босқичда ҳодисага аралашиб, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилолмаса, низо иккинчи босқичга ўтади.

Иккинчи босқичда ҳар иккала томон ўз қарашларини қарши томонниқидан афзал билиб, очиқчасига бир-бирларини айблай бошлайдилар. Шу пайтда бошлиқ уларни келиштиришга уринади, агар бу “уриниш” алоҳида - алоҳида тарзда томонларни кабинетга чақириб рўй берса, вазият янада таранглашиб, зиддият чуқурлашиши, томонлар ўз холича бошлиқни ҳам ўзининг тарафдори қилиб, у ҳам низонинг иштирокчисига айланиб қолиши муқаррар бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам психология ҳар қандай низони томонларни бирга чақирган ҳолда ҳал қилиш ва компромисс қарорлар чиқаришга тайёр туришни тавсия этади. Бунинг учун раҳбарда низонинг тахминий образи ва уни ҳал қилишга бир нечта альтернатив ечимлар бўлиши керак. Бошлиқ бирор томонга кўпроқ ён боса бошласа ҳам, низонинг иштирокчисига айланади. Шунинг учун у холис тарзда низонинг келиб чиқиш сабаблари, кимларнинг манфаатига зид ишлар қилинаётганлиги, низо иштирокчиларининг шахсий ва профессионал хусусиятлари, кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиб, низонинг “портрети” ни ўзи учун тасаввур қила олиши керак. Шундан кейингина,

томонларни чақириб, масалага янада ойдинликлар киритиб, томонларни келишувга чақиради. “Мен нима бўлганини, муаммо нимада эканлигини билиш учун Сизларни чақирдим” деб гап бошлаши ва ҳар бир томоннинг фикри муҳимлигини таъкидлаб, айти пайтда вазиятни қаттиқ назорат қилиши, унинг кечишини бошқариши лозим.

Низоли ҳолатларда шахснинг қандай ҳулқ-атвор хусусиятларини намоён этишига қараб турли тоифаларини кузатилади. Ф.М.Бородкин ва Н.М.Коряклар низоли вазиятларда олти хил шахс типлари-тоифаларини кўрсатиб берганлар. Булар:

1. Намойишкорона тоифадаги низоли шахс.
2. Ригид тоифадаги низоли шахс.
3. Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги низоли шахс.
4. Аниқликни талаб этадиган тоифадаги низоли шахс.
5. Низосиз тоифадаги низоли шахс.
6. Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс.

Намойишкорона тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- Дикқат марказда бўлишни истайди;
- Бошқалар кўз олдида яхши кўринишни хоҳлайди;
- Унинг бошқаларга бўлган муносабати, одамларнинг унга муносабатидан келиб чиқади;
- Осонгина юзаки низоларга берила олади;
- Турли вазиятларга осонгина мослашади;
- Эмоционал жиҳатдан фаол бўлиб, ақлан иш кўрмайди;
- Вазиятга қараб ишини ташкил этади ва ҳар доим ҳам амал қилмайди;
- Системали, оғир ишлардан ўзини олиб қочади;
- Низолардан чекинмайди, жанжалли вазиятларда ўзини ёмон ҳис этмайди;
- Кўпинча низоларга сабабчи бўлади, лекин ўзини ундай ҳисобламайди.

Ригид тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- Шубҳага берилувчан;
- Ўзини баҳолаши ўта юқори;
- Доимо шахсан тан олиншини талаб этади;
- Вазият ўзгариши ва шароитларни инобатга олмайди;
- Тўғри ва тушунмайдиган, яъни мослашмайдиган;
- Қийинчилик билан атрофидагиларнинг фикрига киради, бошқаларнинг фикрига у қадар қўшилмайди;
- Бошқалар томонидан унга эътибор кўрсатилишини мажбуриятдек кўради;
- Бошқалар томонидан келишмаслик ёки қўшилмасликни хафагарчилик билан қабул қилади;
- Ўз ҳаракатларига нисбатан танқидий қарамайди;
- Ниҳоятда аразчи, ҳақиқий ёки арзимас ноҳақликларга ҳам таъсирчанликни намоён этади.

Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- Ўзини етарли даражада назорат қилолмайди;
- Хулқини аниқ айтиб бўлмайдди;
- Ўзини агрессив ва ниҳоятда зардалиқ билан кўрсатади;
- Аксарият холларда умумқабул этилган ижтимоий нормаларга риоя этмайди;
- Юқори даражада ўзини баҳолаш хусусиятига эга;
- Ўз шахсини таъкидланишини кутади;
- Омадсизликлар ва хатоларда бошқаларни айблашга мойил;
- Ўз фаолиятини режали ташкил эта олмайди ёки режаларини ҳаётга кетма-кетинлик билан жорий эта олмайди;
- Ўз мақсади ва шароитларини мослаштира олиш қобилияти етарли ривожланмаган;
- Ўтган тажрибадан келажак учун сабоқ чиқармайди.

Аниқликни талаб этадиган тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- Ишга ниҳоятда жиддий ёндашади;
- Ўзига ниҳоятда юқори талаб қўяди;
- Атрофидагиларга юқори талаблар қўядики, бу уларга нисбатан гўёки таъқибдек туюлади;
- Юқори даражада хавотирланиш хислатига эга;
- Ҳамма нарсага ниҳоятда эътиборли;
- Атрофидагиларнинг танқидий фикрига катта аҳамият беради;
- Гоҳида дўстлари, танишлари билан муносабатларни узадикки, бу гўёки уни хафа қилганлари оқибатидек туюлади;
- Гоҳида ўзи-ўзидан азият чекади, хатоларидан қайғуради, хатто гоҳида бу хатоларга нисбатан бош оғриқлари, уйқусизлик сифатида жавоб қайтаради;
- Ташқи жиҳатдан хиссиётларини ошқора этмасликни маъқул билади;
- Гуруҳдаги реал ўзаро муносабатларни яхши ҳис этмайди.

Низосиз тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- Фикрлари ва қарашларида беқарор;
- Енгил ишониш хислатига эга;
- Ички қарама-қарши фикрларга эга;
- Ҳаракатларида бир қадар уйғунлик йўқ;
- Вазиятларда бир лаҳзалиқ ютуқларга таянади;
- Келажакни, истиқболни етарли даражада кўра олмайди;
- Лидерларнинг ва атрофидагиларнинг фикрига тобе;
- Муросага келишга интилади;
- Етарли даражада иродага эга эмас;
- Ўз хатти-ҳаракатлари оқибатларини ва бошқаларнинг ҳаракатлари сабабларини чуқур ўйламайди.

Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- Низони ўз мақсадларига етишиш учун омил сифатида қарайди;
- Низоларни ҳал этишда фаол томон сифатида ўзини намоён этади;
- Ўзаро муносабатларда таъсир кўрсатишга мойил;
- Низоларда мақсадли ҳаракат қилади, томонларнинг ҳолатини баҳолай олади, турли ҳолатларни ҳисоблайди;
- Жанжалли вазиятларда муомалани самарали таъсир усуллари кўллай олади.

Бу низоли шахс тоифалари ўзаро муносабатларда намоён бўлар экан, қайси тоифа билан қандай ишбилармонлик муносабатларини ўрнатишга, музокаралар олиб боришга бевосита таъсир этади. Шунинг учун ҳамкорликка киришишда албатта кузатувчан бўлиш, ҳар бир ҳаракат мақсадини англаш малакаларини таркиб топтириш муҳимдир.

### *Профессионал тинглаш техникаси*

1. *Актив ҳолат.*  
Бу - агар кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқишни билдиради

2. *Самимий қизиқиш билдириш.* Бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир

3. *Ўйчан жимлик.*  
Бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзингизнинг суҳбатдан манфаатдорлигинг изни билдириш йўли

*Мулоқот қўп қиррали жараён:*

- А) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- Б) индивидлар ўртасида ахборот алмашинуви жараёни;
- В) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- Г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- Д) бир бирига хамдардлик билдириш имконияти;
- Е) шахсларнинг бир бирини тўшвиши жараёни.

*Психологик таъсир* - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

*Психологик таъсирнинг уч воситаси*

1. *Вербал таъсир* - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир.

2. *Паралингвистик таъсир* - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради

3. *Новербал таъсир* - Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа ва сигналлар киради


**Мулоқотнинг психологик тизими**

1. *Коммуникатив томони* (яъни мулоқотга киришувчилар ўртасидаги маълумотлар алмашинуви жараёни)


1,2,3

2. *Интерактив томони* (яъни мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворларига таъсир жараёни)


3. *Перцептив томони* (яъни мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ психологик жараён)



Нутқ (ёзма, оғзаки). Тил воситасида олиб бориладиган мулоқот **вербал**, яъни сўзли дейилади. Мулоқот жараёнида **новербал** воситалардан: турли хил ҳаракат, қилиқ, ҳолат, кулгу, оҳанг, тўхташ (пауза), ҳиссий ҳолатлар, кулгу, йиғи, кўз қарашлар, юз ифодаларидан фойдаланилади, улар мулоқот жараёнини янада кучайтириб, уни тўлдиради, баъзан эса нутқли мулоқотнинг ўрнини босади. **Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланиши, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, нидолар киради.



Жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-қоидалар, роллар, кутишлар тизими, психологик таъсир орқали бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Тажриба: (Бошланғич синф ўқувчилари ва ўқитувчи; сотувчи ва харидор; даллоллар)



Англаш, тушуниш ва идрок қилиш механизмлари: идентификация; рефлексия; стереотипизацияга боғлиқ. **Идентификация** тўғри идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб кўриш. **Рефлексия** мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан, ҳолатидан туриб, ўзини тасаввур қилиш. **Стереотипизация** одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш.

## Мулоқотда психологик таъсир

*Психологик таъсир* - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти - ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин халқ ичида юрган бир мақол тўғри: «Уст - бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади».

*Таъсирнинг ташаббускори* - бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун вербал, новербал, паралингвистик воситалардан фойдалади.

*Таъсирнинг адресати* - таъсир йўналтирилган шахс.

Мулоқотда  
самарадорлик  
гапириш ва  
тинглашга  
боғлиқ

Тинглашнинг техникаси, усуллари мавжуд: *сўзма - сўз қайтариш* ва *бошқача талқин этиш*. Биринчиси, вербализация орқали шерикни кўллаб – қувватлаш, иккинчиси эса - шерик сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни ифода этиш.

Профессионал тинглаш техникаси:

- *актив ҳолат;*
- *суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш;*
- *ўйчан жимлик.*

Тинглаш мулоқотнинг самарали бўлишидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади.



### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Мулоқотда шахслараро маълумот алмашини, бири-бирига таъсир кўрсатиш, бири-бирини тушуниш механизмлари, таъсир кўрсатиш воситалари баён этиб берилган. Шунингдек, мулоқотда вербал (сўзли), новербал (нутқсиз), паралингвистик (нутқ безаклари ва турли ҳолат) воситаларнинг аҳамиятига оид билим ва тушунчалар акс эттириб берилган.

### **Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

1. Мулоқотнинг коммуникатив томони - маълумотлар алмашинув жараёнидир.
2. Мулоқотнинг вербал, новербал, паралингвистик воситалари.
3. Мулоқотнинг интерактив томони ва шахслараро муносабатлардаги унинг ўрни.
4. Мулоқотнинг перцептив томони жиҳатлари.
5. Стереотиплардан фойдаланиш шартлари.

### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

6. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
7. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
3. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая риторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКЦ “МарТ”, 2004-512 с.
4. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003, - 320 с.
5. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
6. [www.psycho.all.ru](http://www.psycho.all.ru)

## **VI БОБ**

---

### **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ГУРУХЛАР МУАММОСИ**

---

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси.

Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ этиш шартлари.

Этник гуруҳлар психологияси.

Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Гуруҳ ҳақида тушунча, унинг таърифи. Гуруҳ турлари: реал, диффуз, шартли, табиий, катта ва кичик. Катта гуруҳлар ва уларга хос хусусиятлар. Катта гуруҳларни тадқиқ этиш шартлари. Бу соҳада қийинчиликларнинг кузатилиши. Тадқиқот услуби масаласи. Этник гуруҳлар психологияси. Бу

соҳада В.Вундт, А.Лурия, Ю.Бромлей олиб борган ишлари. Этник гуруҳларни ўрганишдаги икки асос: психик ва ҳиссий соҳалар.

Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар, уларнинг қўллашда ноқулайлик. Бу тадқиқотларни ўтказишдаги асосий эътиборга молик жиҳатлар. Этнопсихологик тадқиқотларда синалувчиларнинг ёши, касби, маълумоти ва бошқа жиҳатларини эътиборга олиш зарурлиги ҳақида.

### **Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси**

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ. Киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психологик маънода **гуруҳ** — бу умумий белгилар умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир. Умуман одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта, қандайдир умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп (ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин, ёшлар, маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо). Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор — бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ қилади ва ўзига хос қонуниятларга бўйсунди. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларни бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. В.М.Каримованинг "Ижтимоий психология асослари" ўқув қўлланмасида гуруҳларнинг асосий турлари келтирилган. Гуруҳлар аввало **шартли ва реал** гуруҳларга бўлинади.

Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда тўпланган лаборатория типидagi ҳамда табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг табиий эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гуруҳларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб катта, кичик гуруҳларга бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида, энди шаклланаётган - **диффуз** ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади. Гуруҳларнинг ижтимоий психология учун айниқса, муҳим ҳисобланган турларига таъриф бериш ва уларнинг психологик қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб

қўйган ҳолда, бевосита катта гуруҳларнинг ижтимоий-психологик қонуниятларини ўрганишга ўтамиз.

### **Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ этиш шартлари**

Катта гуруҳлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони кўпчиликти ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гуруҳга мансублигини таъминлайди. Катта гуруҳларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар хулқ-атворини белгиловчи механизмларнинг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гуруҳларда иш олиб боришни афзал кўрадилар. Лекин катта кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек кўпчиликти қамраб олишда қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гуруҳлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар захирасининг камлигидир. Масалан, ишчилар ёки зиёлилар синфи психологияси ўрганилиши керак дейлик, аввало ўша ишчиларнинг сони кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлаб чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётган турли миллатга мансуб кишилардир. Уларнинг барчасини қамраб оладиган ягона ишончли усулни топиш масаласи жуда жиддий муаммо бўлганлиги учун ҳам ҳар бир катта гуруҳга тааллуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш ҳозирча ижтимоий-психологиядаги асосий методологик йўлланма бўлиб келмоқда. Қолаверса, катта гуруҳлар жамиятнинг тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган гуруҳлар бўлгани учун ҳам ҳар қандай гуруҳни ўрганишдан олдин, хоҳ бу синфлар бўлсин, хоҳ миллатлар ёки халқлар психологияси бўлсин, унинг ҳаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади. Ижтимоий-психологик маънода, ҳаёт тарзини ўрганиш деганда, у ёки бу гуруҳга тааллуқли бўлган кишилар ўртасида амалга ошириладиган мулоқот типлари, ўзаро муносабатларда устун бўлган психологик омиллар, қизиқишлар, қадриятлар, эҳтиёжлар ва бошқалар назарда тутилади. Ана шуларнинг умумийлиги туфайли ҳар бир шахсда, яъни у ёки бу катта гуруҳга мансуб бўлган шахсда типик хислатлар шаклланади. Масалан, 90-йиллар ёшларига хос бўлган типик сифатлар ана шу ёшлар ўртасида кенг тарқалган урф-одатлар, мода, сўзлашиш хусусиятлари, қадриятлар, қизиқишлар ва ҳоказолар туфайли шаклланади. Шунинг учун ҳам 20 ёшли кишининг психологиясини тўлиқ равишда ўрганиш учун ундаги билиш жараёнларининг ўзига хослиги, шахси, характери ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларидан ташқари, яна унга ўхшаш ёшларда устун бўлган психологик хислатларнинг қанчалик намоён бўлишини, у мансуб бўлган ва асосан вақтини ўтказадиган гуруҳлар психологиясини, миллий сифатларини ҳам назарда тутиш ва уларни ўрганиш зарур. Бу дегани, ҳар бир шахс онгида унинг якка, алоҳида орттирган шахсий тажрибасига алоқадор психологик тизимлардан ташқари, унинг қайси миллатга, элат, синфга мансублигидан сингдирилган психологик тизимлар ҳам мавжуддир ва уни илмий тадқиқотчи инкор этмаслиги керак

## Этник гуруҳлар психологияси

Ижтимоий психологияда катта гуруҳлар ичида этник гуруҳлар психологияси, яъни этнопсихология бўйича кўпроқ тадқиқотлар ўтказилди. Айниқса, ҳозирги даврда ҳар бир жумҳуриятлар алоҳида, мустақил давлат мавқеини олган, лекин бошқа томондан қараганда, ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоқи шароитида миллатлар ўртасида муттасил алоқалар мавжудлигидан келиб чиқиб, миллий психология масалалари кун тартибида аввалгидан ҳам муҳим масала сифатида қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам катта гуруҳлар ичида миллий гуруҳларга кўпроқ эътибор беришни лозим топдик. Бундай эътиборнинг яна бир боиси — Ўзбекистонда бу соҳада айрим тадқиқотларнинг ўтказилганлиги, лекин улар кўп ҳолларда миллий психология даражасига олиб чиқилмаганлигидандир.

**Этнопсихология** — бу психологиянинг шундай тармоғики, у айрим олинган миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гуруҳларни ҳам ўрганади. Маълумки, бу борадаги биринчи илмий тадқиқотлар В. Вундт томонидан олиб борилган эди. Унинг тадқиқотларидаги "халқ" тушунчаси аслида этник уюшма маъносида тушунтирилган эди. Унинг фикрича, этник гуруҳлар психологиясини ўрганиш учун уларнинг тилини, одатларини ва ана шу халқларда кенг тарқалган афсоналар ва бошқа онг тизимларини ўрганиш керак. А.Р. Лурия эса Ўзбекистон худудидаги яшайдиган халқларнинг психологиясини ўрганди. Унинг асосий мақсади миллий психологик хусусиятларни ўрганишда тарихий принципга таяниш лозимлигини исботлаш ҳамда миллий психологиянинг ҳаёт тарзига, шахснинг жамиятда кишилар муносабатлари тизимида тутган ўрнига бевосита боғлиқлигини исбот этиш эди ва бу тадқиқотда биринчи марта миллий психологияни ўрганишга ёрдам берувчи методлар ва методологик принциплар синаб кўрилди.

Охирги йилларда чет эл ва собиқ Иттифоқ олимларининг тадқиқотларини умумлаштириб, этнопсихологик ишларга ягона илмий ёндашувни топиш ҳаракатлари сезилмоқда. Бу соҳада машҳур рус этнографи ва психологи Ю. Бромлей олиб борган ишлар, унинг лабораториясида тўпланган маълумотлар мисол бўлиши мумкин. Ю.В. Бромлей этник гуруҳлар психологиясида икки томонни ажратиб беради:

6. **Психик асос** — этник характер, темперамент, миллий анъаналар ва одатлардан иборат барқарор қисм;

7. **Ҳиссиёт соҳаси** этник ёки миллий ҳис-кечинмаларини ўз ичига олган динамик қисм. Лекин тадқиқотчилар нима учундир, миллий психология масалалари билан шуғулланишганда, миллий қирралар ёки сифатларни аниқлаш билан шуғулланадилар-да, у ёки бу миллатларгагина хос бўлган қирраларни топишга уринадилар, лекин фан-техника ривожланган, миллатлар уйғунлиги, миллатларнинг доимий ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқоти шароитида, аралаш никоҳлар кенг тарқалган шароитда фақат у ёки бу миллатга хос бўлган қирралар ҳақида гапириш жуда қийин. Масалан, ўзбеклар ўртасида ўтказилган кичик тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, гўёки меҳмондўстлик

камтарлик, самимийлик каби ижобий сифатлар ўзбек халкигагина хос эмиш. Тўғри, бу сифатлар албатта, ўзбекларда бор. Лекин, айнан шу сифатлар бошқа миллатлар вакилларида йўқ дейишга ҳаққимиз йўқ. Худди ҳар бир шахс онгида турлича стереотиплар, яъни ўрнашиб қолган образлар бўлганидек ҳар бир оила, яқин ошна-оғайнилар ва ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқот жараёнида у ёки бу миллат вакилида ҳам ўз миллатига хос бўлган сифатлар ҳақида стереотиплар пайдо бўлиб, улар онгида ўрнашиб боради. Бундай стереотиплар ўз миллатига ва бошқа халқларга нисбатан бўлиб, бошқалар ҳақидаги тасаввурлар анча содда, юзаки, мазмунан тор бўлади. Шундай тасаввурлар асосида бошқа миллатларга нисбатан ёқтириш (симпатия) ёки ёқтирмаслик (антипатия) ва бефарқлик муносабатлари шаклланади. Ўз миллати ҳақидаги тасаввур ва стереотиплар эса миллий "этноцентризм" ҳиссини шакллантирадики, шу ҳис туфайли шу миллий гуруҳ вакилларида бошқа миллатларга нисбатан иррационал муносабатлар пайдо бўлиши, бу эса миллий антогонизм ва миллий адоватларни келтириб чиқариши мумкин. Бу борада, ижтимоий психологлар ва мафкурачилар олдида турган муаммолардан бири миллат вакилларида миллий ғурурнинг қай даражада бўлишини аниқлаш муаммоси туради. Чунки кўпинча миллий ғурур туфайли айрим шахсларда бошқа миллатларни менсимаслик, улардаги ғурур ёки миллий ҳисларни тан олмаслик ҳоллари кузатилмоқда. Умуман, бизнинг фикримизча, миллий адоватлар асосида ётган этноцентризм ва миллий ғурурнинг салбий кўринишлари бошқа миллатларнинг тарихини, уларнинг анъаналарини, тили ва ҳоказоларини билмасликдан келиб чиқади. Миллий психология бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадқиқотларнинг мақсадларидан бири ҳам бошқа миллатлар психологиясини билиб, уни бошқа миллатларга етказиш туфайли, ҳар бир миллат вакилига ҳурмат-иззат ҳиссини кучайтиришдир. Чунки ўзини ҳурмат қилмаган одам бошқани ҳурмат қилмайди, бунинг учун эса ўз психологиясини ҳам, ўзгалар психологиясини ҳам билиши керак. Шундагина шахслараро зиддиятларга барҳам берилиши мумкин. Бу нарса миллатлар психологиясига ҳам хосдир. Яъни фан жамятга шундай этнографик ва этнопсихологик маълумотлар мажмуини яратиб бериши лозимки, ундаги маълумотлар асосида катта гуруҳ ҳисобланган миллатлар психологиясини ҳам бошқариш мумкин бўлсин.

### **Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар**

Этнопсихологик тадқиқотларда хилма-хил услуб ва методлар қўлланилади. Чунки бундай тадқиқотларда шахс хусусиятларини ўрганувчи турлича тестлардан тортиб, проектив методлар, экспериментларнинг турлича кўринишлари, сўроқ методлари — анкета, интервью, социометрия, шакл методлари ва бошқалар ишлатилади. Бу методлар ҳозирги кунларда ҳам "маданий муҳит ва шахс", гуруҳлараро муносабатлар ҳамда бошқа тадқиқотларда қўлланилмоқда. Бундай ишларни фақатгина ижтимоий психологлар эмас, балки умуман психология билан шуғулланувчи олимлар ҳам ўтказмоқдалар. Лекин шундай бўлишига қарамай, этнопсихологик методларни ҳаммага ҳам бирдай қўллаш тўғри келмаслиги туфайли уларнинг танқислиги сезиларлидир. Чунки этнопсихология муаммоси билан шуғулланишни мақсад

қилиб қўйган ҳар бир тадқиқотчи ё мавжуд методикалардан бирини қайта ўзгартиришга, ёки бўлмаса, ўзича янги методни кашф қилишга мажбур бўлмоқда. Ниҳоят, этнопсихологик методларни қўллашнинг ноқулайлиги шундаки, масалан, Америкада жуда яхши натижа бериб, ишончли маълумотлар тўпланган методика Осиё мамлакатлари ёки бизнинг жумҳуриятимиз шароитида умуман ҳеч нарсани ўлчамаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирда бутун жаҳон олимлари ҳар қандай маданий муҳитдан ҳам юқори турадиган, универсал тест ёки методика яратиш фикрининг асоссизлиги ҳақида умумий фикр билдирмоқдалар.

Этнопсихологик тадқиқотлар ўтказишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай тадқиқотчи асосий принциплар сифатида маданий муҳит шароитларининг хилма-хиллига ва уларнинг ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатишини инобатга олмоғи зарур. Бу нарса этнопсихологик тадқиқот дастурини тузишда албатта, ҳисобга олиниши керак. Мисол учун, Ўзбекистон шароитида тадқиқот ўтказилмоқчи бўлинса, қуйидаги нарсаларга эътиборни қаратиш лозим: бу шароитида яшовчи барча миллатларга хос бўлган умумий психологик омиллар ва уларни аниқлаш усуллари; фақат ўзбек миллатига хос бўлган психологик сифатлар ва омилларни аниқлаш; аниқланган омилларни ёки психологик сифатларни ўлчайдиган ёки экспериментал усулда текширишга имкон берадиган методларни танлаш ва уларни конкрет шароитларга мослаш; тадқиқотчилар гуруҳини текширилаётган миллий гуруҳ тилини, урф-одатини биладиган ходимлар билан таъминлаш. Чунки, тадқиқот объекти ҳисобланган гуруҳда ўша гуруҳ тилида тадқиқот ўтказиш керак, бу орқали эса текширилувчиларга қўйилган ҳар бир талаб, савол ва топшириқлар улар учун тушунарли бўлиши таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у ёки бу миллий гуруҳ психологиясини, ундаги этник стереотипларни текширишга қаратилган махсус методлар йўқ, шунинг учун ҳам тадқиқотлар мавжуд методлар орасидан керагини танлаб, уларни жой шароитларига мослаштириш заруратини туғдиради ва бунинг учун зарурат бўлса бу методларни у тилдан бу тилга таржима қилиш ҳам керакдир. Таржима хусусида шуни айтиш керакки, махсус психологик тестлар ёки методларни (анкеталар, сўроқлар, шкалалар саволларини) таржима қилиш таржимондан юксак билимдонлик ва профессионал сифатларни талаб қилади. Акс ҳолда, методика ўз қимматини йўқотиши ёки керакли сифатни аниқламаслиги ёки ўлчамаслиги мумкин. Ҳаттоки, новербал (оғзаки берилган) тестларни турли шароитларда қўлаб, олинган маълумотларни шарҳлаш босқичида унинг мазмуни ёки мақсади ўзгарганлиги кўлаб тадқиқотларда исботланган. Шунинг учун ҳам ҳар қандай методик услубни қўллашдан олдин уни кичикроқ гуруҳ доирасида синаб кўриш ва натижаларни экспертларга бериб ёки бошқа ёрдамчи методлар ёрдамида қайта синовдан ўтказиш йўли билан текшириб олиш мақсадга мувофиқдир.

Конкрет этнопсихологик тадқиқотларга қўйиладиган яна бир талаб — тадқиқотни табиий шароитларда, текширилувчилар учун таниш бўлган жойларда қисқа кўрсатмалар бериш йўли билан ўтказишдир. Чунки этнопсихологик тадқиқотларда кўпинча турли ёш, касб ва маълумотга эга

бўлган шахслар иштирок этадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси учун тушунарли, аниқ топшириқлар тизимини туза олиш ҳам психологдан қатор профессионал малакаларни талаб қилади. Методик услублар миллий психологияни ўрганишда миллатнинг кўп қирраларини, психологик ҳолатини аниқлашга имкон беради. Бу эса тадқиқотчининг услубий тайёргарлик даражасига боғлиқдир.



### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Шахсининг турли вазиятларда ўз хулқни намоён этишида гуруҳнинг ўрни ва таъсири мавжуд бўлиб, гуруҳларнинг ўзи икки турли: катта ва кичик тоифаларга бўлинади. Мазкур мавзуда катта гуруҳларнинг психологияси, чунончи уларнинг этник тури атрофлича баён этиб берилган. Этник гуруҳларни махсус ўрганиш соҳаси бўлган этнопсихологияга доир билим, малака ва тушунчаларни шакллантириш кўзда тутилган.

### **Назорат саволлари ва мустақил иш мавзулари:**

1. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси.
2. Этник гуруҳлар психологияси.
3. Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар.

### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

1. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. - 496 с.
2. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
3. Ғозиев Э.Г. Тошимов Р. Менежмент психологияси. Т-2001
4. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
5. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
6. [www.psychology.all.ru](http://www.psychology.all.ru)

## VII БОБ

### ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА КИЧИК ГУРУХЛАР ВА УЛАРДАГИ ҚОНУНИЯТЛАР МУАММОСИ

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Кичик гуруҳлар психологияси.

Кичик гуруҳларга хос қонуниятлар.

Кичик гуруҳларнинг классификацияси.

Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар.

Конформизм ва нонконформизм ходисаларининг моҳияти.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Кичик гуруҳларнинг ўзига хос белгилари ва психологияси. Кичик гуруҳларга хос қонуниятлар. Кичик гуруҳларда кузатиладиган ижтимоий фасцилитация ва ингибиция ходисалари ва уларнинг моҳияти. Кичик гуруҳларнинг Р.Немов бўйича классификацияси: шартли, реал; табиий, лаборатория типли; расмий, норасмий; кучсиз ривожланган, кучли ривожланган; корпорация, жамоалар; референт, нореферент. Ҳар бир кичик гуруҳ турининг ўзига хос хусусиятлари ва жихатлари. Ч.Кули таснифига кўра бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар психологияси. Агрегация ва унинг психологик табиати. Гуруҳларнинг инсон ҳаётидаги вазифалари: ижтимоийлаштирувчи, инструментал, экспрессив, қўллаб-қувватлаш.

Кичик гуруҳларда кузатиладиган динамик жараёнлар: унинг шаклланиши, лидерлик, қарорларни қабул қилиш, конформизм, ташқи ва ички конформизм, негативизм, автономлик даражаси.

#### **Кичик гуруҳлар психологияси**

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишланган ва кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Бу муаммони тадқиқ этишда олимлар ўз олдида шундай масалани қўйганлар, яъни, индивид яқка ҳолда яхши ишлайдимн ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида бўлиши унинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай шароитларда индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги эмас, балки уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шунини кўрсатдики, бошқалар билан ҳамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади. лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди. Бундай маълумотлар америкалик Н. Триплетт, немис олими А. Майер, рус олими В.М. Бехтерев, яна бир немис олими В. Мёде ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилди. Бу психологик ҳодиса ижтимоий психологияда ижтимоий фасцилитация номини олди, унинг моҳияти шундан иборат эдики, индивиднинг фаолият маҳсулларига унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнинг бевосита таъсири бўлиб бу таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш-ҳаракатларнинг, фикрлашларнинг



тезлигида намоён бўлади Лекин айрим экспериментларда тескари эффект ҳам кузатилди, яъни бошқалар таъсирида индивид реакцияларидаги тормозланиш фаолиятининг сусайиши ҳолатлари; бу нарса фанда ингибиция деб аталади.

### **Кичик гуруҳларга хос қонуниятлар**

**Биринчидан**, кичик гуруҳларнинг ҳажми, уни ташкил этувчи шахслар сони хусусида шундай фикрга келиндики, кичик гуруҳ "диада" икки кишидан тортиб, то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинди. Икки кишилиқ гуруҳ дейилганда, аввало оила - янги шаклланган оила кўпроқ назарда тутилади. Лекин самарали ўзаро таъсир назарда тутилганда 7-2 киши кўзланади. Бундай гуруҳ турли ижтимоий психологик тадқиқотлар учун ҳам, социал психологик тренинглар ўтказиш учун ҳам қулай ҳисобланади.

**Иккинчидан**, гуруҳнинг ўлчами қанчалиқ катта бўлса, унинг алоҳида олинган шахслар учун қадрсизланиб бориш хавфи кучаяди. Яъни, шахснинг кўпчиликдан иборат гуруҳдан ўзини тортиш ва унинг нормаларини бузишга мойиллига ортиб боради.

**Учинчидан**, гуруҳнинг ҳажми кичиклашиб борган сари шахслараро ўзаро муносабатлар таранглашиб боради. Чунки, шахсларнинг бир-бирлари олдида масъулиятларининг ошиши ва яқиндан билишлари уларнинг ўртасидаги алоқаларда доимо аниқлик бўлишини талаб қилади. Муносабатлардаги ҳар қандай дисбаланслар, яъни номутаносибликлар очиқ ҳолдаги зиддиятларни келтириб чиқаради.

**Тўртинчидан**, агар гуруҳ аъзоларининг сони тоқ бўлса, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуфт бўлган ҳолдагидан анча яхши бўлади. Шундан бўлса керак, бошқарув психологиясида одамларни бирор нимага сайлашда ва умуман расмий танловларда гуруҳдаги одамлар сони тоқ қилиб олинади.

**Бешинчидан**, шахснинг гуруҳ тазйиқига берилиши ва бўйсунishi ҳам гуруҳ аъзоларининг сонига боғлиқ. Гуруҳ сони 4-5 киши бўлгунга қадар, унинг таъсири кучайиб боради, лекин ундан ортиб кетгач, таъсирчанлик камайиб боради. Масалан, кўчада содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг гувоҳлари сони ортиб борган сари, жабрланганга ёрдам беришга интилиш, масъулият ҳисси пасайиб боради.

Бу қонуниятларни билиш, табиий гуруҳларни бошқариш ишини анча енгиллаштиради.

### **Кичик гуруҳларнинг классификацияси.**

Р.С.Немов кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги классификациясини таклиф этган.

1-расм.

КИЧИК ГУРУҲЛАРНИНГ ТУРЛАРИ	
Шартли (номинал)	реал (ҳақиқий)
табиий	лаборатория типли

Формал (расмий)	Ноформал (норасмий)
кучсиз ривожланган	Кучли ривожланган
корпорация	Жамоалар
референт	Нореферент

Тарихан кичик гуруҳларни расмий ва норасмий турларга бўлиш қабул қилинган. Бундай бўлинишни америкалик олим Э. Мэйо таклиф этган эди.

Унинг фикрича, расмий гуруҳлар бир аъзоларнинг расмий ролларга эга эканлиги, улар мавқеининг ва гуруҳда тутган ўрнининг аниқлиги билан характерланади. Бундай гуруҳларда муносабатлар асосан "вертикал" тарзда рўй бериб, гуруҳнинг бир ёки бир неча аъзосида "ҳокимият" бўлганлиги учун ҳам, улар бошқаларни бошқариш, уларга буйруқ, расмий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Расмий гуруҳга мисол қилиб ҳар қандай биргаликдаги фаолият мақсадлари асосида шаклланган жамоаларни — ишлаб чиқариш бригадаси, талабалар гуруҳи, синф ўқувчилари, педагогик жамоа ва бошқаларни олиш мумкин.

Расмий гуруҳлардан фарқли ўлароқ норасмий гуруҳлар ҳам мавжуд бўладики, улар асосан стихияли тарзда, аниқ мақсадсиз таркиб топади ва уларда аъзоларнинг аниқ мавқелари, роллари олдиндан белгиланган бўлмайди. Кўпинча норасмий гуруҳ расмий гуруҳ таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш ҳам олдиндан белгиланган бўлмай, одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиққан аъзолар норасмий раҳбарлик ролини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий психологияда **референт гуруҳ** тушунчаси ҳам бор. Бу тушунча фанга биринчи марта америкалик тадқиқотчи Г. Хаймен томонидан 1942 йилда киритилган эди. У ўз тадқиқотларида шуни исбот қилдики, маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари учун шу гуруҳ ичида ёки бошқа доираларда шундай шахслар гуруҳи мавжуд бўлар эканки, у ўз ҳатти-ҳаракатлари, фикрлари ва йўналишларида ўша гуруҳ аъзоларига эргашиш, уларнинг фикрларини танқидсиз қабул қилишга мойил ҳамда тайёр бўлар экан. Шундай шахслар гуруҳи референт гуруҳ номини олди. Ўқувчи учун бундай гуруҳ ролини мактабдаги бир неча ўқитувчилар, отаси ёки онаси, яқин дўсти ёки қариндошларидан кимдир ўйнаши мумкин. Шуниси характерлики, шахс доимо шу гуруҳга эргашади, уни қадрлайди, у билан мулоқотда бўлишга интилади. Рус психологлари бу гуруҳни одатда шахс учун мавжуд ҳақиқий гуруҳ (аъзолик гуруҳи) таркибида ёки унга қарши бўлган гуруҳ сифатида қарайдилар. Нима бўлганда ҳам ана шундай гуруҳнинг мавжудлиги шахс учун аҳамиятли бўлиб, унинг хулқ-атвор учун эталон ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тарбиячининг вазифаси, ана шу гуруҳни аниқлай олиш ва аниқлагандан сўнг нима учун айнан шу гуруҳ референт ролини ўйнаганини билиш муҳимдир. Референт гуруҳга қараб шахсга баҳо бериш, унинг хулқ-атворини башорат қилиш мумкин.

Агар одамлар кўчада тасодифий ҳодисани томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гуруҳ эмас, **агрегация (оломон)** деб аташади. Ҳақиқий гуруҳ учун ўша одамларнинг барчасига алоқадор умумий фаолият ва

ҳамкорлик қилиш, бир - бирларига таъсир кўрсатиш имконияти бўлиши керак. Америкалик психолог Ч. Кули ҳамкорликнинг даражаси мезонига кўра гуруҳларни бирламчи ва иккиламчи турларга бўлиб ўрганишни таклиф этган эди. Бирламчи гуруҳда шахслараро ўзаро таъсир «юзма - юз, бевосита» рўй беради. Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гуруҳга мисолдир.

Иккиламчи гуруҳларда ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиш имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тизимлар орқали мулоқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар, «Ватан» тараққиёти партияси аъзоларининг боғлиқлиги иккиламчи гуруҳга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади, масалан, ўша партияни оладиган бўлсак, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, барибир умумий ғоя атрофида бирлашишади, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади, сайлов олди компанияларида бир - бирларини қўллаб - қувватлаб турадилар.

Турли гуруҳлар инсон ҳаётида бир неча функцияларни бажарадилар: а) ижтимоийлаштирувчи функция; б) инструментал, яъни, аниқ меҳнат функцияларни амалга оширишга имкон берувчи муҳит; в) экспрессив - одамларнинг ўзгаларнинг тан олишлари, ҳурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш; г) қўллаб - қувватлаш, яъни, қийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш функцияси.

### **Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар**

Маълумки, гуруҳда тўпланган кишилар ўртасида доимий мулоқот ва муносабатлар мавжуд бўладими, уларнинг мазмуни ва йўналишига кўра, ўзига хос социал психологик муҳит шаклланади. Бу муҳит гуруҳнинг тараққиётини ҳам, ундаги турли жараёнларни ҳам белгилайди. Гуруҳнинг динамик жараёнлари деганда аввало унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

Гуруҳнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади ва ҳоказо. Лекин бу масаланинг ижтимоий томони. Унинг соф психологик томони ҳам борки, у одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нормал инсонда мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳамда турли ҳаётий вазиятларда ўзини ижтимоий ҳимояда сезиш эҳтиёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларнинг бўлишини тақозо қилади. Лекин гуруҳга аъзо бўлиш билан биргаликда ҳар бир индивид қатор гуруҳий жараёнларнинг гувоҳи бўлади.

Биринчидан, гуруҳ ўз аъзоларига маълум тарзда психологик таъсир кўрсатади. Бу ҳодиса психологияда конформизм деб аталади (ўзбек тилида

"мослашиш" маъносини билдиради). Бу ходисанинг моҳияти шундан иборатки, у индивиднинг гуруҳда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, хулқ-атвор стандартларини қанчалик қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги билан боғлиқ. Гуруҳ фикрини қанчалик тез қабул қилиш унинг таъсирига берилиш индивид билан гуруҳнинг зиддиятларини олдини олиши мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай ҳатти-ҳаракат қилишга интилади. Лекин ана шундай гуруҳ фикрига, ҳаракатига қўшилиш турли шаклларда бўлиши мумкин: ташқи конформлилик — индивид гуруҳ фикрига номигагина қўшилади, аслида руҳан у гуруҳга қарши туради; ички конформлилик — индивид гуруҳ фикрига тўлиғича қўшилади ва руҳан қабул қилади. Ана шундай ҳолларда индивид билан бошқалар ўртасида зиддият ёки конфликтлар пайдо бўлмайди. Бу ўринда яна бир тушунча ҳам бор, у ҳам бўлса "негативизм" тушунчасидир, бу индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилишидир. Бу табиий индивид учун нокулай, лекин мустақил фикр, одил ҳаракатлар доимо ҳурмат қилинадиган жамоаларда негативизм ходисаси ёмон иллат сифатида қабул қилинмайдн.

Гуруҳлардан яна бир жараён-бу гуруҳнинг уюшқоқлиги муаммосидир. Гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, қадриятларини яхши тасаввур қилишлари бундай уюшқоқликнинг биринчи омилидир. Иккинчи ва асосий омил — бу ўша гуруҳни бирлаштириб турган фаолият мақсадларини, унинг йўналиши ва мазмунини билишдаги ғоявий бирликдир. Умуман, экспериментал тадқиқотларда қайд этилган гуруҳга оид фикрлардаги умумийлик уюшқоқликка ижобий замин ҳисобланади.

Гуруҳнинг **автономлиги даражаси** ҳам маълум аҳамиятга эга омил, чунки ҳар бир аъзо умумий мақсад асосида бирлашган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирининг ўз бурч ва вазифалари бор ва шу нуқтаи назардан ҳар одам ўз имкониятларини ўзича ишга солиб, ўзаро муносабатларга сабаб бўлади.

Гуруҳнинг психологик тизимга таъсир этувчи омилларга яна уларнинг жинсий, ёш жиҳатдан, маълумоти ва малакаси нуқтаи назаридан фарқ қилувчи, уйғунликни ташкил этувчи омиллар ҳам киради.

Гуруҳлардаги лидерлик ва умумий қарорларга келиш ҳам динамик жараёнларга киради.

## **Конформизми ва нонконформизм ходисаларининг моҳияти**

**Конформизм** - бу реал ёки тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс эътиқоди ва хулқ-атворига таъсирини тушунтирувчи ходисадир. У икки хил намоён бўлиши мумкин:

■ **ён бериш** - қалбан қўшилмаса-да, ташқи ҳарактада кўпчилик фирига эргашиш;

■ **маъқуллаш** - эътиқод ва қарашларнинг ижтимоий тайзикқа тўла мос келиши.

Конформизмнинг табиатини тушунтирувчи экспериментлар (масалан, Музафер Шериф, Соломон Аш, Милграм ва б.к.) маълум маънода бизга ҳаётда ёқмайдиган нарсаларнинг келиб чиқишини, масалан, жоҳилликнинг, ўғрилиқ ёки бошқа иллатларнинг табиатини тушунишга имкон беради, яъни, жоҳиллик


ёки ёмонлик, албатта ёмон одамларнинг борлиги учун келиб чиқмайди, балки одамларнинг турли вазиятларда ноҳақликка кўникишлари ёки худбинлик ёки ёвузликни кўриб ўтиб кетавериш, уларга нисбатан исённи намоён қилмаслик оқибатидир.

Конформизм ходисасини экспериментал йўл билан ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, бу - маълум шарт-шароитларнинг оқибатидир. Масалан, конформизм гуруҳнинг катта ёки кичиклигига, унинг **ҳажмига** боғлиқ. Одамлар ўзлари учун биров бўлса-да, обрўли ёки ёкимтой бўлган одамлар сони уч ёки ундан ортиқ бўлган шароитда уларнинг гапларига жуда тез ишониб, эргашиб кетаверадилар. Бундан ташқари, юқори даражали конформизм ҳолати бирор масала юзасидан жавоблар кўпчилик ичида берилганда, ёки олдиндан бирор жавобга шаъма қилинмаган шароитда тез содир бўлади.

Нима учун одамлар конформизмни намоён этадилар, бу аслида инсон табиатига зид эмасми? деган савол табиий. Ёки бўлмаса, кўпчиликнинг таъсирига ўйламай-нетмай берилавериш яхшими? Бу шахснинг ўзлигига, мустақиллигига путур етказмайдами, деган савол ўринли бўлиб, унинг жавобини икки манбадан - жамиятнинг инсонлар учун ишлаб кўйган нормалари тизимидан, шунга мос тарзда одамнинг ўзгалар томонидан тан олиншига интилишидан ва одамларнинг ўзаро коммуникатив маълумотлар алмашилиши жараёнида сўзлар ва иборалар орқали бир-бирларига етказадиган таъсирлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ким кўпроқ конформли, деган саволга кўпчилик муаллифлар аёлларнинг эркекларга, ёшларнинг катталарга нисбатан анча ишонувчан ва таъсирларга берилувчан эканликларини эътироф этадилар. Бундан ташқари, олимлар бу ходисанинг миллий-худудий ўзига хосликларини ва бу каби хулқ-атвор айрим танг, сушт вазиятларда одам иродасининг пастлаши сифатида намоён бўлишини айтишган. Нима бўлганда ҳам, бизнингча, шахснинг ташқи тайзиқларга берилиши, танқидсиз у ёки бу ҳаракат типларига эргашиб кетавериши индивидуал хусусиятларга эга бўлиб, у одамнинг дунёқарашига, менталитетига ва маълумоти даражасига боғлиқдир.

**Нонконформизм-чи?** Кимлар ўзгалар фикрига эргашмайди? Шундай инсонлар тоифаси борки, улар кўпчиликка, қолаверса, иккиланувчиларга эргашолмайди. Улар ҳақида баъзан лидерлар термини, баъзида эса, «қўшилмаслар» ибораси ишлатилади. Бу яхшими ёки ёмонми? Ўзбекларда «Подадан ажраганни бўри ейди» деган мақол бўлишига қарамай, айнан ана шундай ягоналар, камчиликни ташкил этувчи «қўшилмаслар» тарихий шахслар ёки жамиятда туб ислохотларни бошловчилар бўлиб чиқади. Агар бундай қобилият туғма - харизматик бўлиб, буни одамлар қалбан хис қилсалар, улар норасмий лидерларга айланади, агар бундай интилиш атайлаб, бошқаларга кўрсатиб қўйиш учун намоёиш этилса, улар расмий лидерларга - раҳбарларга айланиб қоладилар. Нима бўлганда ҳам лидерлик ва раҳбарлик муаммолари ҳам ижтимоий психологиянинг устивор йўналишларидан ҳисобланади.



*Ижтимоий психологик муҳит деганда, ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқарашлари, установаклар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолати тушунилади.*

Гуруҳнинг шахсга ижобий таъсири ҳодисасини *фасцилитация* деб аталади. Бунда шахс ўзидаги қобилият ва фазилатларини, ишчанлик хусусиятларини намоён қила олиши кузатилади.

Шахс ўзидаги қобилият, имконият ва лаёқатини юзага чиқара олмаса, бунда гуруҳ унга салбий таъсир кўрсатса, шахсда тормозланиш намоён бўлади, бу ҳодисани *ингибиция* деб аталади.

**Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Мавзуда гуруҳ, гуруҳларнинг турлари: шартли, реал, расмий, норасмий, катта, кичик, референт, нореферент; гуруҳнинг шахсга таъсири: ингибиция, фасцилитация; гуруҳдаги динамик жараёнлар: уюшганлик, автономлилик, тарқоқлик, лидерлик, конформизм, негативизм тушунчалари ва моҳияти атрофлича баён этиб берилган.

**Назорат саволлари ва мустақил иш мавзулари:**

1. Кичик гуруҳлар психологияси.
2. Кичик гуруҳларнинг классификацияси.
3. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар.

**Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

1. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. - 496 с.

2. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
3. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т.: 2005, 185 б.

## **VIII БОБ**

---

### **ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС МУАММОСИ**

---

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги.  
Шахснинг ижтимоий установакалари.  
Шахсга кўйиладиган ижтимоий талаблар.  
Ижтимоий норма.  
Ижтимоий санкция.  
Ижтимоий рол.  
Шахс ижтимоийлашуви.  
Шахс тоифалари ва уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси.  
Экстраверт ва интроверт тоифали шахслар.  
Мобил ва ригид тоифали шахслар.  
Доминант ва тобе тоифали шахслар.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги. Шахс муаммосига ижтимоий-психологик ёндашишнинг моҳияти. Шахс ижтимоийлашуви жараёни. Ижтимоий норма ва унинг турлари. Ижтимоий санкциялар ва уларни амалга ошириш шартлари. Ижтимоий рол тушунчаси ва унинг бажарилишига кўра тартибли ёки тартибсиз сингари фикрларнинг шаклланиши.

Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши. Ундаги «Мен» образи ва унинг адекватлиги масаласи. Ўз-ўзини англаш ва шахсдаги химоя қилиш механизми моҳияти. Шахснинг ўзи ҳақидаги образида ёш ва жинсий ўзига хосликлар.

Шахс ижтимоийлашуви масканлари (оила, боғча, мактаб, махсус таълим муассасалари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари, маҳалла) ҳамда норасмий уюшмалар ва нодавлат ташкилотлар ва бу масканларнинг шахс ижтимоийлашувидаги ўзига хослиги. Шахс социализацияси соҳалари (фаолият, мулоқот, ўз-ўзини англаш), босқичлари (меҳнат фаолиятигача бўлган, меҳнат фаолияти, меҳнат фаолиятидан кейинги даврлар) ва уларда шахс тажрибаси жиҳатлари.

Ижтимоий установакалар ва уларнинг хусусияти. В.Ядов бўйича ижтимоий установакаларнинг тўрт босқич ва тўрт тизимли эканлиги. Ижтимоий установакаларни ўзгартириш йуллари. Ижтимоий установаканинг объект ва вазиятга боғлиқлиги. Шахс типлари ва уларнинг ижтимоий-психологик характеристикаси. Бу борадаги экстраверт ва интроверт, мобил ва ригид, доминант ва тобе типдаги шахслар, уларнинг хусусиятлари.

## **Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги**

Мулоқот жараёнининг ҳам, гуруҳий жараёнларнинг ҳамда эгаси— субъекти ҳамда объекти аслида алоҳида шахс, конкрет одамдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология алоҳида шахс муаммосини ҳам ўрганадики, уни ўша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан текширади. Маълумки, шахс муаммоси умумий психологияда ҳам, ёш психологияси ва педагогик психологияда ҳам, дифференциал, ҳуқуқий психология ва психологиянинг қатор махсус бўлимларида ҳам ўрганилади. Ҳар бир бўлим ёки тармоқ уни ўз мавзуи ва вазифалари нуқтаи назаридан шахсга тааллуқли бўлган муаммоларни ёритади. Масалан, умумий психология шахсни психологик фаолиятнинг маҳсули, алоҳида психик жараёнларнинг эгаси деб ҳисобласа, социология уни ижтимоий муносабатларнинг объекти деб қарайди.

Шахс муаммосига ижтимоий-психологик ёндашишнинг ўзига хослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан бўладиган турли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралади. Яъни, ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқ-атвори қандай қонуниятларга бўйсунганини, шахснинг мулоқотлар системасида олган таъсирлари унинг онгида қандай акс топишини ўрганади. Гуруҳнинг шахс психологиясига таъсири қай йўсинда содир бўлиши ижтимоий психологияда социализация, яъни ижтимоийлашув муаммоси билан узвий боғлиқ бўлса, бу таъсирларнинг шахс ҳатти-ҳаракатлари, хулқида бевосита қандай намоён бўлиши ижтимоий йўл-йўриқлар муаммоси билан боғлиқдир. Ана шулар асосида шахсда шаклландиган фазилатлар ва уларнинг турли типдаги шахсларда намоён бўлишини аниқлаган ҳолда, шахс хулқ-атворини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий психологиянинг асосий вазифаларидан биридир.

## **Шахснинг ижтимоий установакалари**

Соф психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм - бу ижтимоий установакалардир. Бу - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Ижтимоий муҳитнинг таъсири хулқ-атворда бевосита намоён бўлади. У ёки бу хулқ-атворнинг сабаби унинг мотивидир. Ижтимоий психология шахс хулқ-атворининг мотивлари сифатида ижтимоий установакаларни ўрганади.

Рус олими В.А. Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установакаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.

А) элементар установакалар (set) - оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўп инча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт - шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.



Б) ижтимоий устновкалар (attitud) - ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклландиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт - шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий установакалар - улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) қадриятлар тизими - улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда қадр - қиммат топган нарсаларга нисбатан установака. Масалан, саҳиҳ ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илоҳий, ҳам энг буюк инсонлар томондан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир.

Ижтимоий установака шахс хулқ-атворининг ички, англамаган ёки қисман англамаган мотивларига киради. Масалан, бир кишига бадий адабиётдан айнан бир гуруҳ асарлар ёқади. Лекин нима учун худди шу асарлар гуруҳи ёки шу адиб ёкишини тушунмайди. Ўша гуруҳдан янги бир китоб қўлга кирганда у албатта ёкиши керак деган тасаввурда бўлади. Шу маънода олиб қаралганда, ижтимоий установака шахсдаги англамаган муносабатларга ўхшайди. Лекин аслида унинг табиати жуда мураккабдир. Чунки ижтимоий установака тушунчасида муносабатлар ҳам, шахсий маъно ҳам, баҳолар системаси ҳам, билимлар ҳам ўз ифодасини топади. Яъни, ижтимоий установака шахснинг турли ижтимоий объектларга нисбатан муносабат билдиришининг ички механизмидир, шу объектлар билан ишлашга, уларни баҳолашга ҳамда маълум тарзда идрок қилишга тайёргарлик ҳолатидир.

Ижтимоий установака муаммоси Ғарбда, айниқса, Америка Қўшма Штатларида ҳар тарафлама чуқур ўрганилган муаммолардан ҳисобланади. Америкалик олимлар унинг шахснинг аввалги ҳаётий тажрибасига, ундаги ижтимоий тасаввурларга боғлиқлигини ўрганиб, шахс хулқ-атворини турли шароитларда бошқарувчи механизм эканлигини исбот қилдилар. Улар ижтимоий установакани бир сўз билан— "аттитюд" сўзи билан ифодалайдилар. 1942-йилдаёк М. Смит аттитюднинг уч компонентли структурасини ишлаб чиққан. Бунга кўра аттитюдда уч қисм бўлиб, булар когнитив қисм, аффектив қисм ҳамда конатив қисмларидир.

**Когнитив қисм** — бу шахсдаги аттитюд объектига нисбатан билимлар, унинг одам томонидан англанишидир. Бунга шахсдаги билимлардан ташқари ғоялар, тасаввурлар, принциплар ва ҳоказолар киради.

Аттитюднинг **аффектив қисми** — бу ўша объектни ҳиссий-эмоционал баҳолаш бўлиб, ёқтириш ёки ёқтирмаслик тарзидаги ҳиссиётлар киради. **Конатив қисм** ёки хулқ-атвор билан боғлиқ қисмга эса шу объектга нисбатан амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатлар, айнан хулқ-атвор киради.

Лекин баъзи олимларда установаканинг айнан объектга ёки вазиятга нисбатан бўлиши мумкинлига ҳақида маълумотлар ҳам бор эди. Хусусан, Лапьернинг 1934-йилда ўтказган машҳур эксперименти бунга мисол бўлиши мумкин. Экспериментнинг мазмуни куйидагича эди. Лапьер иккита хитойлик

талабалар билан АКШ буйлаб саёхатга чиқади. Улар ҳаммаси бўлиб 252 та меҳмонхонада бўлишиб, уларнинг деярли барчасида (биттасидан ташқари) илиқ, самимий муносабатнинг гувоҳи бўлишади. Маълумки, ўша пайтларда ирқий белги бўйича одамларга танлаб муносабатда бўлишар, хитойликлар ҳам сариқ танлилар сифатида камситиларди. Лапьер билан ҳамроҳ бўлган талабаларга муносабат билан олимга бўлган муносабат ўртасида деярли фарқ сезилмади. Саёхат тугагач, Лапьер ўша барча меҳмонхона эгаларига миннатдорчилик хати ёзиб, яна ўша талабалар билан борса, яна ўшандай илиқ кутиб олишлари мумкинлигини сўради. Жавоб фақат 128 та меҳмонхона эгаларидан келди, уларнинг ҳам биттасида ижобий жавоб, 58 % да рад жавоби, қолганларида турлича формаларда ноаниқ жавоблар олинди. Бундан Лапьер шундай хулосага келди: демак хитой миллатига мансуб шахсларга нисбатан ижтимоий установка билан меҳмонхона эгаларининг реал хулқ-атворлари ўртасида фарқ бўлиб, аслида установка салбий эканлиги, вазиятга қараб эса, у бошқача — ижобий намоён бўлганлиги аниқланди.

Ижтимоий установкаларга хос бўлган умумий қонуниятлардан яна бири унинг узок муддатли хотира билан боғлиқлигидир. Айни вазиятларда шаклланган образлар узок муддатли хотирада сақланиб, у ёки бу вазиятда актуаллашади, яъни "жонланади". Масалан, баъзи бир этник стереотиплар ана шундай хотира образларидандир. Демак, ижтимоий установка объектга ҳамда конкрет вазиятга боғлиқдир.

Шаклланган ижтимоий установканинг ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкинлиги муҳим ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир. Америкалик олим Ховланд фикрича, ижтимоий установка ўргатиш йўли билан ўзгариши мумкин. Яъни ўқувчилардаги турли установкаларни ўзгартириш учун рағбатлантириш ёки жазолаш тизимини ўзгартириш лозимдир. Икки шахс ёки шахс билан гуруҳнинг установкалари мос келмай қолган шароитда эса томонлардан бири онгли равишда ўз установкаларини ўзгартириши шартдир. Акс ҳолда номутаносиблик принципига кўра шахсларо низо ёки келишмовчилик пайдо бўлиши муқаррардир.

Ижтимоий установкаларни ўзгартиришнинг энг содда ва қулай йўли - бу айни вазиятлар ва улардаги таъсирларни **қайтаришдир**. Бу қайтариш қайд қилинган образ сифатида инсон онгида узок муддатли хотирада сақланади ва вазият пайдо бўлганда, объективлашади, яъни ўз кучини ва мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам агар чет эл тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ерда бирор ғояни онгга сингдириш учун бир одам ёки бирор гуруҳ ўз сиёсий, мафкуравий ёки бошқа қарашларини бир хил сўзлар ва иборалар, ҳаракатлар билан қайтараверади ва шу йўл билан кўп чиликнинг маъқуллашига эришади. Айниқса, сайлов олди тадбирларида ана шу усул кенг қўлланилади. Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий установкаларни ўзгартиришнинг усуллари ва психологик воситалари орқали ҳам дунёқарашни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шахсга социал-психологик ёндатиш уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, конкрет шароитида ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришувчи конкрет одам деб тушунишдир.

### **Шахсга қўйиладиган ижтимоий талаблар**

Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ - атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ - ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғлиқдир. Одамнинг ўз - ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ - шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ - атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

### **Ижтимоий нормалар**

Ижтимоий норма - шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ - атворига нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, «Ассалому алайкум» деб келиши - норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги - норма; хотиннинг эр ҳурматини ўрнига қўйиши, қайнонага гап қайтармаслик - норма; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарга, ногиронларга ўрин бўшатиши - норма ва ҳақозо. Бу нормаларни айрим - алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётини вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги факти билан характерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда муҳрланади.

### **Ижтимоий санкция**

Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади.

Ижтимоий санкциялар - нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рақобатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз. Масалан, юқоридаги мисолда, агар жамоат транспортида катта муйсафид кишига ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айблов кўзи билан қараши, ёки оғзаки танбеҳ бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг қўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, «кўзини мошдай қилиб очиб қўйиш» ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

## Ижтимоий рол

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида ҳуқуқда намоён этади.

Рол - шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш - у ёки бу олий ўқув юртида таҳсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоий ҳимоясида бўлиш каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда ўша олийгоҳ ички тартиб - интизоми нормаларига сўзсиз бўйсунуш, дарсларга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолов талаблари доирасида кундалик ўзлаштириш нормаларини бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ҳам ўз ичига олади. Бу рол унинг уйга боргач бажарадиган «фарзандлик» роли (ота ва она, яқин қариндошлар олдида) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади. Яъни, конкрет шахснинг ўзига хослиги ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли - туман ижтимоий ролларнинг ҳарактеридан келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир «тартибли, баъмани, фозил, ахлоқли ва одобли» дейилса, кимдир - беъмани, бебош, ўзгарувчан, иккиюзламачи (яъни, бир шароитда жуда қобил, бошқа ерда - бетартиб) деган ҳаётий мавқега эга бўлиб қолади.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўп лиги сабабли ҳам, турли вазиятлардаги унинг мавқеи - статуси ҳам турлича бўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли), у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги ва оқибатда, ўша вазиятда бошқачароқ, ноқулай ва нобопроқ мавқени эгаллаб қолиши мумкин. қолаверса, ролларнинг кўплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки, оқибатда - шахс ички руҳий қийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганлигини билиб, руҳий азобга тушади - бир томондан, талабачилик ва унинг талаблари, иккинчи томондан - касбдошлар олдида уялиб қолмаслик учун ҳар куни ишхонага ҳам бориб келиш.

## Шахс ижтимоийлашуви

Ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда ижтимоийлашув ёки социализация деб юритилади.

Демак, социализация ёки **ижтимоийлашув** - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув - ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши ва керак

бўлса, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши жараёнидир.

Ижтимоийлашув энг аввало одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутди. Ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, у ҳар бир шахснинг ички руҳияти, дунёни акс эттириш хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил таъсирлар одамлар томонидан турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Масалан, 10 - 15 та ўқувчидан иборат академик лицей ўқувчиларини олайлик. Уларнинг билимни, илмни идрок қилишлари, улардан ота - оналарининг кутишлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва унда етказилаётган маълумотлар, манбалар ва бошқа қатор омиллар бир хилдай. Лекин барибир ана шу 15 ўқувчининг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул қилади ва бу уларнинг ишдаги ютуқлари, ўқув кўрсаткичлари ва иқтидорида акс этади. Бу ўша биз юқорида таъкидлаган ижтимоийлашув ва индивидуализация жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарама - қарши жараёнлар эканлигидан дарак беради.

Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт - шароитларини ижтимоий институтлар деб атаймиз. Бундай институтларга оиладан бошлаб, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боқча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари киради.

Бу институтлар орасида бизнинг шароитимизда оила ва маҳалланинг роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, оилавий муносабатлар тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Яъни, шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оилада олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради. Бизнинг ўзбекчилик шароитимизда оила билан бир қаторда маҳалла ҳам муҳим тарбияловчи - ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чиқса, айнан шу маҳалладан қиз қидириб қолишади. Яъни, шу маҳалладаги ижтимоий муҳит қизларнинг иболи, ақлли, сариштали бўлиб етишишларига кўмаклашган. Масалан, айрим маҳаллаларда сахар туриб кўча - эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оилалар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш нормалар тизими ҳар бир кўча-маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, охиргилар эса шу маҳаллага катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувида бевосита таъсирини кўрсатади.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув ўчоқларига мактаб ва бошқа таълим масканлари киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйқунлаштирилади. Бизнинг ижтимоий тасаввурларимиз шундайки, мактабни биз таълим оладиган, бола билимлар тизимини ўзлаштирадиган маскан сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида бу ер

ижтимоийлашув тарбиявий воситаларда юз берадиган маскандир. Бу ерда биз атайлаб ташкил этилган, охириги йилларда жорий этилган «Маънавият дарслари», «Этика ва психология» каби тарбияловчи фанларни назарда тутмаяпмиз. Гап ҳар бир дарснинг, умуман мактабдаги шарт-шароитлар, умумий муҳитнинг тарбияловчи роли ҳақида. Масалан, дарс пайтида ўқитувчи бутун диққати билан янги дарсни тушунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кўзланган мақсад асосийдай. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим - боши, мавзуга субъектив муносабати ва қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир. Шу нуқтаи назардан ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс ҳолда эса ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гуруҳда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Бу муҳит табиий ўз аъзолари ижтимоий хулқини фақат ижобий томонга йўналтириб туради.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув муҳити - бу меҳнат жамоаларидир. Бу муҳитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда анча ақли пишиб қолган, маълум тажрибага эга бўлган, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. қолаверса, эгалланган мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда муҳим бўлиб, шу муҳитдаги ижтимоий нормалар ҳаракатига таъсир қилади. Лекин барибир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар муҳити таъсирида эканлиги унинг етуклик давридаги ижтимоийлашувининг муҳим мезонларидандир. Шунинг учун ишга киришдаги асосий мотивлардан бири - ўша жамоанинг қандай эканлиги, бу ердаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг кимлиги ва унинг жамоага муносабати бўлиб, кўп инча ойлик - маош масаласи ана шулардан кейин ўрганилади. Шунинг учун меҳнат жамоаларида яхши, соқлом маънавий муҳит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта роль ўйнайди.

Шахс социализацияси тўғрисида гап кетаркан, айтиш керакки, социализация соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, у — индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради, чунки индивидда шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, ундаги шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин (масалан, чақалоқлардаги бевосита эмоционал мулоқотга эҳтиёжнинг борлиги).

Шахс социализацияси ёки шаклланишининг ўз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади:

1) фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар жабҳаси, соҳаси кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни, малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониктириш йўлидаги активлиги унда ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) мулоқот соҳаси, айниқса мактабгача ёш даврдаги ва ўсмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоий-психологик хислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади.

3) ўз-ўзини англаш соҳаси, яъни "Мен" образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқлигини, ўзича мустақил ҳаракат қилиш, мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз-ўзини баҳолаш, англаш, назорат қилиш- хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмидир.

Шахс ижтимоийлашувининг ушбу босқичлари мавжуд. Масалан, биринчи босқич—меҳнат фаолиятигача бўлган босқич бўлиб, унга боланинг мактабгача ёш даври ҳамда ўқиш йиллари киради. Бу даврдаги ижтимоийлашувнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу даврда асосан ташқи ижтимоий муҳит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онга сингдирилади, мустақил ҳаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади. Иккинчи босқич — меҳнат фаолияти даври — бу давр одамнинг етуқлик йиллари билан боғлиқ бўлиб, аввалги даврларда сингдирган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга бўлиб, аниқ ҳаёт йўлини танлаган, турмуш қуриб, келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён бўладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг маҳсулидир. Ниҳоят, учинчи босқич — меҳнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб, бунга асосан актив меҳнат фаолиятидан сўнг қариллик гаштини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс ижтимоийлашуви давом этаверади, чунки энди илгариги даврларда орттирилган тажриба бошқаларга узатилади, шунга кўра шахс структурасида ҳам хусусий ўзгаришлар рўй беради.

Бу жараён рўй берадиган шароитлар — муассасалар хусусида гапириладиган бўлса, турли даврларда оила, болалар муассасалари, мактаб, бошқа даргоҳлари, меҳнат жамоаларининг роли назарда тутилади.

### **Шахс тоифалари ва уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси**

Психологларнинг фикрича, (Г.Асмолов, П.Шихерев, В.А.Ядов, П.Надирашвили ва бошқалар) ижтимоий установакаларни ўзгартириш учун шу установаканинг сабаби бўлган вазият ёки фаолиятнинг мақсади ва мотивини ўзгартириш шартдир. Шу нарса шахснинг актив онгли фаолиятида содир бўлади.

Шундай қилиб, шахс социализация жараёнида турли установакаларини рўёбга чиқариш шароитида фаоллик кўрсатади. Шундай фаолликнинг натижаларини биз унинг ижтимоий-психологик сифатларида кўрамиз. Яъни, актив биргаликдаги фаолият, ўзаро мулоқот жараёнида шахснинг ижтимоий-психологик фазилатлари шаклланади. Шунинг учун ҳам барча сифатлар фаолиятда намоён бўладиган ҳамда мулоқотда кўринадиган сифатлар гуруҳига бўлинади. Масалан, ташқи муҳит билан фаол муносабат перцептив ҳимоя сифатлари, яъни ўзига хавф солувчи ёки солиши мумкин бўлган ижтимоий таъсирлардан ҳимоя қилувчи хусусиятлар шаклланади. Бу сифатларни баъзи муаллифлар перцептив қобилиятлар (В.А.Лабунская) деб атасалар, бошқалари "ижтимоий таъсирларга ҳиссий жавоб бериш қобилияти" (А.Бодалев), "кузатувчанлик", "зийраклик" (Ю.Жуков) ва ҳоказо деб аташган. Бошқа сифатлар "мулоқотда намоён бўлувчи сифатлар"дир. Улар турли ижтимоий кутишлар системаси билан боғлиқ бўлиб, шахснинг турли шароитларда тўғри мулоқотга киришиш имкониятини беради. Бундан ташқари, ҳар бир шахсда ўзига хос тарзда дунёни, одамларни идрок қилиш ва тушуниш қобилияти борки, улар мулоқот жараёнида камрок хатоларга йўл қўйишини таъминлайди. Масалан, босиқлик, мулоҳазалилик ўзгаларнинг ички дунёсини гаплари, ҳатти-ҳаракатларига қараб билиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишига қараб шахс типлари фарқланади.

### **Экстрове́рт ва интрове́рт тоифали шахслар**

Бу типлар мулоқотга кириша олиш қобилиятига кўра фарқланади. Масалан, экстрове́рт — ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёждир, бошқаларнинг уни тушуниш-тушунмасликларидан қатъи назар, у доимо ўз фикр-истакларини ўртоқлашгиси келади. Экстрове́рт учун конкрет ким биландир мулоқотда бўлиш эмас, умуман ким билан бўлса ҳам мулоқотда бўлиш хоҳиши муҳим. Шунинг учун ҳам у умуман бегона одам билан гаплашиб, киришиб кета олади. Гаплашгиси келмаган бегонанинг психологиясини тушуниши қийин ("Қандай қилиб гаплашишни хоҳламаслик мумкин?", — деб уйлайди у). Экстрове́ртнинг қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради, дўстлари, ўртоқларини ҳам алмаштириб туришга интилади. Бундан ташқари, у ўта киришувчан бўлганлиги учун ҳам ҳар қандай шароитда вазиятдан чиқиш усуллари тўғрисида тез хулосага келади, ўта қизиқувчан, дунёда бўлаётган ҳодисалар, "миш-мишлар"ни билиш унинг учун зарур. Экстрове́рт кек сақламайди, бугун урушган одами билан эртага ҳеч нарса бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

**Интрове́рт** эса экстрове́ртнинг тескараси. У кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юритиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўхшаганлар унинг учун асосий ишдир. Шунинг учун ҳам унда мулоқотга установака жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлади. Интрове́рт китоблар олами, фалсафий фикрлашлар қулидир, чунки у одамлар гуруҳида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчийди, ўзини олиб қочади. Агар мулоқотда бўладиган бўлса,



2—3 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳни афзал кўради. Шунда ҳам ҳар куни эмас, баъзан-баъзан учрашиб туриш, гаплашганда ҳам "шахсий" мавзуларда эмас, умумий гаплар ҳақида суҳбатлашишни яхши кўради. Чунки у экстрове́ртдан фарқ қилиб, ўз "Мен"ининг бошқаларга ўхшамаслигини доимо эсда тутди. Интроверт доимий стандартлар, белгиланган нормалар оламида яшайди, қизиққан нарсаси билан умрини охиригача бўлса ҳам шуғулланишга тайёр, умр йўлдошига содик, вафодор. Дўстларга ҳам худди шундай.

### **Мобил ва ригид тоифали шахслар**

Бу шахс типлари мулоқотга киришиш меъзонига кўра фарқланади. Масалан, **мобил тип** ҳар қандай иш билан машғул бўлган шароитда жуда тез мулоқотга киришади, лекин бошқа нарсаларга ҳам диққатини кўчириши мумкин. У тез гапиради, доимо шошади, юз ифодалари ҳам тез ўзгаради. Суҳбат мавзусини ҳам тез-тез ўзгартириб туришга мойил. Гаплашиб кетиши қанчалик осон бўлса, гапни тугатиб, хайрлашиб кетиши ҳам осон. Суҳбат тугагандан кейин қолган ишини давом эттириб кетаверади.

**Ригид суҳбатдош** эса унинг акси. Бундай шахс қатъиятли, дадил бўлса ҳам, бир фаолият туридан иккинчисига кўчиши жуда қийин, у маълум муддатни талаб қилади. Чунки у ўйламасдан таваккал иш қила олмайди. Масалан, у хат ёзаётган пайтда кириб қолсангиз, то бирор бўлагига нуқта қуймагунча сизга қарамайди. Қарагандан кейин эса, тезгина суҳбатга кириша олмайди. Ригид шахс жуда яхши суҳбатдош. Мобил типдаги суҳбатдош билан гаплашаётганда у тез-тез гапни бўлиб, суҳбатдошга ташаббусни бергиси келмайди, ригид эса жуда диққат билан тинглайди. Лекин ўзи гапирганда, секин, мантқан тўғри гапиришни яхши кўради, гапини бўлишларини сира истамайди. Агар суҳбатни бўлсангиз, кейинги сафар сиз билан гаплашмай кўя қолишни афзал кўради. Агар у билан уришиб қолсангиз, анча вақтгача унинг жажли чиқмайди, сизни охиригача эшитиб, секин жавоб беради, ундаги ранжиш, жажл чиқиши одатда сиз кетгандан кейин келади. Агар унинг суҳбатдоши тоқатсиз одам бўлса, иккаласининг чиқиши қийин, чунки у узоқдан келиб тушунтиришни яхши кўради. Демак бу типлар ҳам ҳар хил, ҳар бирида ҳам яхши, ҳам ёмон сифатлар бор.




### **Доминант ва тобе тоифали шахслар**

Доминант тип мулоқот жараёнида сира ҳам бошқалардан паст келишни хоҳламайди, савол берилса, хоҳласа жавоб беради, бўлмаса, индамаслиги ҳам мумкин. У доимо суҳбатдошга таъсир кўрсатиши, унинг бўйсунганини хоҳлайди. Унда эгоизм ҳисси кучли, ўзи хато фикр юритса, хатолигини суҳбатдош сезса ҳам уни бўйнига олмайди. Доминант тип — қатъиятли. Суҳбат давомида у сизнинг фикрингизни ярим йўлда тушунса, сизни охиригача тинглашни истамайди, гапни бўлиб, майинлик билан гапни тугатиб қўйиши мумкин. Агар иккала суҳбатдош ҳам доминант бўлишса, унда улар ўртасида осонгина рақобат ҳисси юзага чиқиши, келишмай қолишлари мумкин. Шунинг учун жанжаллашиб қолмаслик учун доминант шахсининг мустақиллиги,

дадиллигига кўниш, унга ўз нуқтаи назарини охиригача баён этиш имкониятини бериш лозим.

**Тобе типли** шахс эса суҳбатдошнинг қарашларига мослашади, доимо ён беришга тайёр, шунинг учун у кам жанжаллашади, лекин ёмон кўриб қолган одами билан умуман гаплашмайди. Суҳбат шароитидагина у аста-секин ўзининг дадиллигини кўрсатиши, очиқ гаплашиши, баъзан эътирозлар билдириши мумкин. Тобе шахсли болаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир, шунинг учун ҳам уларни мактаб туриш, гапираётганда кўзлар, юз ифодалари билан уларни руҳан қўллаб туриш керак. Бирор қарорга келиш керак бўлиб қолса, бу шахс қарорни яхшиси сиз қабул қилишингизни хоҳлайди, чунки жавобгарликни бўйнига олишни истамайди.

Юқорида келтирилган типларни кузатар эканмиз, барчасида яхши ва ёмон, ноқулай сифатлар борлигини кўрамиз. Ҳаётда кўпинча соф у ёки бу тип вакили учрамайди, лекин у ёки бу вазиятларда такрорланадиган фазилатларга қараб одамларни типларга бўламиз. Бундан ташқари, бир марта кўришда одам ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Уни турли шароитларда бир неча марта кузатиш лозим.



Ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятини йуналтириб турадиган ва реал вазиятларга нисбатан тургун, барқарор мотивлар мажмуига эга бўлишлик *шахснинг йўналганлиги* деб аталади .

Йўналганлик

Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмлари

Масъулият;  
Мақсад ва идеаллар;  
Қизиқиш ва дунёқараш .

Шахс дунёқараш ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар

1. Маънавият ва маърифат;
2. Мафкура;
3. Оила;
4. Ижтимоий установка:
  - Элементар установка;
  - Ижтимоий установка;
  - Базавий ижтимоий установкалар;
  - Қадриятлар тизими.

Ижтимоий норма

Шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ - атворига нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир

Ижтимоий институтлар

Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт-шароитларини *ижтимоий институтлар* деб аталади. Оила, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боғча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари уларга киради

## Социализация ёки ижтимоийлашув

Инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Ижтимоийлашув - ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши

### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Ушбу мавзуда шахснинг ижтимоий муносабатларда мавқеи, роли, установакалари, талаблар тизими, ижтимоийлашуви хусусиятлари, мулоқот давомида намоён бўладиган турли тоифалари тўғрисида маълумот ва тушунчалар берилган.

### **Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

1. Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги.
2. Шахснинг ижтимоий установакалари.
3. Шахс типлари ва уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси

### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

1. Немов Р.С. «Психология». Кн.1. - М., 2003
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Т.: 1999, 94 б.

## IX БОБ

---

### БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

---

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Психологияда бошқариш муаммоси.  
Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик.  
Лидерликка оид назариялар.  
Харизматик назария.  
Вазиятга боғлиқлик назарияси.  
Синтетик назария.  
Лидерлик услублари ҳақида тушунча.  
Авторитар услуб.  
Демократик услуб.  
Либерал услуб.  
Раҳбарлик сифатлари.  
Лидерлик ва суперлидерлик.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Психологияда бошқарув муаммоси. Бошқариш муаммосининг ижтимоий психологиянинг махсус бўлими эканлиги. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик масалалари. Б.Паригин бўйича лидер ва раҳбар орасидаги тафовут ва ўхшашликлар. Ижтимоий ходисаларни бошқаришда лидерлик фаолиятидан фойдаланиш қоидалари.

Лидерликнинг учта назарияси. «Лидерлик сифатлари» назарияси, унинг моҳияти. Лидерликнинг вазиятга боғлиқлик назарияси ва унинг ғояси. Лидерликнинг синтетик назарияси ва унда гуруҳнинг роли. Лидерлик усуллари ҳақида тушунча. Авторитар раҳбар ва унинг иш олиб бориш хусусиятлари. Демократик раҳбар ва жамоани бошқаришдаги унинг таъсир усуллари. Либерал раҳбар ва ундаги иш олиб бориш тартиблари. Г.Гибш ва М.Форверглар бўйича бу учала тоифа раҳбарларнинг жамоа психологик муҳитидаги ўрнлари масаласи.

Раҳбарлик сифатлари (интеллект даражаси, мустақиллик, ўзига ишонч, зиёилик, режалилик, коммуникативлилик ва бошқа сифатлар).

### **Психологияда бошқариш муаммоси**

Охирги йилларда инсон омилига эътиборнинг ортиб бориши муносабати билан бошқариш психологияси масалаларига ҳам қизиқиш кучайди. Шу асосда ижтимоий психологиянинг махсус бўлими — **бошқариш психологияси** пайдо бўлди. Бошқариш психологияси психологиянинг шундай тармоғи, у бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан бошқа гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва биргаликдаги фаолиятини амалга оширишнинг психологик механизмларини ўрганади.

Бошқариш муаммолари ҳам бир қанча фанлар томонидан ўрганилади, жумладан, фалсафа, тарих иқтисод, ҳуқуқшунослик ва психология унинг ўзига хос томонларини очиш билан шуғулланади. Психология бошқаришни ҳам объекти, ҳам субъектини ўрганади. Психологик тадқиқотларда ўрганиладиган олимлар жамоаси, алоҳида шахс, уларнинг психологик ҳолатлари, улардаги айрим жараёнлар ва вазифалари бошқарув объекти деб айтилади. Бошқарувнинг субъекти ўрганилганда эса одатда бошқарувчи шахс ёки одамлар гуруҳи назарда тутилади.

Психология кўпроқ бошқарувчи шахс фаолиятининг психологик асосларини ўрганади ва шу асосда буйсунувчилар ишларини самарали ташкил этиш, аниқ ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун қандай психологик ҳолат ва жараёнларни ўзида тарбиялаш лозимлиги каби қатор муаммоларни ечади. Масалан, конкрет ҳаётий шароитларда агар бошлиқ мажлис олиб бораётган бўлса, ҳар бир сўзга чиқувчиларнинг фикрлари, маърузалари ва ҳоказолар орқали уларнинг психологик ҳолатлари аниқланади, янги иш дастурлари ишлаб чиқарилади, қабул қилинган қарорларга кўра бошлиқнинг ва ходимларнинг ҳар бирига алоҳида илмий кўрсатмалар ва маслаҳатлар берилади.

Бошқарув психологияси бошлиқ фаолиятини анализ қилганда асосий диққатни бошқариш унинг эҳтиёжи ёки қобилиятларига мос ёки мос эмаслиги, қайси индивидуал хусусиятларига кўра у бошлиқ даражасига кўтарилди, ишни

муваффақиятли амалга ошириш учун у бошқарувнинг қай усулларида фойдаланяпти, ходимларга психологик таъсир кўрсатиш мақсадида у қандай таъсир услубларини қўллаяпти каби қатор масалаларга қаратади. Бошлиқ бўлиш ишига турли шахсларнинг муносабатлари ҳар хил, чунки кимдир бошлиқда бўлган имтиёзларга берилади, ким учундир унга берилажак ҳуқуқларни афзал кўриш хос, кимгадир юксак масъулиятларни бўйинга олиш маъқул келади. Шахсларнинг бошлиқ функциялари ҳақидаги тасаввурлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, бошлиқдан реал шароитларда одамлар гуруҳини аниқ мақсад асосида фаолиятга йўллаш, уларга бош бўлиш, турли тадбирларни амалга ошириш, обрўга эга бўлиш, ҳар бир қилинган иш учун жавобгарликни ўз буйнига олиш каби кўплаб сифатларнинг мужассам бўлиши талаб қилинади.

Айниқса бошлиқ учун турли гуруҳлардаги, кўп ҳолда бир бошлиқ учун бир вақтнинг ўзида бир қанча гуруҳлардаги шахсларо муносабатларнинг характериға жавобгар бўлиш қийинчиликлар турдиради, чунки ўша гуруҳларни ташкил этган ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуаллиги, бошқарувчи ҳақидаги улар тасаввурининг ҳар хиллиги ва гуруҳларда норасмий лидерларнинг борлиги бошлиқдан одамлар билан ишлаш борасида ҳам тажрибанинг, ҳам психологик фаҳм-фаросатнинг ва сабр-қаноатнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётимизда, ҳам илмий адабиётларда тез-тез ёнма-ён ишлатиладиган "лидер" ва "бошлиқ" тушунчаларининг психологик мазмунларини анализ қилиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

### **Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик**

Гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гуруҳ аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада "лидер" ва "бошлиқ" тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д. Паригин бу икки тушунани фарқлаб шундай ёзади:

1) лидер асосан гуруҳдаги шахсларо муносабатларни бошқарса, раҳбар — шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2) лидерлик кичик гуруҳларгагина хос бўлган ҳодиса бўлса, раҳбарликнинг ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3) агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мақсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ҳодисадир;

4) лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ҳодиса бўлиб, гуруҳ аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йуналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;

5) раҳбарнинг лидердан фарқи яна шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимиға эга бўлиб, шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;

6) лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб

расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирасидан чиқиб кетиши кийин;

7) лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги, кенгрок ижтимоий доирадаги, жамиятдаги вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гуруҳ аъзолари орасида бўлади, у шу гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга чорлайди. Чунки лидер гуруҳ аъзоларининг психологияси, уларнинг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва ҳоказоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир. Агар синф доирасида олиб қараладиган бўлса, турли хил лидер борлигини аниқлаш мумкин. Масалан, гуруҳ аъзолари ичида энг билағони, ақл ўргатувчиси, топқири, интеллектуал лидери, болалар ичида энг ҳазилкаши, дилкаши, хушчақчағи, кўнгил сўровчиси, ўзгаларни тушуна оладиган — эмоционал лидер, гуруҳни иш фаолиятга чорлай оладиган, дадил, қатъиятли, иродали-иродавий лидерлар бўлиши мумкин. Улар айни вазиятларда вазият талабига кўра пайдо бўладилар ҳамда болалар онгида ўз сифатларига кўра обрў қозонадилар. Лидер сифатлари ичида яхши ва ёмонлари ҳам бўлиши мумкин, лекин гуруҳ лидерга эргашганда, уни ибрат сифатида танқидсиз қабул қилади ва шунинг учун ҳам барча ишларига эргашиб, кўрсатмаларига амал қилади. Мактабда болалар ёшида хулқи мактаб нормаларига тўғри келмайдиган лидерларнинг борлиги, улар маълум гуруҳ ичида сўзсиз обрўга эга эканлиги ҳам шу билан тушунтирилади. Масалан, лидер "кетдик" деб кўрсатма берса, унга эргашганларнинг дарсени ҳам ташлаб кета олиши шу билан тушунтирилади.

Шунинг учун ҳам синф раҳбари ўз синфидаги расмий лидерлар билан ишлаш билан чекланмайди, балки норисмий лидерларни ҳам аниқлай билиши, улар билан ҳамкорликда ишлаши зарур. Тўғри, баъзи ҳолларда расмий ва норасмий лидер бир шахс бўлиши ҳам мумкин. Бу жуда қулай, лекин лидерлик вазиятга боғлиқ бўлгани учун ҳам уларнинг ўзгариб туришини ҳисобга оладиган бўлсак ўқитувчининг бошқариш маҳорати ёки санъати унинг норасмий лидерлар билан самарали ишлаш усулидир.

Шундай қилиб, ҳар қандай лидер обрўга эга. Обрўлилик шахснинг шундай хусусиятики, у бошқа шахсларга ҳам ҳиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эгадир. Норасмий обрўлилик яъни шахслараро муносабатлар маҳсули сифатида орттирилган обрў жуда самаралидир. Одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли вазиятларда тушуна олиш, ишонч ва шунга ўхшашлар обрў орттириш мезонларидандир.

### **Лидерликка оид назариялар**

Лидерлик ҳодисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назариялари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ҳозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд:

- Харизматик назария;
- вазиятга боғлиқлик назарияси;

- синтетик назария.

### **Харизматик назария**

Биринчиси "**лидерлик сифатлари назарияси**"дир ёки **харизматик назария**. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер була олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гуруҳда лидер бўлишини таъминлайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К. Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда жумладан ташаббускорлик мулоқотга кириша олиш, юмор ҳисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарорлар қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар бор эди. Лекин бу назариянинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмайди, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмади.

### **Вазиятга боғлиқлик назарияси**

Иккинчи назария **лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назариясидир**. Бу ердаги асосий ғоя — лидер вазиятнинг маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларнинг ўзларини кўрсатишлари, лидер бўлишлари учун қулай ҳисобланади.

### **Синтетик назария**

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария лидерликнинг **синтетик** назариясидир. Бу назария лидерни гуруҳий муносабатларнинг бевосита маҳсули деб қарайди, лидернинг руёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради.

Психолог А.Н. Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият маҳсули, гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гуруҳда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутишларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин. Ижтимоий кутишлар назарияси ҳозирда кўпчилик томонидан маъқул ёндашишлардан бири деб қабул қилинмоқда.

### **Лидерлик услублари ҳақида тушунча**

Ҳар бир лидер ёки бошлиқ ўзича индивидуал ва қайтарилмасдир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини, бошқарув фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишидадир.

Ижтимоий психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири — **турли бошқарув услубларидир**. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М. Форверг, рус олимлари В.Д. Паригин, Л.Н. Уманский, М.Ю. Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш услубларига ҳарактеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб:



- **Авторитар;**
- **Демократик;**
- **Либерал иш услубларидир.**

### **Авторитар услуб**

**Авторитар раҳбар** барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқ-равшан, кескин оҳангда ходимларга етказди. Мулоқот жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўқ-пўписа, кескин таъкиклаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири — нима йўл билан бўлса-да, ўз хукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни макташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятига ва ўша шахсларга нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак-истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам ҳоллардагина инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истаклар ёки кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўқ-пўписа, камситиш ёки маънавий жазолаш йўли билан чекланади ёки қониқтирилмайди. Бундай раҳбар ўз иш услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширмақчилигини одатда, жамоадан сир тутди, унинг фикрича, бу унинг обрўйига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Гуруҳдаги ижтимоий-фазовий муносабатлардаги ўрни жиҳатидан, у "жамоадан четда", автономдир.

**Авторитар раҳбарда** ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилиятлари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳақида тасаввурлар борки, шунга кўра у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очиқ ғазабини келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни бундай жамоаларда ҳокимият— марказлаштирилган, жамоа раҳбари ушбу марказнинг якка ҳокими — шунинг учун ҳам бу ерда "менинг одамларим", "менинг ишим", "менинг фикрим бўйича" каби иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишига нисбатан шундай фидоийлик борки, улар ўзларини шу ишсиз тасаввур қила олмайдилар, яъни иш унинг "бутун вужудини қамраб олган". Шу сабаб бўлса керак бундай раҳбар ҳар бир одамни унинг кундалик иш фаолиятини, унинг натижаларини жуда яхши билади. Лекин, аслида, уни ишнинг мазмунидан кўра, унинг ўша ердаги етакчилик роли, бошлиқлиги кўпроқ қизиқтиради ва ўзига ўша сифатларга қараб баҳо беради. Бу сифат, табиийки, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилгани учун жамоа олдига қўйилган барча топшириқлар бажарилмай қолмайди ("темир раҳбар"). Бундай жамоаларда танқид иши жуда суст, чунки у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам танқид қилишларига йўл қўймайди. Танқид қилишга, унинг фикрича, фақат бошлиқ ҳақли, йиғилишларда сўзни ўзи бошлаб, ташаббусни охиригача бошқаларга бермайди, одамларнинг таклифлари, уларнинг ҳиссиётлари эътиборга олинмайди.

Г. Гибш ва М. Форвергларнинг таҳлил қилишларича, авторитар лидер бош бўлган жамоада ишларнинг самарадорлиги анча юқори бўлиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлар экан. Лекин жамоадаги руҳий-

маънавий муҳит оғир, танг бўлиб, бу нарса одамларнинг жамоадан, ишдан қоникмасликларига олиб келади. Бундай раҳбарлар бошчилик қилган меҳнат жамоаларида ишлайдиган одамлар ўз касблари, иш жойларини осонликча алмаштиришлари мумкин.

### **Демократик услуб**

**Демократик раҳбар**, аксинча, бўйсунувчиларга мустақиллик эрк бериш тарафдори. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар, одатда, тақлиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор кишини мақташ, унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид, кўпинча тақлиф, истак шаклида қилинган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолида "айбдорга" етказилади. Ҳар бир янги иш жамоа маслаҳатисиз бошланмайди. Шунинг учун ҳам унинг фазовий-ижтимоий ҳолати "жамоа ичида".

Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатидан ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпроқ бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари — норасмий лидерлар танқид қиладилар. Бошлиқ йўл қўйган хато-камчиликларни жамоатчилик олдида бўйнига олишдан қўрқмайди. Чунки ундаги масъулияг ҳисси нафақат юқори бошқарув ташкилотлари аъзолари билан мулоқот пайтида, балки, ходимлар билан мулоқотда ҳам сезилиб туради ва қўйилган топшириқ юзасидан масъулиятни бошқаларга ҳам бўлиб беришни яхши кўради. Бошлиқнинг ходимларидан сирини йўқ, шунинг учун ҳам мажлисларда кўпроқ у эмас, балки барча ходимлар гапирадилар, охириги қарор чиқариш ва сўзларни яқунлаш, умумлаштириш ҳуқуқидан у тўлиқ фойдаланади.

Гибш ва Форвергларнинг таҳлилларига кўра, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоаларда маънавий-руҳий муҳит жуда яхши, ишчилар жамоадан, ишдан қониқиш ҳосил қилганлар, ишдан кетиш ҳоллари кам бўлади, лекин ишлаб чиқариш зўрға норма ҳолатида бўлар экан.

### **Либерал услуб**

**Либерал** (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини, ишга муносабатини, ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиқлаш, пўписа бўлмайди, унинг ўрнига кўпинча ишнинг охириги оқибати билан танишиш билан чекланади, холос. Жамоада ҳамкорлик йўқ бошлиқ жамоанинг муаммолари, ишнинг баланд-пасти билан қизиқмайдигандай, гўёки бошқа "қоинотда" юрганга ўхшайди. Аниқ кўрсатмалар бермайди, унинг ўрнига норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириқлар бажарувчиларга етказилади. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни

баргараф этиш, керакли махсулот, хом-ашё кабиларни топиб келиш, мажлисларда қатнашиш ва ҳоказолардан иборат.

Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганда, у доимо хушмуомала бўлиб, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай, охирги сўзни ўзига қолдиради. Шундай қилиб, ходимларга фикрлаш ва ҳатти-ҳаракатлар эркинлиги бериб қўйилган, булар юзасидан бошлиқнинг фикри сўралган тақдирда ҳам, ундан аниқ гап чиқмайди, чунки у ходимларни яхши билмайди, қолаверса, уларни хафа қилиб қўйишдан қўрқади. Унинг фазовий-психологик ҳолати "гуруҳ ташқарисида".

Олимлар фикрича, бундай раҳбар ишни олиб борган жамоаларда барча кўрсаткичлар доимо орқада, кўним ҳам йўқ. Либерал раҳбар ишда ўзбошимчаликка йўл қўйиб, кўп турмай, бошқа ердан иш қидиришга ҳаракат қилади.

Юқорида баҳо берилган бошқариш услублари кўпроқ лидерликка эмас, балки раҳбарликка тааллуқли, лекин илмий адабиётларда бу иккала ибора, кўпинча синонимдай ишлатилади. Аслида, энг яхши раҳбар ўзида барча лидерлик сифатларини ҳам мужассамлаштирган бўлади. Чунки соф ижтимоий психологик маънодаги лидернинг турлари турли шароитларда ўзида кўпроқ намоён этадиган шахсий сифатларига кўра табақаланади. Масалан, лидер-ташкilotчи, лидер-ташаббускор, лидер-эрудит, жамоа ҳиссий-эмоционал ҳолатни бошқарувчи лидер, лидер-билагон ва ҳоказо. Яхши раҳбар ана шу лидер сифатларини билган ҳолда, уларни ўзида тарбиялаши ва жамоасидаги лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиши керак. Охирги йилларда Москва ва бошқа йирик илмий марказларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, аслида ҳаётда соф демократ ёки соф авторитар раҳбарни учратиш қийин, лекин учраган пайтда ҳам улар бир жамоани узоқ муддат бошқара олмаслиги маълум булди. Шунинг учун ҳам улар вазиятга боғлиқ, конкрет жамоа, унда қабул қилинган ҳатти-ҳаракат нормалари, шахслараро муносабатлар типи лидернинг ҳам, раҳбарнинг ҳам иш тактикаси ва услубини белгилайди, деган ғоя қабул қилинмоқда. Лекин бу раҳбарлик услубларининг психологик мазмун ва моҳиятини билишнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳар бир услубда ўзига хос ижобий томон бор, моҳир раҳбар ўзини-ўзи тарбиялар экан, ўшаларнинг энг маъқули, айниқса ўзи раҳбарлик қилаётган жамоага мосларини тарбиялаши мақсадга мувофиқдир.

### **Раҳбарлик сифатлари**

Юқорида айтиб ўтилганидек раҳбарда туғма қобилият бўлади деб ҳам айтиб бўлмайди, иккинчи томондан, раҳбар вазиятга қараб стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб ҳам бўлмайди. Минглаб шахс сифатлари ичида кўплари раҳбарлик учун қулай ва маъқулдир. А.В. Петровский ана шундай ижобий сифатлардан бир ярим мингини санаб чиққан. Лекин уларнинг барчасини умумлаштирадиган, албатта бўлиши лозим бўлган айрим сифат, қобилиятлар борки, улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқ лозим.

Аввало, ҳар қандай раҳбарда интеллект — ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений даражасидаги интеллектга эга бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл-заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлишини амалиёт ва ҳаёт кўрсатди. Раҳбардаги ўртадан юқори интеллектни қоплаб кетадиган яна бошқа муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, раҳбарнинг мустақил фикрлилик, топқирлик, ташаббускорлик сифатлари. Чунки, айрим ҳолларда хато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсата олиши, ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга мустақил баҳо бера олиши зарур.

Чунки мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир.

Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу эса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча, раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади, лекин яхши раҳбар аввало ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосда бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Ҳар қандай раҳбар учун универсал, керак бўлган ҳислатлардан яна бири том маънода "зиёли" бўлиш ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим. Муомала маданияти — бу ўринли, аниқ, қисқа, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан ходимлар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг ўрнига тура олиш, унинг ҳис-кечинмаларига шерик бўлиш, эмпатия ҳиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлилик ва бошқалар мулоқот маданиятининг муҳим томонларидир.

Жамоа фаолиятини ва ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти раҳбар учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда бошқара олишни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади. Режалаштириш — бу ўзига хос келажакни кўра олиш қобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарса шахснинг қанчалик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир. Бу жуда мураккаб психологик жараён бўлиб, у шахснинг ўз диққатини қанчалик омилона тарзда бошқариши, уни фақат муҳим нарсаларга қарата олиши, вақтдан тез фойдалана олиш, ортиқча ишлардан ўзини тийиш, қўл остидагиларга, имкони борича, уларнинг қобилиятларига қараб иш буюра олиш ва ниҳоят, буюрган ишни ўз вақтида назорат қилиб, сўраб олиш имконияти билан боғлиқ. Ўз ишини пухта режалаштириш қобилиятига эга бўлган раҳбар реалистик тафаккурга эга бўлмоғи, яъни ҳар қандай шароитларда ҳам ўша муаммо ёки ишга тааллуқли барча альтернатив вариантлардан энг тўғриси ва мақсадга мувофиқини танлай

оладиган, ишни тўғри ташкил эта билган, яъни энг кам куч ва вақт сарфлаб ишни уддалай олган, ноаниқ ёки тасодифий вазиятларда ҳам иш тактикасини тўғри йўлга йўналтира оладиган одам бўлиши керак Бундан ташқари, яхши раҳбар учун олдида турган ишнинг ҳар бир алоҳида деталларигача тасаввур қилиб, уни амалга оширишнинг барча босқичлари ва воситаларини олдиндан кўра билиш қобилияти ҳам зарур. Шундай тақдирдагина у ишга дадил киришиши, ўзгаларни ўз ортидан эргаштириши ва ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этгани — одамлар билан ишлаш маҳоратидир. Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун эса бошлиқ уларнинг психологиясини, ҳар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, чунки "ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир", — деб ёзишган эди инглиз олимлари. Ижтимоий психологиянинг бу борада ҳам яхши воситаси — ижтимоий психологик тренинг услуби борки, унинг ёрдамида одамлар билан ишловчилар жамоани бошқаришнинг турли усулларига муваффақиятли тарзда тайёрланмоқдалар.

Раҳбарнинг профессионал муҳим сифатлари масаласи охириги йилларда мутахасислар ва амалиётчиларни кўпроқ қизиқтирмоқда. Бир гуруҳ олимлар америкалик ҳамда япониялик раҳбарлар фаолиятини ўрганиб, уларга хос бўлган энг муҳим сифатларнинг блокларини ажратганлар. 1500 та америкалик менеджер ва 41 та йирик Япония фирмалари раҳбарларининг сифатлари куйидагича табақаланди:

А. Концептуал қобилият ва хулқ-атвор стандартлари:

- дунёқарашнинг кенглиги, глобал ёндашув;
- узоқни кўра билиш ва эгилувчанлик;
- ташаббускорлик ва дадиллик, таваккалчиликка мойиллик;
- мунтазам ўз устида ишлаш ва узлуксиз ўқиш.

Б. Шахсий сифатлар:

- мақсад ва йғналишларни аниқ белгилаш;
- ўзгалар фикрини тинглаш қобилияти;
- холислик, самимият ва бағрикенглик;
- адолатли қарорлар чиқариш орқали ходимларни жой-жойига қўйиш, улар имкониятларидан тўла фойдаланиш;
- шахсий ёқимтойлик;
- жамоа ташкил этиш ва унда уйғун муҳитни ушлаб тура олиш қобилияти.

В. Саломатлик.

Лекин барча ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлдики, америкалик раҳбарлар кўпроқ ходимларнинг шахсий-индивидуал ташаббуслар кўрсатишларига имкон берувчи муҳитнинг бўлиши тарафдорлари бўлсалар, японияликлар - ходимларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари самарасини оширувчи шароитларни яратишга эътибор берадилар.

Шунинг учун ҳам раҳбарлик сифатлари ҳақида гап кетганда, шахснинг бир қатор билимдонликлари назарда тутилади.

1. Профессионал билимдонлик - ўзи бошқараётган соҳа фаолиятини мукамал йўлга қуйиш учун ўша фаолият борасида тўла маълумотлар, билим ва малакаларга эга бўлишлиқдир.

2. Услубий билимдонлик - билган нарсалари, шахсий малака ва кўникмалари, турли лойihalар хусусидаги маълумотлар, топшириқларни тез, тўғри ва тушунарли тарзда ходимларга етказа олиш қобилияти.

3. Ижтимоий психологик билимдонлик - одамлар билан ишлаш, улар билан тил топиша олиш, жамоани уюштира олиш, уни яхши ишлашга сафарбар қила олиш, ўзидаги лидерлик сифатларини тўла намоён эта билиш қобилияти. Бу тушунча кўпинча “коммуникатив билимдонлик” тушунчаси билан синоним сифатида ҳам ишлатилади.

50-чи йиллардан бошлаб ўтказилган тадқиқотларда ҳар қандай фаолиятда ҳам муваффақиятни таъминловчи сифатларнинг юзлаб хилларини аниқланди. Лекин уларни умумлаштирилганда, 5% сифатларгина барча тадқиқотларда муҳим, деб эътироф этилди. Уларнинг орасида энг кўп марта такрорланганлари: а) интеллект (одамнинг мураккаб ва мавҳум муаммоларни еча олиш қобилияти, у ўта юқори бўлмаслиги, аксинча, ўртачадан юқори бўлиши кераклиги эътироф этилди); б) ташаббускорлик (янгича ишлаш ва ҳаракатларга эҳтиёжни англаш қобилияти ва шунга мос мотивлар) киради.

### **РАҲБАРЛИККА ЛОЙИҚЛИК МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА ЛИДЕРЛИКНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:**

- 
- лидер - маъмур;
  - лидер - режалаштирувчи;
  - лидер - сиёсатчи;
  - лидер - баҳоловчи эксперт;
  - лидер - жамонинг ваколатли вакили;
  - лидер - рағбатлантириш ва жазолаш ташаббускори;
  - лидер - ҳукм чиқарувчи ва яраштирувчи;
  - лидер - намуна “Ота”;
  - лидер - жамоанинг рамзи - референт;
  - лидер - индивидуал масъулликни чекловчи;
  - лидер - дунёқарашлар шакллантирувчи;
  - лидер - “Балогардон”.
- 

### **ЛИДЕРЛИК ВА СУПЕРЛИДЕРЛИК**

Америкалик тадқиқотчи Линда Джуэлл ўзининг «Индустриально-организационная психология» (2001 йил) китобида ижтимоий психологик ходисалардан муҳими бўлмиш **лидерлик** масаласига ўзининг ўзига хос ёндашувини баён этган. У бу муаммони айнан бизнинг шароитимиздаги талқини, яъни мардлик ва жасорат кўрсатиш учун очик майдонлар йўқ бўлган шароитда лидерлик хислатларининг намоён бўлиш хусусиятларини очишга уринади. Унинг фикрича, замонавий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги энг аввало ходимлар ролини ошириб, лидерларникини аксинча, пастлаштириш, ёки аниқроғи, камайтириш ҳисобига рўй беради. Шундагина раҳбарликда ортиқча

бўғинларни камайтириш мумкин. Лидернинг, яъни америкаликлар раҳбарни лидер феномени доирасида тасаввур қилишади, вазифаси – гуруҳнинг самарали фаолият кўрсатиш йўллари белгилаб беришдир.

Бу китобда ижтимоий психологик нуқтаи назардан аҳамиятли бўлган тушунчадан бири бу – **«суперлидер»** тушунчасидир. Суперлидер ким ва қачон оддий лидер суперга айланади? Америкалик тадқиқотчилар Манц ва Симсларнинг фикрича, энг яхши лидер – бу «суперлидердир». Бу шундай шахси, у ўз ходимларининг аксариятини лидерларга, биринчи навбатда ўзлари учун лидерларга айлантира олади. Бундаги асосий ғоя шундан иборатки, агар одам энг **аввало ўзи учун лидер бўла** олса, ўзидаги бу малака ёки маҳоратни бошқаларга етказа олсагина, бу одам учун шундай вақт-саот етиб келадики, жамоа ўзи мустақил ишлайдиган, бевосита тепасида туриб бошқариб турадиган инсонга муҳтож бўлмаган механизмга айланади. Бу – суперлидерликдир.

Оддий раҳбар ёки лидернинг суперлидерга айланиши бир неча босқичларда кечади (пр. ):

I – ўзи учун лидер бўлиш, яъни шахсий мақсад ва маслақлар, ўзини ўзи кузатиш, ўзини ўзи рағбатлантириш, ҳаёлий репетициялар ва когнитив таҳлиллар орқали ўзининг мустақил инсон, шахс эканлигини, ўзида бошқаларга ўрناк бўлувчи сифатлар борлигини англаш;

II – юқорида қайд этилган сифатларнинг афзалликларини ўзгаларга намойиш этиб, унинг афзалликларига ишонтира олиш;


III – ходимларига ўзларида ташаббус ва ўзига ишончни намоён этиш учун шароит яратиш;

IV – мустақил қобилият эгалари бўлган ходимларни рағбатлантириш, керак бўлганда, фақат конструктив танбеҳлар бериш;

V – ўз-ўзини бошқаришга асосланган ижтимоий фаолиятни ташкил этиш ва ишларга ҳадеб аралашаверишдан ўзини тийиш.

Демак, самарали бошқарув – аслида ижтимоий таъсирни амалга оширишнинг энг намойишкорона кўринишидир. Шу маънода, лидерлик – аввал шахснинг ўзига, сўнгра ўзгаларга бера оладиган таъсирида кўринадиган фазилятлар мажмуидир, деб таърифланади.

#### РАҲБАРГА ЗАРУР БЎЛГАН ТЎРТТА “Т”



Раҳбарга зарур билимдонлик қирралари:

- 1.Профессинал билимдонлик
2. Услубий билимдонлик
3. Ижтимоий билимдонлик.

### 3. Ижтимоий


#### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Мазкур мавзуда ижтимоий психологияда бошқарув ва раҳбарлик муаммосининг қўйилиши, раҳбарликка оид назариялар (харизматик, вазиятга боғлиқлик, синтетик), раҳбар ва лидер орасидаги ўхшашлик ва тафовутлар, уларнинг ваколат даражалари, раҳбарлик услублари (авторитар, демократик, либерал) тўғрисида атрофлича билим ва тушунчалар берилган.

#### **Раҳбарлик фаолиятининг диагностик хусусиятлари**

1. Раҳбар туб маънода реалист бўлиши, яъни унинг барча ҳаракатлари корхона манфаатларига мос келиб, унга фойда келтиришини тасаввур қилиши лозим;
2. Раҳбарнинг умуман одамлар ҳақида қандай тасаввурда эканлиги, улар тўғрисида нима деб ўйлаши, бу борадаги билимлари жуда муҳим;
3. Ҳар қандай нарсани йўл - йўлакай, қийинчиликсиз идрок қила олиши муҳим қобилият эканлиги;
4. Ўзгалар фаолияти ва жамоани яхлит тарзда бошқара олиш ҳамда бажараётган ишни биргаликда ҳамма катори амалга оширишга тайёр бўлиши лозим.
5. Жамоа ва унинг ташқарисидаги рақобатчи ҳамда ҳамкасбларнинг мавқеи ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаб, ўзи зарур хулосаларни чиқара олиши.
6. Ҳар қандай тошпирилган вазифани охирига етказиш ва бундан маълум бир қониқиш ҳисси ҳосил қилиш учун ўзидаги қобилият ва куч-қувват заҳирасига эга бўлиши шарт. Бунинг учун эса:
  - а) ўз кучи, салоҳияти ва қобилиятларини энг асосий мақсадга қаратиш, иродани айнан шунга сарф қилиш;
  - б) доимо тетик ва соғлом бўлиб, ҳар доим ҳам ишга яроқли эканлигини кўрсата олиш;
  - в) бошқа ходимлар ҳам бажара олиши мумкин бўлган майда-чуйда ишларга қўл урмай, уларнинг назоратигагина эътиборни қарата олиш (делегирование);
  - г) ён - атрофдаги бошқа ташкилот ва корхоналардаги бошқарув услублари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиб, бошқарувда улардан ортда қолиб кетмасликка ҳаракат қилиш, корпорация усулидан унумли фойдаланиш.





**Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

1. Психологияда бошқариш муаммоси.
2. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик.
7. Лидерлик усуллари ҳақида тушунча.
8. Раҳбарлик сифатлари.

**Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**

1. Ғозиев Э.Г. Тошимов Р. Менежмент психологияси. Т-2001
2. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
3. Воспитай своего лидера, как находить, развивать и удерживать в организации талантливых руководителей. \ Пер. с англ.-М.: Издательский дом “Вильямс”, 2002.- 416 с.
4. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)

## Х БОБ

### ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ТАДБИҚИЙ СОҲАЛАРИ

#### **Бобда кўриладиган мавзулар:**

Саноат ижтимоий психологияси.

Никоҳ ва оила соҳасидаги тадбиқий тадқиқотлар.

Таълимда психологик хизмат кўрсатиш.

Тибиётда ижтимоий психологик ёндашув муаммоси.

#### **Бобнинг қисқача мазмуни:**

Саноат ижтимоий психологияси. Саноат корхоналарида кузатиладиган ҳолат асосида ишга салбий таъсир этадиган сийинчиликларнинг турлари ва уларни намоён болиш шартлари. Саноат корхоналарида кузатиладиган горизонтал ва вертикал ўзаро муносабатлар ва уларнинг психологик табиати.

Оила ва никоҳ соҳасидаги тадқиқот ишлари ва уларнинг ўзига хослиги муаммолари. Оила ва оилавий муносабатларга қизиқишнинг айрим жиҳатлари. Бу борада ўтказилаётган тадқиқотларнинг аҳволи. Аёлларнинг меҳнатга жалб этилиши ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари.

Мактабда психологик хизматни ташкил этиш тажрибасидан. Мактаб муҳитидаги амалий психологнинг иш фаолиятидаги эътиборли томонлар ҳақида. Бундаги асосий йўналишлар: диагностик ва тузатиш ишлари, психопрофилактик ишлар, психологик консултациялар ва маънавий-оқартув ишлари.

#### **Саноат ижтимоий психологияси**

Саноат ёки индустриал ижтимоий психология ҳозирги кунларда тадбиқий илмий тадқиқотларнинг етакчиси бўлиб келмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотлар ҳам асосан АҚШ да кўплаб ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари кенг амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида саноатда инсон омилининг роли масаласи ўарб мамлакатларида анчагина яхши йўлга қўйилган.

Саноат ижтимоий психологияси йигирманчи асрнинг 60- йилларида кенг ривожлана бошланди. Бу хусусда социологлар В.А.Ядов, А.Г.Здравомислов, В.П.Рожин, Е.С.Кузьмин ва бошқаларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу тадқиқотлар ва изланишларда олимлар асосан ишлаб чиқариш муҳитининг ҳамда ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналаридаги катта ва кичик бирламчи ва иккиламчи, контакт ва контакт бўлмаган гуруҳларнинг шахс онгига таъсирини, ишга мотивация, самарадорликни таъминловчи психологик омилларни ўрганишган. Бу тадқиқотларда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигида алоҳида шарт-шароитларидан кўра инсонлар ўртасидаги муносабатлар, бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги алоқалар, умуман, инсон омилининг нақадар катта роль ўйнаши исбот қилинган. Уларда ўша ўттизинчи йилларда Мэйо томонидан амалга оширилган машҳур "Хоторн" экспериментларида қўлга киритилган асосий хулосалари ўз исботини топди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш муаммосининг ижтимоий психологик томонини аниқлаш кун тартибидаги асосий масалалардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки янги бозор муносабатларини амалга оширадиганлар алоҳида шахслар бўлиб, уларнинг индивидуал ҳамда гуруҳдаги установакалари, фаолликлари, меҳнатга муносабатлари, ҳиссиётлари етакчи роль уйнайди. Корхоналарнинг мустақиллиги, хусусий мулкчиликнинг турли формалари ҳаётга шиддат билан кириб келаётган бугунги шароитда ҳам одамлар гуруҳ бўлиб меҳнат фаолиятини амалга оширар эканлар, улар учун ўша гуруҳдаги ижтимоий психологик муҳитнинг қандайлиги, бевосита раҳбарнинг обрўйи, норасмий лидерларнинг ишга ва шахслараро муносабатларга таъсири актуал масала бўлиб қолаверади ва уларнинг характери ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Янги бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида раҳбарлар олдида турган яна бир муҳим масала шуки, улар аввалгидан ҳам билимдонроқ бўлиб, билимларини кўпроқ ҳар бир шахснинг индивидуал психологик лаёқатлари ва қобилиятлари, ишга муносабатларига қараб, уларни тақдирлашлари, ишга жалб этишнинг турли-туман формаларини топишлари зарур. Ходимми, ишчими уни шахсан ўрганиб, ҳар бир қилган ишини муносиб тақдирлаш эса (хоҳ моддий, хоҳ маънавий тақдирлаш бўлсин) унинг қисман тест ўтказадиган мутахассис ёки психолог бўлишини, ҳозирги замон психологиясининг оммабоп усулларини қўллаган ҳолда иш юритишини талаб қилади. Ишни ташкил этиш, гуруҳларни шакллантиришда ҳам у гуруҳлар психологияси қонунларини билиши, одамлар сони ва сифати масаласида ижтимоий-психологик жиҳатдан билимдон бўлиши шарт.

Ҳозирги кунгача ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида олимлар sanoat корхоналари структурасидаги ишга халақит берадиган айрим қийинчиликларни аниқлашган.

Хусусан, уларга қуйидагилар киради:

а) корхоналардаги ишлаб чиқариш гуруҳларидаги одамлар сонининг ҳар хиллиги — 5—6 кишидан тортиб, 100 ва ундан ортиқ кишигача. Бундай ҳар хил гуруҳларда таққослаш йўли билан тадқиқот олиб бориш ва бирининг натижасини иккинчиси ёйиш мумкин эмас;

б) бирламчи ишлаб чиқариш гуруҳларидаги раҳбарлар мавқеининг турлича эканлиги, яъни смена устасидан тортиб, завод директори гача бўлган раҳбарлик тизими ўрганиладиган бўлса, уларнинг ҳақ-хуқуқлари, имкониятлари, амалидан келиб чиқадиган хуқуқлари ҳар хил бўлгани учун ҳам уларнинг реал гуруҳлардаги мавқеи, таъсири ҳар хиллиги маълум булди. Бу нарса раҳбарларга турлича талаблар тизимини ишлаб чиқишини талаб қилади;

в) баъзан, бирламчи ишлаб чиқариш гуруҳларида биттадан ортиқ раҳбар бўлиши мумкин. Масалан, смена муҳандиси ва цех бошлиғи, агар уларнинг раҳбарлик усуллари турлича бўлса, бу ҳам муҳим ижтимоий-психологик омил сифатида ишнинг сифатига таъсир кўрсатади;

г) турли корхоналар ҳозирда турлича жамиятлар (акционерлик кооператив, давлат хўжалиги, хусусий ва шунга ўхшаш) шаклида иш юритаётганлиги ҳам ҳар турли корхоналар психологик тузилишини ўрганишни талаб қилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси социал психологик тадқиқотларни ташкил қилишда қатор қийинчиликлар туғдириши, кўшимча ишларни талаб қилиши табиий.

Ҳозиргача, саноат ижтимоий психологияси йўналишида олиб борилган кўп ишлар саноат бирлашмаларидаги алоҳида ишлаб чиқариш гуруҳларидаги ижтимоий-психологик муҳитни ўрганишга қаратилган бўлиб, тадқиқот мобайнида унинг ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, ишчиларнинг ишга муносабатлари, гуруҳдаги нормаларга бўйсунушлари ва ҳоказолар билан боғлиқлиги ўрганилган. Айниқса, кўп тадқиқотларда ана шу психологик феноменнинг раҳбарликка таъсири, норасмий лидерларнинг сифатларига боғлиқлиги масалалари тўлиқ ўрганилган. Лекин шу йўналишдаги тадқиқотлар ҳозирги иқтисодий муносабатлар шароитида ўтказилгани йўқ. Шунинг учун ҳам яқин келажакда ижтимоий психологлар томонидан саноат корхоналарида ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқот аспектларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) жамоа аъзолари ўртасидаги вертикал ўзаро муносабатларни ўрганиш раҳбарлик масалалари, раҳбарнинг жамоа аъзолари томонидан идрок қилиниши ва аксинча, ҳар бир аъзонинг раҳбарликда иштироки, ундан қониқиши ва бошқалар

2) жамоа аъзолари ўртасидаги горизонтал ўзаро муносабатлар, яъни жамоанинг уюшганлиги, шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги зиддиятлар ва уларнинг типлари, уларнинг олдини олиш чоралари; меҳнатга муносабат, ундан жамоа аъзоларининг қанчалик қониқишлари ва унинг меҳнат унумдорлигига таъсири, иш мотивлари ва ҳоказо.

Тадқиқотчини юқоридаги ана шу масалалани ўрганиши учун, табиий, методик воситалар зарур.

Профессional ижтимоий психолог оддий кишидан шуниси билан фарқ қилалики, у ҳар бир конкрет шароитда ўзига керакли, маъқул методик услубларни қўллайди, баъзи бирларини синаб кўриб, агар мақсадга мувофиқ бўлмаса, бошқаси билан алмаштиради. Олинган натижаларига асосланиб туриб, у корхоналардаги руҳий муҳитни "яхши", "ўртача", "ёмон", "қарама-қарши" типларга бўлади ва ҳар биридан ўзига яраша илмий кўрсатмалар ва хулосалар чиқаради.

### **Никоҳ ва оила соҳасидаги тадбиқий тадқиқотлар**

Оила ва никоҳ ҳамма вақт ҳам гуманитар фанларни қизиқтириб келган соҳа. Айниқса, бу соҳанинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги бор. Чунки, ижтимоий психология оилани ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатида текшириб, унда содир бўладиган барча руҳий жараёнларни ўрганади. Республикамизда сила ва никоҳ масалаларига эътиборнинг катталиги ҳисобга олиб, кўпчилик тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини ана шу муаммоларга бағишлаганлар (М.Мирхосилов, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, М.Расулева, С.Соғинов, У.Маҳкамов ва бошқалар). Оилага бўлган илмий қизиқишнинг сабаблари аввало бу объектнинг "нақдлиги" бўлса, иккинчи томондан, охириги йилларда, ҳаттоки бизнинг республикамизда ҳам ажралишларнинг кўпайганлиги, туғилишнинг шаҳар ва қишлоқларда бир текисда эмаслиги,

"муаммоли" оилаларнинг кўпайиб бораётганлиги, оила институтига ёшлар муносабатларининг ўзгариб бораётганлиги ва бошқалардир.

Умуман олганда, бизнинг худудимизда ҳам оила-никоҳ муносабатлари йил сайин ўзгариб бормоқда. Бу борада ўзгаришларга: 1) оиланинг жамият олдидаги функцияларининг ўзгариб бориши; 2) оила аъзолари сонининг ва туғилишнинг камайиши, мураккаб кўп оилали типдан, алоҳида мавжуд бўлган алоҳида оилалар типига айланиб бораётганлиги; 3) оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин функцияларининг ўзгариб, оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бораётганлиги; 4) иқтисодий инкирозларнинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсири; 5) аёллардаги репродуктив установкаларнинг ўзгариб бораётганлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу айтиб ўтилган соҳалар Ўзбекистон шароитида шу яқин кунларда ишланиши керак бўлган муаммолар бўлиб, уларнинг ечимига кўра оилани режалаштириш, оилада болалар тарбияси, аёл ва эркаклар меҳнатига муносабат кабилар бўйича олимлар ўз фикрларини айтишлари керак.

Оила ва никоҳ борасида ўтказиладиган тадқиқотларда жаҳон ва ҳамдўстликдаги давлатларда ўтказилган изланишлар, улардан олинган натижалар ва методикалардан фойдаланиш мумкин. Айниқса, Санкт-Петербург, Болтиқбўйи республикаларида оила масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўплаб ўтказилган бўлиб, уларнинг тажрибасидан биз ҳам кенг фойдаланишимиз керак. Чунки бу худудларда рўй бераётган кўплаб ижтимоий жараёнлар, хусусан, оилавий муносабатлар борасидаги муаммолар бизнинг жумхуриятимизга ҳам тааллуқлидир. Масалан, аёлларнинг ижтимоий меҳнатда бандлиги туфайли уларда оила, унда хотин кишининг ўрни, роли ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгаришининг ўзи бутун психологияни қайта қурилишига сабаб бўлмоқда. Лекин, иккинчи томондан, демократия ва эркинлик шароитида йиллар давомида тақиқланиб келган эски кадриятларимиз, биринчи навбатда, диннинг ҳаётга кириб келиши, умуман оилавий муносабатларга шундай таъсир кўрсатмоқдаки, кўпчиликда "энди аёл киши анъанавий ўз ўрнини эгаллармикин?" деган тасаввурлар ҳам пайдо бўлмоқда. Аммо, ҳозирги ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида моддий ишлаб чиқаришни хотин-қизларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий тадқиқотлар одамлар онгидаги ана шундай қарама-қаршиликларнинг психологик ечимини топган ҳолда оила ва никоҳ тизимида психологик ёрдам кўрсатиши зарур. Шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида "оила хизмати" шоҳобчаларини ташкил этиш зарурки, улар бир томондан, оила ва никоҳ борасидаги илмий муаммоларни тадқиқ қилиб, уларни ҳаётга тадбиқ қилса, иккинчи томондан, ёшларга, оиласиз одамларга, зиддиятли оилаларга бевосита психологик хизматлар кўрсатиши керак.

Оилавий муносабатлар соҳасидаги алоҳида тадбиқий тармоқ бу ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Бу иш бизнинг ўлкамизда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, янгилик билан эскилик қарама-қарши келаётган шароитларда айниқса муҳимдир. Ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шаклланадиган аттракция ҳодисаси, яъни шахсларнинг бир-бирларига эмоционал боғланишлари — дўстлик, севги ҳисларини тарбиялаш, ана

шундай тарбияга шарт-шароитлар яратиш бизнинг ўрта Осиё шароитларимизда янги ва келажаги порлок соҳалардандир. Бу ишларни амалга оширишда мактаб психологлари, педагоглар, ижтимоий психологлар ҳамкорликда ишласалар, олинган хулоса ва натижаларни ҳаётга тадбиқ этса бўлади.

### **Таълимда психологик хизмат кўрсатиш**

Маълумки, шахснинг социализацияси асосан таълим-тарбия масканларида амалга ошади. Шунинг учун ҳам таълим масканлари орасида: оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олийгоҳ олдига қўйилган асосий вазифалардан бири шахснинг камолоти учун барча шароитларни яратиш, унинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбиянинг энг мақбул шакллари жорий этишдир. Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси кўрсатмаларига асосан ёшларнинг лаёқатларини илк ёшлигидан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар тарафлама ўстириш вазифалари шахсга индивидуал ёндашувнинг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда, шунга яраша мактаб ва жамоатчилик олдига қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Тестлар воситасида билимларни текшириш, олий ўқув юртларига ва таълимнинг барча тармоқларига ҳам тест синовлари орқали қабулнинг амалга оширилиши психологик хизматнинг тезроқ йўлга қўйилишини талаб қилмоқда. Ижтимоий психология ҳам давримизнинг таълим масканлари олдига қўяётган талаблари, унинг ҳозирги кунларда бошдан кечираётган қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ўз олдига:

- а) уларни англаш;
- б) илмий анализ қилиш;
- в) олдини олиш йўллари қидириш;
- г) йўл-йўриқлар кўрсатиш вазифасини қўймоқда.

Бу борада ижтимоий психолог нима ишларни қилиши мумкин?

1. Жойларда ташкил этилган психология хизмати, аввало психологдан ўша таълим маскани шароитини ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқишни, ҳар бир ёш хусусиятларига қараб, индивидуал ва гуруҳда ишлаш услубларини аниқлаши лозим.

2. Психолог шахс ўртасида учраб турадиган психик ривожланишдан чекиниш ҳолларини тўлиқ ўрганиши, унга сабаб бўлган ижтимоий-психологик шарт-шароитларни анализ қилиши лозим.

3. Психологда турли ёшли шахс бўйича уларнинг қобилиятлари, йўналиши, лаёқатлари ва касбга қизиқишига доир аниқ илмий анализлар, тест натижалари асосида тузилган маълумотлар бланки бўлиши керак. Бу маълумотларга асосланиб, психолог ҳар бир шахсга алоҳида-алоҳида ёндашиш, айримларига қўшимча дарслар ташкил этиш шахсдаги қобилиятларни ўстириш билан боғлиқ аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқмоғи лозим.

4. Таълими масканларидаги алоҳида синфлардаги руҳий ҳолатларни, ўзаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган психологик муҳитни аниқлаши ва расмий ва

норасмий лидерлар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиб, маъмуриятга керакли йўл-йўриқларни бериб туриши керак.

5. Бундан ташқари, психолог турли можаролар, зиддиятлар, тартиббузарликларнинг олдини олиш, уларнинг табиатини ўрганиш чоратадбирлари бўйича консултациялар ташкил этиши керак. Бундай консултациялар алоҳида ота-оналар ва педагоглар жамоаси учун ташкил қилинади. Амалий психолог фаолиятининг яна бир томони турли масалалар бўйича ўқитувчилар жамоасига консултация ва ёрдамлар беришдир.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, диагностик ва тузатиш ишлари (ҳар қандай ривожланиш жараёнидаги чекланишлар, орқада қолиш ҳолатларини аниқлаб, чорасини топиш, улар олдини олиш); психопрофилактик ишлар (психогигиена, боланинг психологик жиҳатдан нормал ривожланишини таъминловчи шароитлар яратиш); психологик консултациялар, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг психологик саводхонлигини кўтариш; психолог қўллайдиган методларни конкрет шароитларга мослаштириш, улардан самарали фойдаланиш, тўпланган илмий маълумотларни системали тарзда анализ қилиб бориш; тестлар тузиш, уларнинг сезгирлигини илмий асослаш ва ҳар бир бола қобилиятини, қолаверса, ўқитувчилар билимдонлигини тестлар ёрдамида мунтазам текшириб, илмий хулосалар ва кўрсатмалар тайёрлаш кабилардан иборатдир.

Ўйлаймизки, республикамизда таълим масканларида психологик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш келажагимиз бўлган болаларимизни жамият олдида турган улкан ва улуғвор ишларга тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Умуман жамиятнинг психология фани олдида қўйган талаблари кўп. Уларни қондириш учун жумхуриятимизда аввало кенг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, уларнинг натижаларини дадил амалиётга тадбиқ қилиш даври келди. Амалиёт билан назария ўртасидаги боғлиқлик ҳар бир илмий ғояни ҳаётга тадбиқ қилиш психологлар олдида турган асосий вазифалардандир.

### **Тиббиётда ижтимоий психологик ёндашув муаммоси**

Охириги йилларда ижтимоий психология билан одамларнинг саломатликларини муҳофаза қилувчилар, тиббиёт ходимларини ўртасидаги алоқалар ҳам кучаймоқда. «Саломатлик психологияси» деб номланувчи бўлим пайдо бўлдики, у ўз бошидан турли тангликларни кечирган, ёлғиз ва серхавотир одамларнинг руҳий ҳолатлари, кутишлари ва муносабатларини ўрганмоқда. Масалан, олимларнинг текширишларига кўра, ўзида депрессия - танглик ҳолатини бошидан кечираётган одамнинг ўзи ҳақидаги фикрлари ҳам салбий бўларкан. Нормал одамларга нисбатан улар тушунтиришларида ўзларини ёмон баҳолаб, воқоё-ходисалар орасида ҳам фақат ёмонларини эслаб, келажакка ишончлари ҳам кам бўлади. Улар фикрлашлари одатда **депрессив тафаккур** деб аталади. Шунга ўхшаш ҳолатлар ёлғиз қолган одамлар ва бурли вазиятлар оқибатида стресс ҳолатига тушиб қолганларга ҳам хосдир.

Психология бу борада уларга ижтимоий муҳитга аралашш, кутишлар тизимини ўзгартириш ва ўзига муносабатни ижобийлаштириш учун тренинглардан ўтишни тавсия этади. Бунда асосан уч тамойилга бўйсунтиш керак бўлади:

- ташқи хатти-харакатлардаги ўзгаришлар ички дунё ва фикрлашни келтириб чиқаради;
- хулқдаги ижобий малакаларнинг пайдо бўлиши ижобий тажрибага асос бўлади ва бу орқали одамнинг ўзини ўзи идрок қилиши ўзгаради, оқибатда негатив фикрлаш ҳам чекинади;
- даволаниш масканларида соғлиғини тиклагандан сўнг агар одам бу ҳолатни докторларнинг даволаш дастурларидан эмас, балки ўзидаги ички руҳий омиллар туфайли рўй берди, деб хулосаласа, даволаниш самараси узоқроққа чўзилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни қатъий таъкидлаш мумкинки, тиббиёт ходими ёки шифокор албатта психологияни яхши билиши, айниқса, унинг тармоғи бўлган ижтимоий психология асосларини билиши зарур. Бу нарса нафақат касалликларнинг келиб чиқиши, негизи психоген омиллар таъсирида бўлишидан, балки шифокор ва касал одамларнинг ҳам бири ўзига хос шахслар бўлиб, улар ўртасидаги бир-бирини идрок қилиш, тушуниш ва таъсир кўрсатишлари турли шароитларда турлича кечиши билан изоҳланади. Ҳаётини кузатишлар шуни кўрсатадики, малакали шифокорнинг бир бемор билан амалга оширган муваффақиятли муолажаси, мулоқоти тажрибаси, бошқа шароитда бошқа беморлар билан самара бермаслиги ва бу нарса инсоннинг ёш, жинс, профессионал хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Шунинг учун ҳам охириги йилларда масаланинг айнан шу психологик жиҳатларига – муомаладаги этика, эстетика ва халқ менталитети хусусиятлари, кадриятларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Зеро, айниқса, асаб бузилишларидан келиб чиқадиган ҳар қандай касаллик, масалан, неврозлар инсон қалби ва унинг руҳий дунёсидаги қарама-қаршиликлар ва муаммолардан келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам саломатлик психологияси бевосита ҳаётга боғлиқ бўлган конкрет йўналиш сифатида Ўзбекистонда ҳам ўз ривожини топаётганлигини ҳаёт кўрсатиб турибди, масалан, 2005-йилни Президентимиз томонларидан “Сиҳат-саломатлик йили” деб эълон қилинганлиги бесабаб бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

### **Мавзу юзасидан қисқача хулоса:**

Мавзу психологик маслаҳатни ва психологик хизмат турларини саноат, ишлаб чиқариш ва таълим масканларида ташкил этиш йўл-йўриқларига қаратилган бўлиб, бу ҳар бир соҳада психологик ишларни олиб боришда кузатиладиган ҳолатларни атрофлича англаб олишга ёрдам беради.

### **Назорат саволлари ва мустақил ишлар мавзулари:**

1. Саноат ижтимоий психологияси.
2. Никоҳ ва оила соҳасидаги тадбиқий тадқиқотлар.
3. Мактабга психологик хизмат кўрсатиш.

### **Мавзу юзасидан адабиётлар рўйхати:**



1. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т.: 2005, 185 б.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999, 94 б.
3. Каримова В.М. Саломатлик психологияси. Т.: 2005, 78 б.
4. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2002 – 383 с.
5. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003. - 320 с.
6. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
7. [www.psychology.all.ru](http://www.psychology.all.ru)

## ГЛОССАРИЙ:

**Ижтимоий педагогика** - тадқиқот объекти бўлиб бола, ўрганиш мавзуси бўлиб эса бола ижтимоийлашуви қонуниятлари ҳисобланган педагогика фани соҳасидир.

**Ижтимоий педагогика** - болаларнинг ижтимоий тарбияси ва ижтимоий таълими қонуниятларини уларнинг ижтимоийлашуви жараёнида ўрганадиган педагогика фани соҳасидир.

**Бола ижтимоийлашуви** – уни ижтимоий ҳаётга тортиш жараёнидир. У мазкур жамиятга хос бўлган билим, қадриятлар, ўзини тутиш намуналари тизимий ўзлаштиришда мужассамлашган.

**Боланинг ижтимоий мослашуви** – уни ижтимоий муҳит шарт-шароитларига фаол мослашуви жараёни, боланинг ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсири тури.

**Боланинг ижтимоий мослаша олмаслиги** - ижтимоий муҳит шарт-шароитларига муваффақиятли мослашишга қаршилик қиладиган ундаги ижтимоий аҳамиятга эга ҳислатларнинг йўқолиб кетиши ёки шаклланмаслиги жараёни

**Ижтимоий иш** - аҳолининг ижтимоий ҳимояланган қатламларига ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Ижтимоий ишларнинг объекти инсон ҳисобланади, лекин ҳамма эмас, балки фақатгина муаммолари бўлганлари (экологик, ижтимоий, техноген, миллатлараро кескин ўзгаришлар, бурилишлар натижасида) ёки соқлом бўлмаган, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонлар бўлганлар ҳисобланади.

**Маданият** – жамиятнинг тарихий маълум бир ривожланиш даражаси, ижодий куч, инсон қобилияти одамлар ҳаётининг фаолияти шаклини ташкил этиш усули, асосан улар томонидан яратилажак моддий ва маънавий қадриятлар билан белгиланади.

**Мурувват кўрсатиш** - муҳтожларга ёрдам, хайр-саҳоват - алоҳида шахслар ёки ташкилотлар томонидан муҳтожларга ёки аҳоли ижтимоий гуруҳларига беминнат ёрдам бериш. Раҳм-шавқат, марҳамат, раҳмдиллик – барчага ёрдам бериш ёки ўзгаларни кечирриш, Қамхўрлик қилиш, инсонпарварлик.

**Ўайрия** (Муҳтожларга ёрдам, хайр-саҳоват) - муҳтож одамларга ёки аҳолининг ижтимоий гуруҳларига хусусий шахслар ёки ташкилотлар томонидан бепул текин ёрдам кўрсатиш.

**Меҳр-саҳоват** - (рахм, шавқат, марҳамат, раҳмдиллик) - раҳмдиллик, одамийлик, инсонпарварлик юзасидан кимгадир ёрдам кўрсатиш ёки кимнидир кечириш.

**Оила** – одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар доимий шакли. Ижтимоий институт, унинг доирасида одамларнинг кундалик ҳаёти асосий қисми амалга оширилади: жинсий муносабатлар, бола тарбиялаш, турмуш, бошланқич ижтимоийлашиш, маиший ҳаётнинг катта қисми, таълим ва тиббиёт хизматлари ва бошқалар.

**Хавфи бор гурӯҳ оилалари** - балоҚатга етмаганларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари болани тарбиялаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармайдиган, ёки уларга нисбатан қонуний ҳаракатлар қилаётган оиладир.

**Оиланинг ижтимоий мавқеи** – оиланинг индивидуал хусусиятлари билан унинг тузилиш ва функционал параметрлари билан мос келиши ҳисобланади.

Оиланинг қуйидаги тузилишлари хусусиятларини кўрсатилади: никоҳли эр-хотинлар мавжудлиги (тўла, расмий тўла, тўла бўлмаган) оиланинг ҳаётий цикли босқичи (ёш, етук, кекса); никоҳ тузиш тартиби (биринчи, такрорий) оилада авлодлар сони (бир ёки бир неча авлод); болалар сони (кўп болалик, кам болалик). Оилада ҳеч бўлмаганда тўртта мавқеи бўлиши мумкин: ижтимоий-иқтисодий (оиланинг моддий таъминланганлиги ҳолати); ижтимоий-психологик (оиладаги психологик муҳит); ижтимоий-маданий (оиланинг умумий маданияти); ижтимоий-аҳамиятли (оилада болага муносабатлар).

**Етимлик** – жамиятда ота-оналари вафот этган болалар ҳамда ота-оналари қаровисиз қолган болалар борлиги сабабли ижтимоий ҳолатдир.

Ижтимоий етимлик – биологик ота-оналарига эга бўлган бола, лекин улар бирор-бир сабабларга кўра болани тарбиялаш билан шуҚулланмайдилар ва унга Қамхўрлик кўрсатмайдилар; шундай ҳолатда бола ҳақидаги ташвишларни жамият ва давлат ўз зиммасига олади.

**Ота-оналари қаровисиз қолган болалар** – бу болаларнинг ота-оналари: вафот этган; ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган; ота-оналик ҳуқуқлари чекланган; номаълум сабабларга кўра йўқлар деб тан олинган; лаёқатсиз (ногиронлар); ахлоқ тузатиш колонияларида жазо муддатини ўтаётганлар, жиноят содир этишда айбланадилар ва қамоққа олинган; бола тарбиясидан бош тортадиганлар; бола вақтинчалик жойлаштирилган даволаш, ижтимоий муассасаларидан болани олиб кетишдан бош тортадилар.

**Васийлик ва ҳимоясига олиш** – етим болаларни ва ота-оналари қаровисиз қолган болаларни боқиш ва тарбиялаш ҳамда уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жойлаштириш шакли; ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш 14 ёшга етмаган болалар устидан, васийлик 14-18 ёшгача болалар устидан ўрнатилади.

**Фарзанд қилиб олиш** – фарзанд қилиб олинаётган ва фарзанд қилиб олаётганларга ота-оналар ҳамда болалар ўртасидаги мавжуд бўлган каби ҳуқуқ ва мажбуриятларни бериш юридик акт.

**Давлат қарамоқига олиш** – фарзанд қилиб олинаётган болага (етим болага) уни тарбиялаш ва ривожлантириш учун қулай, зарур шароитлар яратиб берилган махсус ташкилотларга жойлаш

**Стратификация** – (лотинча stratum - қатлам) – даромади катталигига, билим даражаси, ҳокимияти катталиги, касби обрўси катта-кичикликларига қараб юқоридан пастга қараб ижтимоий қатламларнинг жойлашиши.

**Статус** (лотинча status-вазияти, ҳолати) – индивиднинг гуруҳ ёки жамиятдаги ижтимоий вазиати (ҳолати).

**Рецидивист** (лот. Recidivus- орқага қайтувчи)- илгари жазоланган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган ва янада қаттиқроқ жазо олиши керак бўлган одам.

**Деликвент** (лотинча delingnens - ҳуқуқбузар) - ҳулқи ўзининг кескин кўринишларида жиноий жазоланадиган ҳаракатлардан иборат ҳулқи субъект.

**Деликвентлик** (лотинча delingnens – жиноий ҳаракат амалга оширувчи ҳуқуқбузар) – социологияда ва юриспруденцияда милиция рўйхатида турадиган ёки жиноий жазога олиб келиши мумкин бўлган доимий қоидабузарликларга мунтазам амалга оширувчи тарбияси қийин ўсмирнинг қонунга хилоф ҳаракатларини кўрсатиш.

**Профилактика** (лотинча prophlaktikos – олдини олувчи, сақловчи) – тарбияси қийин ўсмирлар деликвент (ноқонуний) ва девиант (оқувчи) ҳулқларини юзага келиши, тарқалишини олдини олишга қаратилган чоратadbирлар тўплами

**Пенитенциар** – (лотинча poenitens) – жиноятчиликни олдини олувчи тузатиш тизими.

**Тарбиялаш колониялари** - озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган балоқатга етмаганлар ҳамда улар 21 ёшга етгунча тарбиялаш колонияларида қолдирилишга ҳукм этилганлар жазо ўтайдиган ташкилот.

**Болалар жиноятчилиги** - Балоқатга етмаганларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган ҳамма содир этадиган ноқонуний ҳаракатлари тўпланидан иборат негатив ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатдир.

**Ўуқуқбузарлик** – бирор-бир ҳуқуқни бузувчи ҳар қандай ҳаракат. Ўуқуқбузарликлар қилмиш ва жиноятларга ажратилади.

**Жиноят** – шахсга тажовус солувчи ҳамда бошқа жиноий қонунчилик томонидан ҳимояланадиган бошқа объектларга тажавуз солувчи ва уларга жиддий зарар етказувчи жиноий қонуният билан ижтимоий хавфли ҳаракатдан иборат бўлган деликвент ҳулқи кўриниши.

**Махсус ўқув-тарбиявий ташкилот** – ижтимоий хавфли ҳулқига эга болаларни психологик-педагогик, тиббий ва ижтимоий реабилитация қилишни таъминловчи умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари.

**Аномал болалар** – меъёрий психик ва (ёки) жисмоний ривожланишда оқишганлик ҳолатида бўлган ҳамда уларнинг асоратларини енгиб ўтишда махсус коррекция (тузатиш) методикаларини қўлланилишига муҳтож болалар.

**Иқтидорлилик** – меъёрдаги ёш кўрсаткичларига нисбатан ақлий ривожланишида олинда бўлган ёки ривожланишида махсус истеъдоди бўлган (муסיқа. бадий ижодда ва ҳ.к) болалар.

**Ижтимоий меъёр** – Жамият ҳаётига мувофиқ белгиланган маданий қадриятларга монанд ва жамиятнинг барқарорлиги ҳамда яхлитлигини

таъминловчи ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ҳўлқий ва инсонлар фаолиятини, ҳатти-ҳаракатини бошқарувчи стандартлар.

**Девиянт хулқ** - Ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга мос келмайдиган, гуруҳлар ёки яхлит жамият учун мувофиқ бўлмаган хулқ-атвор.

**Деликнвет хулқ** - Ёрнатилган ҳуқуқий меъёрларни бузувчи ва ҳуқуқбузарликка олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни содир этувчи хулқ-атвор.

**Жаровсизлик** – Ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар томонидан тарбиялаш ҳақидаги Қамхўрлик қилинмайдиган болаларнинг хулқ-атвори, назоратсиз қоилиши.

**Ижтимоий-педагогик профилактика**- неготив хулқ-атворли болаларнинг ижтимоий оҚишганлик ҳолатларига олиб борадиган асосий сабаб ва шароитлардан огоҳлантиришга йўналтирилган ташкилий-тарбиявий чоратадбирлар ёки соҚлиҚи сабабли жамиятда ўз ўрнига эга бўлмаган (ногирон болалар), ижтимоий мақоми ўзгарган (етим болалар), ҳулқий оҚишган (қаровсиз болалар), ҳуқуқбузар болалар ва бошқаларнинг олдини олиш чоралари.

**Алкоголизм** – алкогольни суистеъмол қилишдир. қуйидаги турлирини кўрсатиш қабул қилинган: маиший ичкиликбозлик, сурункали ичкиликбозлик, алкогольизм психозлари.

**Болалар алкогольизми** – болаларнинг спиртли ичимликларга патологик ўрганиб қолишлари ва шахснинг итимоий барбод бўлишига олиб келиши билан ифодаланадиган болаларнинг ёмон ҳулқлари шаклидир.

**Валеолог** (лот. Vale - соҚ бўл) – болаларни соҚлом турмуш тарзига ўргатувчи мутахассис.

**Виктилизация** (лотинча victime-қурбон) – ижтимоийлашиши учун ноқулай шароит, вазиятлар, Бунинг оқибатида инсон қурбон бўлиб қолади

**Кофеденциал** (лотинча confidential - ишонич) – ишонувчи, овоза қилинмайдиган, махфий.

**Деградация** - (французча degradation) – доимий ёмонлашиш, оҚирлашиш, тушкунлик, ҳаракатнинг орқага кетиши.

**Эйфория** (грекча euphoria) – юксак қувончли, хурсандчилик кайфияти, вақтичоҚлик ва беҚамлик. Объектив вазиятга мос келмайдиган кайфият.

**Ижтимоий психология** – психология фанининг ўзига хос махсус тармоғи бўлиб, унда психик ва жамият тараққиёти қонунлари ўрганилади.

**Социология** – жамиятда юз берадиган турли-воқеа-ходисаларни ва ўзаро муносабатларни ўрганишга қаратилган фан.

**Шахс ижтимоийлашуви** - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир.

**Ижтимоий тасаввурлар** – шахсга жамият орқали таъсир этган нарса ва ходисаларнинг яққол образи.

**Муомала** – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши.

**Бошқарув** – шахс ва жамият муносабатларида ижтимоий, индивидуал муносабатларни ўрнатиш га қаратилган жараён.

**Оила** – турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик асосидаги кичик гуруҳ.

**Ижтимоий психологик эксперимент** – асосий методлардан бири бўлиб, ўзгарувчан мустақил турли ҳолат ва жараёнларнинг бошқа номуустақил ҳолат ва жараёнларга таъсир этишдаги аниқ маълумотларига таянади.

**Сўров** – асосий методлардан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот олинади.

**Анкета** – методлардан бири бўлиб, респондент тўғрисида аниқ кўзланган маълумотларни йиғиш мақсадида қўлланилади.

**Контент-анализ** – текширилаётган матнда сўз, ибора, абзацларни маъно-моҳиятини такрорланиш даражасига қараб таҳлил этиш усули.

**Кузатиш** – синалувчини аниқ мақсад, фаолият, вақт, гуруҳ билан боғлиқ равишда текшириш, ўрганиш, маълумотлар тўплаш методи.

**Тест** – синалувчини текшириш жараёнида махус қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, бу метод орқали аниқ бир психологик хусусият аниқланади.

**Коммуникатив** – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, ғоялар алмашинуви жараёни.

**Интерактив** – шахслараро муносабатларда бир-бирига ҳулқ-атвор таъсир кўрсатиш жараёни.

**Перцептив томон** – шахслараро муносабатларда тушуниш, ҳис этиш, идрок этишга қаратилган жараён.

**Босқичлар** – мулоқотда мавжуд бўлган шахснинг ўзи билан, бошқалар билан ва авлодлар орасида кечадиган жараёни.

**Шакллар** – бевосита ва бавосита тур бўлиб, юзма-юз ёки восита орқали амалга ошиши кўзда тутилади.

**Вербал** – оғзаки ифодаланган нутқ.

**Новербал** - нутқсиз ифодаланган ҳаракат, мимика, ҳолатларнинг бошқа шахсга йўналтирилиши.

**Коммуникатив** – шахслараро муносабатларда бирор маълумотнинг етказилишига қаратилган томони.

**Перцептив** – шахслараро муносабатларда бирор вазиятни, ҳолатни тушуниш, ҳис этишга қаратилган томони.

**Интерактив** – шахслараро муносабатларда бир-бирига таъсир этишга қаратилган томони бўлиб, бунда шахснинг ижтимоий мавқеи, роли муҳим омил сифатида кузатилади.

**Гуруҳ** – одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларига асосланган ижтимоий жамоа.

**Расмий** – одамларнинг биргаликдаги фаолиятларида, ижтимоий роллар тақсимоотида мавқе, мартабанинг инобатга олинishi

**Норасмий** – одамларнинг биргаликдаги мулоқот ва фаолиятларида улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, бир хил қараш ва мақсадларнинг кўзда тутилиши.

**Реал** – биргаликдаги фаолият жараёнида бевосита мулоқот амалга ошиши имконияти.

**Шартли** – одамларнинг турли белги, фаолият шаклларида кўра бирор гуруҳга тааллуқли деб қараш.

**Референт гуруҳ** – жамоа ёки гуруҳ орасида ўз таъсирига эга шахс ёки гуруҳнинг мавжуд бўлиши.

**Негативизм** - индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилиши.

**Уюшганлик** - гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, кадриятларини англашлари.

**Шаклланганлик** - одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ психологик жараён.

**Ижтимоий установа** - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлиги.

**Мобил** - шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг юқори даражада кузатилиши.

**Ригид** – шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг паст даражада кузатилиши.

**Интроверт** - шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг ниҳоятда пастлиги.

**Экстрроверт** – шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг юқорилиги.

**Доминант** – бошқалар билан муомала ва муносабат ўрнатишда ўз фикрини ўтказиш хислатининг ёрқин намоён бўлиши.

**Тобе** – мулоқот ва бошқа жараёнларда шахсда кўникувчанлик, бошқа кишиларга боғлиқлик, фикрига бўйсунуш хусусиятларининг таркиб топиши.

Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

**Психологик маслаҳат** - шахснинг турли даражадаги ўз муаммоларини яқка тартибда психолог билан таҳлил этишига қаратилган психологик хизмат тури.

**Саноат психологияси** – саноат ва ишлаб чиқаришда турли юзага келадиган муаммо ва ҳолатларни психологик ва ижтимоий омилларини таҳлил қилиб олишга қаратилган хизматлари тури.

**Таълим масканлари психодиагностикаси** – шахсни таълим тизимда қобилияти, иқтидори, истеъдодини аниқлаб олиш мақсадида олиб бориладиган психологик хизмат тури.

**Ижтимоий психология** – психологиянинг шундай соҳасики, бунда психик ва жамият тараққиёти конунлари шахс хулқ-атворида акс этиши ўрганилади.

**Методология** – тадқиқот, текшириш усули бўлиб, билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

**Шахс ижтимоийлашуви** - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир.

**Ижтимоий тасаввурлар** – шахсга жамият орқали таъсир этган нарса ва ҳодисаларнинг яққол образи.

**Илмий тахмин** – текшириш ва тадқиқот олиб бориш мақсадида илгаридан кутилиши мумкин бўлган ҳолатнинг башорат қилиниши.

**Авторитар** – ижтимоий муносабатларни ўрнатиш ва ташкил этишда раҳбар шахсининг фақат ўз фикри ва қарашларига суяниши ва амал қилиши.

**Демократик** - ижтимоий муносабатларни ўрнатиш ва ташкил этишда раҳбар шахсининг жамоа фикри ва қарашларини ҳам инобтга олиши.

**Либерал** - ижтимоий муносабатларни ўрнатиш ва ташкил этишда раҳбар шахсининг бефарқлик муносабатларини намоён этиши.

**Раҳбарлик** – бошқарувда расман ваколатларнинг шахсга берилганлиги.

**Лидерлик** – жамоа орасида турли вазиятлар таъсирида юзага келадиган раҳбарлик, лекин бу раҳбарда расмий ваколат тизими мавжуд эмас.

## **Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.-96 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997.- 36 б.
3. Андреева Г.М. Актуальные проблемы социальной психологии. М. , 1998 - 112 б.
4. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. - Тошкент, - 1994.- 96 б.
5. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Тошкент, - 1999.- 96 б.
6. Емельянов Ю.Н. Активное социально-психологическое обучение. М: 1985 ва бошқалар.
7. Андреева Г.М. "Социальная психология" Учебник 2-е изд., доп., перераб. — М.: Изд-во МГУ, 1988—432 б.
8. Асмолов А.Г. "Личность как предмет психологического исследования. М., Педагогика, 1984.
9. Акрамова Ф.А. Ижтимоий психология. Т.: ТДПУ, 2004, 89 б.
10. Ковалев А.Г. Коллектив и социально-психологические проблемы руководства. М.: Политиздат, 1975.—272 б.
11. Методология и методы социальной психологии. Отв. ред. Е.В. Шорохова. М.: Наука, 1977.—248б.
17. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с.
- 13.Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
- 14.Ғозиев Э.Г. Тошимов Р. Менежмент психологияси. Т-2001
- 15.Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
- 16.Немов Р.С. «Психология». Кн.1. - М., 2003
- 17.“Психология” Уч. Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
18. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая риторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКЦ “МарТ”, 2004-512 с.
19. Воспитай своего лидера, как находить, развивать и удерживать в организации талантливых руководителей. \ Пер. с англ.-М.: Издательский дом “Вильямс”, 2002.- 416 с.

20. Ложкин .Г.В. Повякель Н.И Практическая психология в системах “человек техника”: Учеб.пособие.- К.: МАУП, 2003 – 296 с.

21. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003. - 320 с.

**Интернет тармоғи бўйича веб-сайтлар рўйхати:**

1. [www.expert.psychology.ru](http://www.expert.psychology.ru)
2. [www.psycho.all.ru](http://www.psycho.all.ru)
3. [www.psychology.net.ru](http://www.psychology.net.ru)
4. [www.psy.piter.com](http://www.psy.piter.com)

МУНДАРИЖА		
	КИРИШ	3
1-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	4
2-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ	21
3-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ МЕТОДЛАРИ	33
4-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА МУОМАЛА ПСИХОЛОГИЯСИ	48
5-БОБ	МУОМАЛАНИНГ КОММУНИКАТИВ, ИНТЕРАКТИВ ВА ПЕРЦЕПТИВ ТОМОНЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ	58
6-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ГУРУҲЛАР МУАММОСИ	84
7-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА КИЧИК ГУРУҲЛАР ВА УЛАРДАГИ ҚОНУНИЯТЛАР МУАММОСИ	94
8-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС МУАММОСИ	105
9-БОБ	БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ	126
10-БОБ	ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ТАДБИҚИЙ СОҲАЛАРИ	147
	ГЛОССАРИЙ	159
	Фойдаланилган ва тавсия этиладиган АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	164



